

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ

КЎП ТОМЛИК

# ОЙЖАМОЛ

*Ҳаётий эртаклар*

*Иккинчи китоб*

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
БАДИИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ  
1969

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

РЕДКОЛЛЕГИЯ:

*ОЙБЕК, ҒАФУР ҒУЛОМ, ЯШИН, САРВАР АЗИМОВ, Ҳ. ЗАРИФ, М. АЛАВИЯ, РАМЗ  
БОБОЖОН*

Нашрга тайёрловчилар:

*М. И. АФЗАЛОВ, З. ҲУСАИНОВА, Н. С. СОБУРОВ*

Ўзбек халқ эртаклари томларини тузувчи: *М. И. АФЗАЛОВ*

Рассом: *Н. ҲОЛИҚОВ*

- ТИЛ ТИҒДАН ЎТКИР -

**Яхши ният — ярим давлат**

Бир бор экан, бир йўқ экан, нияти бузуқ, ҳаммани ўзидан безор қилган бир ўғри бор экан. У ўғирликдан топган пулини карта ўйнаб ютказар, ҳамма вақт ёлғонни дўндириб, кишиларни алдаб кетар экан. Бир вақт унинг иши юришмай қолибди. Қараса, ҳамма ўзини ундан четга оладиган бўлиб қолибди. Бир куни одамлардан шу юртда Хотами Тойга ўхшаган бир киши борлигини ва унинг ким нима сўраб борса, суриштирмай сўраган нарсасини беришини эшитиб, шунинг уйига борибди. Борса, оқ соқол бир нуроний одам кўрпачада ўтирган эмиш. Салом бериб кирибди. Сахий одам ҳам ўрnidан туриб кутиб олибди. Яхшилаб қорнини тўйғазибди-да, кейин: «Хизмат», дебди. Шунда ўғри йигит:

— Мен сиздан уч минг сўм пул сўраб келдим, албатта бир вақти билан қайтараман, — дебди.

— Уч минг десанг уч минг бор, болам, — деб сахий одам уч минг сўмни санаб йигитга берибди.

Йигит пулни олиши билан: «Энди сенга пулни қайтариб бўпман, топар ойда оларсан!» деб кўнглидан ўтказибди-да, жўнаб кетибди. Бир оз юргандан кейин пулни санаб кўрмоқчи бўлиб, чўнтагини пайпаслабди. Қараса, пул йўқ. Тушириб қўйган бўлсам керак, деб ўйлабди. Бу воқеани ўзига ўхшаган бир дўстига айтган экан, у:

— Э, яна бор, у лақмани яна уч мингини олмайсанми? — дебди.

Йигит сахий одамнинг олдига келибди.

— Менга яна уч минг сўм керак бўлиб қолди, мен бир вақти билан ҳаммасини қайтараман, — дебди йигит.

— Майли, яна уч мингни ол, — дебди сахий одам. Йигитга уч минг сўм пулни яна санаб берибди. Йигит яна бузуқ ниятини ишга солиб, пул берганни ичида сўкиб, жўнаб кетибди. Бир неча дақиқа йўл юриб чўнтагига қўлини тикса пул яна йўқ эмиш. Йигит хайрон бўлибди. Нима бало пулни санаб олдим, чўнтагимга солдим... Йигит хафа бўлибди, олдига ўзига ўхшаган дўстлари келган экан, уларга ҳам қарамай ўтаверибди. Охири бир чолнинг олдига бориб бўлган ишларни айтиб берибди. Шунда чол йигитга:

— Болам, «Яхши ният — ярим давлат» — деб бежиз айтмаганлар. Ниятинг ёмон бўлса қўлингдани ҳам олдирасан. Сен ҳамма ёмонликларингни ерга кўм, яхши одамлар билан бўл. Шунда сен бахтли бўласан. Сен ўша одам олдига бориб яна пул олишинг мумкин. Аммо ниятинг холис бўлсин, — деб йигитга маслаҳат бериб юборибди. Йигит «борсамми, бормасамми?» деб ўйланиб, бир неча кунни орадан кечириб, бир куни яна пул сўраб борибди. Нуроний одам ҳам: «Кел, ўғлим кел, кел. Яхши келдинг, бир ёрдамлашиб юборсанг бўларди, — деб йигитнинг олдига бир неча минг пулни ташлаб, — буларни санаб бер», деб ўзи бошқа хонага кириб кетибди. Йигит кўнглида: «Нега менинг олдимга шунча дунёни тўкиб кетди. Мендан гумон ҳам қилмади, ўғирлаб кетар деб ҳам ўйламади» — деган гапларни ўтказиб, пулларни тахлаб, санабди. Лекин бир дирамни ҳам чўнтагига солмабди. Ҳалол санаб, ниятини ҳам бузуқ хаёлларга бурмабди. Бир неча дақиқалардан сўнг уй эгаси келиб йигитга: «Хуш келдингиз, ўғлим, овқатдан олинг, чой ичинг, дам олинг», — деб, йигитнинг қорнини тўйғазиб, дам олдириб, кейин йигитдан сўрабди.

— Хўш, хизмат?

— Ота, озгина муҳтожлик бўлди. Бир оз пул бериб турсангиз, мен сизга кейин қайтариб берсам, — дебди йигит.

— Болам, истаганингни айтиб, керагини санаб олавер, — дебди сахий одам ва йигитнинг

олдига бир даста пул қўйибди.

Йигит тўрт минг сўм пулни санаб олибди-да, хайр-хўшлашиб кетибди. Ўзича ўйлабди: «Бу одамиинг олдига уч марга келдим ва ҳар сафар ҳам қўнглимга сиғган пулни олдим. Лекин бирор марта менинг на исмимни, на турар жойимни сўради. Бунчалик сахий, яхши одам бўларкан-да. Агар ўлмасам олган ўн минг сўм пулимни бир йўласи устида совғаси билан қайтараман, шу нуроний кишига бундан кейин боласидай хизмат қилганим бўлсин...»

Бир неча дақиқа йўл босгандан кейин яна қўрқа-писа чўнтагига қўлини солибди. Қараса пул турганмиш. Севинганидан бозорга борибди-да, бир косибга:

— Менинг тўрт минг сўм пулим бор, менга бир ҳунар ўргатинг, ҳам ҳунарманд бўлгунимча шу пулимни ишлатиб туринг, — дебди.

Косиб айтибди:

— Мен сени бошқа бир ҳунармандга берай, лекин пулингни ўзим ишлатай. Бир йилдан кейин пулингдан қанча фойда чиқса ҳаммаси ўзингга буюрсин, — деб, косиб йигитни гиламдўзга шогирд қилиб берибди.

Йигит бир йилда гилам тўқишни ўрганибди. Косиб эса йигит берган тўрт минг сўм пулидан йигирма беш минг сўм фойда кўрибди. Бир куни йигитни олдига чақириб:

— Болам, мен сен берган тўрт минг сўмдан йигирма беш минг сўм фойда кўрдим. Сен шу пулни ол, — деб йигитга йигирма беш минг сўм пулни берибди.

Йигит пулнинг ярмини олиб, ярмини косибга қайтарибди-да:

— Агар, сиз мени гиламдўзга шогирд қилиб бермаганингизда мен ҳунар ўрганмаган бўлардим, мен шаҳарнинг энг олдинги гиламдўзларидан бириман. Халқ мени ҳурмат қилади. Мен бахтимдан шодман. Шунинг учун менга ярми бўлади, — дебди.

Косиб ҳам йигитдан хурсанд бўлибди. Йигит пулни олиб, ўзи ҳунар қилиб тўқиган бир кичик гиламни кўтариб, сахий одамнинг олдига борибди.

— Мен сиздан уч йўласи пул олдим ва ҳаммаси ўн минг сўм пул бўлди, мендан шу омонатингизни олинг, — дебди йигит.

— Мендан, — дебди нуроний одам, — тўрт минг сўм пул олгансиз, олти минг сўм пул эса сиз эшикдан чиқар вақтингизда ҳовлимга тушиб қолган эди. Фақат сўнги олган пулингизни оламан.

Йигит сўрабди:

— Нега, ахир? Мен сиздан олиб чўнтагимга солдим, эшикдан чиқдим, қандай тушиб қолди?

— Болам, аввалги икки йўла пул олганингизда ниятингиз ёмон эди, ёмон ният билан келгандингиз, шунинг учун пул сизга юқмади. Кейин сизда яхши ният пайдо бўлиб келдингиз ва олган пулингиз фойда берди. Болам, ниятингиздан барака топинг, ҳамиша яхши ният билан бировнинг ҳовлисини босинг, — дебди ва йигитдан фақат тўрт минг сўм пулни олибди. Йигит эса ўзининг ҳунаридан совға қилиб атаган гилампи тутқазибди. Нуроний одам гиламни олиб, йигитнинг пешонасида ўпиб, фотиҳа берибди. Шундай қилиб ниятини яхши қилгани учун йигит бойибди ва ҳамманинг ҳурматиغا сазовор бўлиб яшабди. У ҳозир ҳам меҳнат қилиб яхши яшаётган эмиш.

### Доно йигит ва унинг қайлиғи

Бу эртакни мен бир беданабоздан эшитганман. Беданабоз ҳам бир беданабоздан эшитган экан.

Бир доно, ўқиган, оку қорани таниган, лекин уйланмаган бир одам бор экан. Дўстлари унга:

— Биродар, нега уйланмайсан, ёшинг анчага бориб қолди-ку? — дебдилар. Уларга ҳамиша бир жавоб:

— Бўйи бўйимга тенглар кўп, ёши ёшимга тенглар кўп, лекин ақли ақлимга, қалби қалбимга мос келадиганини излаб топа олмай хунобман, — деб жавоб бераверибди.

— Агар буниси яхши, буниси ёмон, деб юраверсанг бир умр хотинсиз ўтиб кетасан, яхшиси, бирисини сен-да, шунга уйланиб қўя қол, — дебди дўстлари.

— Майли, сизларнинг айтганингизни ҳам бир ўйлаб кўраман. Хотиржам бўлаверинглар, тўйга бош бўларсизлар, — деб дехқончилигини килиб, ўз иши билан юраверибди. Кунлардан бир куни у йиғим-теримдан бўшабди-да, зора кўнгли кўнглимга, сўзи сўзимга мос келадиган қизни топсам, деб ўзига-ўзи тасалли бериб, йўлга чиқибди. Бир неча тош йўл юрганидан кейин отига дам берибди ва ўзи ҳам озгина ухлаб ором олиб яна йўлга тушибди. Бир неча чақирим йўл босганида бир отлик киши учраб, унга ҳамроҳ бўлибди. Икковлари бир-бири билан гаплашмай бир неча чақирим йўл юришибди. Охири доно йигит ҳамроҳига:

— Ё сиз менга мингашинг, ё мен сизга, — дебди. Ҳамроҳ бўлган киши ҳам гапнинг маъноси шу экан, деб отини яна қистаб ҳайдаб:

— Мингашишнинг кераги борми? Отларимиз яхши-ку, — деб йўлни босаверибди.

Яна бир тош йўл гап-сўзсиз ўтибди. Улар бир қишлоқнинг чеккасидан чиқибдилар. Қарасалар бир тобутни одамлар кўтаришиб ўтаётган эмишлар. Доно йигит ҳамроҳидан сўрабди:

— Бу тобутда ётган кимса ўликми ё тирикми? Ҳамроҳ доно йигитга бир қарабди-да, ўзича: «Бу кишининг эси жойидами ўзи, тобутда ётган тирик бўларми ҳеч», деб, индамай йўлни давом қилаверибди. Доно йигитнинг саволи жавобсиз қолибди. Яна бир неча тош йўлни гап-сўзсиз босиб ўтибдилар. Бир буғдойзорнинг устидан йўли тушибди уларнинг. Шунда доно йигит ҳамроҳига буғдойзорни кўрсатиб:

— Бу буғдой ейилганми ё ейилмаганми? — деб савол борибди.

Ҳамроҳи яна: «Бир жинни билан йўлдош бўлган эканман-да», дебди ўзича ва индамасдан йўлини давом қилдираверибди. Бир неча дақиқа йўл босганларидан кейин шаҳарга кирибдилар. Йўллари бир ҳовлига келибди, бу уй доно йигит ҳамроҳининг уйи экан. Шунда доно йигитга қараб ҳамроҳи:

— Мана, мен уйимга етдим, энди сиз ҳам отдан тушиб бир пиёла чой ичиб кетсангиз, — дебди.

— Ичсам ича қолай, марҳаматингиз қайтмасин, — дебди доно йигит. Отдан тушибдилар ва ичкари киришибдилар. Уй эгасининг хотини ва қизи бор экан. Хотини чой тайёрлашга кетганида қизи отасидан сўрабди:

— Ота, бу йўлдошингиз ким бўладилар?

— Қизим, сўраб нима қилардинг, бир жинни билан йўлдош бўлган эканман, йўлимиз уй устидан тушди, уйга қиринг, деб истар-истамас айтган эдим, «Марҳаматингиз қайтмасин», деб кирди, — дебди отаси.

— Нимаси жинни бу йигитнинг, ота? — сўрабди қизи.

— Саволларими, гап-сўзим, нимаси эканини билмайман, ишқилиб сўзи тузсиз экан.

— Отажон, нималарни сўзлади у йигит?

Отаси қизига йигитнинг учта саволини ва ўзининг жавоб бермаганини айтиб берса, қизи отасига қараб:

— Отажон, бу йигит жинни эмас, ёмон ҳам эмас. Бу йигит доно экан. Агар сиз бу йигитнинг саволларига тўғри тушунсангиз бир дунё маъно топардингиз. «Ё сиз менга мингашинг, ё мен сизга мингашай», дегани, «Сиз сўзланг, ё мен сўзлай», дегани. «Тобутда ётган ўликми ё тирикми?» дегани, «Бу кишининг кетида фарзанди қолдимми ёки бефарзанд дунёдан ўтдимми?» дегани. Учунчиси эса, «Бу буғдой сотилганми ёки сотилмаганми?» дегани, — дебди.

Ота йигитнинг олдига чиқиб чой ичиб ўтирибди, у шунда:

— Йўлда хаёлим уйда бўлгани учун саволларингизга жавоб бера олмаган эдим, — деб йигитнинг йўлда берган саволларига жавоб берибди.

Шунда доно йигит: «Бу ерда бир сир бор», — деб кўнглидан ўтказибди-да, сўрабди:

— Уйингизда кимларингиз бор?

— Бир хотиним ва камолга етган бир қизим бор, — дебди у киши.

— Ундай бўлса тўғри гапиринг, бу саволларимнинг жавобини шу икковидан бири айтиб бермаганмикан?

— Тақсир, шундай, қизим айтиб берди, — дебди соддалик қилиб уй эгаси.

— Ундай бўлса мен муродимга етдим, — дебди доно йигит, — мен кўнгли кўнглимга, сўзи сўзимга мос умр йўлдоши излаб йўлга чиққанман. Айб қилманг, қизингиз билан бир дақиқа кўришмоқ муродини берсангиз, мен қизингиз билан юзма-юз учрашиб бир калима сўзлашсам, — дебди йигит.

Бу гапларни қиз ҳам тинглаб турган экан. Қиз ўзича севинибди. Доно йигитнинг хотини бўлишни жону дилдан истабди. Қизнинг отаси ҳам бир оз ўйланиб қолибди-да, йигитга қараб:

— Сизнинг илтимосингизни қизим билан кенгашиб чиқаман, — дебди.

Ота шу сўзни айтиб қизининг олдига чиқибди. Қизи ҳам бир синаб кўриш мақсадида отасига: «Бориб айтинг, қизим кўр, қулоғи гаранг, оёғи ланг», денг. Агар шунда ҳам менга ўйланишни истаса, майли.

— Ёлғон гапни қандай айтаман, қизим, — дебди отаси.

— Шундай деяверинг, хоҳласа шу, хоҳламаса йўқ, — дебди сирли қулиб қизи.

Қизининг бу сўзларини эшитиб отаси меҳмон йигитнинг олдига чиқибди ва бир оз ўтиргандан кейин:

— Йигит, сиз қизимни кўришни истаган эдимгиз, лекин айбли нарсани бировга кўрсатиш ёмон. Қизимнинг айби кўп, — дебди.

— Нима айблари бор қизингизнинг, — дебди йигит.

— Қизимнинг айблари шу: — кўзи кўр, қулоғи гаранг, оёғи ланг.

— Шундайми? — дебди йигит ва бир оз ўйланиб қолибди, йигит ўзича: «Кўзи кўр дегани ёмонни кўрмагани, қулоғи гаранг дегани ёмонни эшитмагани, оёғи ланглиги ёмон йўлга юрмагани бўлса керак. Бу гапларни қиз ўргатган» — дебди-да, мезбонга:

— Майли, мен шу қизни ўзимга лойиқ кўрдим, кетидан афсусим йўқ, — дебди.

Қиз бу гапларни ҳам эшитибди. Кейин отаси қизни йигитнинг олдига келтирибди.

— Мана менинг қизим, — дебди.

Қиз билан йигит бир-бирларига бўй-басти билан ҳам, эшитган-билган гап-сўзлари билан ҳам мос келибди. Отаси бир қизига, бир йигитга қараса, гўёки бир олмани икки бўлиб қўйгандай эмиш. Шундай қилиб, ҳаммаларининг розилиги билан тўй бўлибди, тўйда йигитнинг дўстлари, қизнинг қариндошлари хизмат қилишибди. Шундай қилиб, қиз билан йигит ҳам, тўйда бўлганлару эшитган-билганлари ҳам муроду мақсадига етибдилар.

## Доно қиз

Қадим замонда бир подшо ўтган экан. Кунлардан бир кун подшо ўз элига иккита савол берибди.

— Шириндан ширин нима? Аччиқдан аччиқ нима?

Подшо бу саволни ечиш учун одамларга қирқ кун муҳлат берибди: «Агар ҳеч ким саволни еча олмаса, юртга қирғин соламан», дебди. Бу саволга ҳеч ким тўғри жавоб топа олмабди. Подшо зулмидан кўрққан халқ бошқа томонларга қараб қочиб кета бошлабди.

Шу мамлакатда бир камбағал чол қизи билан кун кечирар экан. Кўчадаги шовқинларни эшитиб, қиз ташқарига чиқиб қараса, одамлар тўп-тўп бўлиб қочиб кетяпти. Қиз улардан нима сабабдан қочаётганликларини сўрабди. Шунда қочаётганлардан бири шундай дебди: «Подшо

бутун халққа савол берган. Саволини ечиш учун қирқ кун муҳлат қўйган. Агарда ҳеч ким ечолмаса, юртга қирғин солади».

Шунда қиз отасини чақириб, унга:

— Отажон, сиз подшонинг олдига бориб саволини ечинг ва юртни зулмдан қутқаринг. Биринчи саволга:— Шириндан ширин — бола ширин. Иккинчи саволга: Аччиқдан аччиқ — ўлим аччиқ, денг, — дебди.

Чол подшонинг олдига бориб, саволига жавоб берибди. Подшо чолдан ким айтганини сўрабди. Чол ўз қизининг айтганини маълум қилибди. Чол қизининг донолигига подшо ҳайрон қолибди. Қизнинг донолигини яна синаш учун подшо одамларига: «Бориб айт, ўша қиз хўкизни болалатиб берсин», — дебди. Бир қанча кундан кейин подшо одамлари қизнинг олдига келиб: «Хўкизни болалатдингми?» деб сўрабдилар. Шунда қиз: «Дадам ҳаммомга туққани кетган, келса жавобини айтаман», дебди. Келган одамлар қаҳ-қаҳ уриб кулишиб: «Ҳеч вақт эркак киши ҳам туғадими?» деганда, қиз: «Хўкиз болалаганда, нима учун эркак киши туғмасин?» деб одамларни мот қилибди.

Бу гапни одамлар подшога айтиб берибдилар. Подшо қизнинг ақллилигига қойил қолибди ва қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша бериб қизга уйланибди.

Кунларнинг бирида подшо овга кетибди. Дарвозанинг олдида одамларнинг жанжаллашаётган товуши қизнинг қулоғига эшитилибди. Қиз қараса, иккита қўйчивон можаро қилиб турган экан. Шунда қиз улардан жанжалнинг сабабини сўрабди. Ҳар иккисининг ҳам иккиқат қўйи бор экан. Кечкурун биттасининг қўйи туғиб, иккинчи қўйнинг тагига ётиб олибди. Қиз икковининг можаросини тўхтатиб турганда подшо келиб қолибди. Хотинининг кўчага чиқиб турганини кўриб, ғазабланибди ва саройдан хоҳлаган нарсасини олиб отасининг олдига жўнашини айтибди. Шунда қиз кетмасдан туриб, подшо билан охириги марта ўтириш қилиб, зиёфат беришни сўрабди. Подшо рози бўлибди.

Қиз хилма-хил нозу неъматларни подшонинг олдига қўйиб, роса ичирибди. Шунда подшо маст бўлиб, ётиб қолибди. Қиз соябон аравага подшони ётқизиб, аравакашга бозорларни айлантириб юришни айтибди. Бир вақт подшо кўзини очиб қараса, хотини билан аравада бозорларни айланиб юрган эмиш. Шунда подшо хотинидан:

— Нима учун мени бундай қилиб олиб юрибсан? — деб сўраса, у шундай дебди:

— Эй подшоҳим, ўзингиз уйдан хоҳлаган нарсангни олиб, отангникига кет, дедингиз. Уй ичидан хоҳлаганим сиз эдингиз, энди уйга олиб кетяпман, — дебди.

Подшо қизнинг донолигига, ақллилигига қойил қолиб, у билан яна турмуш кечираверган экан.

## Уч авлиё

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ, экан, жуда қадим замонларда Давлатшоҳ деган бир подшо бор экан. Бу подшонинг эси пастроқ бир ўғли бор экан. Кундан-кун, ойдан-ой ўтиб, бола йигирма беш ёшга кирибди. Лекин ақлда ёшига етмабди. Подшо анча қариб, белидан қуввати, кўзидан нури кетибди.

Кунлардан бир куни, подшо олтин тахтада ўтириб: «Мен жуда қариб қолдим, энди унча узоқ яшамасам керак. Ўрнимга кимни қўйсам экан, ўғлимни подшо қилай десам, эси пастроқ бўлса, шунча йиллардан бери тўплаган молимни бир-икки ойга ҳам етказмай, совуриб юборади», — деб узоқ вақт ўйланиб ўтирибди. Бир вақт бир нарса эсига келгандай, бирдан сакраб ўрnidан туриб кетибди. «Ҳа, топдим, — дебди ўзига ўзи, — ўғлимни бирон бир ақли қизга уйлантираман. Хотини унга ақл бўлади». Подшо шундай дебди-да, ўғлини чақиртирибди.

— Ўғлим, мен ёшимни яшаб бўлдим. Энди узоққа боролмасам керак. Сени уйлантириб,

ўрнимга подшо кўтарсам, нима дейсан, — дебди.

— Сиз шундай дейсизу, мен йўқ дермидим. Майли, уйлантирсангиз уйлантиринг, — дебди ўғли.

Подшо:

— Кимни олиб берай, ўғлим? — деб сўрабди.

— Кимни истасангиз ўшани олиб беринг, — дебди ўғли. Подшо, ўғлини йўлга солиб юрадиган ақлли келинни роса ахтарибди, охири бир подшонинг қизини уч кун тўй-томоша қилиб, ўғлига олиб берибди.

Орадан уч кеча-ю уч кундуз ўтибди. Эрталаб подшо ўғлини ёнига чақириб:

— Қалай, хотиндан мамнунмисан, ўғлим? — деб сўрабди.

— Менга ёқмади, ёмон аёл экан, — деб жавоб берибди ўғли.

— Энди нима қиласан, — дебди подшо.

— Келган жойига элтиб қўяман, — дебди ўғли. Подшо у дебди бўлмабди, бу дебди бўлмабди. Ўғли хотинини уйига элтиб қўйибди. Орадан уч кун ўтказиб туриб отасига шундай дебди:

— Ота, мени уйлантириб қўйинг.

Подшо «хўп» деб, яна ўғлига хотин излаб шаҳарма-шаҳар, мамлакатма-мамлакат кезиб чиқибди. Охири бир подшонинг қизини топиб, уч куни тўй-томоша қилиб олиб берибди.

Орадан уч кеча-ю уч кундуз ўтибди, эрталаб чой ичиб ўтириб подшо:

— Қалай, ўғлим, бу хотинингдан мамнунмисан? — деб сўрабди.

— Йўқ, — дебди ўғли. — Бу ҳам менга ёқмади, ёмон хотин экан.

Подшо нима дейишини билмай ўйланиб қолибди. Кейин ўғлидан сўраб қолибди:

— Энди нима қилмоқчисан?

— Туғилиб-ўсган жойига жўнатиб юбормоқчиман, — деб жавоб берибди ўғли.

Подшо ўғлини кўндиришга ҳаракат қилибди, бўлмабди, қизни ўз уйига элтиб қўйибдилар. Кунлар кетидан кунлар, тунлар кетидан тунлар ўтаверибди. Бир куни подшонинг ўғли отасига қараб:

— Ота, мени уйлантириб қўйинг, — дебди.

Подшо «хўп» дебди. Яна ахтариб-ахтариб бир подшонинг қизини уч кеча-ю уч кундуз тўй қилиб ўғлига олиб берибди. Подшовачча бу хотини билан ҳам уч кеча-ю уч кундуз туриб, «ёқмади», деб уйига элтиб қўйибди. Кейин подшовачча отасига қараб, «уйлантириб қўнинг» деган экан, отаси шундай дебди:

— Ўғлим, шунча хотин олиб бердим. «Бирини ўпоқ, бирини сўпоқ», деб ҳайдаб юбординг. Энди отга мингин-да, ўзинг ахтариб топгин.

Подшовачча отасидан бу гапни эшитиб, отига миниб, қиз ахтариб кетибди. Шаҳарнинг обод бир жойига келганида бир қизга кўзи тушибди. Қиз жуда ҳам чиройли эмиш. Ой деса оғзи, кун деса кўзи бор эмиш. Шаҳзода қизни кўриб, ёқтириб, эшигига белги қилиб, дарров орқасига қайтибди. Саройга келиб, отасига ёқтирган қизининг турар манзилени айтибди. Отаси уч кеча-ю уч кундуз тўй-томоша қилиб, ҳалиги қизни ўғлига олиб берибди. Орадан уч кун ўтказиб туриб, подшо ўғлидан:

— Қалай, бу хотинингдан мамнундирсан ўғлим, — деб сўраб қолибди.

Шаҳзода олдинига «ҳе, бу ҳам ёмон хотин», деб айтишга огиз ростлабди-ю, аммо қизчинг ҳусни жамолини кўз олдига келтириб, уни уйига элтиб қўйишга кўзи қиймай, «яхши!» деб юборибди. Подшо хурсанд бўлиб, тагин уч кунлик тўй-томоша қилибди.

Кунлар кетидан кунлар, тунлар кетидан тунлар ўта берибди, подшо жуда қартайиб, ҳатто сўроқ сўрашга ҳам ярамай қолибди. Ўларини билиб, подшолик ҳукми етган жойларига вазиру амалдорларини юбориб, етти йиллик хирожни ундириб олиб, ҳеч кимга билдирмай ертўлага кўмдирибди. Кейин ёнига келинини оливолиб ертўлага кирибди:

— Болам, — дебди подшо олтинларини кўрсатиб, — менинг ўларим бор, қоларим йўқ. Белимдан қувватим, оёғимдан дармоним, кўзимдан нурим кетди. Эрингизнинг эси паст, шунинг учун ҳам мендан кейини юртга подшо бўлишига ақлим етмайди. Мана бу кўмган хумлардаги олтинларни тежаб-тергаб сарфласанглр, бир умрга етади. Менинг вафотимдан кейин олтинларнинг тасарруфини сиз қўлга олинг, — дебди.

Кўп ўтмай подшо оламдан ўтибди. Подшонинг маросимлари ўтгандан кейин:

— Энди қўлингиз бир оз бўшади, бозорта бориб майда-чуйда харид қилиб келсангиз, — дебди хотини подшоваччага.

Подшовачча «хўп» деб хизматкорига халта-хултани кўтартириб бозорга кетибди. Бозорга бориб қараса, ёнида пули йўқ эмиш. «Эсдан чиқариб қолдирибман», — деб уйига қайтибди. Уйига келса, хотинининг ёнида жуда ҳам бесунақай шопмўйлов бир барзанги ўтирган эмиш.

— Ким бу, — деб сўрабди подшовачча.

— Тоғамнинг ўғли, бозорга келган экан, кўриб кетай деб келибди.

Йигит хотинининг гапига ишониб, бозор қилиб келибди. Зиёфат катта бўлибди, арағу шарақ авжига чиқибди. Подшовачча маст бўлиб қолибди. Хотини уни эски-туски кўрпачага ўраб қўйиб, ўзи ҳалиги барзанги билаи қават-қават кўрпаларда эрталабгача кайфу сафо қилиб чиқибди. Чоштгоҳ бўлганда подшовачча ўрнидан турса, ёнида хотини ўтирган эмиш.

— Кўп ухлаб қолдингиз, — дебди хотини, — тулинг, чой ичайлик!

Подшовачча ўрнидан турибди, ҳеч нарсани пайқамабди.

Кунлар кетидан кунлар, тунлар кетидан тунлар ўтаверибди. Бир куни подшоваччанинг хотини:

— Бозорга бориб, бозор қилиб келсангиз-чи, — дебди. Подшовачча «хўп» деб бозорга кетибди. Бозорга бориб ёнини қараса, пули йўқ. Олиб келай, деб уйига келса, хотини келишган, хушмўйлов бир йигитча билан апок-чапок гаплашиб ўтирган эмиш.

Подшоваччанинг жаҳли чиқиб:

— Бу ким? — деб сўрабди.

— Мени кўргани амакиваччам келган экан, — деб жавоб берибди хотини.

Подшовачча хотинининг гапига ишониб, уларни қолдириб бозорга кетиб, кечга яқин бозорни қилиб қайтиб келибди. Туни билан базму ишрат қилишибди. Ярим кеча бўлганда подшовачча қаттиқ маст бўлиб қолибди, хотини уни эски-тускига ўраб қўйиб, ҳалиги амакиваччам, деган йигит билан эрталабгача кайфу сафо қилиб чиқибди. Бир пайт подшовачча боши оғриб, кўзи тиниб ўрнидан турса, ёнида хотини ўтирган эмиш.

Подшовачча бу сирни кимга айтишни билмай роса хайрон бўлибди.

Отасининг бир ўртоғи бор экан. «Яхшиси, отамнинг ўртоғига айта қолай», дебди подшовачча. Отасининг дўстининг йўлини пойлаб кўча эшик тагидаги супада ўтирган экан, бир пайт ўтиб қолибди.

— Амаки, сизда маслаҳатли зарур бир ишим бор эди, — деб подшовачча бўлган воқеаларни унга айтиб берибди.

— Бу гапни илгарироқ айтишингиз керак эди, шахзода, — дебди отасининг дўсти. — Биринчи марта хотининингизнинг тоғаваччаси келган экан, иккинчи марта амакиваччаси келибди. Бу гал аммаваччаси келади. Аммо шуни бир билиб қўйингки, хотинингизнинг аммаваччаси хў бозорнинг рўпарасидаги катта дўконнинг эгаси — бой бўлади. У бир кунлик савдосининг пулини ёнига тугиб келади. Энди сиз бундоқ қилинг: кечқурун яхшилаб зиёфат ташкил қилинг, бозордан битта эчки терисини сотиб олиб, уни саноч қилдириб, уни ичингиздан осиб олинг. Кечқурун ичкиликка ўтирганда, ҳадеб кистай беринг. Ўзингиз арокни ичган бўлинг-да, саночга қуя беринг. Мабодо саноч тўлиб қолса, биронта баҳона топинг-да, эшикка чиқиб уни тўкиб кириг, ярим кеча бўлганда ўзингизми мастликка солинг. Кейин нима бўлишини кўраверасиз.

Подшовачча хотинининг «бозорга бориб келинг», дейишини кутиб юрибди. Бир куни



хотини подшоваччага:

— Бундоқ бозор-ўчарга бориб келсангиз-чи, уйда ёғ ҳам қолмабди, — деб қолибди.

Подшовачча аввалгидек бамайлихотир «хўп» деб бозорга жўнаб кетибди. Бозорга бориб, катта бир эчкининг терисини сотиб олиб, саноч қилдириб, уни ичидан қорнига осиб олибди.

Уйига эртароқ келиб қараса, хотини мўйлови буралиб қулоғидан ошган, кўзлари олайиб қинидан чиққан бир киши билан бемалол гаплашиб ўтирган эмиш. Подшовачча хотинини четроққа чақириб, қулоғига секин:

— Ким бўлди бу? — деб шивирлабди.

— Аммаваччам, бозорга тушган эканлар, йўл-йўлакай жиянимни кўриб кетай деб кирибдилар, — деб жавоб берибди хотини.

Шунда подшовачча:

— Жуда яхши, — деб зиёфатни бошлаб юборибди. Дастурхон устида арағу шарақ, мева-ю чевалар тўлиб-тошиб ётган эмиш.

Подшовачча арақни устма-уст сузибди. Ўзи ҳам ичибди, хотинининг «аммаваччаси» ҳам бетўхтов ича берябди. Бир пайт подшоваччанинг ичига осиб олган саноч тўлиб қолибди, ҳеч кимга сездирмай ташқарига чиқиб тўкиб келиб, ўзини мастликка сола берибди. Шунда хотин эски кўрпачаларни солибди. Бир имо қилган экан, ҳалиги киши подшоваччани даст кўтариб кўрпачага ётқизибди. Подшовачча кўрпачанинг йиртиғидан қараб турса, хотини кимхобу атлас кўрпаларни тизза бўйи қилиб солиб, ҳалиги одамнинг олдига келиб, эркаланиб, қучоқлаб, тиззасига ўтирибди. Бой ҳам хотиннинг белидан қучиб, даст кўтариб кўрпачага қараб отибди. Кўрпада иккови суҳбатлаша кетибди. Буни подшовачча эшитиб ётган эмиш.

— Шу тентакка хотин бўлгунча, менга хотин бўла қолсангиз бўлмайдими? — дебди бой.

— Бу жинниваччага хотин бўлишимнинг боиси, — дебди хотин, — ертўладагн отасидан қолган олтинни қўлга киритишдир. Олтинларни қўлга олган куним бу ердан гумдон бўламан-да, сизга тегаман. Башараси қурсин, бу сассиқ алафни.

— Бу кўп ичиб қаттиқ маст бўлиб қолди. Мақсадингизни шу бугуннинг ўзидаёқ амалга ошириб қўя қолайлик. Олтинларни жойидан олампз-да, бизникига кетамиз-қоламиз, — дебди бой. Хотин:

— Бугун олтинлар қаердалигини билиб олинг, бошқа куни оламиз, — дебди.

Иккови ўрnidан туриб, етаклашиб, ертўлага тушишибди. Подшовачча уларнинг орқасидан чиқибди. Хотин ўйнашига олтин солинган хум кўмилган жойни кўрсатибди. Подшовачча жойига қайтиб, уйкуга кетган бўлиб, хуррак отиб ёта берибди. Хотини эрталабгача бой билан айш-ишрат қилиб чиқибди. Подшовачча уйкудан турган бўлиб, кўзини очса, ёнида хотини «яхши ухлаб турдингизми» деб турган эмиш.

Подшовачча ҳеч нарсани сезмагандай, хотинига яхши сўзлар айтиб, қулиб, эркалабди. «Кечаги воқеани айтай-чи, отамнинг дўсти нима маслаҳат берар экан», деб ўйлаб, кўчага чиқибди. Кўчада отасининг дўстини кўриб қолибди. Уни чақириб, тўхтатиб, бир чеккага олиб чиқибди-да, кечаси рўй берган воқеаларни биттасини ҳам қолдирмай айтиб берибди.

— Бўлмаса, бундоқ қиласиз, — деб маслаҳат бериби отасининг дўсти, — бозорга бориб бақувват-бақувват йигитлардан тўрттасини танлаб оласиз. Уларни уёга олиб келиб, «фалон сўмдан бераман, мен айтган нарсамни индамай бажарасизлар», деб тайинлайсиз. Кейин хотинингизни ташқарига олиб чиқиб, роса дўппослайсиз, хотинингиз жонидан ўтгандан кейин, «дод» деганича аммаваччаси бўлмиш бойникига етиб боради. Бойни етаклаб, сизни бошлаб шаҳар қозисининг олдига боради. Хотинингиз чиқаман дейди, сиз тўйда ўн минг кетган, тўласин, дейсиз, охири беш минг берса рози бўлаверинг. Кейин уйни сотишни айтинг, баҳосини йигирма минг тилла денг, кейин нима бўлишини кўра берасиз.

Подшовачча отасининг дўстидан бу маслаҳатни эшитиб, уйига кириб:

— Хотин, мен бир бозорга бориб келай, — дебди. Бозорга бориб тўртта, тоғни урса талқон

қиладиган йигитлардан ёллаб олиб уйга қайтибди, уларни хотинига билдирмай меҳмонхонага жойлабди. Подшовачча чой устида хотини билан гап таллашиб қолиб, уни ташқарига судраб чиқиб роса ийлабди. Хотин, «дод» деганича кўчага югуриб чиқиб, тўппа-тўғри дўкандор бойниқига борибди. Уни эргаштириб уйга қайтиб, подшоваччани ҳам олиб, шаҳар қозисининг олдига борибди:

— Қози почча, — дебди хотин, — мени мана бу золимдан ажратиб қўйинг. Бўлмаса, бирдамас-бирда уриб ўлдириб қўяди.

Шунда йигит ҳам:

— Мен ҳам ажраламан, аммо тўйда сарфланган ўн минг тиллани қайтарсин, — дебди.

Орада яна жанжал кўтарилибди, хотин «беш минг бераман» деса, подшовачча «ўн минг берасан» дермиш, охири қозининг ҳукми билан хотин беш минг тилла берадиган бўлибди. Подшовачча пулни санаб, ёнига солиб олибди. Кейин қозига юзланиб туриб:

— Қози почча, — дебди, — хотиндан ажралдим, энди шаҳарда туриш менга ўлим, ҳовлимни сотиб, бошқа юртга кетаман. Ҳовлимни сиз олмайсизми?

Бу гапни эшитиб, бой билан хотиннинг кўзлари қинидан чиқиб кетай дебди. Шошиб-пишиб, бирданига «неча пулга сотасан?» — деб сўрашибди.

— Йигирма минг тилла, — дебди подшовачча.

Қози ўн минг тилла қилибди. Хотин билан бой, ертўладаги олтин тўла хумларни ўйлаб, ҳали замон қози йигирма мингга бўлса ҳам олиб қўяди, деб ваҳимага тушиб, «Маيلي, айтган йигирма минг тилланга биз оламиз», дейишибди.

— Қози поччам рози бўлиб ҳукм қилсалар, мен нима ҳам дер эдим, — дебди подшовачча.

Қози ҳовлини йигирма мингга ҳукм қилибди. Бойда ўн минг тилла бор экан, холос, қолган ўн минг тиллани ундан-бундан қарз-ҳавола қилиб топиб, подшоваччага берибди. Подшовачча: «Ўн кундан кейин кўчиб кела беринглар», деб айтибди.

Беш минг хотин пули, йигирма минг уй пулини ёнига тугиб олиб, подшовачча тўппа-тўғри ҳалиги отасининг дўстиникига келибди. Бўлган воқеаларни ипидан игнасиғача қолдирмай батафсил айтиб берибди.

— Бўлмаса, ҳар бир дақиқа ғанимат, мен тўрт кишилиқ палов тайёрлаб тураман, сен дарров бориб, ҳалиги тўрт мардикорни олиб кел, — дебди отасининг дўсти.

Подшовачча бориб, кутиб турган тўрт мардикорни етаклаб келибди, ошни еганларидан кейин уйга бориб ертўлага кўмилган хумдаги тиллани олиб, яна отасининг дўстиникига келибди. Тўрт мардикорга айтган пулини бериб жавоб бериб юборибди.

Орадан ўн кун ўтибди, подшовачча бир боладан бойга:

— «Уйни бўшатдим, бемалол кўчиб кела беринг!» — деб хабар юбориб, ўз иши билан банд бўла берибди.

Эндиги гапни бой билан хотиндан эшитинг: Боладан уйнинг бўшатилганини эшитган бойнинг суюнганидан юраги ёрилиб кетай дебди. Бой билан хотин шошиб-пишиб уйга кўчиб келишиб, «аҳмоқ подшоваччани роса боладик-да!» дейишибди.

Эртасига икки минг тилла қарз олган савдогар бойни чақириб келиб қолибди.

— Бой, олган икки минг тилла қарзингизни берсангиз мен савдога жўнайдиган бўлиб қолдим, — дебди.

— Хўп бўлади, ҳозир олиб чиқаман, — деб бой хотинининг олдига борибди.

— Савдогар икки минг тилласини қистаб келибди, қани юр хотин, ертўлага кўмилган хумдаги тиллаларни олиб чиқайлик, — дебди.

Икковлашиб ертўлага тушишибди. Қарашса, хум йўқ эмиш, куп-қуруқ ўра турган эмиш, холос.

— Бу қандай гап бўлди, манжалақи! Сен мени уйимдан, бор пулимдан айирибгина қолдирмай, ўн минг тилла қарздор ҳам қилиб қўйдинг-ку! — деб, бой ёнидан пичоғини олиб

хотинга урибди. Хотин ертўладан чиқиб, ташқарида жон берибди. «Буни кўрса, мени олиб бориб осишади. Осилгандан кўра пичоқда ўлганим маъкул», деб бой пичоқни ўзига урибди. Бир нафасда бой ҳам ўлибди.

Савдогар, бой бобо нега кечикиб кетди, деб узангига оёғини тираб девордан қараган экан, ҳовлида бир хотин билан бир эркак киши қип-қизил қонига беланиб ўлиб ётган эмиш. Ўликнинг бой эканлигини таниб қолиб, «Оббо, худо қоқ-тепамдан урди-ку, қарзимни тўлагандан кўра ўлганим маъкул деб, бойи тушмагур олдин хотинини ўлдирган, кейин ўзига пичоқ урган. Энди бу ердан тезроқ қочиб қолмасам бўлмайди, бирон киши кўриб гувоҳликка ўтасан деб, қозима-қози судраб юради», деб савдогар ҳам келган томонига қуён бўлибди.

Эндиги гапни подшоваччадап эшитинг: Подшонинг дўстини ўн олти ёшли гўзал бир қизи бор экан. Тўй-томоша қилиб қизни подшоваччага берибди. Кундан-кун ўтиб подшоваччанинг хотини ҳомиладор бўлибди, ой-куни ҳам яқинлашиб қолибди.

Подшонинг Яман вилоятида Ҳожи Асат деган карвонбоши ошнаси бўлар экан. Савдо иши билан ҳар йили бир келиб кетар экан. Ўша йили ҳам келиб, карвон саройига тушибди. Саройбондан подшонинг ўлганини эшитиб, қаторидаги қирқта карвони билан фотиҳа ўқигани борибди. Подшовачча ва унинг қайнатаси карвонбошини роса зиёфат қилишибди. Кетиш олдида подшоваччанинг қайнатаси:

— Марҳаматли карвонбоши, куёвимизни бирга мамлакатингизга олиб кетсангиз. Ҳеч бўлмаса савдогарчиликни ўргансин, — дебди.

Карвонбоши:

— Бу бола ҳеч ерга бормаган, ҳеч ерни кўрмаган, қандай қилиб савдогарчилик қила олади, — дебди.

— Сизнинг раҳбарлигингизда савдо-сотикни ўрганиб олса ажаб эмас, — дебди қайнатаси.

— Хўп, олиб кетсак олиб кета қолайлик, — дебди карвонбоши.— Тайёрликни кўра берсин, биз туялардаги нарсаларни пул қилиб, қайтиб келиб, олакетамиз.

Қайнатаси куёвига савдо-сотикни ўрганинг деб, қирқ туяга мол қилиб берибди. Боз устига икки хизматкор, уч от берибди.

Карвонбоши молларини пуллаб, кеч пайт кириб келибди. У куни ҳам зиёфат устига зиёфат бўлибди. Эрталаб тонг отар пайтида подшовачча карвонбоши билан йўлга тушибди. Кетиш олдида қайнатаси:

— Болам, ҳамма вақт Қоровой карвонбошининг гапига кулоқ солинг. Нима деса ўшани қилинг. Йўлда катта бир дарёдан ўтасизлар, дарёдан ўтгандан кейин «Манзилобод» деган мазгил келади. Шу мазгилда асло ётманглар, — деб тайинлабди.

Подшовачча Қоровой карвонбоши бошчилигида «ҳайё-ху» деб йўлга тушибди. Йўл юришиб, йўл юришса ҳам мўл юришиб, бир дарёни азимга етиб келишибди. Бир илож қилиб, дарёдан ўтиб олиб, йўлни давом эттиришибди, кундан-кун, ойдан-ой ўтиб, бир манзилга етиб келишибди. Бундай жойни ҳали ҳеч ким кўрмаган эмиш. Турли-туман гуллар очилиб, шохларида булбуллар сайраб турган эмиш. Карвонбоши: «Турғунбой аканинг тайинлаган жойи шу бўлса керак», деб бу манзилда ётиб қолмасликларини айтибди.

— Шундай обод жойда дам олмай қаерда дам оламиз. Бунинг устига кун кетиб қолди, кечаси қоронғида тимирскиланиб-туртиниб юргандан кўра шу ерда қолганимиз маъкул эмасми, — деб сўзида туриб олибди подшовачча.

Қоровой карвонбоши билан карвонлар бир томон бўлибди, подшовачча бир томон бўлибди. «Бу жойда тўхтамаймиз», — деб улар айтишармиш. «Йўқ, бу жойдан яхшироқ жой тополмаймиз», деб подшовачча айтар эмиш. Охири бўлмабди, Қоровой карвонбоши подшоваччанинг ёлғиз ўзини қолдириб жўнаб кетмоқчи бўлибди. Кейни: «Қайнатаси менга ишониб қўшиб берган эди, буни ёлғиз ташлаб кетиш одамгарчиликдан эмас», деб тунашга мажбур бўлибди.

Энди ётайлик деб туришган экан, қаёқдандир ой деса оғзи, кун деса кўзи бор бир қиз пайдо бўлиб қолибди, ёши ўн саккизларда эмиш. Ҳуснининг шуъласига қоронғи кеча кундуздагидек бўлиб кетибди. Ёнида ола мушуги кўзини чақнатиб, думини гажак қилиб турганмиш. Қиз подшоваччага қараб, лабини тишлаб, биқинини ушлаб, оғзидаги сақичи қарс-қарслатиб тура берибди. Аввалига савдогар карвонлар қизга эътибор қилишмабди. Кейин қиз қўлига тилла дуторини олиб машқ қила кетибди. Бир маҳал ҳамма маст бўлиб мудраб уйкуга кетаётган эмиш. Қиз машқни тўхтатибди.

Подшоваччаси тушмагур бирпасда ҳалиги қизга хуштор бўлиб қолибди. Қизнинг ишқи жигаридан тешиб ўтибди.

— Исминг нима? — деб сўраб қолибди подшовачча қиздан.

— Отим Бўтакўз, — деб жавоб берибди қиз, ноз-карашма билан. Кейин: «Мен билан гаров ўйнайдиган мард борми?» — дебди.

Ердан садо чикса чиқибдики, ўтирганларнинг биронтасидан бир оғиз садо чикмабди.

— Ораларингда мен билан гаров ўйнайдиган мард борми? — деб учинчи мартаба сўраганда, подшовачча ўрнидан туриб:

— Гаровни мана мен ўйнайман. Нимадан гаров ўйнаймиз? — дебди.

Қиз:

— Мана бу ола мушугимни иккимизнинг ўртамизга ўтказиб қўйиб, ўн қадоклик ёғ кетадиган чироқ бор, унга ўн қадок ёғ қуйиб, уни ёқиб мушукнинг бошига ўрнатамиз. Мушук чироқни эрталабгача бошидан туширмай чўнқайиб ўтирганича ўтириб чиқади. Мушук эрталабгача бошидан сироқни туширмай чикса мен ютганим, борди-ю, қимирлаб чпроқни тушириб юборса, менинг ютқизганим, сизнинг ютганингиз.

— Буни қаранг-а, — дебди подшовачча, — ўзи мушук бўлса-ю, бошидан ўн қадоклик чироқни эрталабгача тушириб юбормаса-я, бу бўлмаган гап. Гаровда мен ютаман. Гаров нимадан, ўйнаганим бўлсин, — дебди подшовачча.

— Сизнинг хоҳишингиз, нимадан ўйнаймиз десангиз ўшандан ўйнаймиз. — дебди қиз.

— Қирқ туяда молим бор, ўшандан ўйнаймиз, — дебди подшовачча.

Бу гапни эшитиб Қоровой карвонбошининг жон-пони чпқиб кетибди. Шошиб-пишиб унинг қулоғига:

— Подшовачча, гаровни ўйнаманг, қизга ютқизиб қўясиз, — деб шивирлабди карвонбоши.

— Ютқизсам ютқизарман, — деб сўзида туриб олибди подшовачча.

Шу пайт қиз подшоваччага яқинроқ келиб:

— Қани, бошладик, — дебди.

Қиз ўн қадоклик чироққа ўн қадок ёғ солиб, унинг пилигига ўт қўйиб, чўнқайиб ўтирган мушукнинг бошига ўрнатиб қўйиб, дуторини машқ қилиб ўтира берибди. Мушукнинг ўнг томонида подшовачча, чап томонида қиз Қоровой карвонбоши бошлиқ савдогар ҳам гонг отгунча мижжа қоқмай мушукка термулиб чиқибдилар. Мушук эрталабгача қимир этмабди, кун кўтарилганда қиз дуторини ерга қўйиб, зангни чалиб, мушукнинг бошидан чироқни олибди.

Подшовачча ютқизганлигини англаб, ўзини қаерга қўярини билмай қолибди. Қиз хизматкорларига туялардаги молларни туширишни буюрибди.

Қоровой карвонбоши, бизнинг гапимизга кирмадинг, энди билганингни қил, биз кетдик, деб туяларига молларини ортиб, Яман вилоятига жўнаб кетибди. Подшовачча уч от ва икки хизматкор билан нима қиларини билмай қолаверибди. Бир вақт подшовачча ўзига келиб, икки хизматкорига қараб:

— Энди сизлар отларга миниб орқанларга қайтинглар. Мен карвонлар орқасидан жўнайман, қаерга борса бораман, — дебди.

Карвонлар анча тезлаб кетган экан, етолмабди. Подшовачча йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир шаҳарга бориб қолибди. Ахтариб-ахтариб кирадиган жой, еярга нон, ичарга сув

тополмабди, кўча-кўйда яшай бошлабди. Бу орада подшовачча отини сотиб, пулини еб бўлибди. Охири гадойчилик қилибди — бўлмабди, мешкоблик қилибди — бўлмабди. Бир мантипазга ўтқалар бўлиб, зўр-базўр тирикчилигини ўтказиб юраверибди. Подшоваччани бу аҳволда кўйинг-да, икки оғиз гапни хотинидан эшитинг:

Тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз дақиқа деганда хотинининг кўзи ёрибди. Энди она эрини, бола отасини, қайнатаси куёвини интизорлик билан кута бошлашибди.

Эндиги гапни Қоровой карвонбошидан эшитинг: Яманга етиб бориб, молларини пуллаб, яна орқасига қайтиб, кундаи-кун, ойдан ой ўтиб, дўсти Турғунбой яшайдиган шаҳарга етиб келибди. Карвон саройга қўниб, молларини энди тушириб бўлган ҳам экан, ошнаси етиб келиб:

— Куёв-ўғлимиз қани?

— Йўлда гапимизга кирмай, сиз қўнманглар, деган жойга қўниб, ўша ерлик бир қиз билан гаров ўйнаб, бор-йўқ бисотидан айрилиб, қолиб кетган эди, кейин учратмадик, — деб жаноб берибди Қоровой карвонбоши.

Турғунбой ота «Аттанг!» — дебди-да, изига қайтибди. Отасини хафа кўрган қизи:

— Ота, куёвингиз қайтмабдими? — деб сўрабди.

— Ҳа, эринг молларини сотиб бўлиб, мен Яман шаҳрини томоша қилиб, кейинроқ бораман, деб қопти, — дебди отаси.

Тундан-тун, кундан-кун ўтармишки, подшоваччадан дарак йўқ эмиш.

Хотинининг ранги сомондай сарғайибди, ҳусни сўлибди, бир куни боласини ухлатиб қўйиб, кўлига ўтқир пичоқни олиб, отасининг ёнига кириб:

— Ота, — дебди отасига қараб, — ростини айтсангиз айтганингиз, бўлмаса мана шу пичоқни ўзимга ураман, бебахт якка-ю ягона қизингиздан айрилиб қоласиз. Куёвингиз ҳақиқатан ҳам Яман шаҳрини томоша қиламан деб, қолганми, ёки бирон-бир бошқа сабаб билан қолиб кетганми?

Отаси қизининг вазоҳатини кўриб, айтмасам ўзини ўлдириб қўяди, деб кўрқиб, Қоровой карвонбошидан эшитган гапларининг ҳаммасини айтиб берибди.

— Бўлмаса менга ҳам қирқ туя мол қилиб берасиз. Савдогар карвонлар билан бирга бориб куёвингизни, у ютқизган молларни ҳам олиб қайтаман.

Шунда отаси:

— Болам, сен узоқ сафарга юрмагансан, бунинг устига кичкина кўзичоғинг бор, уни қайга қўясан? — дебди.

— Ота, — дебди қизи, — узоқ сафарга чиқмаган бўлсам чиқмагандирман, энди чиқсам нима қипти. Боламга бир илож қилиб сиз қараб турарсиз. Агар айтганимга қўнмасангиз, пичоқни ўзимга бир ураман-да, ўламан кетаман!

Отаси ўйланиб, «Биттаю-битта қизим бўлса, қараб турсам кундан-кун сўлиб боряпти. Энди «бормасам ўзимни ўлдираман» деяпти. Номус кучлик ўзи ўзини ўлдириб қўйса, биттаю-битта боламдан айрилиб қолмайин», деб:

— Қизим, эрингнинг ёнига боришга аҳд қилдингми? — деб сўрабди отаси.

— Ҳа, ота, аҳдим аҳд! — дебди қизи.

Отаси рози бўлиб, «майли, борсанг бора қол!» дебди. Кейин қизининг айтганини қилибди-да, карвон саройга бориб Қоровой карвонбошига учрабди.

— Дўстим, — дебди ота, — қизим сизлар билан кетишга мендан рухсат сўради. Сизларни ўн беш кун кутишсин. Ўн беш кунлик харажатларингизни мен кўтараман, — депти.

Қоровой карвонбоши ўйланиб туриб, розилик берибди.

Подшоваччанин хотини иккита янги туғилган сичқон боласини ушлаб олиб, улар билан ўн беш кун кечаси демай, кундузи демай шуғулланибди. Ўн беш кун деганда сичқонлар «кишт» деса югуриб ўртага чиқадиган, «ишт» деса ичкарига кирадиган бўлибди. Эркакча кийиб, сочини бошига турмаклаб телпакни кийиб, «кишт-ишт»га ўргатган икки сичқонини қўйнига солиб,

«Оға, Қоровой карвонбошига бориб айтинг, мен жўнашга тайёрман», — дебди.

Отаси подшоваччадан қолган олтинлардан сотиб қирқ туяга мол қилиб, қизига уч от бериб, икки мардикор қўшиб, «Ой бориб, омон келгин», деб йўлга солиб юборибди.

Карвон йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир пайт олдинги ўтган дарёи азимга стиб келиб, ундан эсон-омон ўтиб, йўлда давом этаверибдилар.

Ойдан-ой, кундан-кун, ўтиб, ҳалиги манзилгоҳнинг устидан чиқиб қолишибди. Манзил яна ҳам гўзал жойга айланиб қолган эмиш. Сонсиз-саноқсиз булоқлардан зилол сувлар қайнаб чиқиб турган эмиш, ранго-ранг гулларнинг шоҳларида кумри, тўти, булбуллар нағма чалаётган эмиш. «Отам ётманглар деб тайинлаган, эрим қайсарлик қилиб тунаб, гаровда мол-дунёсидан ажралган жой шу ер бўлса керак», — деб ўйлабди подшоваччанинг хотини, кейин Қоровой карвонбошига қараб:

— Шу ерда тунасақ-чи, — дебди аёл.

— Э, нима деяпсиз, — дебди Қоровой карвонбоши, — бу ерда ётиб қолишни хаёлизга ҳам келтирманг. Бу ерда ётган одам ҳеч омон кетган эмас. Билсангиз, эрингизнинг шармандаси ҳам худди шу ерда чиққан-ку, ахир.

— Тўғри, эримнинг шу ерда расвоси чиққанини эшитганман. Шунини билиб туриб шу ерда тунасақ деяпман. Шу ерда қолайлик, агар гаровда ютқизсам сизларнинг қирқ туядаги молларингизни ҳам тўлайман, — деб аёл қаттиқ туриб олибди. Охири бўлмабди, саройга туяларни чўктириб, улар устидаги молларини тушириб, овқатланишга ўтирган эканлар ҳамки, рўпарада кўлида олтин дутор ушлаган бир қиз пайдо бўлибди.

Қиз жуда гўзал эмиш, ой деса оғзи бормиш, кун деса кўзи бормиш. Майда қилиб ўрилган қирқ кокили тўпигини ўпармиш.

Қиз тилладан бўлган дуторини машқ қилиб, лабини тишлаб, биқинини ушлаб, сақичини «қарс-курс» чайнаб туриб:

— Қани, ораларингда биз билан гаров ўйнайдиган мард борми? — дебди.

Ердан садо чиқса чиқибдики, ўтирганларнинг биронтасидан «ғинг» деган овоз чиқмабди. Қиз иккинчи марта сўраганда, эркакча кийим кийган подшоваччанинг хотини ўрнидан туриб:

— Мен ўйнайман. Нимадан ўйнаймиз? — дебди.

— Ёнимдаги ола мушукни иккимизнинг ўртамизга ўтқазиб қўйиб, ўн қадоклик ёғ кетадиган чирокни ёндириб бошига ўрнатаман. Мушук чирокни бошидан тушириб юбормай эрталабгача ўтириб чиқади. Мушук чирокни эрталабгача бошидан туширмаса гаровда мен ютган бўламан, борди-ю бошидан тушириб юборса, сенинг ютганинг, — дебди қиз.

— Гаровни ўйнаганим бўлсин, — дебди подшоваччанинг хотини. — Шартини нимадан?

— Сизнинг хоҳишингиз, нимадан ўйнаймиз десангиз ўшандан ўйнай берамиз, — дебди қиз.

— Менинг қирқ туяда молим бор. Анави ўтирган қирқ бир савдогарнинг қирқ бир туяда моли бор. Ўшандан ўйнаймиз, — дебди подшоваччанинг хотини.

— Мен розиман, — дебди қиз.

Бу гапни эшитиб, Қоровой карвонбошининг бошидан хуши учибди, подшоваччанинг хотинига қараб:

— Гаровга молни тикманг, бу жодугарга ютқизиш шарманда бўламиз, — дебди.

— Парво қилманг, — дебди хотин.

Шу пайт ҳалиги қиз ўн қадок ёғ қуйилган чирокни ёкиб, мушукни етаклаб, аёлнинг олдига келиб:

— Қани, бошладик, — дебди.

Мушукни ўртага ўтқизиш қўйиб, тилла дуторда машқ қилиб ўтираверибди. Савдогар карвонлар бир бурчакда ҳар бирининг уйқуси қочиб, «подшоваччанинг хотини албатта ютқизиш қўяди, биз бўлсак, ҳам молдан, ҳам отлардан айрилиб, пиёда қолиб, чўлу биёбонларда ўлиб кетамиз», деб минг бир ташвишга тушиб, мижжа қоқмай мушукка термулиб ўтиришибди. Вақт

ўта берибди, мушук шу қотганича қотиб, қимир этмай тураверибди. Қиз ҳам дуторда машқини қилиб, бамайлихотир ўтира берибди.

Подшоваччанинг хотини қизга қараб:

— Шу ҳам машқ қилишми, қани дуторни менга бер-чи, бир машқ қилиб кўрай, — дебди.

Қиз олтин дуторни аёлга берибди.

Подшоваччанинг хотини машқ қила бошлабди, у чалган куйдан савдогар карвонлар ухлаб қолибди. Аммо қиз термулганича термулиб ўтирган эмиш, подшоваччанинг хотини иккинчи куйни чала бошлабди, уни эшитган қиз эриб кетиб, мудрай бошлабди.

Подшоваччанинг хотини учинчи куйни чалганда қиз уйкуга кетиб қолибди. Подшоваччанинг хотини бир қўлида дуторни чалиб туриб, иккинчи қўли билан қўйнидаги сичқонларни олиб қўйиб юборибди. Сичқонлар йўрғалаганларича, мушукнинг рўпарасига бориб «чий-чийлашиб» тура беришибди. Сичқонларни кўрган мушукнинг қулоғи тикканб, мўйлови найза-найза бўлиб, унга ташланибди.

Шунда бошидаги чироқ ерга тушиб чилпарчин бўлибди. Шарпадан қиз ҳам, савдогар карвонлар ҳам уйғониб кетишиб қарашса, подшоваччанинг хотини дуторни чалиб ўтирган эмиш, мушук майда-майда бўлиб кетган чироқ устида кўзидан ёшини тўкиб турган эмиш. Подшоваччанинг хотини сичқонларга қараб секин «ишт» деган экан, улар дарров хотиннинг қўйнига қайтиб кириб кетишибди. Ҳалиги қиз мушукнинг ёнига келиб, уни тепиб уриб:

— Биз ютқиздик, бутун умрим бўйича гаровда ютган моллар ҳам, ўзим ҳам сизники бўлдим, — деб бошини эгиб тура берибди. Савдогар карвонларнинг ичига ёруғ кириб, ўзларида йўқ хурсанд бўлишибди. Эрталаб азонда савдогар карвонлар ютиб, олинган молларни туяларга юклаб, «фойдани шу ердаёқ қилдик» деб, жўнаш тараддудини кўра бошлабдилар.

Подшоваччанинг хотини ютиб олган қирқ туя молни туяларга орттириб, икки хизматкор билан отасининг олдига жўнатиб юбориб, қолган қирқ туя молни олиб, қизни эргаштириб Яманга йўл олибди.

Кундан-кун ойдан-ой ўтиб, Яманга ҳам етиб келиб, бир карвон саройга тушишибди. Шаҳзоданинг хотини Бўтақўз ойимни бир хонага ўтқазиб қўйиб, ўзи отланиб растама-раста подшоваччани ахтариб кетибди. Кечга яқин бир растанинг олдида ўтирган подшоваччага унинг кўзи тушибди. Подшоваччанинг сочлари ўсиб елкасига тушган, кўзларидан нури кетиб, йиринг босиб кетган эмиш. Кийган уст-бошига қараб бўлмас эмиш. Аёл отдан тушиб, мантихонага кириб, мантипаз болани чақириб:

— Бир товоқ сомса билан бир товоқ манти қилиб, ху анави шумшайқб ўтирган кишидан киритиб юборинг, — дебди.

Мантипаз бу сўзни эшитиб ағрайиб қолибди.

— Э, оға, — дебди у меҳмонга қараб, — унинг қўлидан овқат еб бўлармиди, иштахангиз бўғилиб қолади, ачиб-сасиб ётибди-ку, ахир. Ҳидига асло туролмайсиз! Менда ўт қалар эди, сасиб-ачиб кетгандан кейин ҳайдаб юборганман. Ҳар куни келиб қолган-қутган овқатларни еб кетиб юради бечора. Овқатни ўзим олиб кела қолай.

— Йўқ, — дебди аёл, — мантиларни ўша кишидан бериб юборинг.

Мантипаз ноилож бир товоқ манти билан бир товоқ сомсани подшоваччадан киритиб юборибди.

Подшовачча кўрқа-кўрқа овқатларни кўтариб хотинининг олдига кириб келибди. Хотини эрини танибди, аммо подшовачча хотинини танимабди, овқатни қўйиб ерга қараганча, чиқиб кетаётган экан, хотини унга қараб шундай дебди:

— Бориб юз-қўлларингни ювиб кел, бирга овқатланамиз

Подшовачча унамаса ҳам қўймабди. Кейин кўрқа-кўрқа ариқдан бориб юз-қўлларини ювиб қайтиб кирибди. Эр-хотин бирга овқатланишар эмишу, аммо подшовачча ёнида ўтирган эркак кийимидаги хотинини фаҳламасмиш. Овқатни еб бўлишиб, бир чойнақдан кўк чой ичишибди.

Подшоваччага сал жон кириб, юзига қизил югурибди.

— Овқатланиб бўлдингизми? — дебди хотини.

— Раҳмат, ака, овқатланиб бўлдим, — дебди подшовачча.

— Овқатланиб бўлган бўлсангиз, бир савол берсам майлими? — дебди аёл.

— Майли, — дебди подшовачча.

— Бу шаҳар одамига ўхшамайсиз, қайси шаҳардансиз? — деб сўрабди аёл.

Аёл бу саволни бир неча такрорлабди, аммо подшоваччанинг оғзидан «лом-мим» деган нидо чиқмабди.

Охири аёл:

— Нима сабабдан ўзга юртларда хор-зор бўлиб юрасиз «Бошқа юртда подшо бўлгунча ўз юртингда гадо бўл!» дегги сўзни эшитмаганмисиз? — дебди.

Аёлнинг гапи таъсир қилиб, подшовачча бир «оҳ!» тортиб:

— Бошимдан ўтганни сўзласам сўзлай қолай, — дебди. Кейин шошилмай, кўрган-кечирганларини ҳеч бирини қолдирмай бир бошдан сўзлай кетибди. Эрталаб тонг отибди ҳамки, подшоваччанинг ҳикояси тугамабди. Туш пайги бўлганда подшовачча: «Кейин сиз кўриб турган шу аҳволга тушиб қолдим», деб ҳикоясини тугатибди.

— Хафа бўлманг, — дебди аёл, уни юпатган бўляб, — Миср шаҳрининг одами экансиз. Биз ҳам Мисрданмиз. Кейин, сизни бу ердан чиройли бир аёлга уйлантириб қирқ туяга молни юклаб, иккита хизматкор қўшсак, биз билан бирга Мисрга кегасизми? — деб сўрабди.

Подшовачча ерга қараб туриб, хўнграб йиғлаб юборибди.

— Мана бу олтинни олинг-да, — дебди аёл, — сомсапазга бериб, тез қайтиб келинг.

Подшовачча сомсанинг пулини сомсапазга бериб, тез қайтиб келибди.

— Энди сартарошга бориб соч-соқолингизни олдилинг, бозордан энг яхши кийимлардан олиб, ҳаммомга боринг, кечкурун фалон жойдаги карвон саройга келинг, — дебди хотини.

Подшовачча аёл айтганидек қилиб соч-соқолларини олдириб, бозордан шаҳзодалар киядиган кийимлардан олиб, ҳаммомга тушиб, ювиниб-тараниб, кеч пайт меҳмон айтган карвон саройга борибди. Катта базм қилиб, Бўтакўзни подшоваччага никоҳ қилишибди. Эрталаб подшоваччага қирқ туяга молни юклаб бериб, унга икки ҳамроҳ қўшиб Мисрга жўнатибди, кейин туялардаги молларни пуллаб, ўзи ҳам жўнабди, жадаллаб подшоваччага етиб олибди-да, Мисрга уч кунлик йўл қолганида у подшоваччага қараб шундай дебди:

— Шаҳзода деган номингиз бор, иккинчидан, сафарда анча юрибсиз. Шундоқ кириб борсангиз шаънингизга иснод бўлар. Мен отимни қичаб шаҳарга эртароқ етай-да, келаётганингиз хабарини ота-онангизга билдирай. Кутиб олишсин! — дебди.

Подшовачча рози бўлибди. Хотини қичаб йўлга тушибди. Аёл уйига етиб келиб, отаси ва боласини кўриб, ҳол-аҳвол сўрашиб, эркак либосини ечиб ташлаб, аёл либосини кийиб ўтира берибди. Орадан уч кун ўгибди, подшовачча қирқ туя юки, ёнида Бўтакўз ёри билан кириб келибди. Подшовачча уйга келиб, хотинига ҳам, боласига ҳам эътибор қилмабди, кеча-ю кундуз Бўтакўз билан бўлаверибди.

Подшовачча келибди, деб қариндош-уруғлар, таниш-билишлар йиғилишибди. Катта базм бошланибди. Подшовачча тўрда ўтириб, кўрган-кечирганларининг бирига ўн ёлғонни қўшиб ҳикоя қила кетибди. Хотини эшитиб ўтирса, подшовачча бутунлай ёлғон гапираётган эмиш. Ёнига келган экан, «Нари тур, сен ҳам хотинмисан», деб жеркиб берибди.

Шунда аёл, «Қирқ туяга юкни ортиб, сафарга чиқиб, йўлда гаровга ютқазиб қўйган болам», деб боласини ўнг тиззасига олибди, «Шаҳарма-шаҳар юриб девоначилик қилиб, кейин сомсапазга шогирд тушиб, охири ҳайдалган болам», деб боласини чап тиззасига олибди.

«Бир кимса олдига чақириб, овқатлантириб, мусофирмисан деганда хўнграб йиғлаган болам», деб боласини яна ўнг тиззасига олибди, «Бир аёлга уйлантириб қирқ туя мол қилиб берсак шаҳрингизга борасизми?» деганда шу гапни айтган кишининг оёғига йиқилиб уни ўпган



болам», деб боласини яна чап тиззасига олибди.

Шунда подшовачча ялт этиб хотинига қарабди, уни таниб, югуриб олди келиб оёғига йиқилиб уни ўпиб:

— Мен аҳмоқ, нодонни кечир! — дебди. — Менинг кўзим энди очилди, биринчи авлиё отам экан: отам меҳнат қил ёки хунар ўрган, деса гапига кирмай, ёмон йўлга кирдим; иккинчи авлиё қайнатам экан: сафарга отлантира туриб тунама деган жойда тунаб, айтганини қилмай, шармандаи шармисор бўлдим. Учинчи авлиё сен экансан: сенинг яхшиликларингни билмай кўр бўлдим.

Подшовачча шундай дебди-да, қиличини суғуриб Бўтакўзни чопмоқчи бўлган экан, хотини «бунда айб йўқ!» деб ўртага тушиб, Бўтакўзни олиб қолибди. Бўтакўзни савдогар карвонлардан бирига никоҳ қилиб бериб, подшовачча ўз хотини билан ҳар йили бир-икки савдога бориб, тинч фароғатда яшаб, мурод-мақсадларига етибди.

### Подшонинг мот бўлиши

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир подшо бўлган экан. Подшонинг ўнг қўл вазирининг оти Ҳасанумайманоз, чап қўл вазирининг оти Пахтак экан. Икковининг бир-бирини кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ экан. Доим Пахтак вазир Ҳасанумайманоз вазирни йўқотиш пайида юрар экан. Ҳасанумайманоз вазир Пахтак вазирнинг ёмон ниятларини сезса ҳам ҳеч парво қилмас экан. Подшонинг икки ёнида ўттиз бештадан етмиш ўрин бўлиб, ҳар бир киши ўз ўрнига ўтирар экан, бири иккинчисининг жойига ўтиришга ҳаққи йўқ экан. Анниқса ўнг қўл вазир Ҳасанумайманоз Пахтак вазирнинг ўрнига, чап қўл вазир Пахтак эса Ҳасанумайманоз вазирнинг ўрнига ўтирмас экан.

Кунлардан бир кун подшо ўнг томонига бундоқ қараса, Ҳасанумайманоз вазири ўрнида йўқ эмиш. Подшо ён-атрофдагиларидан:

— Нима учун Ҳасанумайманоз йўқ? — деб сўрабди. Кейин: — Ясовулларга айтинглар, уйдан чақириб келишсин, — деб буюрибди.

Шунда Пахтак вазир ўридан ирғиб туриб:

— Подшоҳим, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, бир арзим бор, — деб икки қўлини кўксига қўйиб тураверибди.

Подшо:

— Кечдим, айт арзингни, — дебди.

— Ҳасанумайманозни суюб, доно вазир деб биласиз. Унинг ўтирадиган ўрнига бир парча юқа қоғоз қўйсак, агар вазиригиз Ҳасанумайманоз ҳақиқатан ҳам билағон, доно киши бўлса, қани, шу қоғозни билсин-чи, агар билмаса ундай бефаҳм вазирга сиздек улуғ подшоҳнинг даргоҳида жой бўлмаслиги керак, — дебди.

Бу гап подшога ҳам, ўтирганларга ҳам маъқул тушибди. Шунда подшо:

— Бир парча пиёз пардасидек қоғозни Ҳасанумайманознинг ўтирадиган жойидаги кўрпачанинг орасига қўйинглар, агар қоғоз борлигини сезса, бошидан оёғигача зарга кўмаман, борди-ю, билмаса, калласини танасидан жудо қиламан, — деб буйруқ қилибди.

Подшо буюрганидек қилиб, бир парча пиёз пардасидек қоғозни Ҳасанумайманоз вазир ўтирадиган кўрпачанинг қатига қўйишибди.

Бир пайт Ҳасанумайманоз вазир салом бериб кириб келибди. Барча турганлар «Ҳасанумайманоз коғоз борлигини билмайди, энди калласи танасидан жудо бўлади», деб унга тикилганича турган эмиш.

Ҳасанумайманоз ўз жойига бориб ўтириб, ерга бир қарабди, кейин осмонга қарабди.

Шунда подшо:

— Эй Ҳасанумайманоз вазир, нима сабабдан жойингизга ўтирибоқ бир ерга, кейин бир осмонга қараб кўйдингиз? — деб сўрабди. Ҳасанумайманоз вазир ўрнидан туриб:

— Подшоҳим, бугун ер ё пиёз пўстидек бпланд кўтарилибди, ёки осмон бир парда пастлабди, — дебди.

Подшо Ҳасанумайманоз вазирнинг донолигига қойил қолиб, бошидан оёғигача олтинга кўмибди.

Кундан-кун, ойдан-ой, йилдан-йил ўтаверибди.

Ҳасанумайманознинг обрўсига обрў кўшилиб бораётганлигини кўрган Пахтак вазир, ўзини кўярга жой, кирарга ковак тополмай қолибди, кундан-кун ғзаби орта борибди. Фикр-зикри рақибини йўқотиш бўлибди.

Подшонинг отмиш икки мингта оти бўлар экан, шулардан бири энг яхши кўрган тулпор оти экан. Ўша от доим подшонинг кўз олдида эгарланган, юганланган ҳолда турар экан, подшо шу отга нима ном қўйиш керак деб, кўп ўйлабди. Кейин:

— Шу отимга лойиқ ном топиб берган кишининг бошидан зар тўкаман, — дебди.

Подшонинг кўнглидаги номни тополмаслигини билиб, ҳеч ким индамабди.

Шунда чап қўл вазир Пахтак ирғиб ўрнидан туриб:

— Э подшоҳи олам, бир парда қоғозни билган ўнг қўл вазирингиз Ҳасанумайманоз отингизнинг отини топмай кўярмиди, — дебди.

Подшо ўнг қўл вазирига қараб:

— Отимга ном топасизми, Ҳасанумайманоз? — деб сўрабди. Ҳасанумайманоз одоб билан ўрнидан туриб:

— Мухлат берсангиз отингизга ном топишга ҳаракат қилиб кўраман, — дебди.

Подшо хурсанд бўлиб кетиб, бир ойга мухлат берибди.

Ҳасанумайманоз қуллуқ қилиб, хайрлашиб саройдан чиқиб кетибди. Подшонинг отига муносиб ном топаман деб қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар кезиб чиқибди. Хуллас, Ҳасанумайманоз кирмаган кўча, бормаган қишлоқ, юрмаган шаҳар қолмабди. Йигирма кун кезиб юриб, отнинг номини тополмай, энди ўз шаҳримга қайтмасам бўлмас экан деб қайтибди. Йўл юриб чарчаб, сув ичмай чанқаб, уйқудан қолиб, юриб-юриб бир жойга келиб қолибди. Қараса, бир пахса девор билан ўралган қўрғонча эмиш. Қўрғонча ичида иккита том, томнинг орқасида бир туп уруғи пишиб турган наша ўсиб турган эмиш «Шу жой, ажаб яхши жой экан, отни шу нашага бойлаб, унинг тагида ўзим бир-икки соат ухлаб олсам яхши бўларди», деб ўйлаб отнинг бошини қўрғончага бурибди. Ҳасанумайманоз вазир отдан тушиб, уни нашага боғлаб, «яна беш-ўн кун мухлатимдаи бор-ку», деб ётиб кўзи уйқуга кетибди.

Бир пайт оти нашага суйканиб, пишган нашаларни тўкиб юборибди. Шунда қўрғончадан бир қиз чиқиб:

— Э, ҳаром ўлгур, ҳайбар-чашбар-зуҳбар от экансан-ку, — дебди.

Бу гап Ҳасанумайманознинг қулоғига кириб сапчиб ўрнидан туриб кетибди. Кейин қизнинг ким эканлигини суриштириб билиб, унга уйланмоқчи бўлибди. Совчи қўйиб, ўзига сўратибди. Қизнинг биргина кампир энаси бор экан, олдинига подшо кишиларига бермайман, дебди. Ҳасанумайманоз вазирнинг ҳали уйланмаган, ақлли ва доно йигит эканлигини суриштириб билиб, қизини беришга розилик билдирибди. Ҳасанумайманоз вазир ўзида йўқ хурсанд бўлиб, шаҳарига қайтибди. Подшонинг ҳузурига борибди. Пахтак вазир бошлиқ уламолар, Ҳасанумайманоз вазирни кўриб:

— Бу отнинг номини топиб келолмаган, подшо илгари ўлдирмаса ҳам энди ўлдиради, — деб туришибди. Ҳасанумайманоз вазир аста бориб ўз ўрнига ўтирибди. Подшо:

— Э, вазирларнинг сарвари Ҳасанумайманоз, отимга ном топдингизми? — дебди.

Шунда Ҳасанумайманоз вазир:

— Шаҳарингизнинг чеккасидаги кичик қўрғончада бир кампир билан унинг қизи яшар экан.

Отнинг номини ўша кампирнинг қизи айтиб берди. Отингизнинг номи «Ҳайбар-Чашбар-Зухбар» экан, — дебди.

— Ҳа, сенга учраган қиз кўп ақлли экан, отнинг отини топибди, — дебди подшо хурсанд бўлиб.

Шундай қилиб, Ҳасанумайманоз вазир ўлимдан қолибди.

Орадан бир кун ўтказиб, Пахтак вазирнинг маслаҳати билан подшо отнинг отини топган қизни ахтариб йўлга чиқибди, сўраб-сўраб кампирнинг уйини топибди-да, қизни ўзига хотинликка олмоқчи бўлибди. Қиз жуда ҳам ақлли, доно экан. «Саройда яшагунча бу ерларда мол боқиб ўтиб кетганим маъкул», деб ўйлабди. У подшога қараб:

— Тақсир, биз кенг далада ўсган далағовил одаммиз, саройингизга сиғмасмиз, — дебди.

— Йўқ, саройга сиға берасан, хотинларим орасида биринчиси бўласан, — дебди подшо.

Шунда қиз подшо билан ади-бади айтишиб ўтиргани билан иш битмайди, дебди ўзига-ўзи. Кейин подшога қараб:

— Майли, мен рози, аммо уч ҳафта муҳлат берасиз, — дебди

Подшо ноилож кўнибди. Подшо қайтиб кетгандан кейин, қиз эркакча кийиниб, шаҳарга келиб, Ҳасанумайманоз вазирни топиб, бўлган воқеани айтиб берибди.

Ҳасанумайманоз вазир билан қиз биринчи бор кўришганидаёқ бир-бирларини севиб қолишган экан.

— Бўпти, сиз кета беринг, мен подшонинг бир иложини қиламан, — дебди Ҳасанумайманоз вазир қизга. Қиз уйига қайтибди. Эртасига Ҳасанумайманоз вазир кампирниқига бориб, қиз билан маслаҳатни бир жойга қўйибди.

— Икки дона кўмоч қилиб, сизнинг икки қўлтиғингизга қистириб қўямиз, — дебди энасига қиз.— Подшо овга ўтадиган куни эшикка чиқиб ўтираверасиз. Подшо яқин келганда «Эй подшоҳим, сизга арзим бор», деб қўлингизни кўтариб юборасиз. Кўмоч ғилдираб подшонинг отининг туёғи остига боради. Шунда подшо отининг жоловини тортиб, тўхтатиб: «Айт арзингни?» дейди. Шунда сиз, Ҳасанумайманоз вазирингиздан дод, боғчамга сув бермайди, дейсиз. Қолганини кейин кўрасиз, — дебди.

Кампир икки дона кўмочни икки қўлтиғига қўлтиқлаб ўтирган экан, сиёсат билан подшо ўтиб қолибди. Кампир: «Подшоҳим арз», деб икки қўлини кўтарган экан, ҳалиги кўмочлар қўлтиғидан тушиб, ғилдираб подшонинг отининг туёғи остига бориб қолибди. Подшо отининг жоловини тортиб туриб:

— Айт арзингни, — дебди. Шунда кампир:

— Ҳасанумайманоз деган вазирингиздан дод, сув бермайди, экинларим куриб кетди, — дебди.

Шунда подшо ўнг қўл вазири Ҳасанумайманозга қараб:

— Нима учун бу кампирнинг боғчасига сув бермадингиз? — деб сўрабди.

Шунда Ҳасанумайманоз:

— Подшоҳи олам, бу кампирнинг боғчасига бундан икки ҳафта олдин бир тўнғиз оралаган экан, шунинг учун тўпғиз ҳалол жойга ҳаром қадамини босиб ифлослабди, деб сув бермадим, — дебди.

Подшо вазирнинг нимага шама қилаётганини билиб, нима дейишини билмай, орқасига қайтибди. Ҳасанумайманоз қишлоқда қолиб, қизга уйланиб, яхши ҳаёт кечириб, муроду мақсадига етибди.

### **Ямоқчининг қизи ва подшовачча**

Бор экан-да йўқ экан, оч экан-да тўқ экан. Қадим замонда, Миср деган томонда бир подшо

бўлгап экан. У подшонинг битта-ю битта ўғли бор экан. У ўн етти ёшга кирганида отаси ўлиб, ўрнига подшо бўлибди. Вазир-вузаролар ҳаммаси йиғилиб, подшоваччага:

— Эй улуғ шоҳ! Сиз, энди балоғатга етдингиз, уйланишингиз зарур, — дейишибди. Подшовачча уларга:

— Хайр майли, уйлансам уйланай. Менга шундай хотин топингларки, қайсики, ун эласа кети кимирламасин, — дебди.

Вазир-вузаролари, чор тарафга одам қўйиб, ҳамма қизларни текшира бошлашибди. Синалмаган биронта қиз қолмабдики, лекин у айтган қиз тоиилмабди. Подшоваччага:

— Ҳамма қизларга ун элатиб кўрилди. Бироқ сиз айтган қиз ҳеч қаердан топилмади, — деб хабар беришибди. Подшовачча:

— Яна бир марта, яхшироқ текшириб кўринглар, — дебди.

Вазир-вузаролар кўп кампирларни ёллаб ҳар томонга жўнатишибди. Шаҳарнинг чет бир маҳалласида ямоқчи уста бўлиб, унинг ўн тўрт ёшли қизи бор экаи. Ҳалиги ёлланган кампирлардан биттаси қиз ахтариб юриб, апа шу ямоқчининг эшигига кириб қолибди. Чой-пой қилишиб, гапиришиб ўтириб кампир қизга:

— Эй чиройли қиз! Сенинг бахтинг очилиб турибди. Қани, бир ун элаб кўр-чи, агар ун элаганингда кетинг кимирламаса, подшоваччамиз сени қирқ кеча-ю қирқ купдуз тўй бериб, хотинликка олади, — дебди. Қиз унга:

— Менинг ҳам, ундай аҳмоқ подшоваччага тега қолай, деб кўзим учаётгани йўқ, — дебди.

Кампир:

— Ҳай, подшоваччага тегмасанг, қандай одамга тегасан? — дебди. Қиз унга:

— Мен, овқат еганда мўйлови қимирламайдиган йигитга тегаман, — дебди.

Кампир, қиздан бу жавобни эшитиб подшоваччага хабар қилибди.

Подшовачча бу хабарни эшитиб жуда хурсанд бўлибди:

— Мен ана шундай, менинг гапларимга жавоб топиб берадиган эслироқ қиз истаган эдим. Менинг истагим ана шу қиз экан, — дебди. Яна ўзича: «Эси-ку жойида экан, чиройи ҳам бормикин, бир кўриш керак», деган фикрга келибди. Ҳалиги кампирни чақириб: — Уни қандай қилиб кўриш мумкин? — деган экан, кампир:

— Битта товоққа ҳолва тўлатиб, ҳолвафуруш бўлиб, қизнинг эшиги тагидан, «ҳолва кетдиё», деб ўтасан. Қиз, ҳолва олиш учун югуриб чиқади. Ана шунда кўрасан, — дебди.

Подшовачча кампирнинг айтганини қилиб, битта патнисга ҳолва тузаб, қизнинг эшигининг тагидан «ҳолва кетдиё», деб ўтиб кетаётган экан, қиз югуриб кўчага чиқиб:

— Ҳолва неча пул? — дебди. Подшовачча унга:

— Ҳолва пулга сотилмайди, — дебди. Қиз:

— Нимага сотилади? — деган экан. Подшовачча:

— Бир ўпич берсангиз, товоқ-повоғи билан бераман, — дебди. Қиз ҳали ёш экан. Яхши-ёмон гапни ҳали ажратмас экан. Ўпични бериб, бир товоқ ҳолвани олиб уйига қочибди. Подшовачча эртаси куни карнай-сурнайлар билан, қанча амалдору лашкарбошилари билан, олдинги сафда от ўйнатиб қизнинг эшиги олдидан ўтибди. Қиз карнай-сурнай овозини эшитиб, кўчага югуриб чиқибди. Буни кўрган подшовачча:

— Эй, бир товоқ ҳолвага ўпич берган қиз, — дебди. Қиз буни эшитиб, ура солиб уйига қочибди. Роса уялибди, охири отасига:

— Эй отажоним, менга бир пўстин тикиб беринг. У пўстиннинг ҳар бир тукига биттадан кўнғироқ тақилган бўлсин, — дебди.

Ямоқчи, қизининг айтганларидан ҳам зиёдароқ қилиб, пўстин тикиб, ҳар бир тукига биттадан кўнғироқ тақтирибди.

Қиз уни кўлига олиб, подшонинг саройига жўнабди. Ярим кечада, пўстинни тескари қилиб, кийиб, секин-секин подшовачча ухлаётган уйга кирибди. Ҳалиги кўнғироқларни

жаранглатганича, югуриб бориб, шаҳзоданинг устига миниб олибди. Подшовачча, уйқу аралаш кўрқиб кетиб: «Субҳонолло, субҳонолло» дермиш. У зўрға эс-хушини йиғиб олиб:

— Сен кимсан? — деган экан, қиз:

— Мен Азроилман, жонингни олгани келдим, — дебди. Подшовачча кўрқиб кетиб, ялинишга тушибди:

— Эй Азроил ҳазратлари, менинг жонимни олманг. Жонимнинг эвазига, нима десангиз шуни берай, нимл десангиз шуни қилай! Ўн гулимдан бир гулим очилмаган йигитман! — дебди. Шу вақт қиз:

— Хайр, майли, бунчалик экан, бунинг битта-ю битта иложи бор. Агар, жон-дилинг билан шу ишни қилсанг, яна эллик йил умр кўрасан, — дебди. Подшовачча:

— Майли, нима десангиз ҳам жон-дилим билап қиламан, — дебди.

«Азроил» унга:

— Тўпиғимни ўп! Ўшанда яна эллик йил умр кўрасан, — дебди.

Подшовачча «Азроил»нинг тўпиғини ўпибди. «Азроил» эса шу заҳоти кўздан ғойиб бўлибди.

Подшовачча эртасига вазир-вузаролари ва лашкар бошилари билан карнай-сурнайларни чалдириб ўйин-кулги қилиб сафнинг олдида от ўйнатиб ўтиб кетаётган экан, қиз югуриб кўчага чиқибди. Уни кўриб подшовачча:

— Эй, бир товоқ ҳолвага ўпич берган қиз, — дебди. Қиз бўлса:

— Эй Азроилнинг тўпиғини ўпган йигит, — деб бақарибди.

Подшо, буни эшитиб, ер ёрилмабди-ю, ерга кириб кетмабди. Қизга эшиттириб:

— Ҳап сени, қараб тур! Бир қошиқ қонингни ичмасам; отамнинг ўғлиманман, — дебди.

Шу куниёқ совчи келиб: «Эртага тўй» деб тайинлаб кетибди. Қиз, қовоқдан одам ясаптирибди. У қовоқнинг ичини шинни билан тўлғиздирибди. Тўй ҳам бўлиб ўтибди. Янгалар қизни ёлғиз қолдириб чиқиб кетди. Янгалар чиқиб кетиши билан қиз ўрнига ҳалиги шинни тўлдирилган қовоқни кўйиб, ўзи тоқчага чиқиб, беркиниб ўтирибди. Куёв кириб:

— Ҳа, мана энди сенинг қонингни ичадиган кун келди, — деб, қиличини ялангочлаб, қовоқни чопиб ташлабди. Шиннилар тўкилиб кетибди. Подшо ёнидан қошиғини чиқариб, «Қизнинг қони»дан бир қошиқ ичибди. Қараса, жуда ширин экан.

— Эҳ, сенинг қонинг шунчалик ширин экан, ўзинг қандай эдинг-а? — дебди. Шу заҳоти қиз, тоқчадан ирғиб тушибди:

— Ўзим, мана шундайман, — деб қўлларини икки ёққа керибди. Шундай қилиб қиз подшоваччани енгган экан ва мурод-мақсадига етган экан.

## Тўлғоной

Ўратепа беги халқдан оқ уйликка қорачерик — одам сўрабди. «Кўкон бизнинг устимизга ҳужум қилиб келмоқчи эмиш. Биз ўз ғамимизни ейлик», деб халққа хабар қилибди. Ўратепа беги қорачерик сўраганда қирқ уруғдан сўрабди, бўлаги унга тобе эмас экан, бермабди. Халққа хабар етгандан кейин халқ маслаҳат қилибди.

— Энди бунга одам бермасак, бег-да, нима қилса қилади. Бунга кимни юборсак, ким борар экан? Ўзига баҳузур бой-бадавлат кишилар ҳеч маҳалда бормади. Бунга, рўзғорини ўтказолмайдиган камбағаллар боради. Улар бу ерда нима тирикчилик ҳам қиларди?

Шунда ҳар ўн уйга бир одам учун пул йиғиб бермоқчи бўлибди. У вақтда халқ ўтроқ эмас, бир ерда бир йил яшаса, бир ерда олти ой яшар экан. Шунда Назар деган камбағал, бу хабарни эшитгандан кейин, «Бола-чақам билан мен борайин, бу ерда боғу чорбоғим қолаётимидими? Бедананинг уйи йўқ, қаерга борса питпилдик» деб, бормоқчи бўлиб бойдан иккита эшак олибди.

Пулдор одамга бу ҳеч гап эмас, унинг бола-чақасини сотиб олиб жўнатибди.

Ҳалиги камбағалнинг бўйи етиб қолган Тўлғон деган қизи бор экан, буни бир камбағалнинг Пардавой деган ўғлига унаштириб қўйган экан. Энди бериб кетайлик деса, Пардавойда бир кўрпа билан бир ёстик қилиб олгудай ҳеч нарса йўқ. Бойлардан олган пулидан қилиб берай, деса ўзига керак бўлади. «Кел-э» дебди. Пардавой ҳам «Тақдирдан кўрсин, тақдирга тан бериб қолар. Агар кизимнинг тақдири шу ёққа тортса, бирови бир нима бериб олар. Қизимни ташлаб кетсам, ёвгарчилик бўлса, «ота-онам ўлиб кетдимми?» деб кўнгли алоғда бўлар, нима бўлса ҳам бирга бўлгани маъкул», — деб жанда-жунда кўрпаларини эшакка ортиб, болаларини эргаштириб, ҳар уруғдан жўнаган кишиларга қўшилиб, Ўратепага қараб йўл олибди.

Бир неча уруғлардан чоллар, бели букчайиб, кулоғи тикрайиб қолган кампирлар ҳам кетиб борар экан. Неча кун йўл юриб, бир кун Ўратепага етибди. Ўратепа беги буларнинг келганини эшитиб, сипоҳи одамларидан қўшиб, қорачерикка борган одамларни ҳайдаб Қўқон атрофига ўтказиб, «Қўқондан келган ёвга сизлар кўндаланг!» деб қайтибди.

Қорачерикка борган одамлар бир нечтаси ертўла казиб, бир нечтаси қамишдан қапа қилиб: «Ҳай, оқ уйликка ҳам келдик, еб ётадиган овқатни ғамлаб келганмиз, бойларнинг пулини олганмиз, зарур бўлса Ўратепага борамиз, бўлмаса бунда турамиз. Қўқонлик келганда нима қиламиз? Ҳамшаҳар камбағалмиз-да. Қўқон хони келганда, қасд қилганда биздан битта эшак олади-да. Бизнинг рўзгоримизда, хўкиз шохига илиб чиққудай нарса бўлмаса, тўшаб ўтирадиган нарсамиз йўқ, туришимиз шу. Ёвгарчилик, агар феъли кетиб беглар ҳайдаб милтиқнинг дамига тутиб, бола-чақа нобуд бўлиб кетмаса, бир кунимиз ўтиб турар», дейишибди. Камбағаллар чойини қайнатиб ётибди. Орадан икки ой ўтибди. Қўқон хони ҳужумга отланибди.

У вақтда бешта-ўнта йўриқчига чиққб турадиган одамлар бўлар экан. Шу бекнинг одами, моли у бекка ўтса, ўлжа қилиб олиб кетар экан. Шунда қўқонлик Ўратепага ёв бўлибди. «Ўратепани олиб кўяди» деб, Қўқон хонига қарши чиқиб, Ўратепа беги ҳам саф тортиб турибди. Чодир чаманини тикиб, Қўқон беклари найзасини олиб майдонга кирибди.

Ўратепа бегидан Олланазар ботир, бу ҳам майдонга кириб қўқонликнинг кўп ботирлари билан олишибди. Шунда, кам-кам ўйин қизиб, қий-чув тўполон бўлибди. Ким ўлиб, ким қолганини билиб бўлмабди. Оқ уйликлардан ҳам борган бир неча дадилроғи кўриниш бериб, баландроқ ерда туриб, шовқин қилиб юрган ёш болалар, аёл, бола-чақалар кўпи қамишнинг ичига кирган. «Одамлар билан аралашиб кириб турсам, Қўқон одамининг кўзига тушиб қолсам, мени ўлжа қилиб олиб кетиб қолар» деб, Тўлғон одам бор ердан қочиб, ҳеч ким кўрмас деб, бир қамишзорга кирибди. Ўртасига киргани чўчиб, бирор жондорга йўлиқиб қолмайин, деб четроқда турибди. Қанча фурсатдан кейини сибизга карнайнинг товуши келибди. Карнай тортганда ёв ккки ёққа айрилибди. Овқат вақти бўлибди. Шу вақтда Тўлғон чикиб ариқнинг бўйида бети-қўлини ювиб, сув ичиб турган экан, бошида заррин дастор, белида тилла камар, унга қилич боғлаган бир сипоҳи келиб қолибди. Тўлғон сесканиб, бадани қалтираб қўрқибди. У Сўфибек деган киши экан. У туриб айтибди:

— Яхши бола экансан, қўрқма. Сенинг отинг нима?

— Менинг отим Тўлғон, — дебди Тўлғон. Шунда Сўфибек айтибди:

— Тўлғон экансан, сен мендан ҳадик олма. Мен таҳорат қилиб пешин ўқийин, сен отга қараб тур. Пешинни ўқиб бўлгандан сўнг сен билан гаплашиб ўзим яхши жойга олиб бораман.

Сипоҳ дасторларини қўйиб, этикларини ечиб, камар, курул-аслаҳа ва кийимларини ҳам ечиб таҳорат қила берибди. Тўлғон юрагини босиб олиб, шўхлиги келиб:

— Мен сизнинг кийимларингизни кийиб кўрайин, менга ҳам ярашар, — деб ечиб қўйган этигини, тўнларини кийиб, тилла камар билан белини бўғиб, бошига заррин дасторини қўйиб:

— Қалай, сиздай сипоҳи бўлдимми? — деб унга қарабди. Сўфибек кўриб:

— Кийим ярашиб кетибди, балли қадингдан, сипоҳилигинг мендан ҳам басавлат бўлибди. Ҳар гап бўлса намоз ўтмасин, отни ҳам миниб тур, мен намоздан қутулайин, — деб намоз

ўқишга киришибди. У намозга айланганда Тўлғоной: «Бу икки ёқлама фойда қиладиган экан, художўйлик қилиб, худонинг қарзидан қутулмоқчи, Бунинг феъли, намоздан қутулгандан кейин мени ҳам айлантarmoқчи. Энди намоздан фойдалангани бас-да, бунинг» деб, Тўлғоной отнинг бошини буриб, жўнай берибди. Отга камчи уриб, ҳар замон бурилиб қарабди. Намоз бузилади деб, у ҳеч қаёққа қарамабди. Намоздан фориғ бўлиб, юзига фотиҳани тортиб, тасбех ўгириб, ўрнидан турса, от-аслаҳа, Тўлғон йўқ. «Бу қаёққа кетди? Кулиб турган хушбўй бола эди, бирор ерда, қамишнинг четида яшириниб турган бўлмасин» деб чет-теваракларни ҳам қараб, дарак топмабди. Отнинг изи Жиззах тарафига чиқиб кетган экан. Энди қайтиб бекларнинг қошига боролмабди. Ялангоёқ чопиб, чиқиб, бир баландлик ердан қарабди, ҳеч дарагини топмабди. Шунда югуриб-елиб, тўнининг икки этагини қайтариб, «Бу қандай аломат бўлди?» деб ҳар томонга қараб, қандай жондор кўринса сўраб, чопиб юраверибди. Кўзига бир эчки кўринибди. «Пешинни ўқидим эчки, чордевордаги кўтир эчки, шу ердан Тўлғон ўтдимми?» деб сўрабди. Ундан ўтиб, чопиб бораётган экан, бир кампир кўринибди:

*Дарёда юзади кема,  
Етти уруғларинг тамма<sup>1</sup>  
Зинграйиб турган жон момо,  
Бу ердан Тўлғон ўтдимми?  
Дўмбиранинг боши бурма,  
Шайтон мени йўлдан урма,  
Сўфибекни абгор қилган  
Тўлғонжонни кўрган борми?*

Югуриб-елиб анча юрибди, кўп абгорликни кўрибди, ер тўзон бўлиб, из бекилибди, қаёққа юрарини билмай Сўфибек шарманда бўлибди. От-анжомидан айрилибди. Тўлғондан қуруқ қолибди. Шарманда бўлиб қайтибди. Кўзидан ёши оқиб, беклар қошига боролмай ўйлаб, сипоҳи тенгдошларимга қандай кўриниш бераман дея, яёв мазгилига кетибди.

*Тўлғон қистаб минган отти  
Мирзачўлга йўлни тортти.  
Тўлғонни кўрган халойиқ,  
Амирнинг маҳрами депти.*

Энди Тўлғоной таваккал қилиб, сипоҳининг йўрғасини миниб, ўроқчи, машоқчи кўрса, «бу амирнинг маҳрами», деб йўлдан чиқиб, четда туриб, ўз кайфида йўл юриб, «ота-онам унда қолди, уруш тарқаса, ўлмаса, беш-тўрт ой ўтса ўзи бориб қолар-да» деб, қистов билан йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, Қўшбармоқдан ўтиб, Жиззахга яқинлашиб етиб қолибди. Кўнглида: «Энди саройда, ҳар жойда қўниб ётмайин. Бу оту апжом билан кўрган одам мени тек одам демас, бу Жиззах бегининг кўрғонига кириб, аркнинг остида, жиловхонасига рўпара бўлиб кўрайин», деб гавжум кўрғоннинг дарвозасидан кирди. Сипоҳлар кўриб «От йўл тортиб, тер қотиб келган, бу Музаффархоннинг маҳрамидир», деб кўргандан олдига югуриб, хизмат қилиб, бекка хабар берибдилар. Бек келиб кўриниб кетибди. Жойни ораста созлаб, ҳар турли таомлар тортиб, хизмат қилиб, шу кеча кутибди. Бек сўрабди:

— Қай тарафдан келаётибсиз?

Тўлғоной айтибди:

— Ўратепа беги билан Қўқон хонининг уруши бор экан, арза олиб бориб, шуларнинг

<sup>1</sup> Тамма — уруғ номи.

урушини босиб, тинчлик бериб келаётиман.

Эрта билан чойни ичиб бўлгандан сўнг отини тайёрлаб, отига миндириб, бек одам кўшиб, Жиззахнинг Гаримжўш тоғидан ошириб, сой ичига катта йўлга тушириб қўйибди.

Тўлғоной қистаб йўл юриб, Янгиқўрғонга бир тушиб ўтиб, Оқтепанинг бозори қизиган вақтда, кун оғайин деганда бозорга кириб борибди. Оқтепани айланиб кўриб, қассоблик, ғалла бозорларида отлик юриб экан, самоварчиликда одамлар гап қилибди. «Бу амирнинг маҳрами нимага келиб, от устида ҳамма ерни кўриб юрибди, бир гап бормикан?»

Қаёққа қараб юрса, одамлар нима воқса эканини билмай, томоша қилиб юрибди, лекин у ҳеч кимга, ҳеч нарса гапирмабди.

Пешин вақтида бозордан қайтибди. «Бу одам қаерга боради» деб, ҳамманинг кўзи бу сипоҳида бўлиб юрибди. Бориб-бориб бир Пардавой деганнинг ёмон ҳовлисига кирибди. Одамлар айтибди: «Бу Пардавой камбағал бир иш қилган экан-да, ҳеч кимдан сўрамай, шуни излаб юрган экан-да».

Тўлғоной ҳовлисига кирган ҳаммоно, Пардавой кўриб, кўзи тушгандан, «энди ўлдим» деб, сомонхонанинг тўрига кириб, чирик сомонга ўзини кўмиб, «топмай кетар-да» деб, дамани чиқармай ётибди. Шунда Тўлғоной:

— Пардавой уйдаими? — деб томнинг олдига етибди. Ён ёқда одамлар қараб турибди. Қари энаси бор экан, уйдан чиқиб:

— Болам, Пардавойда нима ишингиз бор, икки ойча бўлди, Пардавой ўроқчилик, машоқчилик қилиб кетди, «бир шум овқатни ўтказаман», деб юргандир, — деб кампир кўрқиб, дам-бадам, — нима қиласиз? — деб сўрайверибди.

Тўлғоной отдан тушибди. Отни ўзи бойлаб, уйга кирмоқчи бўлибди Кампирнинг ҳам хаёли кочиб: «Бир бало бўлди, бизга бу кун ҳам кўп эканми?» деб турибди. Тўлғоной бир қозикқа камар, қиличларини осиб қўйибди. Сўфибекдан кийган кийимлариникг ҳаммасини ечиб ташлабди.

— Мана мен кимга ўхшайман? — деб сўрабди. Кампир қараса Тўлғоной экан.

— Тўлғоноймисан? — деб кампир Тўлғонойни бағрига босиб, кўришиб эшикка чошиб чиқиб:

— Ҳо Пардавой, Тўлғоной келиб қолди, сипоҳи эмас экан, — дебди. Бунга эшитиб:

«У нега келсин, мени алдаб чақираётгандир. Аёл шундай бўладими, ёнбошида қиличи осилганди», деб кулоқ солиб ётибди Онаси бориб, устидан сомонни супуриб ташлаб, Пардавойнинг қўлидан ушлаб:

— Чиқиб кўр, кетган давлатинг, Тўлғоной келибди, — дебди.

Ундан кейин Пардавой, онаси билан чиқиб кўрса, бояги от бойлиқли турибди. Кетгандан бери қўли ишга бормаю юрар экан. Энди Тўлғонойни кўриб, вақти хуш бўлибди. Энаси туриб:

— Тўлғоной келди, беш-тўрт танга пулинг борми? Бозорга бориб бир нарса харажат қилиб келсанг. Камбағалчилик, ҳеч нарсанинг тайини йўқ, — дебди. Камбағалнинг аҳволи бир-бирига маълум бўлади. Булар ташвишга тушиб қолганини кўриб, Тўлғоной:

— Бизнинг отни олиб бориб, ўтишига бозорга сотинг. Ундан кейин пулини харажат қилаверинг, — дебди. Бу сўзни эшитиб, Пардавойнинг димоғи чоғ бўлиб, отни миниб, от бозорга бориб, ўтишига отни сотибди. Харажат қилиб, уйига келибди. Кўрпа-тўшагига керакли нарсаларни ҳам олиб келибди. Ҳамма кам-кўстини созлаб: «Тўлғонойнинг никоҳи ҳаммага маълум бўлсин» деб, бир кичикроқ тўй қилиб, беш-ўн одамга ош берибди.

Шундай қилиб Пардавой билан Тўлғоной мурод-мақсадига етибди.

## Бўз бола



*Бор экану йўқ экан,  
Оч экану тўқ экан.  
Бўри баковул экан,  
Тулки ясовул экан,  
Қарга қақимчи экан,  
Чумчуқ чақимчи экан.  
Кўчманчилик замонда  
Атоқли бой бор экан.  
Севиб олган ёридан  
Севинчоги йўқ экан.  
Давлат десанг ҳисобсиз,  
Йилқи, қўйи саноқсиз.  
Шунча давлатда, эсиз,  
Бир ўғилга зор экан.*

Бой боласи йўқлигидан кеча-кундуз қайғуриб, еган-ичганида ҳаловат йўқ экан. Зиёрат қилмаган мазори, азиз-авлиёлари қолмабди. Охирида хотин иккиқат бўлиб, бир ўғил туғибди, ойдек бола экан. Бой суюнганидан икки кеча-кундуз тўй-томоша қилиб бутун юртга ош берибди. Тўйга йиғилганлар болага Бўз бола деб от қўйибдилар. Бўз боланинг бешик тўйи куни онаси дунёдан кўз юмибди. Бой бир яхши энага топиб келиб, болани ўз уйида боқтирибди. Шу кунларда бир яхши кўрадиган давлат боши эчкиси туғиб, у эчкининг боласи ўлган экан. Бўз болани шу эчки сути билан боқибдилар. Эчки ҳар куни даладан ўтлаб-ўтлаб келиб, сут бериб кетар экан. Шу сут билан болани боқишар экан. Бўз бола тез кунда улғайиб, катта бўлиб, тили чиқибди. Бўз бола икки яшар бўлганда бой иккинчи хотин олибди. Ўғай она кейинроқ бир ўғил туққандан кейин Бўз болага ҳасад қила бошлабди. Болани яхши ювиб-тарамай, озода қилиб қўймай, бир чеккада, эски кўрпада ётқизиб, унинг қорни очиб нон деса, уришиб-зириктириб, бир томонга улоқтириб хўрлабди. Ўғай она Бўз болани йўқ қилиб, бойнинг давлатига ўз боласини эга қилмоқ фикрига тушибди.

Бўз бола ёши улғайгач, мактабга кирибди. У ҳар куни мактабдан келганда отаси уни ёнига олиб ўқитиб кўриб, ширин гаплар билан унинг кўнглини кўтарар экан. Ўғай она уни кўролмай ўз боласини бойга тикиштириб: «Қоч, қап-катта бола бўлиб, отанг ёнида ўтиргани уялмайсанми? Мана, уканг ота тиззасида ўтираман, деб талпиняпти», деб турткилар экан. Шундай бўлса ҳам отасининг яна Бўз болани эркалатганини кўриб хотинининг ғаши келиб, уни жуда ёмон кўрар экан.

Бўз бола ҳар доим укасини кўтариб унга меҳрибонлик қилгани учун укаси уни яхши кўрар экан. Орадан уч-тўрт йил ўтгандан кейин Бўз болани боққан эчки жуда ҳам ажойиб бир чиройли бола туғибди. Уни Бўз бола «меники», деб қулоғини тишлаб, ўз қўли билан боқибди. Она эчки ҳар куни икки-уч маҳал келиб, боласини эмизиб, далага ўтлагани чиқиб кетаркан. Эчкича бўлса Бўз бола билан ўйнашиб юрар экан. Бўз бола эчкичани сўзга ўргатибди. Ўғай онасидан хўрланганда эчкиси билан сўзлашиб, қайғусини тарқатар экан. Ўғай она Бўш болани ғар қанча хўрласа ҳам у индамас экан. Ўғай она бунга чидолмай чора излай бошлабди. Унинг башараси буришган бир кампир онаси бор экан. У макр-хийлага жуда уста экан. Ўғай она унга маслаҳат солибди.

Кампир айтибди:

- Эринг савдога кетганда, ҳар куни Бўз бола нон сўраганда, унга куйган кулча бер, ўз ўғлингга бўлса ёғлиқ нон бер. Анна шунақа қилсанг Бўз бола сендан аразлаб бирор томонга кетиб қолади, ёки отасига чақади. Шунда сен айбни Бўз болага қўйиб, шаллақилик қилиб турсанг, эрингнинг аччиғи чиқади. Шунда эринг болани бирор томонга юборади. Сен Бўз

боладан қутуласан-қоласан.

Эри савдога кетган кундан бошлаб ўгай она кампирнинг айтганларини бажарибди. Бўз бола онасининг ишига нима қиларини билмай хафа бўлиб, боққа чиқиб ўтирса, эчкичаси гйноқлаб олдига келибди.

Эчки Бўз болани хафа кўриб:

- Ҳа, Бўз болакай, нега бунча хафасиз? – дебди. Бўз бола унга:

- Эй, кўйсанг-чи, сўраганинг билан бирор нарсани уддасидан чиқсанг экан, мен сенга айтсам, кўй, нима қиласан сўраб, - дебди.

Эчки бўлса:

- Акажон, менга сўзланг, балки мен бирор чорасини кўрарман, бўлмаса яняя бошқа йўл топармиз, - дебди.

Эчкисининг бундай доно сўзлаганига Бўз бола ҳайрон қолибди ва унга ўгай онасининг то шу чоққача хўрлаб келганини, айниқса, отаси савдога кетгандан кейин ҳар куни мактабдан келганида биттадан куйган кулча бера бошлаганини, ўз боласига ёғлиқ нон бериб, уни жуда хўрлаётганини сўзлаб йиғлабди. Эчки унга дилдорлик қилиб:

- Кўйинг, куйган кулчани менга беринг, мен сизга яхши овқат топиб бераман, - дебди.

Бўз бола нонни эчкисига тўғраб берибди, эчки нонни еб олиб, дуо ўқибди. Бўз бола қараса, олдида бир товоқ ош турган эмиш. Бўз бола ошни еб қорнини тўйғазибди.

Мана шундай қилиб, ҳар куни куйган нонни эчкига бериб, ўзи йўқдан келадиган ошни еб, ўйнаб-кулиб юра берибди.

Бу воқеани бир кун ўгай она кўриб қолиб, ўз онасига сўзлабди.

Кампир бир оз ўйлаб туриб:

— Бунинг иши осон, сен эринг келар куни ўзингни касалликка солиб ёт, эринг сўраса: «Менга жин тегибди», дегин. Фолбин: «Бўз боланинг эчкисини сўйиб худойи қилсанг яхши бўласан» деди, дегин. Эринг сўзингни қайтармайди-да, эчкини сўяди, шунда сен қутуласан-қўясан, — дебди.

Хотин эри келган куни онаси айтгандек қилиб йиғлаб, эрига зорланиб сўзлабди, эри дарров қассобни чақириб эчкини сўйишга буюрибди. Гўштини худойи қилиб, калласини сомонхонага кўмдирибди. Бўз бола мактабдан келиб кўрса, эчкиси йўқ. Укасидан сўраса, укаси:

— Отам келдилар, онам касал бўлди, эчкингизни сўйдириб худойи қилдик, калласини сомонхонага кўмдик, — дебди.

Бўз бола қараса воқеа укаси айтгандай. Бўз бола укасига:

— Энди бизга бу юрт ҳаром бўлди. Онамга ҳам, отамга ҳам айт, энди мендан бутунлай қутулдилар, мен кетдим, —деб жўнабди. Чунки эчкиси бир кун илгари Бўз болага: «Эртага отанг келади, онанг мени сўйдириб худойи қилади. Мени сўйдиргандан сўнг сен бу ерда турма. Онанг сенга зиён қилади, бошқа томонга кет», деган экан.

Бўз бола кетаётган экан, кўчада икки жонажон ўртоғи учраб:

— Йўл бўлсин? — дебди.

Бўз бола уларга ҳамма воқеани айтиб, энди мен бу ерда турмайман, хайр, кетдим, — дебди. Икки ўртоғи: «Тўхта, бўлмаса биз ҳам сен билан бирга борамиз, биз ҳам сенга ўхшаш ўгай она кўлида эзилганлардан, сен қайга борсанг биз ҳам шунда борамиз», деб бирга жўнашнбди. Бўз боланинг отаси кичик ўғли, акам кетиб қолди, деб йиғлаб кирганини билиб кетидли югуриб чиқиб, чақирибди, болалар қарамай кета берибдилар. Отаси Бўз болага, бўлмаса бирор нарса олиб кет, деб шуни айтибди:

*Бўз болахон, Бўз бола,*

*Бўзларда битган лола.*

*Кўтондаги кўйлардан —*

*Ҳайдаб кетгин Бўз бола.  
Бўз болахон, Бўз бола,  
Бўзларда битган лола.  
Йилқидаги отлардан —  
Мина кетгин, Бўз бола.  
Бўз болахон, Бўз бола,  
Бўзларда битган лола.  
Бўғчадаги тўнлардан —  
Кия кетгин, Бўз бола.  
Бўз болахон, Бўз бола,  
Бўзларда битган лола.  
Ғазнадаги пуллардан —  
Ола кетгин, Бўз бола.*

Бўз боланинг жуда ҳам аччиғи чиқиб:

*Қўтондаги қўйларинг,  
Ўн ошинга сўйилсин.  
Йилқидаги отларинг,  
Маъраканга сўйилсин.  
Бўғчадаги тўнларинг,  
Товутингга ётилсин.  
Ғазнадаги пулларинг,  
Товутингдан сочилсин,*

деб отасининг сўзига қарамай, бадар кета берибди. Уч ўртоқ уч оғайнидек юра берибдилар. Йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди.

*Қумлар босиб, чўл кезиб,  
Дарё кечиб, тоғ ошиб,  
Уч оғайни юрдилар,  
Гурунглашиб, ўйнашиб.*

Юриб-юриб бир дарахтзорга боришибди. Бир оз овқатланиб, дам олиб ўтиришган экан, бир дарахт шохида бир лочинни кўришибди. Уни тутиб олиб кета беришибди. Йўлда тоғ орасида бир този ит юрган экан, уни ҳам тутиб олишибди.

Йўлда қуш бир томонга қараб интилибди, қарасалар бир тўда каклик юрган экан, қуш шу какликларга интилган экан. Итни юбориб, какликлареи учуриб, қушни солишибди. Қуш какликлардан бирини олиб давра солиб кўтарилиб кета берибди. Ит ҳам қушнинг кетидан кетаверибди. Булар ҳам қуш билан ит кетидан «мах-мах»лашиб қувиб кета берибдилар. Қуш бориб-бориб бир ерга қўнибди. Қуш тушган жойга борсалар, бир улуғ дарё лабида хонлар саройига ўхшаш бир иморати олий бор эмиш. Қуш эса шу иморатнинг кунгирасига қўнибди. Қушни чақирсалар сира қарамабди. Ўзи келар, деб бир дарахт тагига ўтириб, овқатланиб, ясланиб ухлаб қолишибди. Булардан бирининг уйқуси келмай ўтирган экан, саройдан бир қиз чиқибди, унинг қўлида олтин обдаста бор экан, у қиз дарёдан суз олиб туриб ётганларга қараб, Бўз боланинг чиройига махлиё бўлиб қўлидаги олтин обдастасини дарёга тушириб юборибди.

Қиз келиб, уйғоқ йигитдан:

— Сизлар кимсизлар, қайдан келасизлар, қайга борасизлар, бу ётган офатижон ким? — деб

сўрабди.

Унга йигит бутун бошидан ўтган, курган-кечирганларини сўзлаб, ётган йигит ўртоғи Бўз бола эканини айтибди ва:

— Сен ўзинг кимсан, бу кимнинг жойи? — деб сўрабди. Қиз:

— Бу сарой шу юртнинг хони Ойтуғдихоннинг қизи Ойпарча бегимнинг махсус саройи, мен унинг чўрисиман. Хон бугун-эрта қизини узатади, мен Ойпарча бегимнинг сочларини ювмоқ учун сувга чиққан эдим. Сизларни кўриб, эсим оғиб, обдастамни сувга тушириб юбордим. Энди Ойпарча бегимга нима жавоб бераман?! — деб йиғлабди.

Йигитнинг қизга раҳми келиб, ечиниб сувга шўнғиб, олтин обдастани тополмабди. Қиз эса йиғлаб-йиғлаб саройга кириб кетибди.

Ойпарча бегим чўрини койиб, кеч қолганининг сабабини сўраб, обдаста билан сувни талаб қилибди. Чўри кўрганларини сўзлаб, Бўз боланинг чиройини хон қизига мақтабди, Ойпарчанинг шавки ортиб, қизиқиб дарё томонга қаратиб қурилган эшикчани очиб қараса: айтганидек уч йигит ётибди. Улар бири биридан чиройли, ҳаммасидан ҳам чўри қиз айтгандек ўртада ётган Бўз бола жуда ҳам чиройли. Кўра солиб ишқ ўти юрагига тегиб, «воҳ» деб ўзини ташлабди. Чўри қиз гулоб сепиб Ойпарчани ўзига келтирибди. Хон қизи чўридан икки олма келтирмоқни сўрабди. Чўри икки қизил олма келтириб берибди. Ойпарча мўлжаллаб туриб, олмани Бўз болага ирғитиб, уйғотибди.

Бўз бола уйғониб қараса, юқори эшикчада бир қизил гул очилиб-кулиб, юз ноз-карашма билан буралиб турибди. Бу қандай қиз экан ёки тушиммикан, деб кўзини уқалаб қараб турса, қиз бир қизил олмани Бўз бола томон ирғитиб, эшикни бекитиб, яна очиб қарабди. Бўз бола ҳам бир кўришдаёқ ошиқи бекарор бўлиб, ёнидан рўмолчасини олиб, ҳилпиратиб, юрагига босибди, яъни хон қизига: «мен сени севаман, яқинимга кел», деган ишоратига «мен ҳам сени севаман», деб юрак алангасини ишора билан маълум қилибди, ирғиб ўрнидан туриб, сарой тагига бориб, унинг ким эканини сўрабди.

Иккаласи бир-бирининг ким эканлигини сўрашганидаи кейин, хон қизи:

— Мени отам бир севмаган хонзодага бермоқчи, сен истасанг бошқа томонларга қочиб кетамиз, — дебди. Бўз бола:

— Менинг иккита ўртоғим бор, уларни нима қиламиз? — дебди.

Қиз:

— Улар кетимиздан борарлар, сен кечқурун эл ухлаган чоғда шу ерга кел, мен икки от билан сени кутаман, бирга қочамиз, — дебди.

Бўз бола «хўп» деб ўртоқлари ёнига қайтиб, воқеани уларга айтиб, кечқурун эл ухлаган чоғда дўстлари билан хайрлашиб, сарой томон борса, қиз отлар билан тайёр бўлиб, кутиб турган экан. Иккаласи отларга минишиб, сарой ва юрти билан хайрлашиб, ота-онаси билан хайр-маъзурни насиё қилиб, ҳайё-ҳайт, деб йўлга тушибди.

*Иккала ёр жўнади,  
Саҳроларни чангитиб,  
Қувалашиб, ўйнашиб,  
Тоғларда от сакратиб.  
Иккала ёр жўнади,  
Эл уйқуга кирганда.  
Қучоқлашди, ўпишди,  
Ой мўралаб турганда.*

Шу юрганларича йўл юриб, йўл юришса ҳам мўл юриб, беш кечаю беш кундуз деганда баланд бир кўрғонга етибдилар, эгаигидан кириб қарасалар, хонлар саройидек олий иморатлару

ичида ҳеч ким йўқ. Таваккал қилиб тушиб қарасалар, уйлар безоғлик, палослар солинган, одам боласидан ҳеч зот йўқ. У ён-бу ён қарасалар, йўқотилган қуш билан ит шу ерда экан. Ҳайрон бўлиб, қуш ва итга овқат берибдилар, итнинг бошини силабдилар. Ҳар иккаласи у ёқ-бу ёқни қараб, ҳамма ёқни ўзлариники қилиб олишибди.

Бугун ўн кун бўлади деганда, ҳалиги қолган икки ўртоқлари ҳам етиб келишиб, Бўз болани шу кўрғондан топишиб, ҳаммалари ҳар кун галма-гал ов қилиб шу кўрғонда умр ўтказиб юришибди.

Эндиги сўзни хон томондан эшитинг. Хон қизини туркман хонининг ўғлига берган экан. Булар қочган куннинг эртасига туркман хонининг ўғли асаса-ю дабада билан қизни келин қилиб тушириб олиб кетмоққа келибди. Эшитса, хон қизи бир номаълум киши билан қочган ёки ўзи қочган. Хон ҳар томонни кидиртириб кишилар юборибди. Куёв ҳайрон бўлиб, қўшин тушириб ёта берибди.

Қидирувчилар бир қанча кунлар сарсон бўлиб, охири йўллари Бўз бола турган кўрғонга тўғри келиб қоладилар. Қарасалар: хон томонидан қамоқ қилиниб кўйган кўрғондан тутун чиқмоқда. Ҳайрон бўлиб, бу ерга ким келиб, хондан кўркмай жой қилган экан, деб кириб қарасалар, қиз қочган куни хоннинг отхонасидан йўқолган отдан бири турибди. Улар бирга келган кампирни ичкари киргизибдилар. Кампир секин қайтиб чиқиб: «Хон қизи шунда экан», дебди. Ясовуллар босиб кириб, Бўз болани тутиб, тут ёғочга боғлаб, хон қизини беҳуш қилиб отга ўнгариб кетмоқчи бўлганларида, Бўз бола йиғлаб йигитларга қараб шундай дебди:

*Тогдан келган ботирлар,  
Яхши йигит шотирлар,  
Ёрим олиб кетманглар,  
Бизга зулм этмаганлар!  
Шунқоримни солдириб,  
Бургутларга олдириб,  
Тутга боғлаб қолдириб,  
Мени ташлаб кетманглар!  
Бирга элтинг бўлмаса,  
Ё ўлдилинг бўлмаса,  
Йигит бўлиб, от миниб,  
Номардликни қилманглар!*

Йигитлардан бирининг аччиғи чиқиб:

— Хон қизини ўғирлаб келиб, яна тилингни тиймайсан, — деб қилич билан бир урибди, қизни олиб жўнашибди.

Кечкурун икки ўртоғи овдан қайтиб келсалар, Бўз болани ўлдириб, Ойпарчани ўғирлаб кетибдилар. Бўз бола учун йиғлаб, ўлигини тутдан ечиб олиб, ўтириб маслаҳат қилиб, ўртоғимизнинг ўлигини бегона жойларда қолдирмаймиз, деб отга ортиб жўнашибди. Юра-юра адашиб Ойтуғдихоннинг шаҳарига келиб қолишибди. Энди, хон билиб қолмасин, деб Бўз боланинг ўлигини бир ерга кўмиб, устига қовоқ экиб, унинг атрофини обод қилиб, чайла тикиб, иккаласи дарвеш кийимини кийиб, шунда, ўртоқларининг бошидан дуойи такбир қилиб ўтиришибди.

Хон қизини саройга келтиргандан кейин, қиз отасига:

— Мен энди эр қилмайман, — дебди.

Хон ноилож, куёвни қанча сарполар билан алдаб, зўрға жўнатибди. Ойпарча ўз саройидан бошқа ерларга чиқмай, Бўз бола ишқида кеча-кундуз йиғлаб ётиб олибди. Доим иши, бирор юртдан бир дарвеш ёки жаҳонгашталардан келиб қолса, уларни гапга солиб, Бўз боладан дарак

сўрар экан. Чунки, у Бўз боланинг ўлганини кўрмаган, ҳали тирик деб гумон қилар экан. Дарвешлар келса куйлатиб, кўрган-кечирганларидан сўйлатиб, шунинг билан овунар экан. Бир куни унинг бир чўриси Бўз бола томонидан ўтиб қолиб, унинг дарвеш ўртоқларини ғамли-аламли куйлаб ўтирганларини эшитиб, Ойпарчага сўзлаб берибди. Ойпарча дарров киши юбориб, ўша икки дарвешни келтириб, гапириб, куйлаб бермоқларини сўрабди. Дарвешлар дарҳол Ойпарчани таниб, ўртоқлари Бўз бола эсларига тушиб, кўз ёши қилиб юракларидан куйлабдилар:

*Туя кетар тоғ ошиб,  
Бўталогги эргашиб,  
Ҳеч жаҳонда бормиди,  
Бўз боладек бўз йигит.  
Қўйлар келар маърашиб,  
Кўзичогги эргашиб,  
Ҳеч жаҳонда бормиди,  
Бўз боладек бўз йигит.*

Ойпарча кўнглида қидирганидан дарак топганига суюниб дарвешларга бир курак олтин бериб, яна айтмоқларини сўрабди. Дарвешлар олдингидан ҳам дардлироқ қилиб йиғлаб, куйлашибди:

*Бўз боланинг гавдаси,  
Тут ёғочга осилди.  
Номард йигит қўлида,  
Боши қўйдек кесилди.  
Бўз болаҳон, бўз йигит,  
Сара йигит, эр йигит.  
Ҳеч жаҳонда бормиди,  
Бўз боладек бўз йигит?!*

Буни эшитиб, Ойпарча бегим беҳуш бўлиб йиқилиб, бир оздан сўнг ҳушига келиб, қон-қон йиғлаб, дарвешлардан Бўз боланинг ўлиги қаерда эканини сўрабди. Дарвешлар ўзларини танитиб, ўликнинг ўзлари турган жойда эканини айтибдилар. Ойпарча бегим дарров арава қўшдириб бориб, гўрини очиб, Бўз боланинг ўлиги устига ўзини ташлаб, оҳ уриб жон берибди. Ойтуғдихон буни эшитиб келиб қараса, кизи ўлиб ётибди. Қилган ишларига пушаймон бўлиб, йиғлаб-йиғлаб, Бўз болани ўлдирганларга ғазаб қилибди. Кейин Бўз бола билан Ойпарча бегим устиларига мақбара қилиб, қизининг азаси билан умр ўтказибди.

### Энг ката зулм

Бор экан, йўқ экан, бир подшо бор экан. Унинг битта-ю битта қизи бор экан. Кунларнинг бирида подшонинг хотини вафот этибди. Ундан битта тилла ковуш қолибди. Подшо мамлакатга жар солдирибди: «Ушбу тилла ковуш кимга тўғри келса, подшо ўшани хотинликка олади», дебди.

Тилла ковушни уч-тўрт хотин кўтариб эшикма-эшик юриб, бутун мамлакатдаги хотин-қизга кийгизиб чиқибди, ковуш ҳеч кимнинг оёғига тўғри келмабди.

Хотинлар подшо ҳузурига келиб:

— Ҳурматли подшоҳим! Биз кирмаган эшик, у ковушни киймаган хотин-қиз қолмади, энди нима қиламиз? — дебдилар. Шунда подшо:

— Рост айтинглар, ҳеч ким қолмадимми? Наҳотки, менинг мамлакатимда шу ковуш тўғри келадиган қиз топилмаса, — дебди.

Хотинлардан бири:

— Ҳурматли подшоҳим! Фақат ўзингизнинг қизингиз қолди, холос, — дебди. Подшо:

— Боринглар, ковушни қизимга кийдириб кўринглар, агар оёғига тўғри келса, қизим бўлса ҳам оламан, — дебди.

Хотинлар саройга кириб, ковушни қизга кийдирибдилар. Ковуш қизга тўғри келибди. Шундан кейин, подшо ўз қизини олиш учун қирқ кеча-ю қирқ кундуз тўп қилишга буйруқ берибди. Подшо тўй-томошада кайф-сафо суриб турсин. Энди гапни қиз бечорадан эшитинг:

Қиз нима қилишини билмай кеча-кундуз йиғлабди. Охири ўзича бир фикрга келибди. Қиз турган саройга яқин жойда кигиз босувчи уста бор экан. Қиз отасининг хазинасига кириб, икки енгига тилла тўлдириб чиқибди ва кигизчи кишининг уйига борибди. Унга бошидан ўтган воқеани йиғлаб айтибди. Кейин у кишидан: «Менга битта одам қиёфасида кигиз тўкиб беринг. Мен уни кийиб шаҳардан ташқарига чиқиб кетаман. Бу ишни фақат сиз билингу мен билар. Кигиз қирқ кунгача битсин», деб илтимос қилиб, икки енгига тиллани уста олдига тўкибди. Уста ҳам қизнинг кўз ёшларига раҳм қилиб, рози бўлибди.

Кунлардан кун ўтиб, бир кам қирқ кунда кигиз тайёр бўлибди. Қиз кигизни кийгач, одамга ҳам, махлуққа ҳам ўхшамай қолибди. Қиз кечаси ҳеч кимга билдирман, кигизни кийиб, шаҳардан чиқиб кетибди. Бечора қиз чўл кезиб, тоғлар ошиб, дарёлар кечиб, узоқ тун ва кунлар ҳориб-чарчаб йўл юрибди. Йўл юрса ҳам мўл юриб, бошқа бир мамлакатга кириб борибди. У мамлакатнинг бир ёш шаҳодаси бўлар экан. У қуш учириб, шу қуш кимнинг бошига қўнса, шуни оламан, деган экан. Кигиз кийган қиз бир кишлокқа яқин ерда чарчаб дам олиб ўтирган экан. Шу пайт шаҳоданинг қуши келиб кигиз устига қўнибди. Шаҳода бир неча йигитлар билан қушнинг орқасидан қувиб келса, қуш бир нарса устига қўниб турган эмиш. У на одамга, на махлуққа ўхшар эмиш. Шаҳода ҳайрон бўлиб, аччиғланиб, қушни бошқатдан учирибди, қуш яна келиб кигиз устига қўнибди. Йигит қушни яна бошқатдан учирибди. Қуш айланиб яна ўша кигиз устига қўнибди. Охири шаҳода кигизга: «Эй, сен кимсан? Одам десам ҳамма жойинг юнг, ҳайвон десам одам шаклидасан, инс-жинс десам ғойиб бўлмайсан? Ўзинг нимасан?» деб сўрабди. Шунда кигиз: «Худо мени шундай тусда яратган, мен шундай кўрқинчли бўлганим билан кишига зарар етказмайман. Агар иложи бўлса мени ҳовлингизга олиб кетсангиз, хизматингизни қилиб юраман», дебди.

Шаҳода уйига келиб бўлган воқеани онасига айтибди. Онаси:

— Майли, болам, у ҳам худонинг махлуқи, олиб кела қол: сув ташиб, ўтин ёриб юрар, — дебди. Шаҳода кигиз қизни уйига олиб келибди. Қиз бечора кечгача тинмай хизмат қилиб юра берибди. Уни ҳеч ким назар-писанд қилмабди, у ҳам кўпчиликка аралаша олмабди, уни кўрган одам кўрқар экан. Агар шаҳоданинг уйига бирор одам келса, ё қўшниларидан бири чиқиб қолса, «кигизларингни ушлаб-туринглар», дер экан.

Шаҳода: «Мен қуш учирсаму кигизга қўнса, демак менинг бахтим йўқ экан. Мен энди дунёдан шундай ўтаман», деб ўз подшолигини қила берибди.

Кунларнинг бирида бошқа бир мамлакатнинг подшоси шаҳодани тўйга таклиф қилибди. Шаҳода кигиз қизга уй пойлатиб, онаси ва укалари билан тўйга кетибди. Улар жўнагандан кейин, қиз ҳам дарров кигизни ечиб, улар орқасидан ўзини кўрсатмай кета берибди. Тўйхонада шаҳодани жуда иззат-ҳурмат билан кутиб олишибди. Уларнинг орқасидан қиз ҳам кириб борибди.

Қизни шаҳодадан ҳам ортиқ ҳурмат билан кутиб олишибди. Тўйда ўтирган йигитлар қизнинг қайси мамлакатдан келганини билишга шошилибдилар. Қизни олиб кириб энг юқори

жойга ўтказибдилар. Унинг олдига турли хил ноз-неъматлар ва таомлар қўйибдилар. Бутун уй ичидагиларнинг кўзи қизда бўлибди. Қиз ўтирган уйда шаҳзода ва унинг онаси ҳам ўтирган эканлар. Лекин улар қизни танимабдилар. Шаҳзода эса қизни севиб қолибди. Қиз билан сўзлашиб, унга битта узугини берибди. Тўй тугамай туриб, қиз кетишга рухсат сўрабди. Лекин унга жавоб беришмабди. Қиз: «Вақтли кетмасам бўлмайди», деб туриб олибди. Улар: «Биронтамиз олиб бориб қўяйлик», десалар ҳам кўнмабди. Ниҳоят, қиз ўрнидан туриб, тўйдагилар билан хайрлашиб уйга қайтибди. Қизнинг чиқиб кетиши биланок, «гўзал қиздан ортиб қолган таомлар табаррук», деб бир уй хотин дастурхондаги таом ва меваларни бўлишиб олибди. Қиз уйга келиб дарров кигизни кийиб олиб, ҳеч ким кўрмагандай уй ишлари билан шуғулланиб ўтирибди. Кеч бўлгач, шаҳзода билан онаси ҳам тўйдан қайтишибди. Шаҳзода билан онаси тўйхонада кўрган гўзал қизни бир-бирига мақташибди. Шаҳзода: «Мен ўша қизни қаердан бўлса ҳам топиб келаман», деган қарорга келибди. Шаҳзоданинг онаси:

— Кигиз, ана бу дастурхон ичида сенга ҳар хил таомлар олиб келдим. Тўйга бир чиройли қиз келдики, унинг гўзаллиги ҳеч кимда йўқ. Қани ўшандай келиним бўлса. Ундан қолган овқатлар сенга табаррук, деб олиб келдим, дастурхонни очиб, олиб егин, — дебди.

Эртасига эрталаб шаҳзода қизни ахтариб кетмоқчи бўлиб, йўл учун нон буюрибди. Шаҳзоданинг онаси нон ясаётганда, кигиз:

— Жси буви, мен ҳам нон ясай, — дебди. Шунда бувиси:

— Қўй, сен нон ясама! Сенинг қўлингда ясалган нонни ким ейди! — дебди. Кигиз кўнмабди: «Ҳеч ким емаса майли, ўзим ейман», дебди-да, битта нон ясаб, унинг ичига қўлидаги узугини солиб қўйибди. Шаҳзода сафарга тайёрланибди. Унинг жўнаши олдидан кигиз:

— Ака! Ноннинг ичида битта мен ясаган нон бор, ўшани емасдан тенг иккига бўлиб сувга ташланг, — дебди.

Шундан кейин шаҳзода она ва укалари билан хайрлашиб сафарга жўнабди. У йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, етти кун деганда бир тоққа етиб борибди. Ниҳоятда чарчаб, қорни очган экан. Бир ерга ўлтириб, бир оз овқатлангиси келибди. Хуржунидан нон олмоқчи бўлиб қўлини солган экан, қўлига юнг аралашган нон чиқиб қолибди. Шаҳзода нонни тенг иккига бўлса, ўртасидан узук чиқибди. Шаҳзода узукни танибди. Севиниб орқасига қайтибди. Етти кун деганда уйига қайтиб келибди. Сафардан тез қайтган шаҳзодани кўрган онаси хайрон бўлибди. Сафардан тез қайтиш сабабини онаси сўрамабди. Шаҳзода ҳам сирни онасига айтмабди. Эртасига эрталаб тахтга чиқиш олдидан.

— Она, мастава қилинг-да, кигиз қиздан чиқариб юборинг, — дебди.

— Вой, болам, унинг қўлидан қандай овқат ичасан, ўзим олиб чиқиб бераман, ёки ўз уканг олиб чиқиб берар, — дебди. Шаҳзода:

— Йўқ, она, айтганимни қилинг, — дебди-да, тахтга чиқиб кетибди. Шаҳзоданинг онаси маставани тайёрлаб, косага қуйиб, кигизга олиб чиқиб беришни буюрибди, кигиз кўнмабди. Онаси: «Мен айтгандан кейин олиб чиқиб бер!» дебди. Охирида қиз шаҳзодага овқат олиб чиқишга мажбур бўлибди. Зинадан чиқаётганида атайлаб ошни тўкиб юборибди ва уйга қайтиб кирибди. Кампир косага яна ош қуйиб берибди. Кигиз қиз бу сафар овқатни тўкмай тахтга олиб чиқиб шаҳзодага берибди. Шаҳзода қиздан кигизни ечишни сўрабди. Қиз кўнмабди. Шаҳзода яна қайта-қайта илтимос қилибди. Охири қиз ечинишга мажбур бўлибди. Шунда шаҳзода кўрса, тўйда кўришган ўша чиройли қиз. Шунда севиниб кетибди. Ўз бахтидан хурсанд бўлиб қиз билан анча вақтгача суҳбатлашиб ўтирибди. Кигизнинг кечикканидан хавотирланган она кичик ўғлини унинг орқасидан чиқарибди. Бола тахтга чиқиб қараса, акаси тўйда бўлган чиройли қиз билан мастава ичиб ўтирган эмиш. Бола дарров орқасига қайтиб, онасига хабар берибди. Буни эшитган она қувониб ташқарига чиқиб, тахтга қараса, ўша чиройли қизни кўрибди. Она қиз билан кучоклашиб кўришибди. Қиз бошидан ўтган воқеаларни бошидан охиригача сўзлаб берибди. Шаҳзода қирқ кеча-ю қирқ кундуз тўй қилиб, қизга уйланибди.



Шундай қилиб, улар шод-хуррам ҳаёт кечириб турсинлар, энди икки оғиз гапни қизнинг дадаси — подшодан эшитинг.

Қирқ кеча-ю қирқ кундуз тўй-томошадан кейин подшо қараса, қиз йўқ. Бутун шаҳарга жар солдириб, қизни қидиртириб, уни ҳеч қаердан тополмабди.

Қизни қидириб, қирқ йигити билан шаҳардан чиқиб кетибди. Улар йўл юрса ҳам мўл юриб, кунларнинг бирида, озик-овқатлари тугаб, ўзлари ниҳоятда чарчаб қолибдилар. Подшо қирқ йигити билан қирқ ўғрига дучор бўлибди. Подшо йигитлари ўғрилар билан уруша бошлабди. Шунда подшо қочиб қолибди. Ўғрилар эса подшонинг йигитларини қириб ташлабди. Ўғрилар подшони ҳам ўлдирдик деб, қирқ йигитнинг кийимларини кийиб, отларини олиб, бир неча кун йўл юриб, подшонинг шаҳрига кириб келибдилар. Ўғриларнинг бошлиғи подшо бўлиб олибди. Ўзининг ўттиз тўққизта шеригига шундай дебди:

— Менинг давримда хоҳлаган шаҳарингга кириб, хоҳлаган нарсани олиб чиқиб юра бер!

Уларни ўттиз тўққизта шаҳарга тарқатиб юборибди.

Подшо қаландар сифатида шаҳарма-шаҳар кезиб, кунлардан бир кун қизнинг шаҳрига бориб қолибди. У шаҳарда қаландарлик нақшини айтиб юра берибди. Бир кун қиз қаландарнинг донғини эшитибди. Шаҳзодадан қаландарни ўз саройига келтиришни илтимос қилибди. Шаҳзода қаландарни чақиртирибди. Қиз қаландарни кўриши биланоқ ўз дадаси эканини билибди-да, дарҳол жазолашни бугарибди. Шаҳзода кўнмабди. Лекин қиз отасининг ўз қизига қаттиқ зулм қилганини яна қайта гапириб берибди-да уни ўлимга буюртирибди,

Шундай қилиб, қиз шаҳзода билан умр кечириб, мурод-мақсадига етибди.

## Тоҳир ва Зухра

Бир бор экан, бир йўқ экан, ўтган замонда бир подшоҳ бор экан. Лекин унинг фарзанди йўқ экан.

Кунлардан бир кун ўйлаб, хафа бўлиб ўтирса, ўнг қўл вазири сўрабди:

— Э подшоҳи олам, нега хафасиз? Давлатингиз бор. Ҳамма фуқаро сизнинг ихтиёрингизда бўлгандан кейин, бунча хафагарчиликнинг нима кераги бор?

— Мен шунча давлат-салтанатга эга бўлсаму, — дебди подшоҳ, — хизматимга шунча одамлар тайёр турса-ю, дунёдан фарзандсиз ўтсам, мен хафа бўлмай ким хафа бўлсин? Фарзанд бўлмагандан кейин бу подшоҳлик ва давлатнинг нима кераги бор?

Ўзининг бефарзандлигини эслаб, вазир ҳам оҳ тортибди. Подшоҳга аҳволини баён қилибди. Иккаласи хафа бўлиб, йиғлаб, бир уйга кириб дардлашиб ётибди. Сўнгра иккиси бефарзанд бўлиб дунёда юргандан кўра давлат ва иззат-иқромдан кечиб, бош олиб кетишни ортиқроқ кўрибди. Подшоҳ билан вазир бутун мол-дунёнинг баҳридан ўтиб, шаҳардан чиқиб кетишибди. Йўл юра-юра улар охири бир боққа етишибди. Аммо унга киришга илож бўлмабди. Боғда гуллар очилган, кўм-кўк майсалар ёйилган, булбуллар, турли қушлар сайраган. Райҳон, жамбил ва бошқа хушбўй гиёҳлар гуркираб тураркан. Сувлар сепилган. Супада гиламлар ёзилган, кўрпачалар солинган, ёстиқлар қўйилган эмиш. Бу боғ жуда чиройли экан, кўрган одамнинг баҳри-дили очилиб, ғам-ҳасрати, қайғу-аламлари кетар экан. Боғ ичи жимжит, ҳеч ким йўқ экан.

Икковлари боққа кирибдилар ва хайрон бўлиб, бир-бирига қараб ўтирибдилар. Боғнинг бир бурчагидан бир чол чиқиб келибди:

— Ҳа, болаларим, нима қилиб ўтирибсизлар? — деб сўрабди.

Булар дарҳол ўринларидан туриб, салом берибдилар. Подшоҳ билан вазир бир-бирларига қараб қўйишибди ва бефарзанд эканликлари, шу сабабдан хафа бўлиб, мол-дунёдан кечиб, шу жойга келганликларини гапирибдилар.

Чол буларнинг сўзини обдон тинглабди. Кейин қўйнидан иккита қизил олма чиқариб,

бирини подшоҳга, бирини вазирга узатиб, бундай дебди:

— Болаларим, бу олмаларни олиб бориб севган хотинингиз билан баҳам кўринглар, ўз ишларингиздан қолманглар, фуқарога жабр-зулм қилмай, юртни обод сақланглар.

Кейин уларга бир шарт қўйибди.

— Мен олмани сизларга шу шарт билан бердимки, қайси бирингизнинг хотинингиз ўғил туғса, отини Тоҳир қўйинг, қайси бирингизнинг хотинингиз қиз туғса, отини Зухра қўйинг. Аммо уларни бир-биридан ажратманг. Катта бўлиб вояга етганда қуда бўлинглар, эсдан чиқарманглар, — деб келган томонга қараб кетибди. Подшоҳ вазирга, вазир подшоҳга қарабди. Улар ўйлашиб кейин:

— Қани, чолнинг айтганини ҳам қилайликчи, биздан нима кетди, — дейишиб, орқага қайтишибди.

Яна подшоҳ билан вазир юрт сўрашда давом этишибди.

Кундан кун, ойдан ой ўтиб, вазирнинг хотини ўғил, подшоҳнинг хотини қиз туғибди. Подшоҳ билан вазир овга чиқиб кетишган экан. Дарҳол суюнчига одам борибди, у подшоҳга:

— Суюнчи беринг, хотинингиз қиз туғди, — дебди, сўнгра вазирга қараб:

— Суюнчи бериинг, сизнинг хотинингиз ўғил туғди, — дебди.

Хотини қиз тукқани учун подшоҳ ғазабланиб, хабарчига буюрибди:

— Бор, ўша қизпи ўлдириб, қонига мана шу рўмолчани бўяб келтир! — деб, бир оқ рўмолчани берибди-да, кейин қизнинг ўлдирилган, ўлдирилмаганини сўрамабди.

Вазир бўлса суюниб от чоптириб кетибди. Йўлда кетаётганида оти тошга қоқилибди-ю, мункиб кетибди, вазир отидан йиқилиб, тил тортмай ўлибди. Бу ёмон қора кунларга қолган бечора хотин йиғи-сиғи қилиб, ота юзини кўрмай қолган етимчани яхшилаб тарбиялашга киришибди. Кундан-кун, ойдан-ой, йилдан-йил ўтибди. Гўдаклар йўлга кирибди. Кунлардан бир кун подшоҳ тахтида ўтирган экан, кўчада ўйнаб юрган Тоҳирга кўзи тушиб, ёнидаги вазирдан:

— Бу кимнинг боласи? — деб сўрабди.

— Эй подшоҳи олам, султони боқарам, бу бола аввалги вазирингизнинг ўғли Тоҳир бўлади. Сизнинг ҳам қизингиз ўлмаганда, шундай бўлиб қолар эди, — дебди вазир.

Подшоҳ қаттиқ қайғурибди ва пешонасига уриб йиғлабди. Шунда вазир дарҳол ўрнидан туриб подшоҳ хотинларидан бирини чақириб сўрабди:

— Подшоҳнинг қизи тирикми?

— Подшоҳим билмасинлар. Қизчалари йўртмачоқ бўлиб қолган, билдирганимиз йўқ ҳали, — дебди хотин. Вазир югуриб келиб:

— Эй, подшоҳи олам, султони боқарам, бир қошиқ қонимдан кечинг, сизга бир суюнчилик хабар айтаман, — дебди.

Подшоҳ ёшга тўлган кўзлари билан вазирга қараб:

— Айт, кечирдим, — дебди. Вазир:

— Йиғламанг, подшоҳим, қизингиз ҳаёт экан, — дебди. Подшоҳ суюниб:

— Олиб келинг қошимга! Тезроқ келтиринг, хаялламанг! — дебди.

Қизни олиб келиб, подшоҳга кўрсатишибди.

Подшоҳ суюниб, қизини қўлига олиб бағрига босибди, қувонганидан яна йиғлаб юборибди. Сўнгра қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша қилиб берибди.

Қизни яхшилаб тарбиялай бошлабдилар. Тоҳир ва Зухра кўпинча бирга ўйнаб юрар эканлар.

Кунлардан бир кун Тоҳир ёнғоқ ўйнаб юрганда, отган ёнғоғи ип йигириб ўтирган бир кампирнинг чархига тегибди. Кампирнинг аччиғи келиб, Тоҳирни қарғабди:

— Э шум етимча! Мен билан ўйнашгунча, бориб Зухра билан ўйнаш.

Тоҳир бу сўзларни эшитгач, югуриб келиб кампирнинг қўлидан ушлабди

— Бувижон, Зухрани гапирдингиз. Тагин бир қайтариб айтинг, жон буви!

— Қўйвор қўлимни, айтаман!

— Айтинг бувижон, айтинг!

— Бу сўзларни ойингдан сўра.

— Онам айтмайди, сиз айтинг бувижон, — деб кампирнинг қўлларини қаттиқ қисиб сўрабди Тохир.

Кампир гап ўргатибди:

— Уйингга бориб, ойингга йиғла. Нон берса олма, ош берса ема. Онанг сени қарғаб уришади. Ҳеч нарсага қарамасдан йиғлайвер. «Нима қилай, нима қилиб берай?» деб еўраганда: «Қўғирмоч қилиб беринг», дегин. Қўғирмочни косада берса олма, чўмичда берса олма, капгирда берса олма. «Нимада берай?» деса, «Ҳовучингда бер» дегин-да, ховучида берганида қўлини маҳкам қисиб, «менга унашилган киз ким, шуни айтиб бергин», дегин. Шунда айтиб беради.

Тохир уйга югуриб келиб, кампир ўргатган гапларни айтиб, ойисини кўп хафа қилибди. Ахири ойиси қўғирмочни ховучида берибди. Тохир ойисининг қўғирмоч ушлаган ховучини қисиб:

— Менга унаштирилган ким? Ростини айтиб бер, — дебди.

Ойиси:

— Куриб кетгур етимча! Сенга ким ўргатди буни? Вой вой, қўлим куйди, — деб ўғлини қарғабди.

— Айт, ойи айт! Айтмасанг қўймайман, — дебди Тохир.

— Қўйиб юбор, айтаман, айтиб бўлмаса ҳам айтаман, — дебди онаси.

Она бечора хафа бўлиб: «Энди яширганим билан фойда йўқ, майли айта қолай», деб эри билан подшоҳнинг куда бўлишга ваъда қилганини, вазирнинг ўғил кўрганидан суюниб, йўлда кетаётганида отдан йиқилиб ўлганигача бўлиб ўтган воқеаларни ўғлига сўзлаб берибди ва:

— Сен етимчасан, барибир подшоҳ сенга қизини бермайди. Зухра — подшоҳ қизи, сен бир етимча камбағалсан, — дебди.

Тохир:

— Майли, ойижон, бўлди, мен шуни билсам, бас, — деб кўчага чиқиб кетибди.

Кунлардан бир куни мактабда Тохир билан Зухра сўзлашиб, кулишиб, китоб ўқимай, домлани қийнабдилар. Домла келиб бу воқеани подшоҳга айтибди:

— Подшоҳи олам, сизга арзим шукн, қизингиз Зухрани Тохир ўқитгани қўймайди.

Шунда подшоҳ ғазаблаиб:

— Тохирни бўлак жойга ўтқазинг, агар унга кўнмаса, ўртадан девор уриб қўйинг, — дебди.

Иккисининг ўртасига девор олибдилар. Сал вақтдан сўнг девор бузилиб, иккови тагин гаплашиб ўтирадиган бўлибди. Улар катта бўлиб вояга етибди. Иккови ҳам бир-бирини кўрмаса, туrolмас экан.

Уламолар: «Подшоҳ Тохирни йўқ қилсин», дебдилар.

Буни подшоҳга айтибдилар. Подшоҳ ғазаб билан усталарни чақириб уларга бундай дебди:

— Катта бир сандиқ ясанглар. Тохирни оқизаман! Бу гапни Зухра эшитиб, бир лаган тиллани усталарга олиб бориб:

— Шу тиллани олинглар, сандиқ шундай пухта бўлсинки, ичига сув ўтмасин, токи бечора етимча борган жойида кун кўрсин, — деб зор-зор йиғлабди.

Усталарнинг Зухрага раҳми келиб:

— Эй малика, агар сандиқ сиз айтгандан ортиқ бўлмаса, берган тиллангизни қайтиб олинг, — дебдилар.

Бир куни Тохир билан Зухра иккиси ҳасратлашиб турганларида айғоқчилардан бири кўриб қолиб, подшоҳга айтибди.

Дарҳол подшоҳ Тохирни зиндонга солишга буюрибди. Тохирни зиндонга солибдилар.

Кунлардан бир кун сандиқ тайёр бўлганини подшоҳга айтибдилар. Буни Зухра эшитиб,

сандиқни кўриб келибди. Сандиқ Зухра айтгандан ҳам ортиқ экан. Подшоҳ жарчи куйиб бутун халқни катта майдонга йиғибди. Халқ Тохирни сувга оқизмасликни талаб қилибди. Бирок подшоҳ халқнинг талабига кулоқ солмабди, ўз айтганини қилибди.

Тохирни оқизиш пайти етибди, дарё лаби халқ билан тўлиб-тошибди. Тохирнинг онаси ғам-ҳасрат билан дарс бўйига зўрға етиб бориб ўғлини кўриб: «Ёнида жон берсам кошки эди», деб йиғлайвериб хушидан кетибди. Халқнинг ғазаби қайнабди. «Подшоҳ бир қизи учун бечора етимчани бунчалик қийнаб, азоблагунча, бир жойга юборсин, подшоҳ ҳам Тохирнинг онаси каби қон-қон йиғласин. Ана зулм! Ана ноинсофлик! Бир қиз учун шунча одамни йиғиб, бир йигитни сувга оқизиш жаллодликдир!»

Шу пайт жарчи жар чақириб:

— Ҳозир Тохирни олиб келадилар! — дебди.

Ҳамма одам Тохир йўлига термилиб турар экан. Тохирнинг онаси бечора ўғлини кўришга зор бўлиб, бошини тошу тупроққа уриб:

— Қани менинг бегуноҳ ўғлим, уни бир кўрай, — деб фарёд қилар экан.

Тохирнинг қўлларини орқасига боғлаб, онаси олдига келтирибдилар. Она бечора зор-зор йиғлаб, боласини бағрига босиб туриб, ўлиб қолибди. Майдонга йиғилган халқ жим бўлиб қолибди. Бир оздан кейин кимлар йиғлаган, кимлар бақирган ҳолда Тохирни олиб бориб сандиққа солибдилар. Тохир сандиқ ичида Зухра билан хайрлашиб, шу ғазални айтибди:

Т о ҳ и р

*Мен кетаман кўриб қол,*

*Аргамчини ушлаб қол.*

*Согинганда йиғларсан,*

*Қорам ўчмай, қараб қол.*

З у ҳ р а

*Сув келар гулдур-гулдур,*

*Суйганим қизил гулдир,*

*Суйганимга бермаса,*

*Ўлганим ўша кундир.*

Т о ҳ и р

*Сув келар ахта-ахта,*

*Сандигим темир тахта.*

*Сендан бошқа ёр қилсам,*

*Қон ютай лахта-лахта.*

З у ҳ р а

*Сув келар тош устида,*

*Рўмолим қош устида.*

*Тохир эсимга тушса,*

*Йиғлайман ош устида.*

Т о ҳ и р

*Сув келар инжудайин,*

*Кўтириб тошган сайин.*

*Сендан ўзга ёр десам,*

*Ханжарга санчилайин.*

Сўнгра Тоҳир Зухра билан хайрлашиб, оқиб кетибди. Ҳамма халқ ғамгинлик билан шаҳарга қайтибди. Зухра Тоҳирдан айрилиб қолибди.

Тоҳир сувда оқиб-оқиб олти ой деганда Хоразмга борибди. Хоразм шоҳининг икки қизи бўлиб, булар ҳар жума куни дарё лабига канизлари билан чиқар эканлар.

Подшоҳ қизлари дарё лабида ўтиришса, бир сандиқ оқиб келаверибди: «Ким ушлаб олади? Нима қиламиз?» дейишибди.

Бири: «Оқиб келётган нарсани ким ушлаб олса, у нарса ўшаники», дебди.

Сандиқ яқинлашибди. Катта қиз сочини солибди, сандиқ унга илашмабди. Кичиги сочини солибди, сандиқ унга илашиб, яқин келибди. Қизлар сандиқни дарё лабига тортиб чиқарибдилар. Энди опа-сингил орасида жанжал бошланибди. Узоқ жанжалдан кейин, ахири бир маслаҳатга келишибди. Каттаси: «Сандиқни мен оламан», дебди, кичкинаси: «Сандиқ ичидан нима чикса, шуни мен оламан», дебди.

Сандиқни очибдилар. Сандиқ ичида бир йигит ўтирган эмиш, дунёда унинг тенги йўқ эмиш. Сочи қоп-қора, жингалак-жингалак. Қошлари қоп-қора, кўзлари шахло, қадди-қомати келишган экан.

Қизлар узоқ жанжаллашибди. Кичик қиз туриб:

— Нимага жанжал қиласиз? Сандиқ ичида нима бўлса уни мен оламан, деган эдим. Бу маники бўлади, ҳеч кимга бермайман, — дебди.

Подшоҳга хабар қилибдилар. Подшоҳ одамлари билан келиб кўрса, чиройли бир йигит эмиш. Подшоҳ кичик қизининг айтганини қилиш учун Тоҳир розилик бермаса ҳам, қирқ кечаю қирқ кундуз тўй-томоша қилибди. Қизнинг чиройи ҳам Зухранинг чиройидан қолишмас экан.

Лекин Тоҳир Зухрага берган ваъдасини эслаб, қизга гапирмас, қизнинг саволига жавоб ҳам бермас экан.

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин Тоҳир:

— Мен бугун дарё лабига чиқаман, отангизга айтинг, — дебди.

Қиз ўзида йўқ севиниб, югуриб янгасининг олдига чиқиб. «Куёвингиз гапирдилар, суюнчи беринг, суюнчи! Отамга айтинглар куёвлари дарё лабига чиқармиш», дебди.

Подшоҳ бу хабарни эшитиб жуда сўюнибди, дарё лабига тездан сайл чақиртирибди. Бутун шаҳар халқи дарё лабига чиқибди. Сайлгоҳ ўртасидан куёвга жой қилибдилар.

Подшоҳ жарчи қўйдирибди:

— Кимки куёвимнинг кулганини кўриб, ё эшитиб менга хабар берса, бошидан зар тўкаман! — дебди. Ўзи ҳам келибди.

Энди сўзни Зухрадан эшитинг.

Зухра Тоҳирдан ажралгандан кейин кечаю кундуз оҳ тортиб, ғам-ҳасрат чекаверибди. Уни золим отаси Қоработир деган подшоҳваччага берибди. Қиз ғам-мотам ичида қолибди.

Кунлардан бир кун Зухра туш кўрса, Тоҳир билан боғда юрган эмиш. Оҳ уриб ўрnidан турибди. Ахири, нима қиларини билмай бир лаган тилла кўтариб, карвонсаройга борибди; карвонбошига тиллани бериб:

— Бир одам бўлсин, бутун дунёни ахтариб, Тоҳирнинг бор-йўқлигини менга билдирсин, — дебди.

Карвонбоши тиллани олиб Тоҳирни ахтаргани йўлга чиқибди. У Тоҳирни жуда кўп ахтарибди, одамлар орасида Тоҳирга бағишлаб ғазаллар айтса ҳам уни тополмабди. Карвонбоши Зухра олдидан чиққанига қирқ кун бўлди деганда, Тоҳир чиққан сайилгоҳга етиб келибди ва дарё лабидаги бир баландликда кишилар тўпланганини, уларнинг ўртасида бир йигитнинг ўтирганини кўрибди.

— Шу жойда ҳам бир ғазал айтай, зора Тоҳир шу ерда бўлса, — деб бир ғазал айтибди:

*Мен келдим карвон бўлиб,  
Карвонга сорбон бўлиб.  
Тоҳиржонни йўқотиб,  
Юрибман ҳайрон бўлиб.*

Бу ғазални эшитиб, Тоҳир қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборибди. Уни пойлаб юрган одамлар подшоҳга суюнчига югуриб кетибдилар. Бошқалар эса ҳайрон бўлиб қолибди. Тоҳир карвонбошига қараб бир ғазал айтибди:

*Э туя минган йигит,  
Орқангга қараб кетгин.  
Ҳали айтган байтингни,  
Тагин бир айтиб ўтгин.*

Карвонбоши:

*Тоҳир деган санмисан,  
Зухрани танирмисан?  
Зухрадан келса хабар  
Ўрнингдан турармисан?*

Тоҳир «Зухра» деган сўзни эшитиш биланок, югуриб бориб карвонбоши минган туянинг бўйнига осилибди ва:

— Мени олиб кет, мен кетаман, бориб Зухрамни бир кўрай, — деб ёлворибди. Карвонбоши сўз бошлаб:

— Зухра эрга тегиб, уйда тинч ўтирибди, энди ундан фойда йўқ. Бу ерда шунча вақт турдинг, уйлангандирсан. Мен ёлғиз сенинг бор-йўқлигингни билиб кетгани келдим, — дебди.

Шунда Тоҳир:

— Йўқ, кетаман, олиб кет мени, ўлсам ҳам ўша жойда ўлай, — деб яна ёлворибди.

Карвонбоши шунча насиҳат қилса ҳам, Тоҳир унамабди, карвонбошига:

— Бу ерда подшоҳнинг қизини мен розилик бермасам ҳам зўр билан бердилар. Бугун қирк кундирки, ҳали ҳам қизга бир оғиз гап айтганим йўқ, юзига ҳам қараганим йўқ, — дебди. Карвонбоши Тоҳирга:

— Э нодон, кетма, шу хотининг билан кун кўриб ўтавер, Зухрадан сенга ҳеч фойда йўқ, — дебди.

Тоҳир унамабди.

— Бўлмаса бор, умид билан бир ёстикқа бош қўйганинг билан хайр-маъзур қилиб чик, — дебди карвонбоши.

Тоҳир хотини олдига югуриб келибди, қиз ясаниб ўтирган экан. Унга қараб бир ғазал айтибди:

*Эй подшоҳнинг қизи,  
Ҳурматим баланд сизга.  
Зухрадан келди хабар,  
Жавоб берингиз бизга.*

Х а д и ч а

*Сув келар сузукмиди,  
Қўлимда узукмиди?*

*Узоқдаги Зухраҳон  
Бизданам тузукмиди?!*

**Т о ҳ и р**  
*Сув келар сузуккина,  
Кўлимда узуккина.  
Узоқдаги Зухраҳон  
Сиздан ҳам сулуккина —*

деб, Хадича билан хайрлашиб, чиқиб кетибди. Келин бечора йиғлаганича қолибди. Тоҳир югуриб бориб, карвонга етибди, туяга мингашиб, йўлга равона бўлибди.

Карвон юриб-юриб бир жойга келибди. Бу жойда уч йўл бор экан. Бири — «борса келмас», бири — «борса хатар», яна бири — «борса келар» экан. Карвонбоши қайси йўлга юришни билмай, ўйлаб қолибди.

Тоҳир:

— Хатарли бўлса ҳам шунга юрамиз, майли, Зухра қошига тезроқ борайлик, — дебди. Шу билан улар хатарли йўлга юриб кетибдилар. Юриб-юриб бир жойга етибдилар. Бу жой қароқчилар макони экан.

Қароқчилар бу бечораларнинг туяларини олиб, ўзларини зиндонга солибдилар.

Тоҳир зиндонда йиғлаб-йиғлаб: «кел-э, зора шу жойда бир таниш бўлса, бизни бўшатиб юборса», деб бир ғазал айтибди:

*Юрсам йўлим узундир,  
Кеча менга кундуздир.  
Бизни қўйинг, жон беклар,  
Зухра унда ёлғиздир.*

Тоҳирнинг ҳаммақтаб ўртоқларидан бири шу ерда экан, у Тоҳирга:

— Ҳа, Таҳир, ҳалиям Зухранинг кўйида куйлаб юрибсанми-а? — дебди. Кейин зиндонбонни чақириб, унга бир ҳовуч тилла бериб:

— Буни қўйиб юборинглар, бу ўзи куйган кул, буни куйдириб нима қиласизлар, — дебди. Шу билан Тоҳирни ва у билан келаётганларни зиндондан бўшатиб юбордилар.

Булар бир неча кун чўл-биёбонларни кезишибди. Зухра дардида юрак-бағри эзилиб юрган Тоҳир саҳар вақтида Зухра ётган уй тагига етиб келибди. Бу пайтда Зухра ширин уйкуда экан.

Тоҳир ғазал ўқиб, Зухрани уйғотибди. Зухра Тоҳирни кўриши билан югура келиб кўришибди. Сўнгра икковлари яширинча боққа кириб кетибдилар. Бу воқеадан Қоработирнинг синглиси хабардор бўлиб турган экан.

Қоработир келганда Зухра уйда йўқ экан, у синглисидан: «Зухра қаерга кетди?» деб сўрабди. Синглиси жавоб берибди:

— Бугун саҳарда Тоҳир келди, янгам у билан боққа кириб кетган. Қоработир бу гапни эшитиб ғазабланибди ва подшоҳга бориб Зухрани чақибди. Подшоҳ тезда Тоҳирни тутдириб келиб қамабди. Уламоларнинг берган маслаҳати билан подшоҳ:

«Тоҳирни икки нимта қилиб дарвозага осаман! Уни ўлдирмасам, қизимни қўймас экан», дебди.

Шу гапдан сўнг подшоҳ яна жарчи қўйиб, шаҳар халқини чақиртирибди. Майдонга катта-кичик, хотин-халаж йиғилибди. Зухра билан Тоҳирнинг қариндош-уруғлари ҳам келишибди. Халқ орасида шивир-шивир гаплар тарқабди. Одамлардан бири:

— Тоҳир нима учун қайтиб келган экан? — деб сўрабди иккинчи бир одамдан. Униси

айтибди:

— Тоҳирни бу ерга келтирган нарса унинг Зухрага бўлган муҳаббатидир. Шунинг учун бечора йигитни ўлдириш керакми, қонхўр подшоҳга минг лаънат!

Жаллодлар Тоҳирнинг кўзларини боғлаб, майдон ўртасига олиб келиб, қиличларини қайрабдилар.

Зухра бечора эса золим отасига ёлворибди. Отаси қулоқ солмабди. Зухра ўз севганини жаллод олдида кўриб, ҳушидан кетиб йиқилибди. Жаллод ўткир қиличини ҳавода яркиратиб, зарб билан Тоҳир танасини иккига бўлиб ташлабди, сўнг дарвозага осибди. Ҳамма ёқни одамларнинг дод-фарёди, йиғиси босиб кетибди. Тоҳирнинг холаси қаттиқ оҳ тортиб, подшоҳга қараб шу ғазални айтибди:

*Қонхўр жаллод қўлида,  
Тилла қилич қайралди.  
Тилла қилич дамлари  
Қора қонга бўялди.  
Бу ҳаво ҳавомиди?  
Қор-ёмғир ёғармиди!  
Қиз учун йигит ўлмоқ  
Шаҳрингда давомиди?*

Шундан сўнг Зухра бошини кўтариб, бир ғазал айтибди:

*Қатор-қатор туялар  
Қаторлашиб ўтдилар.  
Хон отамиз даврида  
Тоҳир гўштин сотдилар.  
Тоҳир гўшти гўшт эмас,  
Қўй гўштига ўхшамас.  
Тоҳиржонни ўлдирган.  
Бу дунёда яшамас.*

— Бунни кўминглар! — деб буйруқ қилибди подшоҳ. Одамлар Тоҳирни икки нимта қилиб дарвозага осилган жойидан дарҳол олиб, гўрга кўмибдилар.

Зухра севикли ёри Тоҳирнинг таъзиясини бажо келтириш учун қора кийиб, қирқ кунгача мотам тутибди.

Зухра: «Бугун Тоҳирнинг ўлганига қирқ кун бўлди, отам менга жавоб берсин, қизлар билан бориб, қабрини кўриб келайин», дебди.

Отаси кўп қийинлик билан рухсат берибди. Зухра икки чўнтагига марварид тўлдириб, қўлига ошпичоқ олиб, Тоҳир кўмилган қабристонга жўнабди. Қирқ каниз уни кузатиб борибди. Йўлда Зухра канизларига қараб бир ғазал ўқибди:

*Қизлар, тез югурайлик,  
Тоҳиржонга етайлик.  
Тоҳиржонга етганда,  
Марваридлар сочайлик, —*

деб чўнтагидан марварид олиб сочиб юборибди. Қизлар марваридга овора бўлиб ўша ерда қолибди. Зухра эса қабрга етмоқ учун шошилибди.



Марварид сочиш, ғазал айтиш то қабристонга боргунча уч-тўрт марта қайтарилибди. Ахирида қабристонга яқинлашганда Зухра бор марваридини сочиб, ўзи югурганича илгари кетибди. Қизлар орқада қолибди.

Зухра Тохиржон қабрига етибди.

Бошидан паранжисини ирғитиб ташлаб, ошпичоқ билан пешонасига бир уриб: «Очил, гўр!» дебди.

Гўр очилибди. Зухра, гўр ичида гул каби очилиб, қош-кўзлари мавж уриб ётган Тохирнинг кучоғига отилибди. Гўр ёпилибди.

Қизлар марваридни териб юриб, Зухрани йўқотиб қўйишибди. Бироқ Зухранинг паранжиси, кавуши ва бир қонли ошпичоқ ерда ётган экан. Қизлар ҳар томонга югуриб Зухрани чақиришибди, ҳеч ким товуш бермабди. Бу воқеа шаҳарга тарқалибди. Подшоқ ва Қоработир, унинг сингиси ва Тохирнинг холаси мазорга келишибди. Тохирнинг гўрига қарабдилар. Зухранинг соч пилиги гўрга қисилиб қолганини кўриб, гўрни очибдилар. Қарасалар, икки ошиқ-маъшук қизил гулдек қизариб, қош-кўзлари сузилиб, ёнма-ён ётишган эмиш. Уларни кўрган киши ширин уйқуда ётибди деб хаёл қилар экан.

Бу ҳолни кўрган Қоработир: «Зухрадан ажралиб мен нима қилай», деб ўзини шу жойда ўлдирибди. Қоработирни Тохир билан Зухранинг ўртасига қўйибдилар, золим Қоработир икки ошиқ-маъшукни ўлганида ҳам тинч қўймабди. Тохир устидан қизил гул, Зухра устидан оқ гул, улар ўртасида ётган Қоработир устидан эса қора тикан ўсиб чиқибди. Гуллар ўсиб, тиканлар ҳам баланд кўтарилиб, бир-бири билан чирмашиб кетибди.

## Дехқон

Бир дехқон қўш ҳайдаб турган экан, подшонинг қушбегиси от миниб катта йўлдан ўтиб қолибди. Дехқонга кўзи тушиб:

— Ҳорманг! — дебди.

Дехқон эшитса ҳам ўзини эшитмаганга солиб, «хўш, жонивор!» деб хўкизларини қайтариб, ерни ҳайдай берибди. Бек: «Қулоғи карми бунинг, нега индамайди ёки бу чол мени писанд қилмаяптими», деб ўйлабди ва яна унга қаттиқроқ: «Ҳорманг!» дебди. Дехқон бошини бир қимирлатиб, яна ишини давом эттираверибди. Бек ғазабланиб жўнаб кетибди. Кўрғонга бориб, хизматкорларига буйруқ берибди.

— Боринглар, ўша дехқоннинг қўлини орқасига боғлаб, шу ерга ҳайдаб келинглар!

Гирандалар<sup>2</sup> дехқонни ушлаб, қўлини орқасига боғлаб, бек қошига олиб келишибди. Дехқон бекни кўриб:

— Ассалому алайкум, бор бўлинг, бор бўлинг, — дебди. Бек:

— Эй аҳмоқ чол, қўлинг орқанга боғланди, олдимга келдинг, энди ўлишингни билдинг. Далада икки марта «Ҳорманг», десам ҳам «Бор бўлинг», демадинг, — дебди.

Шунда дехқон:

— Таксир, ўша вақтда экадиган еримнинг оби-тоби жойида эди, бор бўлинг, дейишга ҳам вақтим йўқ эди. Бир тобидан қочмасин, дедим. Энди олдингизга келдим, қанча «бор бўлинг» керак бўлса, ола беринг — дебди.

— Бир ботмон ердан қанча ғалла оласан? — дебди бек. Дехқон:

— Таксир, агар иккита яхши хўкизим, бир хизматкорим бўлса, бир ботмон ердан икки юз ботмон ғалла оламан, — дебди.

Бек:

<sup>2</sup> Гиранда — ушлаб келувчилар.

— Агар бир ботмон ердан икки юз ботмон ғалла олсанг олганинг, бўлмаса, бошинг ўлимда, молинг таловда, — дебди-да, бу сўзни хатга ёзиб, муҳр бостириб берибди.

Ана энди деҳқон бир ботмон ерни мўлжаллаб, тизза бўйи қилиб ҳайдатибди, тупроғини алмаштириб тобига келтирибди. Деҳқон ерга оқ жўхори экибди. Жўхорилар икки кулок бўлганда орасига лавлаги ҳам сепибди. Лавлаги дум тортибди, ҳар бир лавлаги тагига челақ-челақ гўнг солибди. Лавлаги барг чиқарганда, битта қўймай баргларини юлиб олибди. Жўхори ҳам етилиб шамол бўлса, такалагига<sup>3</sup> бир-бирига урилиб шовиллай бошлабди. Лавлагининг ҳар биттаси кўзадай-кўзадай бўлиб етилибди. Деҳқоннинг ҳосили етилиб тайёр бўлибди. Бек ва амалдорлари келиб:

— Қани, деҳқон, бир ботмон ердан икки юз ботмон ҳосил олганингни кўрсат-чи! — дебди.

Деҳқон оқ жўхорини йиғиб, янчиб, ўлчатиб қараса, юз ботмон чиқибди. Шунда бек:

— Икки юз ботмон ҳосил оламан деган эдинг-ку, қани қолган юз ботмон ҳосил? — дебди.

Деҳқон:

— Шошманглар, ҳозир экиннинг боласини олдинглар, онаси ҳали ерда ётибди, — дебди.

Бекнинг хизматкорлари лавлагини йиғиб олиб қарашса, ҳар қайсиси кўзадай-кўзадай келар эмиш. Уларни ўлчашса икки юз йигирма ботмон чиқибди. Бек деҳқон ўз мўлжалидан зиёда ҳосил олганини кўриб, аламига чидолмай, ғазабланиб:

— Сен шунча ҳосилни нима қилсан, бу ҳосил бекликка керак, — дебди ва хизматкорларига:

— Бу ҳосилнинг учдан бири қолдирилиб, қолгани кўрғонга олиб кетилсин! — деб буюрибди.

У отини миниб, кўрғон томонга қараб жўнабди. Деҳқон мўл ҳосил олиш йўлини билса ҳам, ўз меҳнатининг натижасидан маҳрум бўлиб қола берибди.

### Канизак билан подшо

Подшонинг қирқта хотини бор экан. Уларнинг ичида Сарвигул дегани жуда чиройли экан. Уни подшо ҳамма хотинларидан кўпроқ севар экан. Кунларнинг бирида малика ўзининг исми гўзаллигига мос эмаслиги тўғрисида подшога шикоят қилибди. Шунда подшо: «Агар бундан кейин кимки маликани Сарвигул деб атаса, тилини кесиб, оғзига кўрғошин қуяман», деб фармон чиқарибди.

Иттифоқо, фармон чиққан кунини Сарвигул боғда сайр қилиб юрар экан. Уни уйқу босибди. Гуллар орасига қўйилган сўрида ётиб ухлабди. Бир қанча вақтдан кейин уйғотмоқчи бўлганларида маликанинг қазо қилганлиги маълум бўлибди. Канизларни қайғу босибди. Бу хабар саройдаги кишиларга ҳам тез вақт ичида маълум бўлибди. Аммо, бу хабарни подшога етказиш энг оғир, мушкул иш экан. Чунки, биринчидан, маликага янги ном қўйилгунча йўқ, иккинчидан, аввалги исмини айтиб хабар қилинган тақдирда подшо ўз фармонига мувофиқ хабар берган кишини жазолаши турган гап экан. Подшога маълум қилинмабди. Лекин, ўликнинг ёта бериши мумкин эмас-ку. Бунинг устига, ўз вақтида хабар берилмагани учун саройдаги кишилар яна жазоланиши мумкин. Сарой кишилари бу мушкул ишдан қутулиш йўлини қидира бошлабдилар. Шу пайтда, канизаклардан бири дадил овоз билан:

— Мен бориб хабар қиламан, — дебди. Бошқалар масҳара қилиб:

— Шунча ақли расолар турганда, сенга чикора, ўлгинг келяптими, — дейишибди.

— Майли, — дебди канизак ва чопиб, подшо ёнига келибди. Подшо тахтда ўтирган экан. Қиз эшикка яқинлашиб, эшик тирқишидан астагина овоз билан бир мисра шеър ўқибди:

<sup>3</sup> Такалак — зўғатаси

Сарвигулнинг соясида сўлди гул, нетмоқ керак?

Подшо бу мисрани эшитгач, ғам остида қолиб жавоб берибди:

Баргидан тобут ясаб, гулдин кафан этмоқ керак.

Мушкул иш ҳал бўлибди. Сарвигулни кўмибдилар, кейин подшо шу хабарни етказган канизакни ҳузурига чақиртирибди. Канизак подшо қаршисида бош эгиб турар экан.

Подшо:

— Маликанинг ўлими ҳақидаги хабарни менга сен етказдингми? — деб сўрабди.

— Шундай, подшоҳи олам! — дебди канизак. Подшо:

— Бу ишинг учун сенга давлатимнинг ярмини бердим, — дебди.

— Марҳаматлари учун ташаккур, — дебди қиз, — мен ҳам ўз давлатимнинг ярмига сизни шерик қилдим, бўлмаса.

Подшонинг жаҳли чиқибди.

— Сен кимнинг қаршисида турганингни унутма! Мен мамлакат шоҳиман, давлатнинг барчаси менда! Сен кул қизда давлат нима қилсин, эй беақл махлуқ!..

— Афв этсинлар, подшоҳи олам, — дебди қиз, — давлатингизнинг ҳаммасини берсангиз ҳам уни ўз ақл-идрокимнинг ярмига тенг кўрмайман!

Канизакнинг бу жавобидан подшо индаёлмай, мот бўлиб ерга қарабди.

### Ахмоқ подшонинг доно хотини

Бир хотинини Подшо қўйиб юборган экан. Кунлардан бир куни подшо ўзини танитмай шу хотинининг уйига кириб борибди.

— Тангри меҳмон олинг, — дебди. Хотин эшикни очиб:

— Тангри меҳмонга эшигимиз очик, — деб подшони кутиб олибди. Подшо хотиндан:

— Бу уйда ёлғиз яшайсизми? — деб сўрабди. Хотин:

— Ёлғиз эмасман, эрим ўтинга кетган, келиб қолар, — дебди.

Шунда подшо:

— Шундай гўзал аёл ўтинчига хотин бўлиб яшайсизми, топилмадими бир бойроқ одам? — дебди.

— Бойроқни бошимга урайми, подшонинг ҳам хотини бўлиб кўрганман, минг подшодан бир кул, минг олтиндан бир пул яхши, — дебди хотин. Подшо таажжубланиб яна сўрабди:

— Нима, подшонинг хотини бўлиш ёмонми?

— Агар подшонинг хотини бўлсанг қирқ кунда бир куласану, кунда минг ўлиб тирилсан, эримга ўхшаган ғариблар эса хотинларини кунда минг кулдириб, оёгингга тикон кирса тили билан суғириб олишга ҳам рози бўлади, — дебди хотин.

Подшо: «Хотиним мendan айрилганидан хурсанд экан», деб ўтинчи келмасданоқ чиқиб кетибди.

Шундай қилиб подшо эртаси куни бир хотини билан қолиб, бошқа хотинларини мол-дунёси билан айириб юборибди. Унинг эртасига эса элатга жар урдирибди: «Кимда-ким икки хотинли бўлса, бир хотини билан қолиб, иккинчисини рози қилиб айириб юборсин, фармон бажарилмаса, моли подшолик, боши қазолик!»

Бу фармонни эшитган бойлар, вазиру вузаролар, мулла-эшонлар, савдогарлар ва бойваччалар, қўйингки, ким икки хотинли бўлса бирисини қози-калонлар иштирокида талоқ

қилиб, севган хотинлари билан қолибди.

### Алдаркўса ва бой

Бир куни Алдаркўса йўлда кетаётса, унинг олдидан бой чиқиб қолибди. У Алдаркўсага:

— Ҳой Алдаркўса, қани мени бир алдаб кўр-чи, қўлингдан келармикан? — дебди. Алдаркўса қараса бой жуда такаббур кўринади. Алдаркўса «буни қандай қилиб алдасам экан, қуруқ алдасаммикан ёки хўл алдасаммикан», деб ўйланиб турибди-да:

— Бой ота, алдар эдим ҳозир кайфим йўқроқ, — дебди.

— Нега кайфинг йўқ? — дебди бой.

— Бир одамдан уч танга олган эдим, шу таъбимни хира қилди.

— Мана, сенга еб кетарга уч танга. Қани, энди алдаб қўясанми? — деб бой унга пул тутқазибди.

— Раҳмат сизга, бой ота, мен мана бу пулни ҳалиги нокастага бериб, келишда алдар халтамни олиб келаман. Ана ундан кейин хангомани кўрасиз, — деб Алдаркўса жўнаб кетибди.

Бой уни етти хуфтонгача кутибди, келмабди. Шундан кейингина алданганини билибди.

### Донишманд чўпон

Ўтган замонда бир подшо бўлган экан. У ҳамма нарсадан ҳам отни яхши кўрар экан. Кунлардан бир кун, подшо отхонага кириб қараса, отлари анча ориқлаб қолган эмиш. Подшо отбоқарини чақириб:

— Отлар нима учун ориқлаб қолди? — деб сўрабди. Отбоқар подшонинг ғазабидан кўрқиб:

— Э жаноби олийлари, отларингиз бир неча кундан буён ем-беда емай, зўр бериб кишнайдилар. Шаҳардан четроқда бошқа отлар бўлса керак. Ўша отларнинг овозига булар беда емасдан қўйган бўлсалар керак, деб ўйлайман, — дебди

Подшо ўнг қўл вазирини чақириб:

— Э доно вазир, навкарлар билан шаҳар ташқарисига чиқ, бошқа отларни кишнаб отларимнинг тинчлигини бузмайдиган қилиб кел! — дебди. Вазир подшога таъзим қилиб:

— Э, подшоҳим, фармонингиз бекаму кўст ўз ерида қарор топгай, — деб навкарлари билан шаҳардан ташқарига чиқиб кетибди, юриб-юриб, шаҳардан йигирма-ўттиз чақирим нарида бўлган бир тоққа етибди. Тоққа чиқиб кўрсалар, бир чўпон йилқиларини ўтлоққа қўйиб, ўзи бир катта харсанг тошнинг устида чўзилиб ётган эмиш. Вазир чўпоннинг олдида бориб:

— Э, аҳмоқ чўпон, ҳамма йилқиларингизни ўтлоққа қўйиб юбориб, кишнатиб, уларнинг овозига маст бўлиб ётибсан. Шаҳарда бўлса сенинг отларингнинг кишнашини эшитиб, подшонинг отлари беда емай озиб қолмоқда. Мен сенга тезда отларингнинг оғизларини боғлаб қўйишни буюраман. Агарда буйруғимдан бўйин товлар экансан ўзингизни жаллодга, отларингизни подшога тортиқ қиламан, — дебди.

Чўпон ҳайрон бўлиб, ноилож вазирнинг айтганларини қилишга мажбур бўлибди, йилқиларнинг оғизларини латта билан боғлабди. Кейин отларини бу фалокатдан қутқариш йўлини ўйлаб, у бир қарорга келибди. Яйловда юрган бир катта туяни ва соқоли икки қарич келадиган бир такани ушлаб келиб, дадасидан қолган бир эски камон билан ўқларини олиб, шаҳарга қараб равона бўлибди. Чўпон шаҳар қалъасидан ичкарига кириб, растага борибди. Раस्ताда ноғора чалиб ўтирганларнинг ноғорасини отиб ёра берибди. Ноғорачилар чўпоннинг бу ишидан саросимага тушибдилар, ўрдага бориб чўпоннинг устидан арз қилибдилар. Подшо ўз ёнидаги вазирга чўпонни ушлаб, хузурига келтиришни буюрибди. Вазир навкарлар билан

шаҳар бозорига бориб қараса, туяга миниб, бир такани ўнгариб олган бир чўпон йигит дуч келган ноғорани камон билан отиб ёраётган эмиш. Вазир навкарларига:

— Бу бебошни ушланглар! — деб буюрибди. Навкарлар чўпонни туядан тушириб, қўлини орқасига боғлаб, туяси билан такасини етаклаб, подшо ҳузурига олиб келибдилар

Подшо чўпондан:

— Сен кимсан, нима учун шаҳар ноғорачиларининг иоғораларини отаётибсан? — деб сўрабди.

Чўпон:

— Мен шаҳар яқинидаги тоғда яшовчи халқдан элчи бўлиб келдим, — дебди

Подшо чўпоннинг устидаги эски чопонига, оёғидаги йиртиқ чориғига тикилиб, элчилигига ишонмабди:

— Элчилик қилишга сендан бошқа тузукроқ одам йўқ эканми? — дебди. Чўпон ҳайрон бўлиб, подшодан сўрабди:

— Сизга қандай тузукроқ одам керак? Мен ҳам оёқ-қўлли одамман-ку, — дебди. Подшо ғазабланиб:

— Мен сендан кийими янгироқ, бўйи баландроқ, соқоли узунроқ одам йўқ эдим, деб сўраяпман, — дебди. Чўпон жавоб бериб:

— Сизга бўйи баланд, кийими янгироғи керак бўлса, мана менинг туям, у яқинда туллаган, бўйи ҳам баланд. Агарда соқоли узунроғи керак бўлса, мана менинг такам, нақ соқоли икки қарич. Агар сизга ақллироқ одам керак бўлса, мана менинг ўзим. Менга ҳар қанча саволингиз бўлса бераверинг, — дебди.

Подшо чўпоннинг бу жавобидан кейин:

— Ҳай майли, бўлмаса сен элчи экансан, нима учун шаҳардаги ноғораларни ёриб ташладинг? — деб сўрабди.

Чўпон:

— Шаҳарингизда ҳар куни ноғора чалинади. Ноғора овозига бизнинг яйловдаги йилқиларимиз ҳуркиб, тек турмай қўйдилар. Ноғораларнинг овозини ўчирсам зора йилқиларим тек турсалар, деб кўринган ноғораларни ёра бердим, — дебди.

Подшо чўпоннинг жавобидан кулиб:

— Шаҳардан йигирма-ўттиз чақирим узоқда бўлган отларнинг ноғора овозига тек турмасликлари ҳеч ақлга тўғри келадими? Бу бўлмаган гап, — дебди. Чўпон ҳам подшодан:

— Шаҳардан йигирма-ўттиз чақирим нарида бўлган отларнинг кишнашига шаҳардаги отларнинг беда емасдан ориқлашлари ҳеч ақлга тўғри келадими? — дебди.

Подшонинг ўнг қўл вазирига берган буйруғи эсига тушибди. Бу чўпонни сўз билан енга олмаслигига ақли етиб, чўпонга:

— Тила тилагингни! — дебди. Чўпон:

— Агар лойиқ кўрсангиз, менга шу шаҳардан беш ҳўкиз терисидек ер берсангиз, — дебди.

Подшо чўпоннинг тилагини назарига илмай, муншисига қараб:

— Бу чўпоннинг номига менинг тарафимдан «беш ҳўкиз терисидек ер берилсин», деб васиқа қилиб бер! — дебди.

Мунши васиқа ёзиб муҳрлатиб берибди. Чўпон васиқани олиб уйга қайтибди.

Чўпон ўзи сингари уч-тўртта дўстини йиғиб, уларга бўлган воқеани айтиб бериб, сўнгра:

— Энди мен бир иш қиламан, ҳамма ҳайрон қолади, — дебди. Чўпоннинг ўртоқлари:

— Қандай иш қилмоқчисан? — деб сўрабдилар. Чўпон:

— Ҳаммамиз бир бўлиб, бешта ҳўкиз топишимиз керак. Сўнгра мен сизларга қиладиган ишимни айтаман, — дебди. Чўпонлар биттадан ҳўкиз олиб келибдилар. Бешта ҳўкизни сўйишибди. Териларни бир чеккасидан каноп ип қалинлигида қилиб қирқибдилар. Тери иплар тайёр бўлгандан кейин, иплар билан бирга бир қанча қозикчалар олиб шаҳар қалъасига

келишибди. Қалъа бўйлаб қозикларни қоқиб қозикларга тери иплари боғлаб, шаҳарни айлантириб чиқибдилар. Беш ҳўкиз терисидан қилинган ип шаҳарни айлантириб чиқишга етибди-ю, шу билан тамом бўлибди.

Чўпон ўртоқлари билан шу ишларни қилиб бўлгандан кейин қўлига подшо томонидан берилган васиқани олиб, подшо олдига борибди. Чўпон таъзимни бажо келтиргач, подшога қараб:

— Эй подшо, ўз фармонингиздан қайтмайсизми? — дебди. Подшо:

— Муҳрим бўлса қайтмайман, — дебди. Чўпон қўлидаги васиқани кўрсатиб:

— Мана шу васиқага биноан шу шаҳар бутун халқи билан меники бўлди, — дебди.

Подшо хайрон бўлиб:

— Бу сўзни қандай асос билан айтасан? — дебди. Чўпон жавоб бериб:

— Агар менинг асосимни ўз кўзингиз билан кўришни истасангиз мен билан шаҳар ташқарисига чиқинг, — дебди.

Подшо чўпоннинг сўзини қабул қилиб, бутун амалдорлари билан шаҳар қалъасига чиқибди. Подшо чўпонга.

— Қани, асосингни кўрсат? — дебди.

Чўпон подшони бошлаб шаҳар қалъасини айлантириб, теридан қилинган ипларни кўрсатиб, шаҳарни айланиб чиққанларидан сўнг, ўртоқларига ҳамма тери ипларни йиғиштириб чиқишни буюрибди. Ўртоқлари ипларни йиғиштириб келгандан сўнг, чўпон ҳар бир ҳўкиз терисининг рангига қараб бошқа-бошқа қилиб ажратиб, тери ипларни қирқилиб олинган жойларига қўйиб, ҳар бир ҳўкиз терисини ўз ҳолига келтириб подшога кўрсатибди. Подшо чўпоннинг ақлига қойил қолиб, ўзининг берган васиқасини қайтариб олишга амалдорлардан уялиб, чўпонга:

— Бор, сенга шу шаҳарни бердим, — деб ўзи шаҳардан чўл томонга чиқиб кетибди. Подшо амалдорлари ўша ерда чўпонга подшолик тожини кийдириб, карнай-сурнайлар чалдириб, ўрдага келишибди. Шундай қилиб чўпон шаҳарга подшо бўлибди. Ёрдамлашган тўртта чўпонни ўзига ёрдамчи қилиб, уларни ярамас амалдорлар ўрнига тайинлабди. Зиндонда ётган бегуноҳ камбағалларни озод қилибди. Ўзи одил подшо бўлиб, мурод-мақсадига етибди.

## Тухматга учраган келин

Ўтган замонда Тутжар қишлоғида бир хасис бой яшаган экан. Унинг давлати, моли мулки кўкка сиғмас экан, бироқ қўли қаттиқликда тенги йўқ экан. Бойнинг камбағал, ўз меҳнати билан кун кўрувчи бир ғариб укаси бор экан. Бой укасига ҳеч қандай ёрдам бермаган экан. Натижада, у қийналиб вафот этган экан. Маҳалладаги кишилар, элу хешлар пул тўплашиб бечоранинг ўлигини кўмишган экан. Бу камбағалдан қолган бир ўғил қишлоқда подачилик билан кун кечирган экан.

Кунлардан бир кун ҳалиги подачи бола шу қишлоқлик бир дехқоннинг қизини яхши кўриб қолибди. Қиз ҳам йигитга ўз розилигини билдирибди. Қизнинг ота-онаси бу ишдан хабар топиб, тўй қилиб, уни подачи йигитга беришибди.

Йигит билан қиз қишлоқда тинч ҳаёт кечири бошлабди.

Кунлардан бир кун хасис бой йўлда кета туриб, сув олиб келаётган келинчакка кўзи тушиб қолибди. Бой унинг ҳуснини кўриб, ошиқ бўлибди. Ёнида кетаётган кишидан:

— Бу келинчак кимнинг хотини? — деб сўрабди.

У киши «билмайман» дебди. Хасис бой келинчакнинг орқасидан қорама-қора бораверибди. У қараб турса, келинчак укасининг вайрона хонасига кириб кетибди. Бой бу келинчак жиянининг хотини эканини билиб, унинг пайига тушибди. Шу кунгача укасининг ҳолидан хабар олмаган, очликдан ўлганида ҳам нарво қилмаган бой подачи йигитни чақириб: «Укамдан

қолган жияним, аҳволинг қалай, нега мендан қочиб юрибсан? Сен менинг укам ўрнида қолгансан. Менда ҳамма нарса бор, нега келмайсан?» — дебди.

Шунда йигит: «Бу қандай бўлди? Отам борида, ўлганида бир марта хабар олмаган, ёрдам қилмаган одам, энди нега ҳолимни сўраяпти? Ё кўнглига худо раҳм солдими? Нима бўлди экан», — деб ўйлабди.

У бойга:

— Нима хизматингиз бўлса айтинг, амаки, қўлимдан келганча бажараман, — дебди.

Бой унга:

— Мен сен ўйлаган ёмон одамлардан эмасман, сен ўзимникисан, сенга ишонаман, яна икки кундан сўнг менинг карвонларим йўлга тушади, сен ҳам шулар билан бир савдога борсанг, эсон-омон яна қайтиб келасан. Аста-секин сен ҳам мана шу қаттиқ кун — камбағалчиликдан кутулиб қоласан! — дебди.

— Амаки, мен карвонлар билан савдо ишига борар эдим-ку, бироқ хотиним ёлғизликда қийналиб қолади, — дебди йигит.

— Эй, қизиқ одам экансан, сен хотинингни ташвишини қилма, келгунингча мен ўзим келинга қараб тураман, — дебди бой.

Йигит карвонлар билан кетишга рози бўлибди. Бой савдогарларга:

— Шу болани олиб кетинг, хизматингизни қилади, — дебди.

Уларга йигитни топшириб, узоқ йўлга жўнатиб юборибди. Бой бир неча ой келинга оз-моз қарашиб турган бўлибди, кейин мутлақо ёрдам бермай қўйибди. Бир кун бой укасининг уйига кириб келибди. Келин ундан:

— Нима бўлди, жиянингиз сафардан кечикиб қолдилар, қачон қайтиб келадилар? — деб сўрабди.

Шунда, бой бир хўрсиниб; «Уҳ» дебди-да:

— Келин, сиз хафа бўласиз, деб айтмай юрган эдим, бандалик-да, жияним ҳам дунёдан ўтибди, — деб жавоб берибди. Келин бу сўзни эшитиб, дод деб йиғлаб юборибди.

— Нега айтмадингиз? Қачон ўлибди? — дебди келин.

— Жиянимнинг ўлганига уч ою беш кун бўлди. Шариат қонуни бўйича, аёл эрини уч ою ўн кун кутади. Бу муддат ўтгандан кейин эрга тегиши мумкин, — дебди бой.

Келин уввос тортиб йиғлаб, уйга қайтиб кетибди. Шу кечани йиғи билан ўтказибди.

Бой эрталаб келиннинг олдига бориб:

— Келин, хафа бўлманг, йиғламанг. Ўлган учун ҳеч ким қайғириб ўлган эмас, кўз ёшидан фойда йўқ. Менда бир маслаҳат бор, — дебди.

— Қандай маслаҳат? — деб сўрабди келин. Бой унга:

— Энди сиз эрга тегинг, менга тега қолинг, — дебди.

Келин жуда хафа бўлибди:

— Ҳали менга берган маслаҳатингиз шуми? Кетинг, уйимдан йўқолинг, — дебди.

Бой эса, келиндан кўз узмай, унга қўлини чўзиб тегишмоқчи бўлган экан, келин жаҳл билан ёнида турган офтобани олиб бойнинг бошига отибди.

Бой беҳуш бўлиб йиқилибди, келин эса бойни судраб, кўчага олиб чиқиб ташлабди.

Бир оздан сўнг бой ўзига келиб, бошидан оққан қонни артиб, ўрнидан туриб, уйига кетибди. Бой ўйлаб туриб, ўз қошига икки одамни чақирибди. Уларга пул бериб сўз ўргатибди.

Уларни бой ўзига «гувоҳ» қилиб олибди. Кейин бой подшога бориб арз қилибди:

— Укамнинг ўғли бир жойга бориб келай, деб хотинини менга топшириб кетган эди. Унинг хотини ярамас, бузуқ одамларни уйига йиғиб, ҳар оқшом бўлмаган ишлар билан шуғулланади. Бир кун мен ўз кўзим билан кўриб, ушлаган пайтимда, ярамас одамлар мени уриб бошимни ёрдилар.

— Бу ишга шариат бўйича гувоҳинг борми? — деб сўрабди подшо.

— Ҳа, тақсир, икки гувоҳим бор, — дебди бой. Шунда подшо бой билан бирга келган кишиларни чақириб:

— Бойнинг шу айтган сўзлари тўғрими? — дебди. «Гувоҳлар» бойнинг ўргатган сўзларини қайтарибдилар.

Подшо:

— Ундай бўлса, бу иш ҳақиқат экан. Бориб гуноҳкор келинни олиб келинлар! — дебди.

Келинни подшонинг олдига олиб келишибди. Подшо ғазаб билан:

— Эй фалокат, нега бундай ёмон ишларни қилдинг? Сенга қаттиқ жазо бераман! — дебди.

Келин ўз арзини тинглашни сўрабди. Бошидан ўтган воқеаларни сўзлаб, бойнинг тухмат қилаётганини айтибди. Подшо янада ғазабланиб:

— Рўйисиёҳ<sup>4</sup>, сенинг қилган ишингга икки гувоҳ ҳам бор. Сенинг жазонг ўлим, — дебди. Подшо ясовулларини чақириб:

— Буни йўл ёқасидаги чуқурга кўмиб, устидан тош тўкинг! — дебди. Ясовуллар ҳам хизматга тайёр бўлиб турган экаи, келинни йўлнинг ёқасидаги чуқурга ташлаб, устидан тош тўкибдилар. Чуқурни тош билан тўлдириб, уни ўлган қилиб кетиб қолибдилар.

Келин ярим окшом бўлганда ўзига келиб инграб, йиғлабди. Шу кеча кўчадан карвонлар ўтаётган экан. Карвон бошлиғи йиғи товушининг чуқурдан чиқаётганини билиб, тошларни олган экан, чуқурдан ҳамма жойи қонга бўялиб ётган аёл чиқибди. У аёлни кўтариб, туясига қўйибди, сўнг уйига олиб кетибди. Бир неча кун уни парвариш қилибди. Келиннинг яралари тузалиб, ўз ҳолига қайтибди. Бой унинг хўснига қараса, у ўзи яшаб турган кишлоқдаги ҳамма аёллардан чиройли экан. Шунда бой келинга айтибди:

— Энди сиз менга ихтиёрингизни беринг, — дебди. Келин унга:

— Сиз мени ўз қизингиз каби боқиб, парвариш қилдингиз. Энди бу сўзни айтишга қандай юзингиз чидади? — дебди.

Бой:

— Сен ундай дема! Мен сени ўлимдан қутқариб парвариш қилдим, тирик қолдинг, энди менга хотин бўл, — дебди. Келин:

— Менинг сафарга кетган эрим бор. Қандай қилиб сизга хотин бўламан? — деб жавоб берибди.

Бойнинг хотини келинга ёмон қарай бошлабди, рашк қилиб келинга озор берибди. Бой бўлса унга уйланиш орзуси билан юраверибди.

Бойнинг эшигида бир хизматкор қул бор экан. У келинни кўриб, ошиқ бўлиб қолибди. Бир кун келин сувга чиққанда, хизматкор унга қўл узатиб тегишибди.

Келин:

— Хув қўлинг шол бўлгур, — деб қарғабди. Ўша куни кечаси хизматкорнинг бир қўли шол бўлиб қолибди. Хизматкор келиндан ўч олмоқ пайига тушибди. Бир кун кечаси эл ётганда хизматкор уйнинг туйнугидан тушибди. Ичкари кирибди. Бойнинг уч ёшли ўғлига пичоқ уриб уни ярадор қилибди. Пичоқни эса келиннинг ёстиғи остига қўйибди-да, кейин ўзи туйнукдан чиқиб кетибди. Бола пичоқ зарбидан додлаб йиғлабди. Уйдагилар туриб қарасалар, бола яраланган, у ёқ-буёқни кўздан кечириб, келиннинг ёстиғи тагидан қонли пичоқни топиб олибдилар.

Бой хайрон бўлиб:

— Бу қандай иш? — деб келиндан сўрабди. Келин бу ишдан беҳабар эканини айтибди. Бой: «Хотиним келинга рашк қилиб тухмат қилмоқчи бўлгандир, келинда гуноҳ бўлмаса керак», деб ўйлабди-да, келинга:

— Энди сен бу ерда турма, бошқа бирор жойга бор, — деб жўнатиб юборибди.

<sup>4</sup> Рўйисиёҳ — юзи қора.



Келин бойнинг уйдан чиқиб йўлга равона бўлибди. У бир жойга борганда одамлар тўпланиб турганини кўрибди. Подшонинг жаллодлари бир одамни дорга осмоқчи бўлиб турган эканлар.

Келин бориб бир кишидан:

— Бу одамни жаллодлар нима учун дорга осмоқчилар? — деб сўрабди:

У киши:

— Бу ўғриларнинг бошлиғи, ким қирқ тилла берса, буни озод этиб юборадилар, — дебди.

Яна бир киши:

— Буни тухматдан шундай қияптилар, — дебди. Келиннинг ёнида қирқ тилласи бор экан, уни жаллодларга бериб, ўғрини ўлимдан қутқариб олибди-да, яна йўлга равона бўлибди. Ўғри эса, келиннинг изидан бораверибди. Шу вақт, келиннинг олдидан карвон чиқиб қолибди. Орқадан бораётган ўғри:

— Ҳой карвонлар, ўша аёлни тутинглар! — деб бақирди. Келин карвонларга бўлган воқеани айтибди. Карвонлар унинг гапига кулоқ солмай, ушлаб турибдилар.

Ўғри етиб бориб:

— Бу аёл менинг хизматкор чўрим. У менинг уйимдан қочиб кетаётир, — дебди. Ўғри келинни карвонларга сотибди.

Келиннинг арзи-додига карвонлар кулоқ солмай, уни ўзлари билан бирга олиб кетибдилар.

Келин кетаётиб, ўғрига қараб: «Сен пес бўлгин!» деб қаргаган экан, ўғри пес бўлиб қолибди. Келин карвонларнинг чўриси бўлиб кетаверибди. Карвонлар бир дарёга етибдилар. Карвонлар кемага тушиб, дарёда кетаётганларида, қаттиқ шамол ва бўрон бўлибди. Кема ғарқ бўлибди, карвонлар дарёга чўкиб кетибдилар. Келин эса, бир тахта пора устида қолибди. Дарё уни оқизиб қирғоққа чиқариб қўйибди.

Келин эркак кийимини кийиб, йўлда бораётганида, қирқ ўғрига дуч келибди. Ўғрилар бунинг эркакми, аёлми эканини билмай, ундан кимлигини сўрабдилар.

Келин ўғриларга:

— Отим Ҳасан, — дебди. Ўғрилардан бири:

— Ҳасан, Ҳасан эмас, қизга ўхшайди, кўзи қизларнинг кўзидек, ўзи эркак эмас, асли қиздир, — дебди.

Келин ўғрига қараб:

— Ҳе, кўзинг кўр бўлсин! — деган экан, ўғрининг кўзи кўр бўлиб қолибди.

У ўғрилар орасидан тезлик билан қочиб, жўнаб кетибди.

Келин йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир шаҳарга етиб борибди. Қараса, шаҳарнинг дарвозаси берк, қулфланган экан. Келин шу кеча дарвоза олдида ётиб қолибди.

Бу шаҳарнинг расми шундай экан: подшо ўлса, шаҳарга ким биринчи бўлиб кирса, уни подшо қилиб кўтарар эканлар.

Ўша кеча шаҳарнинг подшоси ўлган экан. Тонгда шаҳар халқи йиғилиб, дарвозани очиб қарасалар, бир йигит дарвозанинг олдида турган эмиш. Шаҳар халқи ундан ҳеч нарса сўрамай, уни тўғри подшо саройига олиб кетибдилар.

Эркакча кийинган келин:

— Вой дод, мен нима қилдим. Мен бир бегуноҳ бечора, фақир бўлсам, ҳеч кимга зарарим тегмаса, ҳаттоки дарвозани ҳам тақиллатган бўлмасам, қаёққа олиб борасизлар! — дебди.

Оломондан бири:

— Эй ғариб, сен аввал тушуниб ол, бу бизнинг расмимиз. Биз сени олиб бориб, подшо қилиб кўтарамиз, — дебди.

Келин:

— Қаерга боришга макон тополмай сарсон бўлиб юрган бир ғариб киши ҳам подшо бўладими? — деб аввалгидан баттар йиғлайверибди. Одамлар бунинг сўзига кулоқ солмай,

кўшкка олиб бориб шоҳона либослар кийдириб, тахтга миндириб, подшо кўтарибдилар.

Келин юртни сўрай бошлабди. Бир неча вақт ўтгач, бу одил подшонинг донғи дунёга кетибди. У шаҳарни обод қилибди, халқнинг камчилиги бўлса, уни тўлдирибди. Ҳатто ўзи подшоликдан ташқари вақтларда табибликни ўрганиб, зўр ҳаким бўлибди, оғир касалларни ҳам тузатиб, элга машҳур бўлибди.

Шундай қилиб келин одил подшолигича тура турсин, эндиги сўзни келиннинг севган ёри — йигитдан эшитинг:

Йигитнинг амакиси — хасис бой ўз бойлиги ва давлатидан ажралиб, икки кўзи кўр бўлиб қолган экан.

Йигит сафардан қайтибди. Кўр амакиси билан кўришиб, йиғлашиб, ўтган воқеаларни эслашибди.

Бой жиянига:

— Эй ука, сен кетганингдан сўнг аёлинг уйига рўйисиёҳларни йиғиб, кайфу сафо қилиб, шарманда бўлди. Мен буни кўриб ярамастарни ушламоқчи бўлганимда, улар тош билан уриб, менинг бошимни ёрдилар. Охири келини подшо тошбўрон қилдириб, ўлдириб юборди, — дебди. Йигит бу сўзга ишониб, хотинидан ғазабланибди. Бой бир оҳ тортибди.

Йигит бойга:

— Биз савдодан қайтиб келаётганимизда бир шаҳарни кўрдик. У шаҳарнинг подшоси одил экан. У подшо ҳар бир дардга даво топа олар экан. Мен сизни ўша подшонинг олдига олиб борайин, балки кўзингизнинг очилишига ёрдам берам, — дебди.

Бой бу сўзни маъқул кўриб, амаки ва жиян йўлга тушибдилар. Йўлда кетиб бораётганларида уларга қўли шол бўлган хизматкор учрабди, одил подшони таъриф қилганларида: «Мен ҳам бораман», деб биргаллашиб, йўлга равона бўлибди.

Йўлда буларга яна бир пес одам қўшилибди. Тўрт киши одил подшонинг саройига етиб борибдилар. Қоровуллардан саройга киришни сўрабдилар. Қоровул подшога хабар берибди.

— Таксир, тўрт киши сизнинг олдингизга келишди. Сизга айтадиган арзлари бор эмиш, — дебди. Подшо киришга рухсат этибди. Булар подшо олдига кирганларида, келин ҳаммаларини танибди. Лекин буларнинг ҳеч бири ҳам уни танимабдилар.

Подшо:

— Қани, нима арз билан келдингиз? — дебди. Келганларнинг ҳар бири ўз дардини баён қила бошлабди.

Подшо аввал икки кўзи кўр бўлган бойнинг арзини эшитибди:

— Балки сен бир катта гуноҳ қилгандирсан, шу сабабдан кўзинг кўр бўлгандир, — дебди.

Бой:

— Йўқ, мен ҳеч гуноҳ қилган эмасман, — деб гуноҳини яширибди.

Подшо:

— Йўқ, тўғриси айт, сен катта гуноҳ қилгансан, буни ўз бўйинингга олишинг керак! — дебди.

Бой.

— Шоҳим, мен ҳеч қандай гуноҳ қилган эмасман, — деб яна қайтарибди.

Подшо ғазабланиб:

— Жаллод! — деб чақирибди. Бой:

— Тўхтанг, подшо, тўхтанг! Мен қилган гуноҳларимни бирма-бир айтиб бераман, — дебди. У ўз бошидан кечирган воқеаларни, қилган гуноҳларини, бирма-бир сўзлаб берибди.

Бу сўзларни эшитиб турган жияни қичқириб юборибди:

— Бой, лаънати, сен ҳали менга дўст бўлиб, душманнинг ишини қилган экансан-да, сен ҳароми менинг хотинимга шунчалик зулм ўтказган экансан-да! — Йигит ўзини тутолмай, мушт кўтариб уни урмоқчи бўлганда, подшо:

— Тўхтанг, йигит, ҳовлиқишнинг ўрни йўқ, охирини эшитайлик. Менинг олдимда шундай бедаблик қилсангиз. ясовулларни чақираман, олдига солиб керакли жойга элтиб қўяди, — дебди.

Подшо хизматкорга қараб:

— Сен ҳам бир гуноҳ қилганга ўхшайсан, бўлмаса, сенинг қўлинг шундай шол бўлмас эди. Сен ҳам тўғриси айт! — дебди. Бу аҳволни кўрган хизматкор кўрқиб, ўз гуноҳларини бирма-бир ҳеч қолдирмай айтиб берибди:

Бундан ғазабланган йигит:

— Подшоҳим, рухсат берсангиз, бунинг бошини танасидан жудо қилай, — дебди.

Подшо:

— Менинг юртимда ўз гуноҳини бўйнига олган одамга ўлим йўқ, — деб ўлдиришга рухсат бермабди.

Подшо пес бўлган ўғрига қараб:

— Сен нима дейсан? — дебди.

— Мен уйтешар ўғриман, подшо мени тутдириб дорга осмоқчи бўлганда, йўлдан ўткинчи бир аёл менинг аҳволимни кўриб раҳми келиб, жаллодларга қирқ тилла бериб мени ўлимдан қутқариб қолди. Мен бўлсам, у аёлга яхшилик қилиш ўрнига, унинг кетидан қувиб: «Бу менинг чўрим, қочиб кетаётир», деб карвонларга сотиб юбордим. У аёл: «Мен сенга яхшилик қилдим, сен менга ёмонлик қиласанми?!» деб қанча ялинса ҳам, қулоқ солмадим, ноинсофлик қилдим. Аёл менга қараб, «пес бўл!» деган эди, мен шу заҳоти пес бўлиб қолдим, — дебди. Подшо:

— Гуноҳингиз маълум бўлди. Касалларингизни билдим. Энди сизлар меҳмонхонага кириб, дамларингизни олинглар. Лекин бир-бирингиз билан уришманглар. Касалларингиздан қутуласизлар, кўзларингиз очилади, дардларингизга шифо топасизлар, — дебди.

Улар меҳмонхонага кириб ўтирибдилар. Ярим кечада подшо ясовул юбориб, йигитни чақиртирибди. Йигит хавотир олиб:

— Нимага подшо мени чақирган экан. Подшо энди мени ўлимга буюради, — деб ваҳимага тушибди. Ясовул билан подшонинг олдига борибди. Йигит қараса, ўз севгили ёри бош эгиб салом бериб турган эмиш.

Келин йигитга:

— Келинг, эй севгили ёрим, бу тахт сизники бўлсин, мен сизнинг вафодор ёрингизман, — дебди.

Йигит ўйлаб қараса, хотини подшо бўлган экан. У, ўз ёри билан қучоқлашиб кўришибди. Кейин ўз бошидан кечирган воқеаларни бирма-бир айтиб берибди. Эрини подшо қилибди.

Йигит:

— Сенга зулм қилган гуноҳкорларни ўлимга буюрайлик, — дебди.

Хотини унга:

— Йўқ, улар билан тенг бўлиш керак эмас, — деб жавоб берибди.

Касалга йўлиққан меҳмонлар эрта билан туриб қарасалар, ўз дардларига шифо топган эмишлар. Кўр: «кўзим очилди!» деса, ўғри: «баданимдан песлик ариди!» дермиш. Хизматкор бўлса: «кўлим ёзилди!» деб шодланар эмиш.

Меҳмонхонага подшоликдан ясовул келиб:

— Сизларни подшо чақиради, — деб уларни саройга олиб борибди. Улар қарасалар, тахтда йигит подшо бўлиб ўтирган эмиш. Келин эса, унинг ёнида турган эмиш. Келганларнинг ҳушлари бошларидан учиб кетибди. Худди устларидан қайноқ сув қуйилгандек бўлибди. Бошларини эгиб қолибдилар.

Келин:

— Энди танидингизларми? — дебди.

Улар кўрққанларидан нима дейишларини билмай, жавоб қайтаришга оғизлари бормай

қолибди.

Келин:

— Энди бундай кўрқиб, титрашиб турманглар, меи сизлар билан тенг келиб ўтирмайман. Сизлар энди ўз йўлингизга кетаверинглар, — деб уларни жўнатиб юборибди. Келин билан куёв биргаликда элни сўраб мурод-мақсадларига етган эканлар.

### Савдогар билан подачи

Бор экан-да, йўқ экан. оч экан-да, тўқ экан, бир савдогар бор экан. У ҳар йили икки марта қалъага бориб келар экан. Ўзи кўп қатта савдогар экан, қирқ савдогарга бош экан. Кунлардан бир кун савдогар: «Бу кун қалъага жўнаймиз», деб бошқа савдогарларга хабар қилибди. Ўзи саксон туяга мол юклабди. Шу орада қирқ савдогар ҳам тайёр бўлиб келибди. Қирқ кеча-ю қирқ кундуз йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бир чўл-биебонга етибди. Савдогарлар:

— Эй, карвонбоши, шу ерда бир дам олсак, туяларимиз ёзилиб ўтлаб-сувлаб олса, — дебдилар. Карвонбоши:

— Кўп яхши бўлади, — дебди. Улар юқларини тушириб, чўлга туяларини кўйиб юборишибди. Кўклам кунлари экан, чўл баҳор ёмғири билан майсазорга айланган экан. Туялар булоқдан сув ичибди. Савдогарлар ош-сув қилиб, еб-ичиб ўзлари ҳам кўп кайф қилишибди. Улар чувиллашиб, ҳангома қилиб ўтиришган экан, кўзларига кўрим ердан бир лочик кўринибди. Тўрт-беш савдогар маслаҳат қилиб:

— Бу ерда элат бор экан, бориб кўрайлик, булар қандай эл экан, билайлик, — дебдилар.

Тўрт-беш савдогар лочикқа бориб меҳмон бўлибдилар. У ёқдан бу ёқдан гаплашиб ўтириб лочикнинг эгаси подачи эканини билишибди. Подачининг қизи билан кампири уйда экан. Кампир буларга ош-сув қилибди. Сўнгра подачининг қизи келиб энасига:

— Эна, якта! — деб кетибди. Яна бир майдон ўтгандан кейин келиб: «Эна, дута!» деб кетибди. Тагин бир майдондан кейин келиб: «Эна, сета», дебди... Савдогар икки чойнак чой ичгунча: «Ҳафта», дебди. Савдогар:

— Эна, бу қизингиз нима деди? — деб сўрабди. Кампир:

— Эй, айланайин чироғларим, бизларнинг нимамизни сўрайсиз, бизлар бу чўлда чарх йигириб кун кўрамиз-да, қизим боятдан бери етти ийлик<sup>5</sup> ип йигирдим, деб кетди, — дебди.

Карвонбоши кўнглида «бу қиз икки чойнак чой ичгунча етти ийлик ип йигирди. Бунинг турмуши хазина экан», деб ўйлабди. Сўнгра кампирдан сўрабди.

— Эна, қизингизнинг боши бўшми?

— Айланайин, қизимнинг боши бўш, — дебди кампир. Савдогар, қизни берса ҳар қандай қилиб олмоқ керак, қўшхонага бориб бунга бир совчи юборайин, деб ўйлаб кўйибди. Савдогарлар подачининг уйдан қўшхонага қайтиб келибди. Сўнгра карвонбоши савдогарлардан кўнгли тортганларни бир ерга тўплаб:

— Эй қариндошларим, менга бир маслаҳат беринглар, мен шу подачининг қизига совчи юборайин дейман, сизлар нима дейсизлар? — деб сўрабди. Улар:

— Бизларга маслаҳат солсангиз ҳозирча индамай турунг, биз қалъага бориб, бу молларни сотиб, бошқа мол олиб, туяларга юклаб қайтиб келамиз, ундан кейин совчи кўйсангиз, кўйинг! — дебдилар. Бу маслаҳат карвонбошига маъқул тушиб:

— Туяларингни йиғиб, юқларни ортинглар, жўнай-миз, — дебди.

Савдогарлар туяларни йиғиб, юқларини ортиб карвонбошига «тайёр бўлдик», дейишибди. Қирқ кеча-ю, қирқ кундуз йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, қалъага етишибди. Карвонлар

<sup>5</sup> Ийлик — дуг

бозорга тушиб, молларини сотиб, бошқа молларни олиб, туяларига юклаб, қалъадан чиқиб жўнашибди. Қирқ кеча-ю, қирқ кукдуз йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб яна қалъага келишибди. Тўхтаган чўлга тушиб, туяларини ўтга қўйиб, ўзлари ош-сув қилиб, еб-ичиб ўтира берибдилар, дидига ёққан савдогарларни чақириб:

— Энди бораман, — дебди.

Қирқинбой совчиликнинг борди-келдисини гаплашиб, подачиникига борибди. Подачининг ўзи пода боқиб юрган экан. Уйда подачининг хотини билан қизи ўтирган экан. Дарров бир болани юбориб подачини айтдириб келибди. Подачи Қирқин билан кўришиб, ўтирибди. Қирқинбой:

— Бобо, биздан йўл сўранг: «Йўл бўлсин» денг, — дебди. Подачи:

— Ҳа, ўғлим, йўл бўлсин, хуш келибсиз, — дебди. Қирқинбой:

— Йўл, йўл бўлса, ол бўлсин. Биз сизга совчиликка келдик. Карвонбоши сиз билан томир бўлмоқни ҳавас қилиб, мана бу қизингизни ўзига тенг кўрибди, — дебди.

— Ҳа болам, карвонбоши бизни ўзига тенг кўрган бўлса, биз ҳам жонимиз билан тенг кўрдик, — дебди.

— Бобо, тенг кўрган бўлсангиз энди, қизингизнинг қалимини айтинг, — дебди.

— Болам, отингиз нима?

— Эй бобо, отим Қирқинбой:

— Эй болам, отингиз Қирқинбой бўлса, қирқта қизил норни юки билан берсин, тўй-қўйини карвонбошининг ўзи билади, — дебди. Қирқинбой:

— Мен бориб карвонбошига айтайин, — деб, — Карвон ака, подачининг қизини сизга битирдим, — дебди.

— Қандайга битирдинг? — дебди карвонбоши. Қирқин айтибди:

— Қирқ қизил нор, устида юки билан, тўйини, қўйини ўзи билади, деб юборди, — дебди.

Карвонбоши:

— Бу туялардан қирқини санаб, юки билан олиб бориб беринглар! — дебди

Карвонбоши тўйнинг қўйини, мойини, гуручини тўғрилаб, уларни ҳам савдогарлардан бериб юборибди. Сўнгра тўйни қилиб карвонбоши подачининг қизини олиб жўнабди. Неча кеча, неча кундуз йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Карвон ўз юртига қайтиб келибди, савдогарларнинг ҳар қайсиси ўз ҳовлисига кирибди, жой-жойига қарор топибди. Карвонбоши ўзига қарашли кал-кўрини йиғиб, подачининг қизига ўн кеча-кундуз тўй-томоша берибди. Карвонбоши подачининг қизи билан ўйнаб-кулиб юра берибди. Кунлардан бир кун карвонбоши: «Мен бу подачининг қизини кўп пул, мол бериб олдим. Чархини кўриб олдим. Бўлмаса менга бир дуруст одамнинг қизи ҳам тегар эди», деб ўйлабди. Бозордан ўттиз ботмон ғўза сотиб олиб, ҳовлисига олиб келиб ғаллахонага босиб қўйибди ва хотинига айтибди:

— Эй хотин, мен энди туяларга мол юклаб қалъага кетаман, олти ойдан кейин қайтиб келаман, мен келгунча мана бу ғаллахонадаги ғўзани йиғириб, калава қилиб, тагин ғаллахонага босиб қўясан, — деб карвонбоши навкарларини олиб, молларини юклаб жўнаб кета берибди.

Энди икки оғиз сўзни савдогарнинг хотини — подачининг қизидан эшитинг:

Подачининг қизи савдогарни жўнатиб на ғўза чувибди, на пахта савабди ва на чарх йиғирибди. Ўйнаб юра берибди. Кундан кун, ойдан ой ўтибди, савдогарнинг келар вақтига бир ой, бир ярим ой қолганда подачининг қизи: «Энди савдогарнинг келар вақти яқин қолди, ҳали бир чангал пахта чувиганим йўқ», деб ўйлаб бир этак ғўзани чувиб, чархини, дугини, булғовичини<sup>6</sup> айвонга чиқариб қўйиб бир қозон атала қилибди. Бунинг одати бир нафас овқат емаса туролмас экан. Ўзи чарх йиғирган вақтида бир одамга «оғзимга овқат солиб ўтир» демакка уялиб, икки қўлим билан чарх йиғириб, тилим билан ялаб ўтираман, деб атала қилибди.

<sup>6</sup> Булгович — чархнинг қулоғини айлантирадиган чўп.

Подачининг қизи, бу ерда турсин, икки оғиз сўзни шу юртнинг шаҳзодасидан эшитинг.

Кунлардан бир кун шаҳзоданинг томоғига суяк тикилиб қолибди. Подшоҳ табиб дебди, таккан дебди, мулла дебди, дори-дармон: ҳеч биридан шифо топмабди. Энди болам ўладиган бўлди, деб боласидан умидини узиб қўйган экан. Карвонбошининг ҳовлиси подшоҳнинг аркига қараган экан. Савдогарнинг хотини аталани эгнининг икки томонига суртиб, айвонга чиқиб ўтириб, бир қўлига булғовични олиб, бир қўли билан чархнинг кулоғидан ушлаб, «ҳа, дарғазаб савдогар», деб эгнининг бир томонидан бир ялаб «ҳа, дарғазаб савдогар», деб иккинчи томонидан бир ялаб, чархни йигира берибди. Подшоҳнинг ўғли арқда ўтирган экан. У савдогар хотинининг чарх йигириб, қилиб ўтирган қилиғини кўриб, шавқи келиб, қаттиқ кулиб юборибди. Шунда томоғидаги тикилиб қолган суяк бирдан отилиб чиқиб кетибди.

Шаҳзоданинг кўзи очилиб, ўзига келибди. Подшоҳ буни кўриб қувониб, ўғлидан:

— Болам, нимага кулдинг? — деб сўрабди. Шаҳзода:

— Аркнинг тўғрисида бир хотин чарх йигириб ўтирган экан, кўзим тушиб, кўнглимда бир қизиқлик пайдо бўлиб, кулиб юбордим. Томоғимдаги суяк бирдан чиқиб кетди-ю. кўзим чарақлаб очилди, — дебди. Подшоҳ бир ясовулини чақириб:

— Чарх йигириб ўтирган хотинни топиб келинглар, — дебди.

Ясовул суриштириб, савдогарнинг хотинини тегиб, подшоҳ олдига олиб борибди. Подшоҳ савдогарнинг хотинига: — Тила тилагингни! — дебди. Савдогарнинг хотини:

— Нимани тилайман, — дебди. Подшоҳ:

— Кўнглимда нима бўлса, шуни тила, — дебди. Савдогарнинг хотини:

— Тиласам, тақсир, менинг бир омбор ғўзам бор, шуни йигиртиб калава қилдириб берсангиз, тилагим шу, — дебди.

Подшоҳ дарров фуқарони чақириб, ҳар бирига бир пуд, ярим пуд ғўза улашиб, тарқатиб:

— Шу ғўзани олти кунда калава қилиб олиб келинглар, — деб буйруқ берибди.

Ғўзани олиб кетганлар кунни кун демай, тунни тун демай йигириб, ип қилиб, олиб келиб берибдилар. Подшоҳнинг хизматкорлари ўттиз ботмон ғўзани калава ип қилиб савдогарнинг омборига тахлаб қўйибдилар. Шундан икки-уч кун кейин савдогар келиб қолибди. Туяларини бойлаб, қалъадан олиб келган молларни кўяй деб, омборни очиб қараса, ўттиз ботмон ғўзанинг пахтаси калава ип бўлиб, босилиб турган эмиш. Савдогар хотинидан димоғи чоғ бўлиб, олиб келган нарсаларини омборга қўйиб, қулфлаб, ичкарига кириб, хотини билан кўришиб-сўрашиб:

— Хуржунда гўшт бор, олиб бир ўхшатиб қулчатоқ қил, — дебди.

Хотини гўштни олиб, бир чойнак чойни дамлаб савдогарнинг олдига қўйибди. Супрани ёзиб, унни элаб, хамир қилиб, зувала қилиб, тахта-ўқлоғи билан ёйиб ўтирган экан, бир қора кўнғиз ўрмалаб супрага чиқиб кела берибди. Савдогарнинг хотини ўрнидан туриб, ҳалиги қора кўнғизга уч марта таъзим қилиб, уч марта салом берибди. Савдогар буни кўриб ҳайрон бўлиб:

— Бу нима қилган ишинг? — деб сўрабди. Хотин:

— Эй карвонбоши, бунинг нимасини сўрайсан, бу менинг ёлғизгина холам бўлади, — дебди.

Сўнгра савдогар:

— Бу сенинг холанг бўлса, нимага бундай қора, — дебди. Хотин:

— Айланайин карвонбошижон, менинг қай бир дардимни сўрайсиз, шу ёлғиз холам чархни йигира-йигира қора кўнғиз бўлиб, ўрмалаб юрибди, — деб кўзига ёш олибди. Карвон ўйлаб туриб:

— Чархнинг фойдаси шу бўлса, агар сен чарх йигирсанг сенга уч талоқ, — дебди. Шу билан подачининг қизи чархдан қутулиб, савдогар билан эри хотин бўлиб, уй-жой қилиб мурод-мақсадига етибди.

## Ҳасан ва Зухра

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир подачи чол билан кампир бор экан.

Уларнинг Насиба, Гулбаҳор ва Зулфия деган уч қизи бўлар экан.

Ойдан ой, йилдан йил ўтибди, қизларнинг бўйи етибди. Насиба йигирма бирга, Гулбаҳор ўн тўққизга, Зулфия ўн саккизга кирибди.

Чол-кампир қизларига совчи келмагани учун кеча-ю кундуз хафа бўлиб юришибди.

Кунлардан бир куни чол кампирга қараб:

— Қариган чоғимизда жуда қийин аҳволда қолдик, бу уч қиз ўғил бўлганда бизни боқарди. Ҳеч бўлмаса буларга совчи келса ҳам майли эди, у ҳам йўқ, — деб зорланибди.

Кампир чолга жавобан:

— Бизнинг касбимиз қашшоқ подачилик бўлганидан кейин қизларимизни ким ҳам олар эди? — дебди. Чол ўйлаб туриб, кампирга бундай дебди:

— Бир маслаҳат бор, қизларимизни ўзимизга ўхшаган камбағалга берсак дейман. Агар улар маъқул топса, енгил-елпи тўй қилиб, қизимизни берайлик!

Чолнинг бу маслаҳати кампирга маъқул тушибди.

Чолдан аввал кампир йўлга равона бўлиб, ққшлоқдаги бойнинг қароллари билан бирма-бир учрашиб, ҳар қайсисига шундай дебди:

— Болам, сенга бир сўзим бор, қизларимнинг бўйи етди. «Тенг тенгги билан» дегандай, сен ҳам камбағал, мен ҳам. Топганингни тўй қилиб, қизларимиздан хоҳлаганингни ола қол. Лекин кампирнинг бу сўзига ҳеч қайси қарол кўнмабди, кампирнинг иши унмабди.

Бечора кампир пешонасига бир уриб, йўлга тушибди. Шундай қилиб, подачининг қизлари куёвга чикмай юраверибдилар.

Бир кун қизлар сўзлашиб ўтириб: «Оқжарнинг тути пишибди, бир бориб тутхўрлик қилиб келмаймизми?» дейишибди. Сўнгра учовлари Оқжарга кетишибди. Боришса, тут пишган, ҳамма ёқ чаманзор, булбуллар сайрамоқда эмиш. Қизлар кундузи тут ейишибди. Кечаси чайлада иккиси ётиб ухласа, бири уйғоқ, ўтириб пойлабди. Учала қиз шу аҳволда юраверибди.

Энди гапни бошқа ёқдан эшитинг:

Ўша юртнинг бир золим подшоси бор экан, ўғил-қизга зор экан, қирқ хотини бор экан-у, ҳеч бири туғмас экан. У бир кун тахтда ўтириб, вазир-вuzаролари, донишманд ва сипоҳиларини йиғиб, уларга шундай дебди:

— Э ёронлар, мен подшолик даврини суриб, кўп кайфу сафо қилдим. Энди умрим ғам-андухда ўтмоқда. Оламдан ўтсам ўрнимда қоладиган ўғил-қизим йўқ. Шунинг учун камбағалми, қашшоқми, менга барибир, тезроқ бир қиз топилсин, топилганда қирқ кун улоқ чопилсин!

Шундан сўнг вазир-вuzаролар маслаҳат қилиб, ҳар ёққа тарқалишибди. Подшо қирқ хотинини йиғиб:

— Эй хотинларим, сизларни кўп дунё сарф қилиб олган эдим. Сизлар билан шу вақтгача яшадим, энди ёшим улғайиб қолди. Ҳануз фарзанд кўрмаганим учун жуда хафаман. Энди яна уйланмоқчиман. Менга бир хотин олиб беринглар, — дебди.

Хотинлар ҳам рози бўлишибди.

Подшо: «Бир ўғил, бир қиз кўрсам, катта тўй қилар эдим», деб ўз-ўзича хурсанд бўлиб юраркан. Қирқ хотини яширинча йиғилиб, маслаҳат қилишибди. Улардан бири туриб:

— Подшо уйланса, фарзанд кўрса, бизга ғазаб қилса, аҳволимиз қандай бўлар экан? — дебди. Шунда подшонинг катта хотини, яъни вазирнинг қизи бундай дебди:

— Ҳой, халойиқ! Подшо фарзанд кўрмаганидан яна уйланмоқчи. Шунинг учун қашшоқ бўлса ҳам, етим бўлса ҳам бир қиз топинглар!

Шунда бир киши туриб:

— Таксир, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, бир сўз айтсам, — дебди. Вазир:

— Айт! — дебди.

— Э жаноб вазир. Оқжарга учта бўйи етган қиз келганига ўн кунча бўлди. У ерда тут ғарқ пишган, қизлар кундузи тут ейдилар, кечаси бир чайлада ухлайдилар, ҳеч нарса билан ишлари йўқ. Учови ҳам гўзал, келишган қиз. Агар жаноблари маъқул топсалар, шулар қалай бўлар экан?

Вазир:

— Мени ўша қизлар ёнига олиб бор, уларни бир кўрай-чи, қандай қизлар экан, — дебди.

Вазир қизлар чайласи ёнига бориб кулоқ солса, улар гаплашиб ўтиришган экан. Насиба сингилларига қараб:

— Подшо мени олса, бор ҳунаримни ишлатиб, унга шоҳона кийимлар тикиб берар эдим. Бу кийимлар дунёда ягона бўлар эди, — дебди. Ўртанча қиз Гулбахор:

— Подшо мени олса, унга ширин-ширин овқатлар пишириб берардим. Егани билан тўймас эди, — дебди. Кенжа қиз Зулфия эса:

— Подшо мени олса, икки бола: Ҳасан ва Зухра туғиб берар эдим, — дебди.

Вазир бу сўзларни эшитиб бўлиб, чайлага кириб борибди. Қизлар уни кўриб, ўринларидан турибдилар. Вазир қизларнинг кийимларига тикилибди: кийимлари жулдур-жулдур экан. Вазир дарҳол подшо ҳузурига бориб, кўрган ва эшитганларини бирма-бир айтиб берибди.

Подшо вазирдан бу сўзларни эшитгач, терисига сиғмай севинибди ва вазирга қараб:

— Майли, ўша кенжасини олай, — дебди. Сўнгра вазирни яна Оқжарга юборибди.

Вазир Оқжарга бориб қизлардан:

— Подшо Зулфияни олмоқчи, нима дейсизлар? — деб сўрабди. Шунда Зулфия.

— Камбағал бўлса ҳам ота-онамиз бор, ўшалар билаи сўзлашсангиз яхши бўларди, — дебди.

Вазирга Зулфиянинг гапи маъқул тушиб, мулозимларидан бирини подачи чол ҳузурига юборибди. Мулозим подачи олдига бориб:

— Э ота, сизнинг кичик қизингизни подшо олмоқчи. Сиз шунга нима дейсиз? — деб сўраганда, подачи бу сўзга ишонмай:

— Сиз мени алдамоқчимиз? — дебди.

Мулозим чолнинг ишонмаганини Оқжарга бориб вазирга айтибди. Вазир Оқжардаги ҳамма одамларни йиғиб, мўслаҳатлашибди:

— Э халойиқ, мен подачига мулозимимни юбордим. У чолга подшо Зулфияни олмоқчи бўлганини айтибди. Подачи: «мени алдаётирсиз», дебди. Энди сизлар менга қандай маслаҳат берасизлар?

Аввал вазирни қизлар олдига бошлаб борган чол бундай дебди:

— Э вазир, «қуш тилини қуш билади» деган мақол бор. Қишлоғимизда бир подачи чол бор. Ўша чолни қизларнинг отасига юборсангиз, балки унинг сўзига ишонар, — дебди.

Бу маслаҳат вазирга маъқул тушибди. Вазир айтибди:

— Хўп, майли, подачи чолни тезда чақириб келинг, гаплашиб кўрсин.

Подачи чолни чақириб келибдилар. У эса кўрққанидан тинмай йиғлаб, бундай дер эмиш:

— Таксир, мен гуноҳкор эмасман. Пода боқишдан бошқа ҳеч нарсани билмайман.

Ахволимга раҳм қилинг. Халқ унга:

— Кўрқма, бошқа гап бор, — деса ҳамки, яна қаттиқроқ кўрқиб:

— Э таксир, бола-чақангизнинг роҳатини кўринг, мен айбдор эмасман. Мен молларни ҳеч урмайман. Тўғри, бир вақт бир ола сигир юрмаган эди. Унинг шоҳига бир урган эдим, холос...— дер эмиш. Вазир кулиб:

— Майли, гуноҳингни кечирдим, энди сенга бошқа бир гап бор. Сенга икки кун муҳлат бераман. Подшо учун подачи чолнинг кичкина қизига совчи бўлиб борасан. Икки кундан кейин келиб жавобини менга айтасан, — дебди. Подачи:

— Хўп, таксир, хўп! Қизнинг отаси менга таниш, — деб хурсанд бўлиб чиқиб кетибди.

Подачи: «Осонгина қутулганимга шукур», деб қизнинг отасиникига равона бўлибди. Йўлда



ўз-ўзига: «Хайрият, вазирнинг қўлидан эсон-омон кутилдим», деб севинибди. Подачи қизнинг отаси қошига келиб, у билан саломлашибди. У ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, қизларнинг ҳол-аҳволини сўрабди. Шу кеча чолнинг уйида ётиб қолибди. Эртасига эрта билан икковлари Оқжарга жўнашибди.

Қизларнинг отаси подачига:

— Мен шу ерда тураман, сен вазир олдига бор, — дебди.

Оқжарлик подачи вазирнинг ёнига келиб:

— Буйруғингизни бажо келтирдим, — дебди. Вазир кулиб:

— Балли, ишни муҳлатидан бир кун илгари тамом қилдинг. Қандай шарт-шароит қўйдинг?  
— деб сўрабди.

— Подачи чол қизларини кўргани келди, — деб жавоб берибди. Шу пайтда ота ўз қизлари билан гаплашмоқчи экан.

Зулфия отасига қараб:

— Агар шоҳ менга уйланмоқчи бўлса, сизга қирқ туя қиммат баҳо мол берсин, икки опамнинг бошидан-оёғига зар тўксин, уларга яхши кийимлар кийдирсин, — дебди. Бу гап подшога маълум қилинибди.

Подшо қизнинг айтганларини тўла-тўқис бажо келтирибди, қирқ кеча-ю қирқ кундуз тўй-томошалар қилиб, Зулфияни олибди.

Орадан бир оз вақт ўтгандан сўнг чол-камбир катта қизлари Насиба билан Гулбаҳорни ҳам узатиб, кўнгиллари тинчибди.

Кундан кун, ойдан ой ўтиб, йил тўлибди. Зулфиянинг туғиш вақтига бир ой қолибди. Подшо хурсандликдан ҳар куни овга чиқар экан. Зулфиянинг ҳомиладорлигидан ич-этларини еб юрган подшо хотинлари ҳар хил макр-хийлалар ўйлай бошлабдилар. Подшонинг катта хотини вазир отасига:

— Зулфия яқинда туғади, энди подшо бизга эътибор бермай қўяди, — деб ҳасрат қилибди.

Бошқа хотинлар ҳам ҳасрат қилишибди. Шунда вазир:

— Сизлар ҳеч кимга айтманглар, подшо ҳам билмасин. Зулфия туғар вақтида бир камбир топиб, доя қиламиз, ҳисобини ўзи тўғрилайди, — дебди.

Кунлардан бир кун Зулфия эрига:

— Бугун аҳволим бошқача, ҳар хил сўзлар бўлаётганга ўхшайди, кўрқаман. Бугун сиз овга чиқманг, — деган экан, аҳмоқ подшо Зулфиянинг сўзини писанд қилмай, овга чиқиб кетибди. Салдан сўнг Зулфияни тўлғоқ тутибди. Шу пайтда подшонинг аламзада хотинлари бир маккор камбирни чақаришибди. Маккор камбир подшонинг катта хотинлари билан гапни бир жойга қўйиб, Зулфияга:

— Чироғим, Зулфия, подшо хотинлари тўлғоқ тутганда кўзларини рўмол билан маҳкам танғиб қўйишади. Сенинг ҳам кўзингни боғлаб қўйсак яхши бўлади, — деб Зулфиянинг иккала кўзини боғлабди. Зулфия бир-биридан чиройли бир ўғил ва бир қиз туғибди, бир оз беҳуш бўлиб ётибди.

Маккор камбир подшо хотинларига: «Янги тукқан эчкининг бир урғочи, бир эркак боласини дарров топиб келинглар», дебди.

Қирқ хотин камбирнинг айтганини даров бажо келтирибди. Камбир бўлса икки болани бир халтага солиб, яшириб қўйибди. Зулфия ҳушига келганда, камбир икки улоқни Зулфияга кўрсатиб:

— Болам, хафа бўлма, тақдиринг шу экан, одам боласи ўрнига, иккита эчки боласи туғдинг: бири эркак, бири урғочи. Подшонинг пешонаси шўр экан, — деб Зулфияга пичинг қилибди.

Зулфия зор-зор йиғлаб, ўтган кунларини эслабди. Қирқ хотин эса тоза севинишибди. Камбир халтадаги икки чақалоқни карвонлар ўтадиган чўл-биёбонга элтиб ташлабди. Қирқ хотин подшога хабар учун чопар юбора туриб унга:

— Хотинингиз туғди, дейсан, подшо шодланиб, «нима туғди» деганда, икки эчки боласи туғди: бири урғочи, бири эркак дейсан, — деб обдан тайинлашибди.

Чопар бориб, бу хабарни подшога етказибди. Буни эшитган подшо ғазабланиб, Зулфияни зиндонга ташлатибди.

Энди гапни бошқа томондан эшитинг: Йўлдан ўтаётган карвонлар шум кампир ташлаб кетган болаларни кўриб, хайрон бўлибдилар. Улар орасида бир киши бор экан. Болаларга унинг раҳми келиб иккаласини олиб кетибди. Тирноқ бетига зор бўлиб юрган эр-хотин икки болани яхшилаб парвариш қила бошлабди. Уларга Ҳасан ва Зухра деб ном қўйишибди. Ойдан ой, йилдан йил ўтиб, Ҳасан билан Зухра етти ёшга киришибди. Асранди болаларга ота-она жуда бино қўйишиб, уларга одоб-таълим ўргатишибди. Болалар бу камбағал оилада жуда яхши тарбия олиб етишибдилар. Ҳасан улғайгаи сари кучли, бақувват бўлаверибди. Курашда ўзидан катталарни ҳам йиқитадиган забардаст полвон бўлибди. У ҳар ишни уддалайдиган тадбирли, баҳодир йигит бўлиб етишибди. Зухра эса хунар ўрганиб, чиройли гиламлар тўқийдиган бўлибди. Зухранинг тўқиган гиламлари бозордаги гиламлардан ўн чандон қиммат юрар экан.

Кунлардан бир кун Ҳасан отасига:

— Менга бир яхши от, бир қилич ва бир ўқ-ёй олаб беринг, — деб ялинибди.

Отаси ўғлининг айтганларини олиб берибди. Ҳасан ҳар куни овга чиқадиган бўлибди. Ўша юртнинг подшоси ҳам овга чиқар экан. Ҳасан ёш бўлса ҳамки, кўпгина ов қилар, подшо эса қуруқ қайтар экан. Подшо бу ҳодисани хотинига айтиб берар экан.

Бир куни Ҳасанга отаси бундай дебди:

— Синглинг билан икковингни чақалоқлигингда чўлдан топиб олган эдим, икковингни парвариш қилдик, мана энди катта бўлдиларингиз.

Шунда Ҳасан отасига миннатдорлик билдириб:

— Энди сизлардан бошқа ота-онамиз йўқ. Синглим икковимиз сиз билан онамизга кўлимиздан келганча яхшилик қилайлик, — дебди.

Кунлардан бир кун Ҳасан овга чиқибди. Подшо ҳам овга чиққан экан. Ҳасан кўп ов қилибди. Подшо бош вазири билан қуруқ қайтибди. Бу нарса подшога алам қилиб, Ҳасандан:

— Э, бола, нимага бу ерда ов қиласан? Ўзинг кимнинг ўғлисан? — деб сўрабди. Шунда Ҳасан чақалоқлик вақтида синглиси икковини бир карвон топиб олганидан тортиб, синглисининг ҳозир гилам тўқишга жуда уста бўлганигача айтиб берибди.

Подшо аҳмоқ экан, ҳеч нарсани ўйламабди. Аммо ҳалиги вазир ўйлаб туриб: «Ўша болалар ўлмай, катта бўлган экан-да, ўзи ҳам худди отасига ўхшайди», деб кўнглига туғиб қўйибди ва бўлган воқеани бориб қизи билан шум кампирга айтиб берибди.

Вазирнинг қизи жуда айёр экан:

— Ҳа, ота, ўша болалар худди Зулфиянинг болалари, — дебди. Вазир ҳам:

— Ўшалар бўлса ажаб эмас, — дебди.

Подшонинг бош вазири, қирқ хотин, шум кампир кўп афсус қилибдилар.

Подшо эртасига яна овга чиқибди. Ҳасан ҳам овга чиққан экан. Ҳасан подшони уйига чорлабди. Ҳасаннинг боқиб катта қилган отаси подшони яхши қабул қилибди.

Сухбат чортанг келибди. Подшо турли воқеаларни айтиб берибди. Зулфия тўғрисида ҳам сўз бўпти. Ҳасан билан Зухрани гапирибди. Карвоннинг хотини доно экан. У Ҳасанга қарабди, подшога қарабди, иккаласининг тусини, қош-кўзини бир-бирига ўхшатибди.

— Э шохим, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, бир гапим бор айтсам, — дебди.

— Кечдим, айт, — дебди подшо. Хотин гап бошлабди:

— Ўзингиз «менинг қирқ хотиним бор эди, ҳеч қайсиси туғмас эди», дедингиз. Шундан кейин Зулфия деган қизга уйланганингизни ва унинг икки эчки боласи тукқанини айтдингиз. Менимча, кундошлар Зулфияни кўролмай, мақр-ҳийла билан икки бола ўрнига икки эчки боласини келтириб қўйишган бўлса керак. «Зулфия икки эчки боласи туғди», деган гап ёлғон.

Нахотки, одам эчки боласи туғса. Бизнинг Ҳасан-Зухрамиз худди сизга ўхшайди. Зулфиянинг зиндонга солинганига қанча вақт бўлди?

— Роса ўн икки йил бўлди, — дебди подшо ва пешонасига бир уриб, «аттанг!» дебди.

— Воқеани Зулфиядан аниқлаб сўранг-чи, нима дер экан, — дебди хотин.

Подшо Ҳасанни олиб уйга қайтибди. Ўрдага борганда зиндонбонни чақириб, Зулфияни зиндондан чиқариб юборишга буюрибди. Зулфияни зиндондан олиб чиқиб подшо қошига келтирибдилар. Подшога Зулфия ҳамма воқеани бирма-бир айтиб бериб йиғлабди.

Шунда Ҳасан онасининг сўзини эшитиб: «Онамиз шу экан», деб она-бола йиғлашиб кўришибди. Сўнгра подшо қирқ хотинини чақириб, бўлган воқеани суриштира бошлабди. Подшонинг бир хотини ростгўй, тўғри сўз экан, бошқа хотинлари уни ёмон кўрар эканлар. Ўша хотин бутун сирни очиб ташлабди. Подшо ғазабланиб:

— Жаллод! Аввал вазирни, кейин қизини дорга ос! — дебди. Кейин ўттиз саккиз хотинини ҳайдаб юборибди. Подшо қирқ кеча-ю қирқ кундуз тўй-томоша қилиб берибди...

Ҳасан ва Зухра эса ўз ота-оналаридан зиёд тарбиялаб вояга етказган карвонга ва унинг хотинига меҳрибонлик қилиб, умр кечиришибди.

### Ойжамол билан кал

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир подшо бўлган экан. Подшонинг жуда ҳам чиройли, дунёда тенги йўқ Ойжамол деган қизи бор экан. Кундан кун, ойдан ой ўтиб, Ойжамол вояга етибди, кўп ерлардан совчилар кела бошлабди.

Ойжамол келган совчининг ҳар бирига: «Бир шарт қўяман, уни кимда-ким бажарса, ўша кундан бошлаб, мен уники. Агар шартимни бажара олмаса, шу заҳотиёқ унинг калласи кетади», деб шарт қўйибди.

Қизнинг шарти қанчалик оғир бўмасин, барибир турли мамлакатлардан «бахтимизни синаб кўрамиз», деб подшоваччалар келиб, ҳаммаси Ойжамол айтган жумбоқни еча олмай бошлари таналаридан жудо бўлаверибди. Подшоликнинг узоқ бир четида бир подачи кал яшар экан. У ҳам Ойжамолнинг шартларини эшитиб қолиб, «бахтимни бир синаб кўрай», деб шаҳарга келибди. Кўрган киши: «Шу подшо қизининг шартини бажара олармиди, бекорга аҳмоқ бўлиб юрибди-да», деб мазах қилиб кулар эмиш. Кал йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, подшонинг саройига етиб келибди. Дарвозабон — соқчилар калнинг йўлини тўсиб:

— Ҳой кал, қаёққа? — деб сўрашибди.

— Подшонинг қизи Ойжамолнинг шартини бажариб, уни хотинликка олишга келдим, — дебди кал қоровуллардан тап тортмай.

— Маликанинг шартини бажариш сенга йўл бўлсин. Манман деган шаҳзодалар келиб бажара олмади-ю, аллақайда чангда беланиб ётган сен бажара оларминг, — дейишибди қоровуллар.

— Кўйиб юборинглар, мен ҳам бахтимни бир синаб кўрайин, — дебди кал.

Охири бўлмабди, қоровуллар кални ичкарига киритиб юборибдилар. Кал саройга кириб, ундаги бойликларни, деворлардаги безакларни кўриб, олдинига ўзини йўқотиб қўйибди, кейин ўзини босиб олиб, тўппа-тўғри Ойжамолнинг олдига кириб:

— Сиз билан шартда беллашгани келдим, — дебди. Ойжамол хохолаб кулиб туриб:

— Ўлгинг келиб, ажал ҳайдаб келган экан, майли мен розиман, — дебди.

«Кўрамиз, — дебди кал ичида, — ким-кимни ўлдирар экан».

Ойжамол калга, ўтир деб, гиламни кўрсатибди. Кал кўрсатилган жойга бориб, чўккалаб ўтириб олибди.

Ойжамол ўзининг бешта топишмоқдан иборат шартини айта бошлабди.

Ойжамол:

— Узун-узун ҳамён, ундан узун ҳамён, уни топинг дилбарим? — дебди.

Кал:

— Узун-узун ҳамён — тутун аланга эмасми, ундан узун ҳамён — булут эмасми? Топдимми, дилбарим, топмадимми, дилбарим? — деб жавоб берибди.

Ойжамол:

— Топдингиз! Иккинчи шартим бу турур: Қамиш учи қалтироқ, игна учи ялтироқ, буни топинг, дилбарим? — дебди.

Кал:

— Қамиш учи қалтироқ — шамол анинг эмасми, Игна учи ялтироқ — чироқ анинг эмасми? Топдимми, дилбарим, топмадимми, дилбарим? — дебди. Ойжамол:

— Топдингиз! Учинчи шартим бу турур: Такур-тукур такрабо, ичи тўла меҳрибо, уни топинг дилбарим? — дебди. Кал:

— Такур-тукур такрабо — бешик анинг эмасми, Ичи тўла меҳрибо — бола анинг эмасми? Топдимми, дилбарим, топмадимми, дилбарим? — дебди.

Ойжамол:

— Топдингиз! Тўртинчи шартим бу турур: Сассиқ кўлда ит ҳурар, уни топинг дилбарим? — дебди. Кал:

— Сассиқ кўлда ит ҳурар — бақа аканг эмасми? Топдимми, дилбарим, топмадимми, дилбарим? — дебди. Ойжамол:

— Топдингиз! Бешинчи шартим бу турур: Тоғнинг учи тўқирчоқ, буни топинг дилбарим? — дебди. Кал:

— Тоғнинг учи тўқирчоқ — кал аканг эмасми? Топдимми, дилбарим, топмадимми, дилбарим? — дебди. Ойжамол:

— Топдингиз! Шартларимни тўла бажардингиз. Энди мен сизники, қаерга десангиз ўша ерга кетаверамаи, — дебди.

Шундай қилиб, подачи кал Ойжамолнинг ҳамма топишмоқларини топиб, унга эришибди. Подшо элу юртда гап бўлишидан қўрқиб, қирқ кеча-ю қирқ кундуз тўй-томоша қилиб, қизини подачи калга никоҳлаб берибди.

Тўйдан кейин кал Ойжамолни олиб ўз жойига қайтиб, подасини боқиб, шоду хуррамликда мурод-мақсадига етибди.

## Доно хотин

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир подшо бўлган экан. Унинг ёмон бир хотини бор экан. Ўзи туғмас экан, подшо бошқа хотин олай деса қўймас экан. Қитмир, бадкирдор экан. Юзи оқ бўлса ҳам ичи қора экан, ундан кўпларнинг кўнгли яра экан. Подшонинг ўлган хотинидан бир қиз қолган экан. Қиз подшонинг якка-ю ягона фарзанди бўлса ҳам уни ёмон кўрар экан. «Қиз бола-туз бола», деб қизини хафа қилаверар экан. Лекин подшонинг қизи жуда чиройли, доно ва чевар экан. Қиз подшога кўп ақлли гапларни айтар экан, лекин подшо хотинининг сўзига кириб, қизининг гапига кулоқ солмас экан, бир гапда турмас экан. Қизи олим экан, подшо золим экан.

Кунлардан бир кун подшо кайф-сафо қилиб ўтирган экан, бирдан ҳовуз бўйидаги қарамон<sup>7</sup> тепасига чиройли бир қуш келиб кўнибди. Кейин подшо томонга қичқириб, сайрай берибди. Подшо одамларига шу қушни тутинглар, деб буйруқ берибди. Бироқ ҳеч ким тута олмабди. Қуш

<sup>7</sup> Қарамон — кайрағоч.

учиб кетиб яна айланиб келибди-да, яна ҳалигиндай қичқириб, сайрабди. Подшо вазирларига:

— Қуш нима деяпти, шуни айтиб берасизлар, — деб буйруқ берибди. Вазирлар нима дейишларини билмай, оғизларини очиб ўтираверибдилар. Кейин подшо ғазаб қилиб:

— Ким шу қушнинг нима деганини айтиб бермаса, ўзи ўлимда, моли подшоликники! — дебди.

Вазирлар хайрон бўлиб:

— Бу балодан қандай қутуламиз? — деб ташвиш чекибдилар. Вазирлар юртни айланиб, доно олимлардан қушнинг нима деганини сўрабдилар. Ҳеч ким жавоб бера олмабди. Энг охирида вазирлардан бир ақллироғи:

— Бу сўроққа подшонинг қизи жавоб берар, агар у ҳам беролмаса, ҳаммамиз мол-жонимиз билан хайрлаша берсак ҳам бўлади, — дебди.

Қирқ вазир яширинча бориб подшонинг қизидан сўрабдилар. Подшонинг қизи:

— Агар отамга айтмасанглар, мен саволингизга жавоб берай, борди-ю, отам билиб қолса, унда мени тирик қўймайди, — дебди.

Вазирлар ҳаммаси қасам ичишибди.

— Ҳовуз бўйидаги қарамон тепасида ўтирган қуш: «Жинни эрни соғ қиладиган ҳам хотин, соғ эрни жинни қиладиган ҳам хотин, ҳазир бўл. Хотининг сени жинни қилади!» дегани. Қушнинг жониқиб сайраганининг маънисини шунда, — деб жавоб берибди.

Вазирлар жуда суюниб ҳаммалари подшонинг олдига боришибди. Қиз нима деган бўлса, ҳаммасини подшога гапириб берибдилар. Подшо ғазабланиб:

— Сизларга буни ким айтди? — деб сўрабди.

— Ўзларимиз топдик, — дебдилар.

— Сизларга биров айтган, тез жавоб беринг, бўлмаса ҳаммангизни дорга остираман! — деб сиёсат қилибди.

Вазирлар қўрққанларидан:

— Қизингиз айтди, — дебдилар.

Подшо:

— Қизимни дорга осинглар, — деб буйруқ берибди. Шунда вазирларнинг биттаси:

— Подшоҳим, ўз қизингизни эл орасида дорга остирманг, яхшиси, чўл-биёбонга обориб ўлдирсинлар, ҳеч ким билмайди, — дебди. Подшо кўнибди.

Вазирларидан иккиси икки жаллодни олиб, қизнинг қўл-оёқларини боғлаб, отга ўнгариб, чўл-биёбонга қараб кетибдилар. Вазирлар бу қиз гуноҳсиз, бизни ўлимдан сақлаб қолди, биз ҳам буни ўлдирмайлик, деган маслаҳатга келибдилар, қизни саҳрога олиб бориб қўл-оёқларики ечиб юборибдилар-да:

— Ҳамма бало сенинг ақлингда, хафа бўлма, қиз ажалинг етмаган бўлса, кунингни кўриб кетарсан, — деб бир қўйлакни қонга бўяб, подшога келтириб берибдилар.

Энди сўзни подшонинг қизидан эшитинг:

Қиз чўл-биёбонда ёлғиз ўзи қолиб, нима қилишини билмай, боши оққан томонга қараб кетаверибди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Кечга бориб, узокдан бир ёлғиз гужумни кўрибди. Шу гужум томонга қараб кетаверибди. Яқин бориб қараса, гужумнинг тагида бир бостирма, бостирманинг олдидан тиниқ бир чашма шилдираб оқиб турибди. Қиз аста бориб, уйнинг ичига қарабди. Уйнинг ичида ҳеч ким йўқ, ерга йиртиқ палос ташланган, ҳар ер-ҳар ерда бўйра чўплари сочилиб ётибди. Қиз уйга кириб ҳалиги палос устига ётибди-да, қаттиқ чарчаганлигидан дарров ухлаб қолибди.

Бир оздан кейин қизнинг қулоғига уйқу аралаш бир овоз эшитилибди:

*Отим Қулман девона,*

*Одамлардан бегона,*

*Турар жойим вайрона,  
Дунё бевафо экан.*

Қиз кўзини очиб қараса, сочлари жингалак-жингалак бўлиб ўсган, кўзлари ўтдек чакнаб ёниб турган бир бадбуруш одам тепасида турган эмиш. Қиз ирғиб ўрнидан турибди, ҳалиги одам қаҳ-қаҳ уриб кулиб, ўз ашуласини айтаверибди. Қиз бир оз ўзига келиб, ундан: «Сен кимсан?» деб сўрабди. Лекин у одам алжирайверибди. Қиз: «Бу жинни экан», деб ўйлабди. Қиз ҳалиги одамни бошлаб, чашманинг ёқасига олиб борибди. Унинг сочларини олибди, соқолларини тарабди, уст-бош кийимларини ювиб берибди. Кунлар ўтаверибди. Қиз турли гиёҳлардан дори ясаб, ҳалиги одамни даволай бошлабди. Олти ой деганда, ҳалиги девона тузалибди. Шунда у одам ўз бошидан ўтган воқеаларни бир-бир айтиб берибди.

— Менинг бу аҳволга тушишимга хотиним сабабчи: камбағалсан, мол-дунёнг йўқ, деб мени ҳайдаб юборди, хотинимни яхши кўрардим, икки йил саргардон бўлиб юрдим, ундан кейин нима бўлганимни ўзим ҳам билмайман, — дебди.

Қиз Қулманга хотин бўлиб, бирга яшайверибди. Йигит деҳқончилик қилар экан, ов овлар экан, хотини бўлса, одамларни даволар экан, гилам тўқир экан, кашта тикар экан. Орадан икки йил ўтибди, турмушлари жуда яхши бўлиб кетибди. Бир ўғил, бир қиз кўришибди.

Кунлардан бир кун Қулманнинг хотини эрига:

— Агар кўнсанг, подшони вазирлари билан бир зиёфатга чақирамиз, — дебди.

Эри ҳам кўнибди. Подшо вазирлари билан Қулманнинг уйига меҳмон бўлиб келибди. Қиз подшога бўлган воқеаларнинг ҳаммасини бирма-бир айтиб берибди. Подшо ёмон хотинининг жабридан жони азобда қолган экан, унинг устига қизидан ажралиб, фарзандсизлик ўтида куяр экан. Қизининг ҳикоясини эшитиб подшо йиғлайверибди. Кейин ҳаммалари юртга қайтиб келишибди. Подшо янгидан тўй-томоша қилиб, қизини Қулманга никоҳлаб берибди. Қулман юртга подшо бўлиб, ҳаммалари мурод-мақсадларига етишибди. «Эрни эр қиладиган ҳам хотин, эрни қора ер қиладиган ҳам хотин», деган нақлнинг маънисини шу экан.

## Тухмат

Бор экан, йўқ экан, оч экан, тўқ экан, қадим замонда, Бухоро шаҳрида Хондархон деган подшо ўтган экан. Подшонинг вазирлари ичида Қосим жаллод деган бир вазир бор экан. Подшо унинг сўзини эътиборга олар экан.

Муҳаммадjon деган бир йигит орзу-ҳавас билан бир бойнинг қизини олган экан. Муҳаммадjon хотини билан етти йил бирга умр кечириб, ҳеч фарзанд кўрмабди.

Бир кун Муҳаммадjon хотинига қараб айтибди:

— Эй хотин, мен тенги уйланганлар фарзанд кўрди. Улардан бирортаси боласини кўтариб кўчага чиққанини кўрсам, ерга кириб кетаман. Мен сен билан етти йил умр қилиб, фарзанд кўрмадим. Жуда хафаман. Маҳалламдаги ўртоқларим билан бир саёҳат қилиб келмоқчиман. Сен мени уч йил кут. Агар уч йил кутмасдан бошқа эр қилсанг, сендан рози бўлмайман.

Йигит уч йилга етар-етмас уй харажатларини тўғрилаб, хотинига:

— Остона хатлаб эшикка чиқмайсан, — деб сафарга кетибди.

Хотини эридан ҳомиладор бўлиб қолган экан. Орадан тўққиз ой, тўққиз кун ўтгач, ўғил кўрибди. Ўғлини яхши тарбиялабди. Эрининг кетганига икки ярим йил бўлибди. Кунлардан бир кун боласини аллалаб ухлатаётганида, эрининг сўзлари эсига тушиб, шундай кўшиқ айтибди.

*Алла болам, аллаё, алла,  
Жон болам, жоним болам, аллаё, алла.*

*Баланд-баланд тепада қуш ўлтирар, алла.  
Йўқчилик бошимга қулфат келтирар, алла.  
Йўқ бўлиб отанг, ёнимда хор бўлгунча, алла,  
Тоғдаги арслон бўлай то ўлгунча, алла.  
Яхши бўлса эр йигитнинг хотини, алла,  
Шул чиқарар йигитнинг отини, алла.  
Деразадан ой тушиди юзимга, алла,  
Сиздан бошқа ёр кўринмас кўзимга, алла.  
Кеча-кундуз сабр тилайман ўзимга, алла,  
Жон болам, жоним болам, аллаё.  
Отасини кўрмаган, йигисини қўймаган, алла,  
Жон болам, жоним болам, аллаё, алла.*

Она боласини ухлатиб, бешикка бош қўйиб, ухлаб қолибди. Тушида эрини кўрибди. Муҳаммаджон келиб кўча эшигини тақиллатиб уни чақирибди, югуриб чиқиб, эшикни очиб кўчага қараса, эри лойга ботиб қолган эмиш.

Эри:

— Эй, хотин, кирай десам эшигинг берк экан, лойга ботиб қолдим. Кел, қўлимдан торт! — дебди.

У, эрининг қўлидан ушлаб тортган экан, эрининг оёғи тагига йиқилиб тушибди. Хотин уйғониб қараса, тонг пайти экан. Бешикка бош қўйиб ухлаб ўтирган эмиш.

«Ажабо, бу нима бўлди, буни кимга айтаман. Эрим остона хатлаб эшикка чиқмагин деган эди», деб ўйлабди. Чой қайнатиб, дастурхон ёзиб, чойдан бир пиёла ичмоқчи бўлиб турган вақтида, бирдан дарвоза тақирлаб қолибди. Бу ким экан, деб эшик ёнига бориб:

— Кимсиз? — деб сўрабди:

— Мен, оч эшикни! — деган аёл товуши эшитилибди. Эшикни очиб қараса, қўшниси Мастура кампир эмиш. Кампир бу хотиннинг пайида юрар экан. Кўриниши дўст бўлса ҳам, ичдан душман экан.

— Келинг, эна, хизмат? — дебди уй эгаси.

— Айланай болам, — дебди кампир, — уйимда гугуртим тамом бўлиб қолган экан. Сизда бўлса, сўрагани чиқдим.

— Яхши чиқибсиз. Ичкарига кириг! Бир пиёла чой ичинг, — дебди уй эгаси. Кампир:

— Ҳа, майли, ичсам ича қолай, — деб ўтирибди. Иккиси чой ичишибди. Уй эгаси:

— Мен сизни энамдай кўриб юраман. Бугун бир туш кўрдим. Сиз шу тушимни яхшига жўйиб берсангиз, — дебди.

— Айт-чи, болам, нима туш кўрдинг? — дебди кампир.

— Тушимда, эрим келиб чақиргандай бўлди. Қувониб, югуриб бориб эшикни очдим, чиқиб қарасам, эрим эшик олдида лойга ботиб қолган эмиш. Эрим: «Менинг қўлимдан ушла, тортиб ол!» деди. Мен эримнинг қўлидан тортаман десам, оёғи тагига йиқилиб тушдим, уйғониб қарасам, тушим экан.

— Эй болам, — дебди кампир, — сен тушингда бойингнинг оёғи тагида лой кўрган бўлсанг, унинг оёғи тагига йиқилган бўлсанг, икки-уч кун ичида бир тухматга учрайсан. Сени подшонинг олдида олиб бориб, бир юз саксон газ минорадан ташлаб юборадилар.

Хотин:

— Сенинг менга душманлигинг бор экан. Энди кирсанг оёғингни синдираман, душманлигинг ўзинга етсин! — деб гугурт бермай, кампирни уйдан ҳайдаб юборибди.

Хотин: «Қуриб кетгур, кампир менинг ўчган ўтимни ёндириб, юрагимни куйдирди, тушимни айтмасам бўлар экан», деб ўйлабди. Кампирнинг сўзига, кўрган тушига эри

кетганидан буён йиғиб қўйган ипини олиб сотиб, уч-тўрт гадойга садақа бериб келмоқчи бўлибди. Ўйлаб, ўзига-ўзи сўйлаб: «Қандай кийим кийиб борсам экан? Ёшга ўхшаб кийиниб бозорга борсам, битта-яримта йигит кўз қирини ташламасин, ҳар холда кампирларга ўхшаб борай», деб эски кийимлар кийиб уйдан чиқибди. Калава ип бозорига борибди. Калава бозорга яқин келиб, бировдан:

— Айланай болам, калава бозори қаерда? — деб сўрабди. У:

— Яқин қолди, — деб калава бозорини кўрсатиб юборибди.

Калава бозорига кириб кетаётса, бир дўкандор йигит:

— Қўлингиздаги нима? — деб сўрабди.

— Айланай болам, калава, — дебди.

— Сотасизми?

— Сотаман.

Шунда дўкандор:

— Олиб келинг, бўлмаса, — дебди-да, тарозига солиб тортиб кўрибди.

— Калавангиз ўн қадоқ экан. Қанча сўрайсиз?

— Айланай болам, мен нима дер эдим, ўзингизга инсоф берсин, — дебди. Йигит:

— Ун қадоқ калавангизга ўн танга бераман, хўп десангиз беринг, — дебди...

— Майли, — дебди хотин. Дўкандор:

— Мен калавангизни ўн тангага олдим, лекин беш танга пулим бор экан. Шу растанинг нариги бошида менинг ўртоғим бор. Сизга шу ўртоғимдан беш тангангизни олиб бераман, — дебди.

— Майли, болам! — деб жавоб берибди хотин. Энди гапни бошқа томондан эшитинг:

Подшо бир ўғрини дорга осгин, деб фармон берган экан. Дўкандор билан кетаётган хотин подшо вазири Қосим жаллод ўғрини калава бозоридан ҳайдаб келаётганини кўриб, кўркқанидан ҳушидан кетиб, бошидан паранжиси тушиб, оёғига ўралиб йиқилибди. Қосим жаллод юзи очилиб қолган хотиннинг ҳусни-жамолини кўриб, «яхши хотин экан-да», деб ўғрини ҳайдаб кета берибди. Хотин бир дўкон тахтасининг орқасига яшириниб қолибди. Қосим жаллод йўлда кета туриб, муғомбир, айёр, ҳар ярамас ишга тайёр Абдулла чакқон деган одамни учратиб:

— Сен орқангга қайт! Калава бозорда бир хотинни кўриб қолдим. Шу хотинни олиб келиб, мен билан гаплаштирсанг, сенга бир от, юз танга пул бераман, — деб ўғрини ҳайдаб кетибди.

Абдулла чакқон бу сўзни эшитиб калава бозорига чопибди. Калава бозорига борса, калавафурушнинг олдида бир хотин турган эмиш. Унга калавафуруш:

— Мана, беш танга, олинг. Калавани беринг, — деб турганини эшитган Абдулла чакқон отдан тушиб калавафурушнинг ёқасидан ушлабди.

— Биродар, мен нима иш қилдим, мени ёқамдан бўғасиз? — дебди калавафуруш. Абдулла чакқон калавафурушга: — Нега сен бу хотинга пул беряпсан? — дебди.

— Э, болам, бу гапни айтманг? Мен бу кишига калава сотдим. Шунга пул беряптилар, — дебди хотин.

— Ҳа, ҳа, калавангиз қайси?

— Ҳа, анави, — дебди.

— Бўлмаса, бу калавани олиб тарозига солиб кўр-чи, қанча келар экан.

Калавафуруш унинг гапи билан калавани олиб тарозига қўйиб:

— Мана ўн қадоқ. Ҳар қадоғи бир тангадан, ўн танга бердим, — дебди.

— Бўлмаса сен ўн тангага олган бўлсанг, алдамаганинг шу хотин қолганми эди. Бу калавани ҳар ким ўн беш тангага олади-ю, сен ўн тангага оласанми? — дебди Абдулла чакқон.

Калавафуруш:

— Сиз ўзингиз ўн беш тангага оласизми? — дебди.

— Ҳа, оламан, — дебди.



— Олинг бўлмаса, — дебди калавафуруш. Калавафурушнинг қўлидан Абдулла чаққон калавани олиб:

— Мана, эна, ўн танга, беш тангасини менинг уйимдан оласиз. Шу ердан тўғри бориб, иккинчи маҳаллага етиб «Абдулла чаққоннинг уйи қаерда?» деб сўрасангиз ҳамма кўрсатиб беради, — дебди.

Хотин калавафурушга ўн тангасини қайтариб бериб, Абдулла чаққоннинг сўзига ишониб, унинг ўн тангасини олибди.

Абдулла чаққон:

— Эна, энди сиз бора беринг. Менинг бозорда ишим бор, — деб бозорда қолгандек бўлиб, хотиннинг кетидан қорама-қора бора берибди. Хотин Абдулла чаққоннинг уйига етиб бориб эшигидан қараса, уйда ҳеч ким йўқ эмиш. Қайтиб чиқай деса, кўча эшиги бекилиб қолибди. Абдулла чаққон эшикни бекитиб кўчада турган эмиш. Хотин чиқиб кетмоқчи бўлибди. Абдулла чаққон:

— Чиқармайман сени. Шу ерда бир оз турасан. Агар турмайман десанг, қанотинг бўлса осмонга учиб кет, иложини топсанг, ерга кириб кет. Лекин сени менга бир одам тайинлаган. Ўша одам келиб: «Шу эди» деса, хўп-хўп, агар бошқа одам деса, кета берасан, — дебди. Хотин:

— Во ажабо, бу қандай гап? Уйда ёш болам қолган, — деб кўзига ёш олибди.

Қосим жаллод ўғрини дорга тортиб, қайтиб келиб, Абдулла чаққондан:

— Нима қилдинг? — деб сўрабди.

— Эшикни очаман, кириб кўринг, — деб жавоб берибди Абдулла чаққон.

— Қани, очгин, кўрай, — дебди жаллод. Абдулла айёр эшикни очибди. Жаллод эшикдан кириб, ўзи тайинлаган хотин эканини кўриб, Абдуллага:

— Сени бир кун хурсанд қиларман, — дебди-да, хотинга қараб:

— Э, янга, чўнтагим тўла танга. Бу кеча мен билан гапиришсанг, ўн минг танга бераман, — дебди. Хотин:

— Ўн минг танга экан, юз минг танга берсанг ҳам, сенга юзимни кўрсатмайман, — дебди.

Жаллод бу сўзни эшитиб, жаҳли чиқиб, Абдулла чаққонга:

— Ҳайда бунини! Подшо олдига олиб борамиз, бунга подшонинг жазосини бердирмасам, Қосим жаллод отимни бошқа кўяман, — дебди.

Хотин айтибди:

— Майли, мени подшонинг олдига олиб бор, нима жазога тортса тортсин.

Қосим жаллод билан Абдулла чаққон хотинни подшонинг олдига олиб боришибди. Подшо:

— Қосимбой, нима гап-сўз топиб келдингиз? — деб сўрабди. Қосим жаллод айтибди:

— Кеча ярим кечада Чорданзи маҳалласидан ўтиб кетаётсам, бир уйнинг ичидан гангур-гунгур овоз чиқаётганини эшитиб қолдим. «Ярим кечада бу овоз қаердан келаётир?» деб томга чиқиб, мўридан қарасам, бу хотин қирқта йигитга мусаллас куйиб бериб ўтирибди: «Ҳап сеними? Сенга кўрсатиб қўямасам», деб томдан тушиб, эшикдан кирай десам, ховлисининг орқа томони боғ экан, бу хотин қирқ йигитни боғ тарафдан қочириб, эшикни очди. Менга:

— Нима кўрдинг? — деди. Мен: — Бу ерда ўтирган йигитлар қани? — деб сўрасам. У: «Кўлинг билан тутгин-да, нима қилсанг қила бер», деб менга дўқ қилди. Шунинг учун сизнинг олдингизга келтирдим. Шунга жазо беришингизни сўрайман, — дебди.

— Э аёл, ёш экансан, менинг замонимда бундай иш учун ўлимга буюришимни била туриб, шу ишни қилишга кўркмадингми? — дебди. Хотин:

— Эй подшоҳи олам, султони боқарам, мен ҳам арзимни айтай, эшитинг, — деб ёлворибди.

Подшо:

— Айт, — дебди.

Хотин эри саёҳатга чиқиб кетгани, унга икки ярим йил ўтгани, бир кун боласини аллалаб ухлаб қолгани, туш кўргани ва бошидан кечирган бутун воқеани подшога сўзлаб берибди.

Сўзининг охирида: «Қилган гуноҳим шул тақсир», дебди. Подшо:

— Э Қосимбой, бунинг айтган сўзи тўғрими? — деб сўрабди: Жаллод:

— Тақсир, ўғри: — ўғриман, ёмон: — ёмонман, бузук: — бузукман дейдими?! Сизга мен хизмат қила бошлаганимдан бери ёлғон гапирганманми? Агар бунинг гапига ишониб, менинг гапимга ишонмасангиз, ўзингиз биласиз, — дебди. Подшо жаллодга қараб:

— Бу хотиннинг гапи ёлғонлигига тўртта гувоҳ топиб келсангиз, уни жазога буюраман, — дебди. Қосим жаллод:

— Хўп, бўлмаса, мен гувоҳ топиб келай, — деб чиқиб кетибди. Бир қиморхонага бориб, тўртта ютқизган қиморбозни топиб, бозор бошига етганда, тўрттовига ҳам муллалар киядиган кийим кийдириб, ошхонага олиб кириб, қорнини тўйғазибди, гап ўргатибди, подшонинг олдига олиб борибди. Подшо:

— Қосимбой, буларни нимага олиб келдинг? — дебди. Қосим жаллод:

— Сиз гувоҳ олиб кел, деганингиз учун гувоҳликка олиб келдим, — дебди. Подшо келганларга қараб:

— Сизлар Қосимбойга гувоҳмисизлар? — дебди. Қиморбозлар:

— Ҳа, гувоҳмиз, — дейишибди. Подшо уларга қараб:

— Қосимбой бу хотинни фоҳиша дейди, бу хотин эса, «Мен фоҳиша эмасман», дейди. Қосимбойнинг гапи тўғрими, ё хотиннинг гапи тўғрими? — дебди. Қиморбозлар:

— Э подшо, сизга тасаддуқ бўлайлик. Қосимбойнинг гапи тўғри. Биз биламиз: бу хотин бузук, ҳар қандай жазо берсангиз арзийди, — дейишибди. Подшо:

— Хўп, менинг давримда, шу одам ёмон деб тўрт одам гувоҳликка ўтса, уни қилган ишига қараб жазога буюраман, — дебди ва хотинга қараб. — Фоҳишалигинг йўриғидан сени ўлим жазосига буюраман. Жазо минорасидан ташлатаман, ё остираман ёки тўпга тутдираман. Шу уч жазодан қайси бирига розисан, айт! — дебди. Хотин:

— Эй подшо, сизга буларнинг тухмати маъқул бўлиб, менинг гапим номаъқул бўлса, менинг яна сизга бир арзим бор, мана шу калитни бир одамингизга берсангиз. Менинг уйимга бориб эшикни очиб кирса, бешикда қолган болам бор. Шу боламни олдиртириб келтирсангиз. Агар олдириб келтирмасангиз, болам уйда қолиб, мени жазога торттирсангиз, рози эмасман. Боламни олдириб келиб, шу бир юз саксон газлик минорадан ташлатинг, розиман, — дебди.

Подшо шу онда хотин тайинлаган жойга одам юбориб, боласини олдириб, хотиннинг қўлига берибди. Хотин боласини олиб, бир юз саксон газлик миноранинг тагига бориб, боласини эмизиб туриб, халққа қараб:

— Э халойиқ, подшо мени ноҳақ жазога тортаётир. Шунинг учун шу боламни ким олади? Агар олган одам асраб катта қилса, хурсанд бўлади, хафалик тортмайди, — дебди.

Бир чол келиб:

— Менинг қизим, ўғлим йўқ эди, фарзандга зор эдим. Сен менинг қизимсан, ўғлим ўрнига ўғлимсан. Болангни мен олай, боқиб катта қилай, — деб болани олибди.

Подшо хизматкорлари хотинни қопга солиб, бир юз саксон газлик миноранинг тепасидан: «Хукми подшо вожиб», деб ташлаб юборишибди. Хотин айланиб-айланиб азоб тортмай, худди томдан сакраб тушгандай тикка ерга тушибди. Халқ хотиннинг тирик қолганини кўриб ҳайрон бўлибди. Халқ ичидан уч-тўртта одам чиқиб жаллодга:

— Э, Қосимбой, бераҳмлиқ билан ноҳақ тухмат қилган экансан-да, бу минорадан ташлаган одамлар парча-парча бўлиб, замбардаги лойдай ёйилиб кетар эди. Бу хотин парча-парча бўлмай, тик тушиб қолди. Сенинг гапинг ноҳақ гап, тухмат, бу хотиннинг ёлборгани тўғри экан, — дейишибди.

Қосим жаллод туриб:

— Бу хотин жодугар, сеҳргар экан, шунинг учун ўлмади, яна қайтадан ташлатаман, — дебди. Одамлар:

— Сен қандай одамсан? Тағин минорадан ташлаш керак дейсан. Сенда инсоф борми? Лекин биз подшога бориб айтамыз: «Сиз минорадан ташлашга буюрган хотин, воҳақ жазо берилгани учун минорадан азоб чекмай, соғ-саломат тушди, ўлмади», деймиз. Подшо «яна минорадан ташланглар» деса, ташлаймиз, бўлмаса, йўқ, — деб хотиннинг тарафини олишибди. Қосим жаллод минора тагида қолибди, беш-олти одам подшонинг олдига бориб, бўлган воқеани бирма-бир баён қилишибди. Подшо уларга:

— Ундай бўлса, хотинни минорадан яна ташланглар! — дебди.

Бир вазир туриб:

— Сиз бир марта ҳукм чиқаргансиз. Хотин ҳақ бўлгани учун минорадан тушиб ўлмабди. Энди уни озод қилиб, боласини қўлига бериб жўнатиш керак. Қосим жаллодни эса, бегуноҳ бир одамга тухмат қилгани учун жазога тортиш керак, — дебди.

Подшога бу гап маъқул тушибди.

— Боринглар, хотинни озод қилиб, чолдан боласини олиб қўлига бериб, яна унга ўн танга ҳам бериб, уйига элтиб қўйинглар. Қосим жаллод, Абдулла чакқон ва тўртта гувоҳини бу ерга олиб келмасдан, шаҳардан чиқариб ҳайдаб юборинглар, —деб фармон берибди. Бу одамлар минора тагига бориб, хотинни қопдан чиқариб, чолдан болани олиб, қўлига тутқазиб, ўн танга бериб жўнатишибди.

Қосим жаллод ва гувоҳларни эса бошқа томонга ҳайдаб юборишибди. Хотин уйига келиб уч ой тургандан кейин эри келибди.

Ҳол-аҳвол сўрашиб:

— Мен ҳаяллаб қолдим. Хафа бўлмай юрдингми? — дебди. Хотини у кетгандан кейин бошидан кечирган саргузаштларини айтиб берибди.

Эри:

— Шунчалик маломатга қолибсан, жонинг саломат қолибди. Энди хафа бўлмай икковимиз яхши яшайлик, — дебди.

## Ҳунарли йигит

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир шаҳарда бир чол билан кампир бор экан. Уларнинг Маматбой деган битта-ю битта ўғли бор экан.

Кампирнинг ота мерос бир ҳовлиси бор экан. Чол-кампир бу ҳовлини уч юз тиллага сотишибди ва маслаҳатлашиб ўғлини савдо ишига ўргатмоқчи бўлишибди.

Чол ўғлини чақириб:

— Болам, биз энди қариб, куч-қувватдан қолдик. Сен мана бу юз тиллани олиб, савдогарчилик қилгин, - дебди.

Бола юз тиллани белига тугиб, йўрға эшакни миниб: «Ҳайё-хай», деб сафарга жўнабди.

Юриб-юриб бир шаҳарга етибди. Қараса, бозорга яқин бир жойда одамлар тўпланишиб турган эмиш, тўда яқинига бориб одамларнинг биридан: «Нима гап?» деб сўраса, у одам:

— Бу ер илм берадиган жой. Кимки юз тилла тўласа, бир йил ичида илм ўрганиб чиқади, — дебди.

Бизнинг Маматбой ҳам илм ўрганишни ҳавас қилиб юрар экан. Бу гапни эшитгач: «Савдо ишидан нима фойда, ёшликда илм ўрганиб олиш керак» деб, юз тиллани тўлабди. Ҳавас билан астойдил ўқий бошлабди. Орадан бир йил ҳам ўтибди. Маматбой, зехни баландлик қилиб, домласидан ҳам ўзиб кетибди.

Энди уйига қайтмоқчи бўлибди. Аммо ҳеч нарсаси қолмаган, қўйингчи, эшагини ҳам сотиб юборган экан. Нима қилишини билмай ҳайрон бўлиб турганида, домланинг раҳми келиб унга бир эшак берибди. Бир ярим ой деганда Маматбой уйига келибди. Кўпдан бери кутиб ўтирган

ота-онаси ўғлини кўриб жуда қувонибди. Ҳол-аҳвол сўрагандан кейин, кампир:

— Болам, юкинг орқада келяптими? — деб сўрабди. Бола индамабди. Бир фурсат ётиб, дамани олгандан кейин ота-онасига:

— Хафа бўлмасангизлар бир гап айтаман, — дебди. Улар: — Майли, айт, болам, — дейишибди.

Шунда бола ўз бошидан кечирган ҳамма ҳодисаларни айтиб берибди. Чол-кампир бир оз ранжибди.

Орадан бир ҳафта ўтибди. Улар ўзларича маслаҳатни, бир жойга қўйиб, болага яна юз тилла берибдилар. Аммо бошқа нарсага сарф қилмагин, деб тайинлаб уни савдога жўнатибдилар. Бола чўл-биёбонлар, тоғ-тошлар ошиб, ахири бир шаҳарга етибди. Қараса, бир жойда одамлар тўпланишиб турган эмиш. Бола суриштирибди. Улардан бири: «Бу ер чолғу ўргатадиган жой, кимки юз тилла тўласа, бир йилда ажойиб созанда бўлиб чиқади», дебди.

Бола ўйлаб туриб: «Ота-онам уришса уришар; илм ўргандим, энди буни ҳам ўрганиб қўяй», деб юз тилла тўлаб мактабга кирибди. Орадан бир йил ўтибди. Боланинг зеҳни ўткир экан, сал фурсатда устозидан ҳам ўзиб кетибди.

Устози боланинг жуда уқувли бўлгани, аммо кетишга ҳеч пимаси қолмаганидан бир той билан йўлга керакли озиқ-овқат бериб, уни жўнатибди. Бола уч ҳафта деганда уйига етиб келибди. Бир йилдан бери кўз тутиб, зориқиб ўтирган ота-она ўғлини кўриб жуда севинишибди. Кампир боласидан ҳол-аҳвол сўраб бўлиб:

— Болам, юкинг кейинда келяптими? — деб сўрабди. Бола нафасини ростлаб олгандан кейин, воқеани айтиб берибди. Буни эшитган чол билан кампир хафа бўлишибди, болани қаттиқ койишибди.

Ўн кундан кейин чол билан кампир иккиси маслаҳат қилишибди. Отаси ўғлини чақириб:

— Болам, бисотимизда атиги уч юз тилла бор эди, икки юз тиллани сарф қилиб келдинг, энди бор-йўғи юз тиллагина пулимиз қолди, шуни эҳтиёт қилиб, ҳар нарсага сарф қилмасдан, арзон моллардан олиб кел, жон болам! — деб яна савдога жўнатибди. Бола ота-онаси билан хайрлашиб, номаълум шаҳарга жўнаб кетибди. Юра-юра бир жойга етибди. Тойи хуркиб кетиб, одамлар тўпланиб турган жойга бориб тўхтабди. Бола одамлардан: «Нега тўпланиб турибсизлар?» деб сўраса, улардан бири: «Бу ерда шахмат ўйини ўргатилади. Кимки юз тилла тўласа, шахмат ўрганади», дебди. Маматбой ўйлаб туриб: «Юз тилла бериб илм ўргандим, юз тилла бериб чолғувчи бўлдим, энди яна юз тилладан қочиб буни ўрганмай қолайми? Кел, таваккал, буни ҳам ўрганиб олай», деб аҳд қилибди ва қўлидаги юз тиллани тўлаб, шахмат ўйнашга киришибди. Бир йилда шахмат ўйинини жуда яхши ўрганиб, кейин юртига қайтибди. Кўп йўл юриб, уйига етибди. Ота-онаси боласяни соғиниб кўз тутиб ўтирган экан, у билан кўришиб бўлиб:

— Болам, юкинг қани, орқада келяптими? — деб эшикка чиқиб қараса, яна ҳеч нима йўқ эмиш. Яна хайрон бўлишибди. Бола бу сафар шахмат ўйинини ўрганганини айтиб берибди.

Чол билан кампир илгаригидан ҳам баттарроқ хафа бўлишибди. Ночорликдан Маматни бир бойга хизматкор қилиб беришибди. Маматбой жудаям серғайрат, чаққон бола экан, уч кун ўтмасданок, бойнинг хизматкорлари орасида танилиб қолибди. Бой ҳам унинг чаққон, ишбилармонлигига қойил қолибди.

Кунлардан бир куни бой узоқ бир шаҳардан бир неча минг йилқи ва қўйларни олиб келаётган экан, дашт-биёбонларда бир қанча кўп юришгандан кейин йилқи-қўйлари чўллаб қолибди. Қидириб-қидириб бир қудуқ топишибди. Қудуқ жуда эски экан. Бой «Ким тушади?» деб сўраса, хизматкорлари чурқ этмабди. Ахири Маматбой: «Бу ишни мен бажараман», деб белига арқон боғлаб, қудуққа туша бошлабди. Қудуқ жуда чуқур экан, тушиб кетаверибди. Ахири оёғи қудуқ тагига тегибди. Қараса, қудуқ таги кенг, ҳамма ер қоронғи, зулмат, куп-курук, сув деган нарса йўқ эмиш. Белидан арқонни ечиб, нарироққа бориб қараса, битта хум

турганмиш ва ундан ҳадеб тилла қайнаб чиқаётган эмиш. Бола олиб тушган челагини дарҳол тиллага тўлатиб юқорига узатибди. Бўшаган челақ қайтиб тушибди. Шундай қилиб хумдаги тиллани тамом қилибди, кейин арқонга чирмашиб юқори чиқа бошлабди. Шу топда бой: «Болани ҳозир тортиб олсам, у хойнахой тилланинг камида ярмига шерик бўлади. Ундан кўра, бола шу кудукда ўлиб кетгани яхши», деб арқонни шартта қирқиб юборибди. Бой ҳамма тиллани олиб, йўлга равона бўлибди. Энди гапни боладан эшитинг:

Маматбой кўзини очса, ўзини кудукда кўрибди. «Аттанг, бой яхшиликка ёмонлик қилди. Ажалим шу ерда экан-да», деб жуда хафа бўлиб ичкарироққа юрибди. Атрофига назар солса, бир ёқда бир эшик кўринибди, эшикдан кириб қараса, ичкараси жуда яхши безатилган бир уй эмиш. Бу уй бир девники экан, унда ўша дев ётган экан. Уйнинг шипида бир қанча чолғу асбоблари осиглиқ эмиш. йигит девордан бир ғижжакни олиб чала бошлабди. Дев етти йилдан буён касал бўлиб, ҳушсиз ётган экан, ғижжак товушини эшитиб, ўзига келибди. Етти кун деганда тузалиб турибди ва:

— Э бола, сен кимсан? Менга кўп яхшилик қилдинг. Тила тилагингни! — дебди.

Бола кўрқиб кетиб, дарҳол девга салом берибди. Дев алик олиб, унинг бу ерга қандай келганини сўрабди. Бола девга бошидан кечирганларини айтиб берибди. Болага девнинг раҳми келиб:

— Сен мени ўлимдан олиб қолдинг, — дебди. Бола олдин девнинг тилласини кудукдан чиқариб юборганини ва шу сабабли гуноҳини кечиришини сўрабди. Дев унинг гуноҳини кечирибди. Сўнгра Маматбой:

— Мени ёруғ дунёга олиб чиқиб қўйсанг бас, — дебди. Дев уни елкасига миндириб, бир зумда очик ҳавога чиқариб қўйибди. Маматбой дев билан хайрлашиб, йўлга равона бўлибди.

Маматбой тез-тез юриб бойга етиб олибди ва билмас киши бўлиб, яна илгаригидек бойнинг хизматини қилаверибди. Буни кўрган бойнинг эси чиқиб кетибди. У ҳам кўрққандан ноилож ўзини билмасликка солиб юраверибди-ю, болани йўқ қилиш пайига тушибди.

Бой хотинига қуйидагича хат ёзибди:

«Мендан сизларга кўпдан-кўп салом. Яқинда бориб қоламан. Жон хотин, мен боргунча шу хатни олиб борган болани ўлдириб юбор. Сабабини борганимда айтаман».

Хатни тахлаб, муҳрини босиб: «Энди буни ким уйга етказди?» деса, ҳеч ким индамабди, чунки бой олдинроқ бошқа хизматкорлари билан тил бириктириб қўйган экан.

Хатни охири Маматбой олиб кетибди. Юра-юра бир ерга етганида ўйлабди: «Э, мен қанча овора бўлиб илм ўрганган эдим, бунинг дуойи саломини бир ўқиб кўрмайманми?» деб хатни очиб қараса, гап ҳалигидай.

Хатни дарров йиртиб ташлабди-да, ўрнига қуйидаги хатни ёзибди:

«Рафиқам Ғилмоннисога.

Дуойи саломдан сўнг андоғ маълум ва равшан бўлсинким, мен бу ўлкада эсон-омон юрибман. Насибам бўлса, яқинда бориб қоламан. Ушбу юборган хизматкор бола Маматбой жуда эпчил экан, барака топсин, мен буюрган энг муҳим ишларни якка ўзи муҳайё қилди. Давлатимизнинг ортишига сабабчи бўлди. Маматбойни яхшилаб кутиб ол, дарҳол катта қизимизни шунга тўй қилиб бер, токи мен борганимда куёв бўлиб кутиб олсин».

Маматбой хатни ўхшатиб ёзибди ва хат охирига бой номидан имзо чекибди. Маматбой бир ҳафтада етиб келиб, хатни бойнинг хотинига берибди. Хотин хатни ўқиб: «Ўзлари айтибдилар, тўй қилмаса бўлмас экан», деб эртасигаёқ тўй-томоша қилиб, катта қизини Маматбойга берибди. Бир неча кун деганда, бой ҳам етиб келибди. Эшикдан уни қизи билан куёви яхшилаб кутиб олишибди. Бойнинг жони ҳиқилдоғига келибди-ю, аммо сир бой бермапти, ўзини зўрга тутиб юрибди. Йигит ҳам билмас киши бўлиб, қайнатасининг хурматини бажо келтириб юраверибди. Орадан бир неча кун ўтгандан кейин бой хотинини чақириб:

— Сен нима иш қилиб қўйдинг? — деб уни койибди. Хотини:

— Ўзингиз айтибсиз-ку! — деб хатни кўрсатган экан, бой:

— Бу мен ёзган хат эмас, оббо қурғур-эй, мендан ҳам уста экан, — деб қойил қолибди. Лекин Маматбойни йўқ қилишни кеча-ю кундуз ўйлаб юраверибди.

Кунларнинг бирида йигитнинг эсига ота-онаси тушиб: «Хотиним билан бир бориб келай», деб бойдан ижозат сўрабди. Юриб-юриб бир катта шаҳарга келибдилар. Маматбой ўша шаҳар подшосининг саройи ёнидан ўта туриб, дарвозага кўзи тушибди, дарвоза тепасига осилган бир неча одамни кўрибди. Суриштира, подшонинг бир гўзал қизи бор экан. У шахматга жуда уста экан. «Кимки ўйинда мени ютиб чиқса, ўшанга тегаман», деб шарт қўйган экан. Ҳалигилар шахмат ўйинида ютказган кишиларнинг таналари экан.

Маматбой ўйлаб туриб: «Икки хунарим мени икки марта ўлимдан олиб қолди, учинчиси ҳам бекор кетмас. Кел, таваккал, шу ўйинни ҳам ўйнаб кўрай», деб, шоҳ қизи ёнига борибди. Қиз уни менсимагандек бўлиб қабул қилибди.

Ўйин бошланибди. Қиз ҳам, йигит ҳам бир-биридан сира қолишмабди. Уч кун деганда қиз ютказибди. Қиз билан отаси Маматбойнинг шахматга усталигига қойил қолишибди. Подшо йигитга қизини бермоқчи бўлган экан, йигит унамабди. Ота-онасини шаҳарга олдириб келиб, камбағал, бева-бечора, етим-есирларга мурувват қилиб турибди.

Маматбойнинг қайнатаси кунлардан бир кун Маматбойга арзга келибди. Лекин куёвини танимабди. Куёв қайнатасининг арзини обдан эшитиб бўлиб, кейин бойнинг бутун қилган ишларини ўзига айтиб берибди. Бой жуда ёмон аҳволга тушиб, йигитнинг оёғига йиқилиб, ўз қилмишларига тавба қилибди.

Шундай қилиб Маматбой мурод-мақсадига етибди.

## Наврўз қароқчи

Бир бор экан, бир йўқ экан. Наврўз қароқчи деган бир ўғри бор экан. Наврўз қароқчи ўғрилиқка шундай берилиб кетган эканки, агар бирор кеча, бирон бир нарсани ўғирлай олмай қолса қўшнисининг косовини уғирлаб чиқар экан. Қанчалиқ ўғрилиқ қилмасин, барибир қорни нонга тўймас экан, чанқови чойга қонмас экан. Унинг бир ўқимишли мулла қўшниси бўлиб, ҳар куни егани палов, кийгани атласу кимхоб экан. Кунлардан бир куни:

— Мен шунчалиқ ўғрилиқ қиламану ҳамма вақт бир қошиқ ёвғонга зорман. Қўшним бўлса ҳар куни палов ейди. Энди шу домлани ўлдирмасам бўлмайди, — деб Наврўз қароқчи қўшнисиникига чиқибди. Уйга кирса, қўшниси қозондан паловни сузаётган экан.

— Э, келинг қўшни, — дебди мулла, — қани, тўрга марҳамат.— Наврўз тўрга ўтибди. Ошнй биргаллашиб ёйишибди. Сўнг Наврўз қўшнисига:

— Мен шунча ўғрилиқ қиламану, аммо сиздай ҳар куни палов ея олмайман. Сизнинг топишингиз оз бўлса ҳам ҳар кеча қозонда ошингиз қайнайди. Уст-бошингиз бут. Шунинг сабабини айтиб берсангиз, — дебди.

Шунда мулла:

— Уйингизга бориб хотинингизга айтинг, бир тандир кулча ёпиб берсин. Сиз кулчаларни бир халтачага солиб то оёғингиз етган жойгача «ҳалол нон», деб еб бораверинг. Кулча тугагач йўлни давом эттирманг, — деб маслаҳат берибди.

Наврўз қароқчи мулланинг айтганларини қилиб, бир тандир кулча ёптирибди. Уларни хуржунга солиб, хотини билан хайр-маъзур қилиб йўлга чиқибди. «Ҳалол ноним», деб кулчалардан битта-битта олиб еб, йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Охири бир ерга бориб, хуржунини елкасидан олиб қараса, кулчаси тугаб қолган эмиш. «Энди нима қилар эканман», деб хайрон бўлиб турган экан, бир чол келиб:

— Болам, менинг еримни ишлаб беролмайсизми, ҳақини икки баравар бераман, — дебди.

— Хўп, ишласам ишлай қолай, — дебди Наврўз қароқчи.

Кейин чолнинг ерида бир йил ишлаб берибди, чол ҳосилни кўтариб олгач, Наврўзнинг қўлига бир нечта танга бериб яна бир йил қолиб ишласанг мана уй, мана жой, бордию йўқ, ишламайман, кетаман десанг ҳам ихтиёр ўзингда, — дебди.

Наврўз қароқчи:

— Мен бозорни бир айланиб келай, ундан кейин сизникида қолар ёки қолмаслигимни айтаман, — дебди-да, бозорга борибди.

Бозорни томоша қилиб юрган экан, ўз шаҳаридан келган карвонларни кўриб қолибди. Уларни кўриб ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетибди, савдогарлар бўлса Наврўзни кўриб: «Ие, Наврўз қароқчи ҳам шу ерда экан-ку, энди бутун моллардан айрилдик», деб хавотирланиб, кўрққанларидан безгак тутган кишидай титраб-қақшар эмишлар. Наврўз қароқчи савдогарларнинг олдига бориб:

— Э ҳамшаҳарлар, кўрқманглар, мен молларингга тегмайман, қароқчилигимни ташлаб, бир бобонинг ерида йил бўйи деҳқончилик қилиб, оз-моз пул орттирдим, шунга бирон нарса олиб берсам, ўғлимга элтиб берсанглар, — дебди. Олдинига Наврўзнинг гапига «бу ёлғон айтяпти», деб савдогарлар ишонишмабди. Наврўз ялиниб-ёлворавергач, олиб берган нарсасини ўғлига элтиб беришга рози бўлишибди. Наврўз қароқчи нима олишини билмай бозорни роса ахтарибди. Кейин, ўғлим мушукни яхши кўрар эди деб бир йил ишлаб топган тангасига битта мушук боласини олиб, савдогарларга, «мана шуни ўғлимга, отангдан совға, деб топширинглар», деб тайинлабди.

Савдогарлар мушукни олиб, йўлга тушибдилар. Юриб-юриб, тунаш учун бир шаҳарда кўнибдилар. Бу пайт шаҳар аҳолиси жуда нотинч экан. Шаҳарда сичқон шунчалик кўпайиб кетган эканки, ҳатто кишилар ўтириб овқат ея олмас экан. Дастурхонларнинг устини ҳам сичқон босиб кетар экан. Бу шаҳарнинг аҳолиси сичқонларга қарши курашишни билмас, мушукни эса кўрган эмас эканлар. Савдогарлар олиб келган мушук бир нафасда саройдаги сичқонларни тутиб еб қўйибди. Бу воқеани кўрган кишилардан бири подшога хабар берибди. Шунда подшо:

— Ўша савдогарларни саройга келтиринглар, — деб буйруқ қилибди. Бир дақиқа ўтар-ўтмасдан савдогарлар ҳалиги мушук билан подшо саройига келтирилибди. Мушук бир нафасда саройдаги сичқонларни ҳам еб битказибди. Буни кўриб подшо:

— Бу сичқонер махлуқларингни бир туя олтинга алмаштиринглар, бизнинг шаҳаримиз учун жуда керакли экан, — деб илтимос қилибди.

Савдогарлар олдинига нима қилишини билмай бошлари қотиб ҳайрон бўлишибди. Рози бўлгани Наврўздан кўрқишибди. Савдогарлар ўйлаб-ўйлаб туриб, кейин «Наврўз учун ҳам битта мушукдан бир туя олтин афзал-да», деб, «майли, алмаштирсак алмаштира қолайлик», дейишибди. Подшо хурсанд бўлиб, бир туя тиллани бериб, мушукни олиб қолибди.

Савдогарлар туядаги олтинни олиб, Наврўзнинг хотинига келтириб беришибди. Хотин олтинни олиб, жуда бойиб кетиб, данғиллама ички-ташқи бинолар қурдирибди.

Хотинни бойишда, иморатлар солдиришда қўйинглар, икки оғиз гапни Наврўз қароқчидан эшитинг:

Наврўз қароқчи яна бир йил мардикор ишлаб, топган тангасига чолдан икки дона анор олибди. Анорни олиб уша бозорда юрган экан. Мушук бериб юборган савдогарларни кўриб қолибди. Анорни қўлига олиб, савдогарлар билан биргалашиб ўз шаҳарига жўнабди. Йўл юришибди, пўл юришса ҳам мўл юришибди, охири бир шаҳарга етиб боришибди. Тунаш учун бир карвон саройга тушишибди. Саройбондан:

— Шаҳарда нима гаплар? — деб сўрашган экан, у:

— Э, нимасини айтасизлар, подшоҳимизнинг якка-ю ягона қизи ўлим тўшагида ётпди. Анор деган меванинг суви даво эмиш, уни ичса тузалар эмиш. Подшо бутун дунёни айланиб

чикиб, икки-учта анор тополмади, — дебди.

Бу гапни эшитиб Наврўз:

— Тезда мени подшонинг ҳузурига олиб боринглар, — дебди.

Саройбон Наврўзни етаклаб подшо саройига олиб борибди. Наврўз қўйнидаги икки анорни сиқиб, сувини бир идишга қуйибди-да, қизга ичирибди. Бирпасда подшонинг қизига қон кириб, юзига қизил югуриб кўзи очилиб, тили гапга кела бошлабди.

Подшо жуда хурсанд бўлиб, Наврўзга бир туя олтин бериб юборибди. Наврўз савдогарлар билан яна йўлга тушибди. Юриб-юриб, охири уйига келиб, ҳовлисини таний-олмабди. Эски-туски томлари ўрнида ичкари-ташқари қасрлар эмиш. Кейин бир туп тутидан таниб, уйига кирибди.

Уйда хотини бир йигитча билан ухлаб ётган эмиш. Мен кетгандан кейин хотиним ёш бир йигит билан турмуш қилган экан-да, деб ёнидан ханжарини суғурибди:

— Ҳозир ҳар икковининг калласини танасидан жудо қиламан, — дебди. Кейин: «Аввал ярамас, бири икки бўлмаган бир қароқчи эдинг, энди ҳалол меҳнатинг билан бир оз одам бўлдинг, шайтонга хайф бериб, булардан гап сўра-чи, ўлдириш қочмас», деб ўзича фикр қилибди.

Хотинини уйғотган экан, бола ҳам уйғониб кетиб, «дада!» деб бўйнига осила кетибди.

Хотини гап бошлабди:

— Сиз юборган туядаги олтинларга кўриб турган уйлариңизни солдирдим. Ана у ердаги хизматкорлар, бу эса ўғлимиз, — дебди.

Наврўз қароқчи хотинидан хурсанд бўлибди. Туясидаги тиллалардан маслаҳат берган донишманд ён қўшнисига ҳам бериб, тинч-фароғатда яшай бошлабди. Пул керак бўлиб, кўнгли ўғрилиқни қўмсаса савдога кетар эмиш. Савдода юриб, кўпни кўриб, яхши-ёмонни ажратиб, яна юртига қайтармиш.

### Андижонликнинг ҳикояси

Мен ўзим андижонликман. Ёшим ўн еттига етганда отам: «Ёшинг етиб, белинг қотди, ўғлим, овқатингни ўзинг ўтказишга қодирсан», деб мени шу шаҳардаги бир бойга хизматга берди. Тақдирга тан бериб бойнинг эшигида эртадан-кечгача тинмай хизмат қила бошладим. Бир кун кечаси уйғониб қарасам, мен ётган болохона тутунга тўлиб кетибди. «Ёпирай, нима бўлди», деб танчага қарасам, атлас кўрпанинг бир учи танчага тушиб сасиб ётибди. Тура солиб ёниб ётган кўрпадаги оловни ўчирдим. «Оббо, энди бойга нима жавоб бераман», деб ўйлаб қолдим. Эрталаб туриб бойга бўлган воқеани айтган эдим, бой: «Ҳеч нима қилмайди, уч ойлик хизмат ҳақингдан кечасан», деб қўйди. Мен ҳам тупургимни култ этиб ютиб қўйдим.

Ўртадан бир қанча ойлар ўтди. Бир кун саҳарлаб мени уйғотди. «Нима керак бой ака!» деб чўчиб уйғониб ўрнимдан турган эдим, бой:

— Ўғлим, бу кун мен тулки овига чиқмоқчиман. Сен ҳам мен билан борасан, — деди. «Хўп бўлади», дедим. Чойдан кейин отларга миндик. Мен ҳам қўлимга бир бургут олдим. Икки този итни олдимизга солиб, дала томонга қараб, отларни елдириб кетдик. Туш вақтида бир даштга бориб етган эдик, бой акамнинг ити бир тулкини қувлаб кетди. Бой ҳам итнинг кетидан қувлаб кетди. Даштда якка ўзим қолдим. Бир соатлардан кейин менинг итим ҳам бир тулкининг кетидан қувиб кетди. Мен ҳам отга бир камчи уриб, итимнинг кетидан кетдим. Бир қанча вақтдан кейин итим тулкини йўқотиб, қайтиб келди. Отни тўхтатиб, қўлимга қарасам, қўлимдаги бургут ўлиб ётибди. Нима бало бўлди, деб ўйлаб қарасам, бургутни камчи деб, икки оёғидан ушлаб отга ура берибман, ов кишини маст қилиб қўяди-да! Шу маҳалда хўжайиним кўриниб қолди. Бўлган воқеани айтган эдим: «Ҳеч нима қилмайди, кейин ҳисоблашамиз», деб



қўйди.

Ярим соатчадан кейин менинг итим бир тулкини қувиб кетди. Отим ниҳоят даражада тез чопиб келаётганда, бир ариққа қоқилиб йиқилиб қолди. «Хайт-хайт» қилиб чиқаргунимча от ўлиб қолди. Отдан эгар-тўқимини олиб, эгарни итга урдим. Ўзим чарчаганим учун эгарларни кўтара олмас эдим. Бир маҳалда итим бир қуённи кўриб қувлаб кетди. Ўн беш қадам босмасдан итнинг бўйнига узанги ўралаиб қолди. Мен боргунимча ит ўлиб қолди.

Хафа бўлиб, совуқ терга тушиб кетдим. Ўзимни маҳкам тутиб, эгар билан тўқимни ўз орқамга ортиб, бир таёқни ҳасса қилиб, «хайт, деб» йўлга тушдим. Оз юриб, кўп юриб бир садаинг соясига бориб етдим. Чарчаганлигимдан бир оз кўзим илинган экан. Бир одам мени туртади. Чўчиб уйғониб қарасам, қаршимда бой турибди.

— Ишинг қалай, от қани, нима учун эгарларни олиб юрибсан, нима бўлди, падарингга лаънат? — деб бақира бошлади. Бўлган воқеаларни айтиб бердим. Бойнинг ранги ўчиб, қони қочиб, кейин қизарди: «Ўзинг умр бўйи ишласанг ҳам қилган зиёнингни тўлай олмайсан», деб мингиллаб қўйди. Бир умр бўйи бойга боғланиб қолишдан кўрқиб, қочмоқчи бўлдим. Бой дам олишга ётди, бир оз кўзи илинган эди, мен тирақайлаб қочдим. Икки юз қадамча чопиб борганимдан кейин бой уйғониб, орқамдан қувлай бошлади. Мен қочдим, у қувлади, мен қочдим, у қувлади. Кечга яқинлашиб қолганда мени ушлай олмаслигига кўзи етиб, орқасига қайтди. Мен тўхтамасдан кета бердим, кета бердим. Дашт демасдан, чўл демасдан кета бердим. Юриб-юриб, бир қишлоққа бориб етдим. Бир эшикни секин тақиллата бошладим. Ичкаридан:

— Эшикни ким тақиллатяпти? — деган бир хотиннинг товуши эшитилди.

— Янга, эшикни очинг, — дедим.

Хотин эшикни очди.

— Менинг ҳеч кимим йўқ, янга, кечаси ётиб қолишга жой беринг, — деб ялиндим. Хотин уйига олиб кирди. Овқатландим. Кейин ётишга жой солиб берди. Эрталаб туриб кетмоқчи бўлдим.

— Шу уйда қола қол, бизнинг хунарга ёрдам бер, — деб кампир билан қизи ялиниб мени олиб қолишди. Мен ҳам шу уйнинг ўғли бўлиб қолмоқчи бўлдим. Кейин уларнинг хунарини суриштириб қарасам, хунарлари кафанчилик экан. Кечаси мозорга бориб янги кўмилган гўрларни очиб, кафанларини олиб сотишар экан.

Эртаги куни кечаси кампир мени уйғотди. Қўлимга фонус бериб:

— Юр мен билан бирга, — деди.

Мозорга бориб етгандан сўнг, кампир менга янги бир гўрни қазишни буюрди. Мен «қазимайман», деб тихирлик қилсам ҳам бўлмади, бир балодан кутулиб, иккинчи балага йўлиққанлигимни англадим, кампир гўрга тушганда, мен қочдим. У орқамдан қувлади, мен қочдим. Мозорма-мозор, томма-том қочмоққа бошладим. Чопиб кетаётганимда тап этиб ўрага тушиб кетдим. Ўранинг ичи кенг ва қоронғи экан. Жуда кўрқиб кетдим. Бир кўрқинчли товуш шивирлаб: «Сен кимсан?» деб сўради. Мен ҳам титраган ҳолим-да: «Сен кимсан?» деб сўрадим. У жавоб бермади. Бир соатча ўранинг бир четига бекиниб ўтирдим. Кейин қоронғига кўзим ўрганиб, бир одамни кўрдим: ўзимнинг ким эканлигимни, қандай қилиб бу ерга тушиб қолганлигимни номаълум кишига ҳикоя қилдим. У ҳам гапира бошлади:

— Бу ер ўра эмас, тегирмон. Мен ҳам туйнукдан тушиб кетдим. Бу ердан чиқиб кетиш қийин эмас, мана бу қопдаги унларни тахлаб зинапоя қиламиз, кейин чиқа-миз, — деди.

Қоплардан туйнукка зинапоя қилдик. Зинапоя битгандан сўнг: «Мен олдин чиқаман», деб у айтди, «мен олдин чиқаман», деб мен айтдим. Ярим соатча жанжаллашгандан сўнг, унинг олдин чиқишига рози бўлдим. У зинапоядан чиқиб кетиши билан, зинапоя бузилиб кетди, тегирмонда ёлғиз ўзим қолдим. Тегирмоннинг бир четига биқиниб ўтирдим, шу маҳалда тегирмоннинг эшиги «ғийт» этиб очилди. Эшикдан икки айиқ кириб келди. Мен жуда кўрқиб кетиб деворда турган чилдирмани олиб «дапир-дупур» қилиб чала бошладим. Айиқлар кўрқиб, у ёқдан бу ёққа

югура бошладилар. Мен азонгача чилдирма чалиб, айиқларни ўйнатиб чиқдим. Бир маҳалда эшик яна «ғийт» этиб очилиши билан айиқлар эшикдан чиқиб, қочиб кетишди. Мен «ух» деб бир нафас олдим. Эшикни очган киши бир бой экан. Ўн арава буғдой олиб келиб, тегирмонда тортмоқчи экан.

Мен бойни бир қизик ҳолга солай, деб югуриб бориб бойнинг ёқасидан ушладим-да, бақира бошладим:

— Мен айиқларни ўргатаётган эдим, нима учун менинг айиқларимни қочириб юбординг. Менга қанча зиён қилдинг. Мен хонга арз қиламан, — дедим. Бой кўрқиб кетди:

— Бир арава буғдой бераман, — деди. Кўнмадим. Икки арава буғдой бермоқчи бўлди, кўнмадим. Ўн арава буғдой бермоқчи бўлди, хўп дедим. Ер олдим, уйландим, буғдойларни ерга сепдим, яхши деҳқон бўлдим.

### Аҳмоқ подшо

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадим замонда бир камбағал одам бор экан. Пешонасида биттагина уйи бўлиб, у ҳам қулаб тушган экан. Камбағал кўп машаққатлар билан қайтадан уй солибди. Томига бордон ёпиб, ярмини тупроқ билан бостиргандан кейин қолган ярмини ёпишга пул тополмай, устага жавоб бериб юборибди ва «қолганини кучим етганда ўзим ёпиб оларман», деб янги уйга кириб ўтираверибди.

Бир ўғри бу камбағалнинг уйини кўриб: «Бу одам бойиб қолганга ўхшайди: янги иморат солибди, буни бир боплаш керак», деб томга чиқадиган жойни кундуз куни мўлжаллаб кетибди.

Ўғри тун ярмига келиб, томга чиқибди, энди ҳовлига тушаман деб том устида кетаётганда томнинг оманатгина қилиб бордон билан ёпиб қўйилган жойи ўпирилиб кетибди. Шу пайтда камбағал уйда ётган экан, ўғри «тап» этиб унинг устига тушибди. Камбағал кўрқиб кетиб ўғрини ушлаёлмай қолибди. Ўғри бўлса камбағалнинг уйда ҳеч нарса йўқлигини кўриб, ғазабланиб чиқиб кетибди, эртасига эрта билан подшога арзга борибди. Подшо:

— Кимсан? Нима арзинг бор? — деб сўрабди. Ўғри:

— Шоҳим, мен катта ўғрилардан бўламан. Шу кеча бировникига ўғриликка бориб эдим, томини бордон билан омонат ёпиб қўйган экан, ўпирилиб кетди, мен уй ичпга йиқилиб тушдим, оёғим синишга сал қолди, — деган экан, подшо:

— Ҳа, талабинг нима? — деб сўрабди. Ўғри:

— Уй эгасига жазо берсангиз эди, — дебди. Подшо уй эгасини чақириб, ундан:

— Шу кеча бу одам томингдан йиқилиб тушгани ростми? — деб сўраган экан, камбағал:

— Рост, шоҳим, яхшики менинг устимга тушди, бўлмаса оёғи синарди, — дебди. Кейин подшо:

— Рост бўлса сени дорга осиш керак, — деб камбағални ўлимга буюрибди.

Бечора камбағал, нима қилишини билмай, йиғлаб подшога:

— Э шоҳим, менинг нима гуноҳим бор. Томни уста шундай бўш ёпиб кетган, — деган экан, подшо:

— Ундай бўлса, буни бўшатиб юбориб, дорга устани келтириб осинглар! — дебди.

Ясовуллар устани олиб келишибди. Жаллод гуноҳсиз устани дорга осмоқчи бўлганда, уста:

— Подшо, арзим бор, — дебди. Бу гапни жаллод подшога етказибди. Подшо устани чақиртириб:

— Нима арзинг бор? — деб сўраган экан, уста:

— Шоҳим, бу ишда менинг ҳеч айбим йўқ. Бордончи бордонни сийрак тўқиб қўйган экан, билмай ёпаверибман. Агар бордон пишиқ тўқилганда устига одам чикса ҳам тешилмас эди, — дебди.

Подшо устани бўшатиб юбориб, бордончини чақиртирибди:

— Бордонни сен тўқиганмисан? — деб сўрабди. Бордончи:

— Мен тўқиганман, — дебди. Подшо:

— Дорга буни осинг! Ҳамма айб шунда экан, — дебди.

— Шоҳим, сизга арзим бор. Мен бордонни ҳамма вақт пишиқ тўқир эдим, қўшним яқиндан бери каптарвоз бўлиб қолган. Шу қўшним каптарларини ҳавога учирганда, уларга қараб бордонни сийрак тўқиб қўйибман. Гуноҳимни кечиришингизни сўрайман, — дебди бордончи.

Подшо буни ҳам бўшатиб, каптарбозни олдириб келиб, дорга осингизга буюрибди. Каптарбоз айтибди:

— Эй жаноб, мен ишқибозлик билан каптар ўйнайман. Бунда менинг гуноҳим бўлмаса керак. Мени ўлдирганингиздан кимга фойда бор, бир камбағални ўлдиргандан кўра, ўша ўғрини ўлдирсангиз эл тинчир эди.

Буни эшитиб подшо:

— Дарҳақиқат, ўғрининг ўзи гуноҳкор, сенинг гапинг тўғри! Ўғрини топиб дорга осинглар! — дебди.

Ясовуллар ўғрини топиб дорга осинибди. Дор паст, ўғри новча экан, оёғи ерга тегиб қолибди. Жаллодлар бориб подшога арз қилибдилар:

— Э шаҳаншоҳ, ўғри новчалик қилди, оёғи ерга тегиб қолиб ўлмаяпти, нима қилсак экан?

Подшо:

— Шунга ҳам менадан сўраб ўтирасанларми?! Агар ўғрининг оёғи ерга тегиб қолган бўлса, гузардан бўйи паканароқ бир одамни топиб, ўғри ўрнига ўшани осавермайсанми? Шунга ҳам ақллари етмайди! — дебди.

Жаллодлар кўчага чиқиб қарашса, бир пакана одам бир қоп орқалаб кетаётган экан. «Подшонинг айтгани худди шу-ку», деб паканани дор тагига олиб борибдилар. Пакана одам:

— Менинг нима гуноҳим бор? Мени нега дорга осасизлар? Подшога арзим бор, — дебди.

Подшо дор ёнига келиб томоша қилиб турган экан, паканадан:

— Айт, нима арзинг бор? — деб сўрабди. Пакана айтибди:

— Шоҳим, мен бир камбағал одамман. Гоҳ тоғдан ўтин келтириб сотаман, гоҳ ҳаммоллик қиламан. Шу билан бола-чақамни боқаман. Нима гуноҳим борки, мени дорга остирасиз?

Бунга подшо шундай жавоб қайтарибди:

— Э аҳмоқ, сенинг гуноҳинг борми, йўқми, менинг нима ишим бор. Ишқилиб бир кишини дорга осин керак-да. Ўғрини дорга остирсак, бўйи новчалик қилиб, оёғи ерга тегиб қолди. Сен жуда боп келдинг. Пешонангдан кўр.

Пакана яна рухсат сўраб:

— Шоҳим, ўғри новчалик қилган бўлса, дор тагини бир оз ўйдирсангиз, оёғи ерга тегмайди. Гуноҳкор новча ўрнига, бир бегуноҳ камбағални ўлдириб юбориш адолатдан эмас-ку! — дебди.

Подшо ўйлаб туриб вазирга:

— Тўғри айтади, буни бўшатилсин. Дор тагидан чуқур қазилиб, дорга ўғрини осилсин! — деб буюрибди.

Жаллодлар ўғрини дор тагига келтириб, чуқур қазий бошлашибди. Шунда ўғри ҳовлиқиб:

— Тез қазинглар, вақт ўтмасин, меини тезроқ осинглар! — деб қистайверибди. Ўғрининг сўзини подшо эшитиб, ундан:

— Нега бунча тикилинч қиласан? — деб сўраганда, ўғри:

— Таксир, ҳозир жаннатнинг подшоси ўлди, мени тезроқ ўлдирсалар, битта-яримта одам подшо бўлиб қолмасдан, илдамроқ бориб жаннатга подшо бўламан. Жаннатнинг подшоси ўлаётганда: «Ким ўлиб, илгарироқ жаннатга келса, ўша одамни подшо қилинглар», дебди. Шунинг учун қистаяпман. Қани, тез бўлинглар, — деб яна қистай бошлабди.

Ўғрининг бу гапи подшога ёқиб, ўйлаб туриб: «У дунёда ҳам ўзим подшо бўлай», дебди ва

жаллодларга қараб:

— Ўғрини дордан бўшатиб, ўрнига мени осинглар! — дебди.

«Подшо амри вожиб» деб, ўғрини дордан бўшатиб, ўрнига подшонинг ўзини осган эканлар.

## Мулла Таппак

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир чол билан кампир бор экан. Уларнинг турмуши жуда ҳам хароб экан. Бир вақтга келиб чол билан кампир уч кун оч қолибди. Кампир очлигига чидолмай, кўшнисиникига чиқиб, қорнини тўйғазиб эри эсига тушиб, бир бурда нон олиб чиқибди. Нонни эрига бера туриб шундай дебди:

— Энди, сиз ишламасангиз, мен ишламасам, нима қилишимизни ҳам билмай қолдим.

Кампир ўйланиб туриб:

— Сиз ўқимаган бўлсангиз ҳам, мен сизни домла қиламан, бугундан бошлаб бошингизга салла, қўлингизга узун тасбиҳ ва битта ғиштни чорсига ўраб, сизни сандалга ўтқазиб қўяман, сиз бўлсангиз сандалда ўтириб, тасбиҳни қўлингизга олиб, оғзингизни пичирлатиб ўтира беринг, — дебди.

Кунларнинг бирида кўшнисининг боласи оғриб қолибди ва боласини кўтариб, кўшнисиникига чиқибди. У жойда, сандалда бир одам бошига оппоқ саллани ўраб, қўлига тасбиҳни олиб, ҳадеб пичирлаб ўтирган эмиш. Бола кўтарган хотин чолни кўриб қолибди-да, унинг хотинидан сўрабди:

— Кўшни, поччам домлами? — дебди. Хотин эса:

— Вой, энди билдингизми? Менинг эрим жуда ҳам катта домла-ю, унинг домлачилигини ҳеч ким билмай юрар эди, — дебди. Шунда кўшниси туриб:

— Бўлмаса айтиб кўринг-чи, менинг боламга дам солиб қўймасмикинлар? — дебди.

Ҳалиги ўтирган домла болани олиб дам солибди. Шу иайт йиғлаб турган бола тинчиб қолибди, боланинг онаси жуда ҳам хурсанд бўлиб домлага пул бериб, чиқиб кетибди. Эртасига бу гап бутун қишлоққа тарқалибди. Шу кундан бошлаб дам солган чолга «Мулла Таппак» деб ном қўйишибди.

Эр-хотин жуда ҳам яхши турмуш кечира бошлашибди.

Кунлардан бир кун подшо қўлидаги узугини йўқотиб, вазирини чақиртириб:

— Менинг йўқолган узугимни қандай бўлмасин топиб берасан, бўлмаса бошинг ўлимда, — дебди.

Шундан сўнг вазир нима қилишини билмай, бутун домлаларни чақиртириб, подшонинг узуги йўқолганини ва уни қандай топиш йўлини сўрабди, лекин ҳеч ким узукни тополмабди. Шунда подшо шаҳарда бу домлалардан бошқа домла қолмадимикан, деб вазирдан сўрабди. Шунда вазир туриб: «Битта «Мулла Таппак» деган домла қолди, ундан бошқа ҳеч ким қолгани йўқ», дебди. Буни эшитган подшо «Мулла Таппак» домлани чақиртириб, ўзининг йўқолган узуги тўғрисида айтиб: «Агар шу узукни топмасанг, сени ўлдираман, буни топиш учуи сенга уч кун муҳлат бераман, топсанг ҳам топасан, топмасанг ҳам топасан», дебди. Шунда «Мулла Таппак» домла нима қилишини билмай: «Бўлмаса мени битта уйга олиб киринглар ва уч кун менинг олдимга ҳеч ким кирмасин», дебди. Шундай қилиб «Мулла Таппак», домла шу уйда икки кун ўтирибди. Учинчи куни домла жуда ҳам хаёл суриб: Барибир мени подшо ўлдиради, деб ўйланиб ўтирган, вазир бўлса у вақтда қани домла нима қиляпти экан, деб пойлаб юрган экан.

Домла нима қилишини билмай ўрнидан туриб, икки қўлини кўкрагига қўйиб: «Вой жон, вой жон, энди сен тутилдинг», деётганмиш. Вазир уни кўриб, кўрқиб кетибди ва: «Энди узукнинг мендалигини ва отимни ҳам топди, агарда мен унинг олдида кириб айтмасам, подшо билиб

мени ўлдиради», деб ўйлаб шошилиб домланинг олдига кириб ўзини танитибди. Вазирнинг исми «Войжон» экан. Войжон бутун воқеани айтиб, узукни «Мулла Таппак» домланинг қўлига бериб:

— Энди нима қилдик, қандай қилиб узукни подшонинг қўлига берамиз, — деб маслаҳат сўраб турганда, домла хурсанд бўлганидан нима қилишини билмай: — Подшонинг товуклари борми? Сиз менга бир белгили товукни олиб келиб беринг, ўзим тўғрилайман, — дебди.

Вазир бир товукни олиб келиб, «Мулла Таппак» домланинг қўлига топширибди. Домла узукни ноннинг ичига ўраб товукқа бериб, товукни бошқа товукларнинг ичига қўшиб юборибди. Эртасига подшо домлани чақиртириб, узукни сўрабди. Шунда домла:

— Узугингиз паррандалар суратида ўтяпти, агарда мумкин бўлса, сиз бутун паррандаларингизни кўз олдидан ўтказсангиз, — дебди.

Подшо бутун паррандаларини домланинг олдидан ўтказибди, шунда белгиланган товук келганда, домла, худди шу товукни ушланглар, деб товукни сўйишга буюрибди. Товукни сўйиб, жиғилдонини ёриб, қарашсаки, подшонинг узуги чиқибди. Подшо узугини кўриб, кўп хурсанд бўлиб, «Мулла Таппак» домлага кўп пул бериб, уйига жўнатибди. Шу билан «Мулла Таппак» домла хотини билан бон бўлиб, яхши турмуш кечира бошлабди.

### Камбағал қурандоз<sup>8</sup>

Бир подшо бор экан, унинг биттаю битта ўғли бор экан. У ёшлигидаи бировга қўшилмас, ҳеч ким билан гаплашмас экан. Катта бўлиб, балоғатга етгач, ёш йигитлар билан далаю даштга чиқиб, ов қилиб юрадиган бўлибди. Кунлардан бир кун подшо тўрт юз қурандозни чақириб, уларга шундай дебди:

— Ўғлимнинг тақдирини кўринглар-чи, қандай экан? Қурандозлар китоб кўриб қуръа ташлабдилар. Қанча қуръа ташласалар ҳам ҳеч нарса чиқмабди. Подшога:

— Қуръа чиқмади, — деб хабар берибдилар. Подшонинг ғазаби келиб:

— Мен шунча йиллардан бери сизларга нон, ош, кийим-кечак, пул берсаму, биттаю битта ўғлимнинг тақдирини тополмасаларинг! Қирқ кун муҳлат, топсаларинг топганларинг, топмасаларинг бошларинг ўлимда, молларинг талонда, — дебди.

Қурандозлар кеча-кундуз китоб кўриб, шахзоданинг тақдирини билолмабдилар. Қирқ кун ҳам ўтай деб қолибди. Тонг отса, қирқ кун бўлар экан. Яна барча қурандозлар йиғилиб маслаҳатлашибдилар: «Қани, яна бир китоб кўрайлик-чи, зора шахзоданинг тақдири чиқиб қолса», деб хўп уринишибди, лекин қуръага ҳеч нарса чиқмабди.

Энди гапни бошқа ёқдан эшитинг:

Узоқ бир шаҳарда бир камбағал қурандоз бор экан. У юриб-юриб шу шаҳарга келиб қолибди. Тўрт юз қурандознинг дарагини эшитиб, уларнинг ёнига келибди. Қараса қурандозлар йиғлар эмиш.

У сўрабди:

— Йиғлашингизнинг боиси нима?

Улар айтибди:

— Йиғлашимизнинг боиси подшо бизларга ғазаб қилган. Шунча қурандоз бўлиб битта шахзоданинг тақдирини билолмадик. Тонг отса подшо бизларни ўлдиради, молимизни талон қилади, шу сабабдан фиғонимиз чиқиб ўтирибмиз.

Шунда ғариб, камбағал қурандоз уларга:

— Менда ҳам битта кичкинагина қуръа бор. Шуни бир кўрсам, мумкинми? — деб сўрабди.

<sup>8</sup> Китобга, сувга қараб, ёки тошлар ёрдами билан фол очувчи

Қурандозлар севиниб:

— Яхши бўларди, — дебдилар. Камбағал қурандоз қуръани очиб кўриб:

— Унинг тақдири подшо қизидан экан. Подшонинг ўғлига Машрикдаги подшо қизининг тақдири тушган экан, — дебди. Қурандозлар маслаҳатлашиб: «Эртага эрталаб подшонинг олдига борамиз. Подшо: «Қани топиб келдиларингми?»—деса: «Топиб келдик, мана шу киши жавоб беради, деймиз», дейишибди. Камбағал қурандоз ҳам рози бўлиб:

— Мени кўрсата беринглар, — дебди.

Эртаси эрта билан подшонинг олдига боришибди. Салом-аликдан кейин подшо:

— Қани топдиларингизми? — деб сўрабди.

— Топдик, тақсир, мана шу одам жавоб беради, — дейишибди.

Подшо камбағал қурандозга қараб:

— Сиз жавоб берасизми? — деб сўрабди. Қурандоз:

— Хўп, мен жавоб бераман, мендан сўранг! — дебди. Подшо:

— Менинг биттаю битта ўғлим бор, шу балоғатга етди. Шунинг тақдири қаерда экан? Шуни билмай хайрон бўлиб турибмиз, — дебди.

Камбағал қурандоз:

— Сиз Мағрибдаги подшо экансиз. Сизнинг ўғлингизга Машрикдаги подшо қизининг тақдири тушган, — дебди. Подшонинг аччиғи келиб:

— Битта одамнинг умри етиб борганда етмишга, саксонга, юзга борар экан. Машрик билан Мағрибнинг ораси беш юз йиллик йўл бўлса, энди наинки, мен Мағрибнинг подшоси бўлсаму, менинг ўғлимга ўша Машрик подшоси қизининг тақдири тушадими?! Сен буни хато гапирдинг! Жаллод! — дебди.

Икки жаллод пайдо бўлибди. Подшо камбағал қурандозни кўрсатиб: — Буни олиб бориб ўлдир! — деб буюрибди.

Подшонинг доно ўнг қўл вазири бор экан. У ўрнидан туриб:

— Шу кишининг умрини бир соат тиладим, беш-олти оғиз гапирсин, — дебди.

Подшо:

— Майли, гапира қолсин, — дебди.

Дона вазир камбағал қурандозга қараб:

— Айтганингиз неча йилда мавжуд бўлади, — дебди. Қурандоз қуръага қараб:

— Кечикса беш йил, бўлмаса тўрт йил, шу йиллар ўртасида мавжуд бўлади, — дебди.

Вазир подшога қараб:

— Буни зиндонга солайлик, тўрт йил, беш йил ҳеч нарса эмас, ўтиб кетади. Айтгани бўлмаса ўлдирайлик, — дебди. Камбағал қурандозни зиндонга солишибди.

Энди у зиндонда тураверсин. Гапни бошқа ёқдан эшитинг. Подшонинг ўғли икки юз йигити билан овини овлаб, довини довлаб, томоша қилиб юрган экан. Кунлардан бир кун бир тоғнинг тагига бориб, ўша ерда ётиб қелишибди. Ҳамма ухлаб қолибди. Шахзоданинг уйқуси келмабди. Бир четроқда ўт қалаб, гулхай ёқиб ўтирибди, ярим кеча бўлибди, юқорига қараса, тоғнинг ичидан машъал сингари ёруғ чиқиб, тоғнинг дамонасига<sup>9</sup> уриб турган эмиш. Шахзода таажжубланиб, ўрнидан турибди, отига минибди, юқорига қараб йўл олибди. Бориб ёруғ чиқаётган тарафга қараса, жуда баланд тоғ экан. Ёруғлик тоғнинг пастида ҳам эмас, юқорисида ҳам эмас, қоқ ўртасида бир тандирнинг оғзидай тешиқдан чиқиб турган экан. Ўша томонга бораверибди, қанча юрса ҳам ёруғлик чиқиб турган тешиқ ёнига етолмабди. Тонг отибди. Шахзода қайтиб аскарларини эргаштириб, кечаси ёруғлик чиққан ерга олиб борибди. Қарашса пастдан чиқишнинг иложи йўқ эмиш. Подшонинг ўғли аскарлардан:

— Тоғнинг тепасига олиб чиқадиغان йўлни биладиган одам борми? — деб сўрабди. Бир

<sup>9</sup> Дамона — ўт чиқаётган мўри.

одам:

— Мен кўрганман, — дебди. У шахзода ва йигитларни тоғнинг тепасига олиб чиқибди. Кечаси ёруғ чиқиб турган тешикка қарасалар, тешик жуда чуқур экан. Улар от арқонлари ва тизгинларини йиғишибди-да, ҳаммасини бир-бирига улаб, бир одамнинг белидан бойлаб тешикка туширишибди. Бу одам охирига етолмабди. Уни тортиб олишибди. Яна бошқасини туширишибди, у ҳам ета олмабди. Яна бошқасини туширишибди, у ҳам етолмабди. Шундай қилиб, икки юз одамнинг ҳаммасини ҳам тушириб кўришибди, ҳеч қайсисига ҳам бирор нарса рўпара келмабди. Ҳеч бири унинг поёнини билолмабди. Шахзода:

— Бутун отнинг думини ўзагидан пастини кесиб келинглр, — деб буюрибди. Ҳамма отнинг думини кесиб келишибди. Бир йўғон аргамчи қилиб, эшибдилар. Шахзода аргамчини белига боғлабди. Йигитларга қараб:

— Мени туширинглр, — дебди.

Йигитлар шахзодани чуқурга тушира бошлашибди, Секин-секин, бориб-бориб, ҳалиги аргамчи ҳам тамом бўлибди-ю шахзода ҳам тешикнинг бошига етибди. Мундоғ қараса, бир нарса у ёқдан-бу ёққа юриб турганмиш. У шахзодага яқин келмасмиш. Шахзода бир илож қилиб уни маҳкам ушлаб олибди. Қараса бир қиз экан, уни чопонига ўраб, қўйнига солиб аргамчини қимирлатибди. Аргамчининг учини тутиб турган йигитлар тортиб олишибди. Шахзода қизни қўйнига солганича отга миниб кета берибди. Ўрдага етибди. Ичкаридаги бир энагага: «Буни парвариш қилинглр», дебди. Энагалар уни бир қоронғи уйга олиб кириб қарашса, у шунақанги чиройли эканки, қоронғи уйни ёруғ қилиб юборибди. Уни парвариш қилибдилар. У бир неча вақт ўтгач, гапирадиган бўлибди. Одамга эликиб қолибди, унга яхши либос — атлас-кимхоблар кийгизишибди. Кунига бир яшар ўсиб, кундан-кунга чиройи оша борибди. Шахзода кунлардан бир кун қиз турган хонага кирганда унга кўзи тушиб, ошиқ бўлиб қолибди. Бу вақтда подшо ўғлини уйлантириш тўғрисида ўрдадагилар билан маслаҳат қилар экан. Бу маслаҳат шахзоданинг қулоғига етибди. Подшо бир кишини юбориб: «Ўғлимдан сўраб кел, кимни оларкин!» дебди.

Борган кишига шахзода:

— Мен бошқа ёқдан хотин олмайман, ўзимнинг овдан олиб келган сайитим<sup>10</sup> бор, шуни оламан, — деб жавоб берибди.

Подшо ўғлининг жавобини эшитиб, бир неча кун карнай-сурнай чалдириб, томошалар қилдириб, юртга қанча нону ошлар бердириб, тўй қилибди. Ўғлини уйлантирибди.

Шахзода ва қиз беш-ўн кун эру хотин бўлиб юришибди. Бир кун кечаси шахзода гапга қилиб:

— Сиз қаердан келган эдингиз, у ерга ким сизни олиб бориб қўйган эди? — деб сўрабди.

Қиз:

— Мен Машриқ подшосининг қизиман. Бир куни ҳовлида ўйнаб юрувдим, бир куш келиб мени кўтариб олиб кетди. Ўша сиз олиб келган жойга қўйиб мени асради. Куш ёз бўлса, иссиқласам қаноти билан елпиди, қиш бўлса, қанотининг тагига олиб иситди. Шу билан бир неча вақт ўтди. Охирида сиз мени ўша ердан, ёлғизликдан қутқариб бу ерга олиб келдингиз, — дебди.

Шахзода бу сўзларни ёру биродарларига айтибди. Бу сўз подшонинг қулоғига ҳам етибди. Доно вазир буни эшитиб, подшога айтибди:

— Келинингиз Машриқдаги подшонинг қизи экан. Қурандозни зиндондан олиб чиқаринг.

Подшо зиндонбонни чақириб:

— Қурандозни олиб чик! — деб буйруқ берибди. Қурандозни олиб чиқиб, иззат-икром қилиб, яхши жойга ўтқазибдилар. Подшо қанча узр-маъзурни айтибди. Қанча инъом-эҳсон

<sup>10</sup> Сайитим — овим, қўлга киритган кишим.

берибди. Хирожини сўраб еб ётгин, деб бир катта шаҳарни ҳам унга ҳады қилибди. Қизнинг воқеасини қурандоздан сўрабди. Қурандоз:

— Ҳеч бир одамзод Машрикқа бориб, бу қизни олиб келолмайди. Хумо деган бир қуш бор, у йилдан-бу йилга Машриқдан Мағрибга бир келади. Ўша Хумо қуш олиб келган. У Хумо қушнинг салқини кимга тушса, унинг авлод-аждоди подшо бўлади. Агарда кимда-ким ўша қушнинг товушини эшитса етти пушти қутли замон бўлиб ўтади, — дебди.

### Кенжа ўғил

Бир чол бор экан. Унинг учта ўғли бор экан. Бир кун чол ўлибди. Чолдан болаларига учта нарса: кели, келисоп, нарвонча қолибди. Катта ўғли, келини, ўртанчаси келисопни, кичиги нарвончани олибди. Кичик ўғил нарвончани кўтариб етти кунлик йўлга тушибди. Бир жойга борса, бир бойнинг уйидан тутун чиқиб турган эмиш. Нарвончадаа туйнукка чиқиб қараса, бир хотин ҳадеб ҳар хил овқатларни пишириб, яшириб қўяётган эмиш. Бола ҳаммасини аниқ кўриб олибди. Пастга тушиб ўтирибди. Бир қанча вақтдан кейин бой келибди. Боланинг бир захчаси бор экан, бола бой келиши билан захчани туртибди. Захча «чағ» дебди. Бой:

— У нима? — дебди. Бола:

— Бу менинг фолбиним, — дебди. Бой:

— Қани, бир фол очириб юбор, — дебди.

Бола зағчани бир урган экан захча «чағ» дебди. Бой:

— Нима деяпти? — дебди. Бола:

— Бир товоқ палов турибди. Шуни олиб чиқсинлар, деяпти, — дебди. Бой уйга кириб хотинига:

— Бир товоқ паловинг бор экан. Шуни бер, — дебди. Хотини берибди. Уни олиб чиқиб бола билан иккови ейишибди. Бой «тагин очир», дебди. Бола зағчани бир урса зағча «чағ» дебди. Бой:

— Нима деяпти? — дебди. Бола:

— Уйда бир товоқ хасип турибди. Шуни олиб чиқсин деяпти, — дебди. Бой уйга кириб хотинига:

— Хотин, товоқда хасип бор экан, шуни бер, — дебди. Хотини ҳайрон бўлиб:

— Ким айтди сизга? — дебди.

— Эй, хотин, қўявер. Бир фолбин бор экан. Ўшанга фол очираётиман, — дебди.

Бой хасипни олиб чиқиб бола билан ебди. Бой:

— Тагин очир, ўғлим, — дебди. Бола, тагин очирибди. Бой.

— Нима деяпти? — дебди. Бола:

— Уйда бир товоқ чучвара бор, ўшани олиб чиқинглар! деяпти, — дебди. Яна бой кириб хотинига:

— Чучваранг бор экан, ўшани бер, — дебди. Хотини тагин берибди. Уни ҳам олиб чиқиб ейишибди.

Бой: «Тагин очир, ўғлим!» дебди. Бола:

— Эй, ота, қўйинг энди, алжираб кетади, — дебди. Бой:

— Очир, очир, ўғлим! — дебди. Бола яна очирибди:

— Уйда бир товоқ сомса бор, ўшани олиб чиқ, деяпти, — дебди.

Бой тагин хотини олдига кириб: «Сомсани олиб чиқ», дебди. Хотини олиб чиқибди. Сомсани ҳам иккалалари ейишибди. Тагин бой:

— Яна очир, ўғлим! — дебди. Бола:

— Йўқ, ота, энди очирсам алжираб кетади, — дебди. Шу ўртада зағча «чағ» дебди. Бой:



— Нима деяпти? — деб сўрабди. Бола:

— Бой бувамнинг хотинларининг ўйнаши бор деяпти, — дебди. Бой ҳайрон бўлиб:

— Шу зағчани сотасанми? — деб сўрабди.

— Йўқ, ота, сотмайман. Шу билан тирикчилик қилиб юраман, — дебди. Бой:

— Ҳеч бўлмаса уч йилга сот, — дебди. У бола:

— Ҳо, тунов кунни бир бой бир йилга бир товоқ тилла бераман деди, бермадим, сизга бераманми, — дебди. Бой:

— Агар тўрт товоқ тилла берсам уч йилга берасанми? — дебди. Бола:

— Тагин бир эшак берасиз-да, — дебди.

Бой яхши бир эшак, тўрт товоқ тилла берибди. Бола кетибди. Бой уйига кириб, «ўйнашинг бор экан», деб хотинини уриб-уриб чиқиб кетибди. Хотин зағчанинг калласини узиб ташлабди. Бой қайтиб келиб зағчани сўрабди. Хотини:

— Қўшнимизнинг хотини мушук боққан экан, зағчани ўша ўлдириб қўйди, — дебди.

Бой «энди эгаси сўраб қолса, нима дейман», деб бир кимхоб тўн олиб боланинг кетидан югурибди, Бола, бой орқамдан зағчани қайтариб келаётди, деб ўйлаб эшакнинг думини, кулоғини қирқиб олибди:

— Бой ака, берган эшагингиз ёмон чиқиб қолди, — дебди. Бой:

— Майли, фолбининг ўлиб қолди, — дебди, — мана шу тўнни олиб рози бўл! — деганда, бола:

— Э, э, яхши бўлмабди, мен бориб қайтиб олмоқчи эдим, — дебди.

Бой уйига кетибди. Бола юриб-юриб бир юртга борибди. Болалар: «Бу эшакми, ё бошқа нарсами», деб унинг орқасидан кулиб юрган эмиш. Бола:

— Қўйинглар, бу эшак эмас, балогардон, балогардон, — дебди. Бола ва унинг эшаги ҳақида подшога хабар беришибди.

— Бир зар чопон кийган бола эшакка ўхшаган — думи, кулоғи йўқ, балогардон деган ҳайвонни миниб юрибди, — дейишқбди.

Буни эшитиб, подшо навкарларидан бирига:

— Дарров менинг олдимга ўша болани олиб келинглар, — деб буйруқ берибди.

Болани подшонинг олдига олиб боришибди. Подшо боладан:

— Бу нима? — деб сўрабди. Бола:

— Эй, буни қўяверинг. Бу қанча душманингиз бўлса ҳаммасини йўқ қилиб юборади. — дебди.

Подшонинг бир жойда душмани бор экан. Ўшанга уч ўғли билан бир қанча аскарларни юборган экан. Душман уч ўғли билан бутун аскарни нобуд қилган экан. Душмандан ўч олмоқчи бўлиб юрган экан. Подшо:

— Менга шуни сотасанми? — деб сўрабди. Бола:

— Мен бу балогардон билан кун кўриб юрибман, — деб жавоб берибди. Подшо:

— Агар шу балогардон ростдан менинг ёвларимни йўқота олса, қизимни ва подшолигимнинг ярмини бераман, — дебди. Бола:

— Бу балогардонга ҳар кун сув бермай, беда берасиз. Ундан кейин душманларингиз келганда қўйиб юборсангиз, ҳаммасини йўқ қилиб юборади, — дебди.

Подшо бола нима деса ўшани қилибди. Душманлар келиши билан эшакни қўйиб юборибди. Ҳамма одам: «Хў, балогардон келяпти», деб қоча берибди. Бир-бирининг устига йиқилиб, отларнинг тагида қолибди. Баъзиси ўлибди, кўплари қочибди.

Эшак чанқаб сув излаб юрган эмишу, душманлар балогардон келяпти, деб қочармиш. Подшо болага қизини ва бир қанча дунё берибди. Шундай қилиб бола мурод-мақсадига етибди.

## Осма сават

Қадим замонда бир савдогарнинг эрка ўғли бор экан. Бола отаси ҳаёт вақтида уйдаги яхши-яхши нарсаларни кўчага чиқариб, ўзининг дўстларига берар, уларни кунда зиёфат қилиб юрар экан. Қазо ажал ўқини отиб, савдогарни олиб кетибди. Ҳовлида савдогарнинг кўча кезар ўғли онаси билан қолибди. Лекин бу аҳмоқ бола кап-катта йигит бўлгунча савдогар отасидан қолган дунёни қирқ дўстига ва бир бойга едириб, охири на уйида, на қўлида бир чақаси қолмабди. Кунлардан бир кун онаси:

— Болам, бир ишнинг бошини тут, уйдаги нарсаларни кул супургандай супуриб бўлдинг, отангдан қолган дунёларни палапартиш сарфлаб битирдинг. Энди кап-катта йигитсан, рўзғорга қараш, — дебди.

— Эй, она, менинг қирқ жўрам бор, ҳар қайсисиникига бериб бир кундан меҳмон бўлсам, қирқ куним, икки кундан меҳмон бўлсам саксон куним ўтади, ишлаб нима қиламан? — дебди ўғли.

— Майли, болам, бориб кўр-чи, қайси ошнанг яхши кутиб олар экан, — дебди онаси.

Эртаси куни савдогарвачча бир дўстининг уйига бориб меҳмон бўлмоқчи бўлган экан, унинг қўлида ҳеч нимаси йўқлигини билган дўсти уйига келиб хотинига: «Агар мени сўраб фалон киши келса, уйда йўқ, ўзи келганда келарсиз, деб айт», дебди.

Бир маҳал савдогарвачча келиб эшикни қоққан экан, дўстининг хотини эшикни очиб:

— Уйда йўқлар, ўзлари келганларида келарсиз, — деб, эшикни қаттиқ ёпиб кириб кетибди. Савдогарвачча эса тилини тишлаб қолаверибди. Юриб-юриб яна бир дўстиникига борса, бундан ҳам баттар ахволга дуч келибди. Хуллас, бирма-бир қирқ дўстининг уйига борган экан, ҳеч қайсиси уни бу ёққа кел демабди. Савдогарнинг ўғли оч, тинкаси қуриб уйига қайтибди. Онаси ўғлининг аҳволига ачиниб, отасидан қолган-қутган пулларини йиғиб берибди-да:

— Болам, энди бор-йўқ пулимни бердим. Бошқа ҳеч нарсам йўқ, ақл билан сарфла, беҳуда юрма, — дебди.

Бола севиниб, пулни чўнтагига солиб, яна кўчага чиқиб, қирқ жўрасини топиб зиёфат қилибди. Қолган-қутган пулини ҳам йигитларнинг бошлиғи — бой алдаб-сулдаб олибди. Шундай қилиб, савдогарнинг ўғли яна икки қўлини бурнига суқиб онасининг олдига борибди. Онасининг унга беришга сариқ чақаси ҳам қолмаган экан.

Бой ҳар куни хотинига келиб аллақайси йигитни алдаб пулини олганини айтар экан. Бойнинг хотини бир куни савдогарнинг ўғлини уйига чақириб, бундай дебди:

— Сен мени ўзингга хотин қилиб ол, мен сени бой қиламан.

Бу гапни эшитиб савдогарваччанинг оғзи қулоғига етибди.

— Бор энди кетавер, эртага шу маҳал яна кел, — деб бойнинг хотини бир лаган тилла бериб жўнатибди.

Савдогарвачча тиллани олиб тўғри бойнинг олдида борибди-да:

— Мана тилла, яна маишат қиламиз, — дебди. Йиғилишибди қирқ йигит, қурилибди катта базм, бўлибди ҳангома, жаранглабди гулкоса, ичилибди шароб, итлар кетибди кўписининг оғзи-бурнини ялаб.

Эртаси куни савдогарвачча яна бойнинг хотини олдида ҳозир бўлибди. У йигит билан ўйнабди, кулибди, вақтини хушлабди ва йигит кетиши олдида яна бир лаган тиллани бериб:

— Эртага яна шу маҳал кел, — деб йигитни кузатиб қўйибди.

«Ақлсиз бугунини, ақлли эртасини ўйлар», деган гап жуда ҳам тўғри экан. Савдогарвачча бир лаган тиллани кўтариб яна йигитларнинг жўрабошиси — бойнинг олдида борибди. Бугун ҳам кечагидек, қурилибди гурунг, бўлибди васваса, алжирабди оғиз, сўйилибди қўй семиз. Ҳаром пулнинг қадри йўқ экан, қирқ йигит савдогарвачча топиб кела ётган пулларни бебилиска сарфлашаверибди. Кунлардан бир куни бой савдогарваччага:

— Сен қандай қилиб бунча пулни топиб келаётибсан, ахир пулинг тугаб қолган эди-ку? — дебди, йигит:

— Мени бир хотин яхши кўриб қолди, ҳар куни у мени меҳмон қилади-да, қайтишимда бир лаган тилла бериб, яна шу маҳал кел, дейди, — дебди. Бой қизиқиб хотиннинг ранг-рўйини, ҳовли-жойини сўраган экан, савдогарвачча ҳаммасини, рўйирост айтиб берибди. Бой нима деярини билмай хайрон қолибди.

Бой савдогарваччани «алдаб пулини олиб юрибман», деса, алданиб юрган экан. Бу гапни сир тутибди, савдогарнинг ўғли билан хотинини бир ерда тутиб ўлдиришга қасд қилибди ва йигитга:

— Яна қачон борасан севгилинг олдига? — деб сўрабди.

— Шу бугун кечкурун бораман, — дебди у. Бой бу гапни ичига тугиб қўя берибди.

Савдогарвачча хотин айтган маҳалида унинг ёнида ҳозир бўлибди. Бойнинг хотини уни ичкари киритиб, у билан роса ўйин-кулгилар қилиб ўтирганларида, эшик тақиллаб қолибди. Бойнинг хотини йигитни тўрда турган темир аржа<sup>11</sup>га солиб қўйибди-да, бориб эшикни очиб, эрини иззат-икром билан кутиб олибди. Бой хотинига билдирмай ҳамма ерни қараб чиқибди, лекин ҳеч ерда йигитни кўрмай яна қайтиб кетибди. Эри кетганидан кейин бойнинг хотини йигитга бир лаган тилла бериб, яна эртага келишини айтиб, жўнатибди.

Савдогарвачча бугун ҳам бир лаган тиллани олиб бориб бойга берибди ва:

— Бугун бир худо асади, нақ қўлга тушай деб қолдим, — дебди.

— Қандай қилиб қутулдинг? — дебди бой.

Йигит ҳаммасини гапириб берибди. Бой ичидан зил кетиб йигитдан сўрабди:

— Энди қачон борасан?

— Яна ўша вақтда, — дебди йигит.

У бойнинг хотини айтган маҳалда яна борибди. Бой ҳам унинг изи билан бораверибди. Хотин йигитни уйига киритиб, энди вақтихушлик қилмоқчи бўлиб турганида бой эшикни қоқибди. Хотин йигитни сув кадига солиб ҳовузга оқизиб қўйибди-да, эшикни очиб бойни кутиб олибди. Бой ҳамма ерни тинтиб чиқибди. Аржани ҳам очиб қарабди. Бироқ, йигитни топа олмай хуноб бўлиб, яна базмга кетибди. Бой кетганидан кейин хотин йигитни ҳовуздан чиқариб олиб, кетар вақтида яна бир лаган тилла бериб жўнатибди.

Савдогарвачча бу гал ҳам бир лаган тилла билан бойнинг олдига келиб бўлган воқеани сўзлаб берибди. Бой бўлса роса дарғазаб бўлиб, сув кадини қарамаганига мингда бир пушаймон бўлиб, гурунгни бузмасдан ўтираверибди. Охири чидай олмасдан:

— Эртага яна борасанми? — деб сўрабди.

— Ҳа, бораман, — дебди йигит.

Савдогарнинг ўғли келишилган маҳалда яна борибди. Хотин уни роса иззат-икром билан кутиб олиб, кўйгли тўйгунча ўйнашибди. Йигитни энди кузатай деб турганида эри эшикни қоқибди. Хотин йигитни осма саватга солиб, осиб қўйибди.

Эрига эшик очиб, уни кутиб олибди, эри ҳам ҳамма жойларни тинтув қилиб, йигитни топа олмай хуноб бўлиб ўтираверибди. Иккиси ҳам сават осилган уйда аллавақтгача чурқ этмай ўтиришибди. Бир маҳалда сават узилиб кетиб уларнинг устига тушибди. Шу замоннёқ хотин: «Вой, бу на бало, болам тушадиган бўлди-ку», деб эрининг устига ўзини ташлаб, кўйлаги билан эрининг бошини бекитибди-да, йигитни қочириб юборибди. Лекин йигит бугун пулсиз кетибди. Эртаси куни бойнинг олдига йигит қуруқ борган экан, бой:

— Ҳа, иним, нима гап? — дебди.

— Эй, сўраманг, бир ўлимдан қолдим, — деб ҳамма воқеани айтибди.

Бой осма саватни қарамаганига ва хотинининг ҳийласига ичи ёниб, ўз ёғига ўзи коврилиб

<sup>11</sup> Аржа — сандиқ.

ўтираверибди. Бой ҳеч чидай олмай охири қозига бориб, хотини ва савдогарнинг ўғли устидан арз қилибди. Қози эса:

— Агар йигит бўйнига олмаса унда сен нима қиласан? — дебди.

Бой эса:

— Агар йигит менга айтган гапларини сизга ҳам айгиб берса, менга хотинимни ҳам, йигитни ҳам шу пайт ўлдиришга гувоҳлик берасиз, агар айтмаса менинг бошим ўлимда, — дебди.

Қози бу масалага йигитнинг онаси билан хотиннинг икки акасини чақиритибди. Уларга воқеани айтишгап экан. Икки акаси:

— Агар синглимиз ҳақиқатан ҳам ёмон йўлга кирган бўлса, йигитни ҳам, синглимизни ҳам ўлдирамиз, борди-ю, бу гаплар ёлғон бўлса сени ўлдирамиз, — дебдилар бойга.

Қози муҳрланган қоғозни бойга ва йигитнинг онасига, қизнинг икки акасига берибди. Бой йигитни уйига меҳмонга чақиритини ва зиёфат вақтида йигитни сўзлатишини айтибди. Ҳаммалари рози бўлибдилар. Бой йигитни меҳмонга чақиритиш учун кетибди. Йигит кечқурун бойнинг олдига келган экан, бой:

— Сени бир ерга меҳмонга олиб борсам, сен роса қизиқ гаплар айтиб гурунгни қизитар эдинг, шарти шу: ҳалиги хотин билан бўлган хангомаларингни ҳам айтиб берасан, — дебди.

— Жоним билан айтиб бераман, олиб бораверинг, — дебди йигит.

Қоронғи тушиб, юлдузлар чиққанда бой йигитни ўз уйига бошлаб борибди. Лекин хотинини ва йигитнинг онасини бошқа уйга киритиб, чиқмасликни шарт қилиб қўйибди.

Зиёфат роса қизибди. Бой йигитга қараб:

— Энди сен бизга бир қизиқ нарсалар айтиб бер, — дебди. Йигит айтишга шайланиб, ўзининг туғилганидан то стасининг топган-тутганини сарфлаганигача айтиб бўлиб, энди ўзининг бой хотини билан бўлган воқеасини айтишга киришганида, булар ўтирган уйнинг бир тешигидан хотин йигитга кўринибди ва «айтма» деган имо-ишора қилибди. Йигит гапини шартта тўхтатиб қўйибди. Бой эса:

— Ҳа, ҳа, айт энди ўша гўзал қизнинг сенга тиллалар бериб сандиққа, сув кадига ва осма саватга солиб қўйганларини, — дебди. Йигит ҳам яхшилаб ўтириб олиб:

— Қайси қиз мени сандиққа, сув кадига, осма саватга солибди, нима, мен жинни бўлибманми сандиққа кириб, сув кадида ётиб, осма саватда осилиб, — деб бойни жеркиб ташлабди. Шу вақт икки йигит бирдан ўрнидан туриб бойнинг икки ёнидан икки пичоқ уриб ўлдириб юборибди. Бир қанча вақт ўтгандан кейин хотинни йигитга никохлаб қўйибдилар.

## Хўжамурод

Бор экан, йўқ экан, оч экан, тўқ экан, бўри бакавул экан, тулки ясовул экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан, ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан, товук қақ этди, билмадим қаққа кетди.

Ўтган замонда бир чолу бир кампир бўлган экан. Чолу кампир оз эмас, жуда кўп — роппа-роса ўн беш фарзанд кўришибди. Улар ўлиб-ўлиб, биттагина фарзанди қолибди. Чол-кампир ўйлаб-ўйлаб, боланинг отини Хўжамурод қўйишибди. Бола кўп қийинчиликларда оч қолиб, тўқ қолиб, ўн етти ёшга борибди. Не-не умидлар билан ўстирган энаси ҳам ўлиб кетибди. Отаси ёш, чиройли бир қизга уйланибди. Тирикчиликдан жуда ҳам қийналишгач, ота-бола иккаласи бир бойнинг зиғирини баҳолаб олишибди. Кунлардан бир куни зиғир ғарқ пишганини кўрган ота-бола уни ўришга чиқишибди. Зиғир ўримининг учинчи куни бир ўқ теккан тувалоқ осмонда учиб келиб, тўппа-тўғри Хўжамуроднинг олдига думалаб тушибди.

Хўжамурод дарров тувалоқнинг калласини узиб ташлаб, зиғир дастасининг тагига беркитиб қўйибди. Ўзи ҳеч нарсани кўрмагандек бўлиб, ўришни давом эттира берибди. Бир вақт узоқдан

осмонга чанг кўтарилибди. Ота-бола бундоқ қўлларини пешоналарига қўйиб тиклаб қарашса, бир мерган от чоптириб, булар томон келаётган эмиш. Мерган Хўжамуроднинг олдига келиб, «ҳорманглар!» дебди.

Хўжамурод:

— Ҳа, ўзимоқ турибман, — дебди. Мерган:

— Ҳой бола, шу томонга яраланган бир тувалоқ учиб келдимиз? — дебди.

Хўжамурод:

— Ҳа, зиғирни икки чоракка баҳолаб олганмиз. Шу арзонми, қимматми? — дебди.

Мерган тутақиб:

— Зиғирни сўрамадим, бир тувалоқ ўтдимиз, деб сўраяпман, — дебди.

— Отам чарчаб қолди, ўзим ўряпман, — деб жавоб берибди Хўжамурод.

Мерган бир сўкиниб, отини чоптирганича кета берибди.

Кечқурун Хўжамурод ҳалиги тувалоқни қўйган жойидан олиб, кўтариб онасининг олдига келибди. Хўжамурод энасига қараб айтибди:

— Мана бу тувалоқни қайноқ сувда ивитиб, патини юлиб, ош қилиб, устига босиб беринг.

Хўжамуроднинг иккинчи онасининг учта ўйнаши бор эди. Энаси ўйлаб туриб: «Тувалоқни худо олгур Хўжамуродга пишириб бергунча, уни алдаб, ўйнашларимга тайёрлайдиган ошимнинг устига босганим яхши эмасми», деб тувалоқни яхшилаб пишириб, беркитиб қўйибди. Кейин: «Пишт, хай пишт, ер ютгур, пишт», деганича қичқириб, қарғаб томнинг орқасига югуриб қолибди. Хўжамурод чопиб келиб:

— Ҳа, эна, нима бўлди? — деб сўрабди.

— Тувалоқни пишириб қўйсам мушук ўлгур опқочиб кетди, ҳар қанча қилсам ҳам унга ета олмай қолдим. Ҳаром-ўлгур, қўшнининг ола мушуги жуда ярамас чикди, — деб жавоб берибди энаси.

Энасининг тувалоқни беркитиб қўйиб, хийла-найранг қилаётганлигини Хўжамурод пайқаган экан:

— Ҳа, майли, эна, тувалоқ кимга буюрган бўлса, ўша ейди-да. Мушукка насиб қилган экан, у ея қолсин! — дгб онасини тинчлантирган бўлибди.

Ота-бола жуда чарчаганлигидан, ўша куни ҳар кунгидан кўра эртароқ ётишибди. Азон палласида туришиб, чала-чулпа чой ичишиб яна зиғир ўроғига жўнашибди. Бир оз юришгач, Хўжамурод отасига:

— Ота, мени ичим оғриб қолди. Сиз кета беринг, бир оздан кейин етиб оламан, — деб орқасига қайтибди.

Уйга келиб, томнинг устига чиқиб олибди. Буни ҳеч ким пайқамабди. Хўжамурод томнинг тепасида мўридан уйнинг ичини кузатиб, пойлаб ёта берибди. Бир вақт онасининг уч ўйнаши ҳайбат билан кириб келибди. Энаси уларни икки букилиб, хурсандчилик билан кутиб олибди. Кайф-сафо, маишат бошланиб кетибди. Базм авжига чиққанда аёл ўйнашларига қараб:

— Шошманглар, азизларим! Ҳалиги дарбадар Хўжамурод бир тувалоқ уриб келган экан. Эна, пишириб, ошга босинг, деган эди, мен уни алдаб бекитиб қўйдим. Ҳозир ош қилиб тувалоқни ош устига босиб олиб келаман, — дебди.

Шунда ўйнашлари:

— Йўқ, бизнинг вақтимиз йўқ. Зангдаги зиғирларни ўргани кетаётибмиз, — дейишибди.

Хотин хиралик қилиб:

— Борадиган жойларингни айтинглар. Мен ошни пишириб, ўша ерга олиб бораман, — дебди.

— Биз дўконга чиқиб учта қовун олиб, қовунни сўйиб карч қилиб еб, пўчоғини ташлаб кета берамиз. Сен ўша пўчоққа қараб бизни қаерда эканлигимизни топиб оласан, — дебди ўйнашларидан бири.

Учта ўйнаши кўчага чиқиб, учта катта қовун олиб, карч қилиб еб, пўчоғини ташлаб кетаверибди.

Хўжамурод бу гапни эшитиб олган экан, уларнинг орқасига тушиб, ташлаган пўчоқларини этагига териб бу ҳам кетаверибди. Хўжамурод чопонини этак қилиб пўчоқни териб олибди-да, кейин отаси ишлаётган зиғирпояга қараб кетибди. У йўл-йўлакай бирма-бир пўчоқ ташлаб кетаверибди.

Бир вақт Хўжамуроднинг иккинчи онаси серёғ ошни қилиб, устига тувалокни босиб, товоқни бошига қўйиб кўчага чиқибди. Кўчада онда-сонда ташлаб кетилган қовун пўчоққа қараб кетаверибди-кетаверибди, бир вақт қараса, ўзининг эри билан Хўжамуроднинг олдидан чиқиб қолибди. Хўжамурод энасини кўриб:

— Хў, баракалла, энажон. Ўзи ҳам вақтида келдингиз. Қоринлар жуда очган эди. Нима овқат олиб келдингиз? Ошми, қатламами? — дебди.

Энаси ноилож ошни олиб келиб, ота билан боланинг олдига қўйибди. Хотин бундоқ ён-атрофга қараган экан, булардан узокда зиғир ўраётган уч ўйнашини кўриб қолибди. Хотин уларни таниб, Хўжамуродга:

— Ия, ўғлим, ху анави учта кишини ҳам овқатга айтиб келсанг бўлмайдами. Ош катта; ҳаммангизга етиб-ортиб ҳам қолади, — деб қистайверибди.

Энаси хадеб кистайверганидан кейин Хўжамурод ола отини миниб, чоптириб, энасининг уч ўйнашининг олдига жўнабди. Уларнинг олдига бориб:

— Ҳой одамлар, санлар учовинг менинг энамнинг ўйнаши экансизлар. Буни отам билиб қопти, ҳозир энамни бошлаб адабини беряпти. Кейин бу ерга келиб учалангни бирдан сўяр экан. Менинг сизларга раҳмим келиб, огоҳлантиргани от чоптириб келдим. Отам чопқир отини миниб, шу томонга юриб қолса, ўлдим деяверинглар. Яхшиси, отам келмасдан олдинроқ жонларингни сақлаб қолинглар, — дебди.

Хўжамурод отини чоптирганича қайтиб энасининг олдига келибди. Энасига қараб шундай дебди:

— Эна, ўроқчиларнинг олдига бориб, ошга юринглар десам, унашмади.

Энаси унга бир хўмрайиб қўйиб, энди отасини қистабди:

— Боринг ошга айтиб келинг. Улар у ерда ишлаб турсину, сизлар бу ерда уялмай овқатланасизларми? Уялишаётгандир, қистасангиз, албатта келишади.

Чол ҳам ола отга миниб, ўроқчиларнинг олдига жўнамоқчи бўлиб турганда, Хўжамурод:

— Ота, мен қайтаётганда ана у ерда бедани кўрдим, ўшани ҳам ўриб олиб келинг деб отасининг қўлига катта бир паншаха берибди. Отаси паншахани қўлига олган замон боласи отни қамчи билан бир-икки савалабди. Қамчининг зарбига чидай олмаган от чолни олиб қочибди. Ог тўппа-тўғри ҳалити ўроқчилар томонга қуюндек учиб кетаверибди. Буни кўрган уч ўроқчи «боланинг айтгани тўғри экан, отаси паншаха кўтариб бизни ўлдиргани келяпти» деб, қочиб қолишибди. Буни кўриб чол орқасига қайтибди:

— Тавба, ошга деса қочади-я! Ҳайронман. Хўжамурод у ёққа ағанабди, ошдан олибди, бу ёққа ағанабди, ошдан олибди. Қорнини роса тўйғазиб, товоқни энасининг қўлига бераётиб шундай дебди:

— Баракалла, энажон. Ошни роса бошлабсиз, мацца қилиб едик.

Энаси ичида: «Ош емай захарни егин!» дебди-да, жаҳл билан товоқни олибди. Кеч киргач, учовлари уйга қайтишибди. Ота-бола ўз жойларига ётишибди, эртан-азонда ўринларидан туриб наридан-бери чой ичиб тагин зиғир ўргани жўнашибди.

Бир оз юрганларидан кейин Хўжамурод яна:

— Ота, менинг ичим оғриб қолди, сиз бораверинг, мен ичим босилгач, етиб бораман, — дебди.

Отаси: «Хўб, болам», деб кетаверибди. Хўжамурод тўғри уйига келиб, томга чиқибди-да,

мўрининг ёнида уй ичига кулоқ солиб ўтирибди. Хўжамуроднинг бу ишини бу гал ҳам ҳеч ким пайқамабди. Бир пайт эшикнинг секин-секин тақиллагани эшитилибди. Энаси бориб эшикни очибди. Ичкарига яна ҳалиги уч одам кириб келибди. Энаси уларни иззат-икром билан кутиб олиб, тўрга солинган қалин кўрпа-тўшак ўриндиққа ўтқазибди. Чой қайнатиб, дастурхон ёзибди. Дастурхон устида турли нозу неъматлар, ширин-шакар мевалар бор эмиш. «Ҳа, лаънати, — дебди Хўжамурод, — биз ота-бола йил ўн икки ой бундай ширинликларни кўрмаймиз. Қани, бу ёғини кузатай-чи, нима бўлар экан».

Энаси ўйнашларининг бирини тиззасида ўтириб, эркаланиб, йўғламсираб:

— Кеча, ошни қилиб тувалоқни устига босиб, пўчокни белги қилиб, адашиб Хўжамуродларнинг олдига бориб қолибман. Сизлар ҳам ўша ерда экансизлар. Хўжамурод ер ютгурдан айттирсам, нимага келмадинглар. Сизларга тайёрлаган паловимни, ажалингдан беш кун аввал ўлгур чол билан унинг етимча ўғли мазза қилиб еди қўйди, — дебди.

— Э, нимасини айтасан, — дебди улардан бири, — Хўжамуроднинг олдимишга келиб, «юринг, ошга!» демади-да. Бизни кўрқитиб: «Сенлар менинг энамга ўйнаш экансизлар. Отам буни пайқаб қолибди. Шунинг учун ҳам эрталабдан бери сизларни қидириб юрибди, башарти отам сизлар томон юриб қолса, қочиб қолинглар, бўлмаса учаланг ҳам ўласан», деди.

Хўжамуроднинг энаси: «Вой шўрим, Хўжамурод пайқаб қолибди-да, сизлар ташлаган қовун пўчокни ўша териб олиб, ўзи томонга ташлаб кетган экан-да. Шу Хўжамурод етимчани ўлдириб бўлармикин. Худо шунга ҳам ўлимни юборармикин», дебди.

— Қибла томондаги Лагалага ота мозорида бир гумбаз бор. Шу гумбазнинг ичига кириб, «Лагалага ота!» деб уч марта чақирса, «Лаббай!» деган овоз келар эмиш. «Фалончи қачон ўлади» деб сўраса, «фалон куни, фалон сабаб билан ўлади», деб айтиб берармиш. Ўша ерга бориб, Хўжамуроднинг қачон ўлишини билиб келса бўлар! — дейишибди ўйнашлари.

Энаси ўйнашлари билан кайфу сафони тугаллагандаи кейин, учта ўймани қилиб олиб, Лагалага ота мозори қайдасан, деб жўнаб қолибди.

Бу гапларни эшитиб турган Хўжамурод томдан сакраб тушибди-да, энасидан олдин Лагалага ота гумбазининг орқасига бориб кичик бир тешикчадан гумбазнинг ичига қараб ўтираверибди. Бир вақт энаси келиб, ўзини гумбазнинг ичига урибди. У «Лагалага ота, Лагалага ота, хо, Лагалага ота», деб уч марта чақирибди. Аёл учинчи бор чақирганида гумбаз тоmidан «Ҳооо...» деган овоз келибди. Шунда аёл:

— Менинг бир Хўжамурод деган етимчам бор. Шунга ҳам ўлим борми? — деб бақирибди.

Хўжамурод:

— Ҳа, унга ҳам ўлим бор! — дебди.

— Нима қилсам ўлади? — дебди аёл.

— Учта семиз дўнон қора қўйни бир кунда сўйиб, ёғини эритиб, хумга қуйиб, гўштини тузлаб, зира-кашничлаб, дорга осиб, ҳар куни бир мартаба палов, бир марта шўрва қилиб, Хўжамуродга едириб, парвариш қиласан. Бу ёғ-гўштдан бошқа киши емаслиги керак, агар еб қўйса ўша заҳоти ўлади. Ёғдан бир ошлик қолганда Хўжамуроднингни кўзи оғриб ўлади.

Хўжамуроднинг энаси:

— Овозингиздан ўргилай, Лагалага ота, — деб гумбаздан чиқиб кетибди. Йўлда пойлаб турган уч ўйнашига Лагалага отанинг айтганларини бирма-бир гапириб берибди. Улар ҳам суюнишиб: «Номингиздан айланай, Лагалага ота», дейишибди. Ҳалиги ўйнашларнинг ҳар бири биттадан учта катта, семиз кўчқор олишиб, аёлнинг уйига келишибди. Қўйни сўйиб, ёғини хумга, гўштини тузлаб, кашнич-зиралар сепиб, дорга осиб қўйишибди.

Энаси ҳар куни Хўжамуродга ёғлиқ палов, шўрва қилиб бераверибди. Ҳаддан зиёд меҳрибонлик қилибди. Қўйнинг ёғи билан гўштидан бошқа ҳеч кимга бермабди. Ахир, Лагалага отанинг: «Бу қўйнинг гўштидан кимда-ким еса ўша заҳоти ўлади», дегани ёдида экан-да. Хотиннинг эри ҳам ҳайрон. Нима бўлаётганлигини, хотинининг ўғлига бунчалик

меҳрибонлигининг сабабини ҳеч англаб етмабди.

Хўжамурод кундан-кунга семириб, етилиб кучига куч, қувватига-қувват кўшилибди. Орадан бир кам қирқ кун ўтибди. Хўжамурод, ёғдан қанча қолдийкин, деб қараса, хумнинг тагида бир ошлик ёғ қолибди. Энаси охирги ёғни қозонга солиб доғ қилаётса Хўжамурод: «Вой эна, кўзим!» деб ўзини ҳар ерга ураверибди, ўзини қўярга жой тополмай қолган кишидек типирчиланаверибди. Энаси устида: «Вой, сизга нима бўлди, болам. Худо сақласин!» деса, ичида суюниб: «Ҳа, тезроқ ўлгин-а. Лагалага отамнинг айтганлари рост экан-а», деб гирдикапалак бўлаверибди.

Хўжамурод ёлғондан роса ўзини у ёқ-бу ёққа уриб, охири сулайиб, чўзилиб қопти.

Энаси суюнганича ўйнашларини чақириб келгани кетибди. Хўжамурод дарров ўрнидан туриб энасининг қўйлагини кийиб олибди. Битта кўрпачани одамга ўхшатиб думалоқлаб ўзининг тўнига ўраб қўйибди. Шу пайт кўча эшигидан энасининг ўйнашлари кириб кела бошлабди. Хўжамурод овозини аёлларнинг овозига ўхшатиб:

— Ҳа, келдингларми. Қани ичкарига марҳамат, — дебди.

— «Ўлдими!»— дейишибди улар. «Яшамагур, ўлди!» дебди Хўжамурод. Энасининг ўйнашларини ичкарига бошлаб кириб, ўринга ўтқазибди-да, ўзи қазноққа чиқиб кетибди. Қозондаги доғ бўлиб турган ёғни бир косага олиб, халигиларни номма-ном чақираверибди.

Қазноққа кирганини, «Қани, оғзингизни очинг-чи, Хўжамуроднинг ўлгани муносабати билан оғзингизни бир ширин қилай», деб бир пиёла-бир пиёла ёғни куйиб юбораверибди.

Учаласи доғ бўлган ёғдан тил тортмай ўлибди. Энаси роса ахтариб ҳориб-чарчаб, ўйнашларини тополмай қайтиб уйига келса, қай кўз билан кўрсин, қай тил билан сўзласин, учаласи ўлиб ётибди. Аёл, ичида зил кетиб, аслида эса билдирмай, уларни танимаганликка солибди.

— Булар ким. Нима қилиб бу ерда ётибди?

— Танимадингизми, булар сизнинг ўйнашларингиз, — дебди-да, Хўжамурод мардикор чақириб, уларни кўмдириб юборибди.

Отаси ишдан қайтгач, бўлиб ўтган бутун воқеаларни унга ҳикоя қилиб берибди. Ғазабланган ота хотинини ўроқ билан чошиб ташламоқчи бўлган экан, Хўжамурод уни тўхтатибди. Беномус аёлни уйдан қувиб ҳайдаб, ота-бола тинч-фароғатда яшай бошлабдилар.

## Савдогарнинг тахмини

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир мамлакатда бир савдогар бўлган экан. Унинг жуда чиройли бир хотини бўлиб, ҳамма вақт савдогарга шундай дер экан:

— Мен, одам боласи у ёқда турсин, осмондаги куёшга ҳам кўринмайман.

Савдогар хотинининг гапига ҳамма вақт ишонар, унга меҳри жуда ҳам зўр экан.

Кунлардан бир куни савдогар савдога жўнамоқчи бўлиб қолибди. Шунда қўшниси чиқиб:

Савдога кетаётган эмишсиз, шу гап тўғрими? — дебди.

— Ҳа, мана тайёргарлик кўряпман, — дебди Савдогар.

— Ундай бўлса озгина пулим бор, ола кетинг, ул-бул ола келсангиз сизга ҳам, менга ҳам бўлар, — дебди қўшниси.

Савдогар сафар тараддудида банд экан, хотинига:

— Анави пулни олиб қўй! — дебди.

— Мен қўлимни номаҳрамга кўрсатаманми? — дебди хотини.

— Пулни олиб қолавер, гуноҳинг менинг бўйнимга, — дебди савдогар.

Хотин пулни қўшнисидан қўйлагининг энги билан олиб, савдогарнинг олдига ташлабди-да, югуриб уйга кириб болтани олиб чиқибди. У тўғри эрининг ёнига келиб:



— Пул олган кўлимни чопиб ташланг. Пул оламан деб кўлим гуноҳга ботди. Чопинг. Номахрамга кўрсатдингиз кўлимни, — дебди.

Савдогар хотинининг кўлидан болтани олиб, уни юпатиб эркалабди.

Савдогар хотинидан кўнгли тўлиб, савдога жўнабди. Уч тош чамаси йўл босилганидан кейин кўшниси берган пулни кигиз тагида қолдиргани эсига тушиб қолибди.

— Э, кўшним берган пул ёдимдан кўтарилибди. Мен бориб пулни олиб келай. Савдодан қайтсам, кўшним кўлимга қараса, нима дейман. Тагимда яхши от, сизлар аста-секин кетаверинглар, мен сизларга етиб оламан, — деб уйига қайтибди.

Келса, уйининг ичида дутор, танбур ва чилдирманинг овози авжида. Дарвозани итарса ичидан кулфлок. Савдогар девордан секин ошиб, ҳовлисига тушибди. Деразадан ичкарига қараса, олгита ҳайбатли барзанги қалин кўрпа-тўшаклар устида дутор, танбур чертиб ўтирибди. Хотини бўлса ўртада уларга қараб турли-гуман муқомлар қилиб ўйин тушмоқда.

Савдогар буни кўриб ханг-манг бўлиб қолибди. «Бунинг гапини қара-ю, қилаётган ишини қара», деб орқасига қайтибди.

Савдогар карвонга етиб олиб, бор мол-дунёсини хизматкорларига бўлиб берибди-да, ўзи бошини олиб бошқа юртларга кетибди.

Савдогар бир мамлакатга бориб яшай бошлабди. Бир куни савдогар кўчада кетаётса, малла салла ўраган, малла чопон кийган бир чол кўш ҳайдаётган эмиш. У ҳайдаётган ернинг у бошига бориб ҳам ҳўкизининг тўрт оёғини ювармиш, бу бошига келганда ҳам ҳўкизининг тўрт оёғини ювармиш.

Савдогар чолнинг олдига келиб:

— Саломалайкум, ҳорманг, бобо, — дебди.

— Ваалайкум ассалом, бор бўлинг, бўтам, — дебди бобо.

— Нима учун у ёққа бориб ҳам ҳўкизининг оёғини ювасиз, бу ёққа келиб ҳам ювасиз, — дебди савдогар.

Чол подшонинг энг ишонган тақводор эшони экан.

— Э, сиз сўраманг, мен айтмай, — дебди у.— Еримнинг ана ёғи вақф. Вақфнинг тупроғи еримга кўшилиб қолади, деб у ёққа борганимда ҳўкизимизнинг оёғини юваман. Еримнинг мана бу ёғи сағирниинг мулки. Сағирнинг тупроғи еримга кўшилиб қолади, деб бу ёққа келганимда ҳўкизимнинг оёғини юваман.

Савдогар ичида: «Сен ҳам қип-қизил ўғри, худди менинг хотинимнинг хилидан экансан», дебди-да, йўлида давом этибди. Кўчада кетаётган экан, иккита жарчи қичқириб юрганининг устидан чиқиб қолибди.

— Одамлару одамлар, боғда битган бодомлар, эшитмадим деманглар, подшоҳимизнинг тўрт хум тилласи йўқолди, ким топса бир хуми суюнчига берилади.

Савдогар ўйлабди: «Тиллани шу чол ўғирлаган бўлса керак». Савдогар уч-тўрт кун юрибди. Ҳеч қаердан тилланинг дараги чикмабди. Бошқалар ҳам тиллани тополмабди. Подшонинг жарчиси эса жар чақиргани чақирган.

Савдогар подшонинг олдига боришга ва ўзининг гумон қилган кишисини айтишга қарор қилибди. У саройга бориб, қоровуллардан рухсат олиб, подшонинг олдига кириб салом бергач, бундай дебди:

— Таксири олам, тилла йўқотдиларми?

— Ҳа, хазинадан тўрт хум тиллам йўқолди, — дебди подшо.

— Шу йўқолган тиллани мен топиб берайми? Бу сўздан подшонинг жаҳли чиқибди.

— Сен ўзинг кимсан, — дебди у, — сендақа тилла топарларни кўпини кўрдим. Бор, йўқол, кўзимга кўринма!

Савдогар подшога қараб шундай дебди:

— Мен фалон мамлакатдан келган савдогар бўламан. Мен албатта тиллангизни топиб

бераман.

— Сен бошқа давлатдан келгай бўлсанг, қаердан топасан тиллани. Ўзимизнинг халқ — қанча мулла, қанча фуқаролар ҳам тополмай юрибди-ю, сенга йўл бўлсин.

— Топаман дедимми, топаман, — дебди савдогар. Одамлар подшога қараб:

— Таксир, топиб бераман деса, майли топиб берсин, — дейишибди.

Савдогар: — Менга, кес калласини, деганда шарт кесадиған ўнта йигит берасиз. Подшо савдогарнинг шартига кўнибди. Ўнта бақувват, фалончининг дўпписини олиб кел, деса, калласини танидан жудо қиладиған йигитни бошлаб, яхши отлардан миниб, тўғри ҳалиги эшонникига келибди. Савдогар қамчиннинг дастаси билан дарвозани тақиллатиб, чолни чақирибди. Товуш бўлмабди. Савдогар ҳовлига қараб:

— Эй чол, бу ёққа чиқ деяпман, — деб бақирибди. Чол чиқибди. Савдогар унга қараб дўк қила кетибди.

— Подшо хазинасидан олган тиллани қаерга қўйдинг? Тезда топ, бўлмаса калланг кетади.

Чол ҳам бўш келмабди, у ҳам савдогарга қараб пўписа қила бошлабди:

— Сенинг ўзинг ким? Ҳали сени подшоҳимизга айтиб зиндонга солдираман, иншоолло, каллангни танангдан жудо қилдираман, — деб ҳеч бўйнига олмабди.

Савдогар йигитлардан бирига қараб:

— Бунинг калласини кесинглар! — деб буюрибди. Йигитлардан бири чолнинг олдига югуриб келибди-ю, қўрқиб кетиб унинг бошига қилич соллмабди.

Савдогар ўткир қиличи билан ҳалиги йигитнинг калласини шартта узиб ташлабди. Савдогар иккинчи йигитга буйруқ қилибди:

— Кес бунинг бошини!

Иккинчи йигит ҳам орадан отилиб чиқибди-ю, чолнинг бошини чопа олмабди.

Савдогар унинг ҳам калласини узиб ташлабди. Савдогар учинчи йигитга буюрибди:

— Чолнинг калласини узиб ташла!

Учинчи йигит қиличини ғилофидан суғуриб, ҳавода ўйнатибди-да, чолнинг бўйнини мўлжаллабди. Қилични энди соламан деганда, чол:

— Урма, тиллани топиб бераман! — дебди.

Чол савдогарни ертўласига бошлаб кирибди. Ертўлада подшонинг тўрт хум тилласи турган экан. Тилладан бошқа яна аллақанча ўғирланган моллар, матолар ва безаклар бор экан.

Тилла тўла хумларни олиб, савдогар подшонинг олдига борибди. Подшо савдогарга тан бериб:

— Баракалла, ҳеч ким тополмаган тиллани топиб бердинг, — дебди. Кейин қўшимча қилиб:— Сен унинг ўғрилигини қаёқдан билдинг, у бизнинг энг ишонган, меҳр қўйган кароматли эшонимиз эди-ку. Ҳеч ким уни ўғри деб ўйламаган эди, — дебди.

— Менинг бир хотиним бор эди, — деб савдогар бўлган воқеани ва йўлда ҳўкизининг оёғини юваётган эшонни кўриб, унинг қаллоблигини фаҳмлаганини ва тахмини тўғри чиққанини айтибди. Подшо савдогарнинг донолигига қойил қолибди ва уни ўзига вазир қилиб олибди.

## Уч кўкнори

### I

Бир кўкнорихонага доим учта кўкнори келиб, кўкнори ичиб турар экан. Бирининг оти Ўсар кўкнори, иккинчисининг оти Мадамин кўкнори, учинчисининг оти Кўчқор кўкнори экан. Уччаси жуда камбағал, тирикчилигини зўрға ўтказар экан. Кунлардан бир кун Ўсар кўкнори

кўкнорихонага кирибди. Бувадан бир пиёла кўкнорини олиб ичибди, яримта нон ва бир ҳовуч жийда билан шафтолиқоқини еб туриб камбағалликдан, уйда бола-чақалари оч эканидан шикоят қилибди-да: «Худо бизга ҳам давлат берармикин?» деб ўйлаб, бирдан:

— Э, давлат! — деб юборибди. Шунда давлат етиб келиб:

— Лаббай. Мана мен келдим. Нима гапинг бор? — дебди. Шунда Ўсар кўкнори суюниб кетиб:

— Ҳе, давлат! Келдингми, оғайни. Камбағалчилик жуда тинкани қуритди-ку. Кунда ишлаб, бир-икки бор ичадиган кўкнорининг пулини аранг топаман. Бола-чақага на егани овқат бор, на кийгани уст-бош. Энди биздек фақир бечораларга ҳам бир нурингни ташлаб қўймасанг бўлмайди, — дебди. Шунда давлат:

— Бўлмаса, менинг олдимга боргин! Бирор нарса бераман, олиб келарсан! — дебди. Ўсар кўкнори:

— Сени қайдан топаман? — деб сўраган экан, давлат:

— Мен Арслонбобо тоғида бўламан. Албатта боргин! — деб кўздан ғойиб бўлибди.

Ўсар кўкнори ўрнидан туриб, тўппа-тўғри бозорга борибди. Чўнтагига қўл солса, ярим сўмлик сўлкавойи бор экан. Сўлковойни олибди. Иккита тангасига битта эшак сотиб олибди. Бир мирисига битта қоқ, бир мирисига бешта нон олиб, белбоғига тугибди. Қопини буклаб эшакка ёпибди, устига ўтириб, Арслонбобо тоғи қайдасан, деб жўнаб қолибди.

Ўсар кўкнори йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Шаҳар ва, қишлоқлардан ўтиб, чўл оралаб бораверибди. Бир жойга борса, битта қўрғон, атрофида ҳеч ким йўқ. Кирса қўрғоннинг ўртасида катта бир ўрик дарахти, унинг тагида ўриқка суянган иккита эркак одам, иккови ҳам пешопасни ушлаб чиғаноғиш тиззасига таяб мудраб ўтирган эмиш. Ўсар кўкнори уларга қараб:

— Ассалому алайкум! — дебди. Ўтирганлар бошларини кўтариб қарабдилару:

— Ваалайкум ассалом! — деб, яна ерга қараб, жим бўлиб қолибдилар. Ўсар кўкнори ҳайрон бўлибди, бу одамлар пима учун кимсасиз жойда бундай қилиб ўтиришибди, деб ўйлабди ва эшакдан тушиб, эшагини етаклаб, уларга яқин борибди ва:

— Ҳой биродарлар! Сизлар бу жойда нимага бундай хаёл суриб ўтирибсизлар? — деб сўрабди. Уларнинг бири бошини аста кўтарибди-да:

— Э йўловчи ака! Ўз ғамимиз ўзимиз билан. Сиз билманг ҳам, куйманг ҳам, йўлингизга кетаверинг, — дебди. Шунда Ўсар кўкнори:

— Мен давлатнинг олдида кетяпман. Бирор дардларинг бўлса айтинглар. Бориб давлатдан сўрайин, зора у яраларингга малҳам топиб берса, — дебди. Шунда иккинчи киши айтибди:

— Бўлмаса, сизга айта қолайлик. Биз ака-ука бўламиз. Бу қўрғон отамиздан бизга мерос қолган. Ҳар йили кўкламдан келиб, бу ерга экин экамиз, кейин ҳосилни йиғиб олиб кетамиз. Мана кўриб турибсиз, қўрғонда шу бир туп ўрик бор. У ҳар йили гуллайди, ғўралайди, ғўралари етилиб, ола бўлгач, бир кунда пишади, пишган ҳамоно дув тўкилади-да, ўша замон эзилиб, ерга сингиб, йўқ бўлиб кетади. Биз бирор донасини оғзимизга солишга ҳам улгурмай қоламиз, ҳозиргина шундай бўлди. Сиз давлатдан сўраб келинг-чи! Бизнинг ўригимиз нимага бундай бўлар экан?

Ўсар кўкнори:

— Ҳа, бўпти, оғайнилар. Мен буни албатта давлатдан сўраб келаман, — деб эшакка миниб, «Ё хув, ё манху!» деб жўнабди. Йўл юрибди, юрса ҳам мўл юрибди. Узоқдан бир қорайган узун тепа кўринибди. Шу тепага бориб эшагим ҳам дам олади, ўзим ҳам дам оламан, деб бораверибди. Тепага яқинлашиб борса тепа қимирлабди. Кўкнори ҳайрон бўлиб туриб қолибди. Шунда тепадан:

— Ҳа, кўкнори! Қаерга кетясан? — деган овоз чиқибди. Ўсар кўкнори қараса, бу кўринган қора тепа катта бир аждаҳо экан. У кўрқиб, қотиб қолибди. Шунда аждаҳо:

— Қўрқма, қўрқма! Мен сенга тегмайман. Қаёққа кетяпсан? — деб сўрабди. Шунда Ўсар кўкнори:

— Э подшойим! Менга раҳм қилинг. Бола-чақам бор. Давлатнинг олдига кетаётиб эдим, — деб ёлворибди. Шунда аждаҳо:

— Бўлмаса, давлатдан сўраб келгин. Мен овқат есам тўймайман. Нимага тўймаслигимнинг сирини давлат билади. Билиб келгин, — дебди-да, кўкнорига йўл берибди.

Ўсар кўкнори, аждаҳога қўл қовуштириб:

— Хўп, шоҳим! Албатта сўраб келаман, — деб аждаҳодан ўтиб олиб, эшагига халачўпни қаттиқ ниқтаб, хих-хихлаб қочиб берибди, то илоннинг қораси кўрикмай кетгунча тўхтамабди.

Кўкнори аждаҳо илондан кутулганига минг марта шукурлар қилибди. Юра-юра Арслонбобо тоғига етиб борибди. Тоғни оралаб кета берибди, кета берибди. Бир жойга борса, лаъл, ёқут, забаржад, фируза, бриллиант, ҳар турли қимматбаҳо тошлар ётган экан. Жимирлаб одамнинг кўзини олар эмиш. Кўкнори буларни кўрибди-ю, эшакдан ўзини ташлаб, тошларни йиғиштирибди. Кейин ўзим-ку, давлатнинг олдига кетаётган бўлсам, бундай паст тошларни нима қиламан деб уларни ташлаб кетаверибди. Тоғ орасида давлатни излаб-излаб тополмай: «Давлат ҳой!» деб чақирибди. Шунда тоғнинг бир томонидан: «Ҳой Ўсар кўкнори, кела бер! Мен бу жойдаман», деган товуш эшитилибди, кўкнори товуш чиққан томонга қараб бораверибди. Бир жойга борса, олтин тахтда давлат ўтирган эмиш. Атрофида қанча одамлар хизматда.

Ўсар эгилиб салом бериб, давлат билан сўрашибди. Давлат унга ўз ёнидан жой бериб ўтқазибди. Одамларига: «Бу меҳмонни зиёфат қилинглар!» дебди. Давлатнинг одамлари унинг олдига зардўз дастурхонни ёзиб, турли-туман нозу неъматларни тортиб, ўйин-кулги қилишибди. Ўсар кўкнори шундай кайф-сафонинг ичида уч кун қолиб кетибди. Уч кундан кейин давлатга айтибди:

— Давлат, сенга жуда катта раҳмат! Мана, уч кун сийладинг. Меҳмоннинг иззати уч кун, деганлар. Энди рухсат берсанг, мен кетсам, — дебди.

Шунда давлат:

— Бўлмаса, хув анави ялтираб кўринган олтин тоғни назар солмай келяпману, бу уч ярим хум тиллаларингизни бошимга ураманми? Ўзларинг ола берларинг, — деб, эшагини миниб, улар билан, хайрлашиб жўнабди. Булар хурсанд бўлиб қолишибди.

Ўсар кўкнорининг кайфи тарақ бўлиб, эшагини йўрғатиб:

*Баланд тоғдан мен келаман*

*От ўйнатиб-ой.*

*Қўлларимда паранг милтиқ.*

*Қуён отиб-ой.*

*Отиб берган қуёнингиз —*

*Ола экан-ой.*

*Бизларданам ортиқмиди —*

*Суйганингиз-ой ?*

деб, ашулани ванг қўйиб кетаётган экан. Бирдан:

— Ҳой, кўкнорн, тўхта! — деган осоз эшитилибди. Кўкнори шундай қараса, бояги аждаҳо. У қўрғоннинг бу томонига ўтиб, Ўсар кўкиорининг йўлини пойлаб ётган экан.

— Мен айтганни давлатдан сўраб келдингми? — дебди у. Ўсар кўкнорининг ияги қалтираб, кўзлари ялтираб, оғзидан гаплари қочиб:

— Ҳа, ҳа, ҳа, сўраб келдим, — дебди.

— Сабаби нима экан? — дебди аждаҳо.

— Давлат, агар аждаҳо «Бисмилло» деб овқат еса тўяди, деди.

Ўсар кўкнори аждаҳога шу гапни айтиб турсин, энди гапни Мадамин кўкноридан эшитинг.

## II

Ўсар кўкнори кўкнорихонада кўкнори нчиб, пинакка кетганда, Мадамин кўкнори ҳам кириб, унинг ёнига ўтириб, у ҳам бир пиёла кўкнорини ғилқиллатиб ютибди, устидан нон-чойини ичиб, чеҳраси очилиб, кайфи чоғ бўлиб деворга суяниб, иккала кўзини юмиб ҳар хил хаёлларга ғарқ бўлиб:

— Нима қилсам тириклик яхши ўтар экан-а? Ахир, бировнинг сигири, қўй-эчкиси бор. Бировнинг яхши уй-жойи, боғ-роғи бор. Хотин, бола-чақаси бор. Менда ҳеч нарса йўқ. Одам бирданига бой бўлиб кетолмайди. Олдин битта товук олайн. У тухум қилсин. Тухумини тўплайин, ўзига бостирсам, жўжа очиб чиқади, жўжалар катта бўлади...— деб ўйлабди-ю, ўйлаганлари ўзига маъқул бўлиб;

— Ана, тугуннинг учини энди топдим, — деб даст ўрnidан туриб, тўппа-тўғри товук бозорга борибди. У товукни кўрибди — ёқмабди, бу товукни кўрибди — ёқмабди. Охири битта созивор тухум туғадиган товукни сотиб олиб, уйига олиб бориб, қўйиб юборибди.

Товук тухум қила бошлабди. Тухумни емасдан, бировга едирмасдан йиғиб қўя берибди. Тухуми ўттизга етган-да товуғи курк бўлибди. Унга тухумларни бостирибди. Товук тухумлардан жўжа очибди.

Жўжалардан иккитасини калхат олибди, қолган иккам ўттизтаси ўсиб, товук бўлибди. Саккизтасини олиб қолиб, йигирматасини бозорга олиб бориб сотиб, битта она-бола эчки олиб келиб, уларни ҳам боқа берибди. Товуқлар тухумга киришибди. Тухумини тўплаб, яна бешта товукқа тухум бостирибди. Булар ҳам йигирматадан жўжа очиб чиқибди. Буларни ҳам катта қилибди. Тухумларни сотиб, пулини тўплай берибди. Кеч кузгача икки эчкиси учта бўлибди. Буларни қиши билан боқиб, эрта баҳорда учта эчкини ва бир қанча товуғини олиб бориб сотиб, битта ғунажин олибди. Буни ҳам боқа берибди. Ёзда ғунажин қочибди. Товуқларга яна тухум бостирибди. Янаги баҳорда ғунажини туғибди. Сут-қатиғи ҳам пул бўлибди.

Мадамин кўкнори бир куни товук, жўжа, сигир, бузоқларни кўздан кечириб, ишларим юришиб кетди, худо берса, от-арава, ер-сувлик ҳам бўламан дебди. Тухум, сут-қатиққа ва товукларнинг пулига бир жуфт совлиқ олибди. Совлиқлари бўғоз экан, кузга бориб булар ҳам туғибди. Бунча нарсани боқиш учун жойи торлик қилибди. Бузоғи ҳам сигир бўлибди. Сигир, қўйларини сотиб, бир таноб ер олибди. Ернинг ярмини чопиб, гўнгни кўмма қилиб солиб, эртаги қилиб қовун экибди. Палаги бўлиқ бўлиб, ҳар бир қовуни кўзадай-кўзадай бўлибди. Қовунларни сотиб, пулига битта от-арава олибди. Қовунпояни ҳайдаб, сабзи экибди, Сабзиси чунонам бўлиб берибдики, уни еру кўкка сиғдира олмабди. Сабзиларни аравага юклаб келиб, думини қирқиб, ҳовлисига кўмибди. Эрта кўкламда аравага юклаб, бозорга обориб пуллай берибди. Сабзиларни сотиб, пулига ер олиб боғ қилибди.

Мадамин кўкнорининг ишлари жўнашиб кетиб, бунча нарсаларни сота бериб, шошиб қолибди. Икки таноб ерни тўрт таноб, тўрт танобни саккиз таноб қилибди, саккиз таноби ўн олти таноб бўлибди. Ерларни экиб, ҳосилини йиғиб олиб сотиб, пулдор бўлиб қолибди. Бир куни ўзига ўзи: «Мен энди кимсан Мадамин бойваччаман! Кимдан камлигим бор?! Мана бу отим улоққа ярайди. Буниси аравакаш от бўлсин. Улоқ чопишга бошқа улоқчи от олайн!» деб бозорга борса, самарқандлик асбфурушлар от олиб келган экан. Битта қилич бўйин отни танлаб устига миниб:

— Кимга ярашади бу от? Мадамин бойваччага ярашади! Айт, нархини, — дебди.

Асбфуруш отнинг нархини айтибди. Мадамин бойвачча отдан тушмай пулини санаб бериб, тулпорни бозорнинг ўртасидан гижинглатиб, ҳаммага кўрсатиб миниб ўтиб кетибди. Уйига

обориб, буни ҳам боғлаб боқа берибди. Мадамин кўкнорининг миниши улоқчи от, ейиши нонуштага писта-майиз, тушда шўрва, кечкурун палов бўлиб қолибди.

Бир куни унга ошналари:

— Мадамин бойвачча, сиз шунча нарсага эга бўлиб қолдингиз. Энди сизга хотин олиб берайлик. Уйланинг! — дейишибди:

— Мадамин бойваччага кимнинг қизи лойиқ?

— Маманазар бойваччанинг қизи Гуланорхон лойиқ. Гуланорхоннинг қалинини бериб, карнай-сурнайни чалдириб тўй-томоша бошлаб юборибди.

Қиз томондагилар: «Бизнинг расмимизда қизга улоқ беради. Мадамин бойвачча улоқ берсин!» дейишибди. Мадамин бойвачча бир яшар бузукни сўйдириб, отчопарга улоқни чиқариб юборибди. Ҳар томондан том бўйи-том бўйи отларни миниб улоқчилар етиб келибди. Отлар кўчадан кўндаланг-кўндаланг бўлиб ўта бошлабди.

Йигитлар куёв тўрани ҳам улоққа таклиф қилишибди. Мадамин бойвачча боқиб, ҳали чала совинган улоқчи отини эгарлаб, юганлаб миниб, улоққа жўнабди. Отни гижинглатиб бораётган экан, йўлдан бир бузук кўприк чиқибди.

Мадамин бойвачча бу бузук кўприкка келиб турсин, энди гапни Кўчқор кўкноридан эшитинг.

### III

Кўчқор кўкнори кўкнорихонага кириб қараса, иккала ошиаси кўкнорига маст бўлган, иккаласининг ҳам бўйни ерга эгилиб, кўкнорининг кайфини суриб, гоҳо кулиб, гоҳо ўзларидан ўзлари бир нималарни гапириб ўтиришибди. Ошналаримга халақит бермайин, булар ҳам кайфини сураберсин, мен ҳам кайфимни сурай деб, иккисининг ўртасидан жой олиб ўтирибди. Бу ҳам топган-тутганини олдига қўйиб, бувадан кўкнори сўраб олиб ичиб, кайфи тарақ бўлиб, сукутга кетиб, хаёл дарёсига шўнғибди:

— Худойим! Ғойибингдан еткургин. «Лайлатулқадр»га йўлиқайин, — дебди. «Лайлатулқадр» дейишади. «Лайлатулқадр»га йўлиқсанг, ушлаганинг олтин бўлиб қолади», - дейишади. Бу қаерда бўлар экан? Ўзим излаб бораманми, ё ўзи келармикан, деб ўйлаб кетибди. Охирида: «Яхшиси, имом домладан сўраб қўя қолай. У киши яхши билсалар керак!» дебди-да, ўрнидан туриб, мачитга борибди. Борса, имом домла таҳорат олиб, юз-қўлини артиб турган экан:

— Ассалому алайкум, тақсир! — дебди Кўчқор кўкнорн...

Домла алик олгач:

— Нима хизмат? — деб сўрабди.

— Тақсир, сиздан бир нарсани сўраб билиш учун келдим, — дебди. Имом домла:

— Олдин кириб, пешин намозини бирга ўқийлик! Намоздаи кейин гаплашамиз, — дебди-да, ҳонақоҳга кириб кетибди.

Кўчқор кўкнори намозни ҳуши келса ўқир, ҳуши келмаса ўқимас экан. Имом домладан уялганидан, бетаҳорат бу ҳам хонақоҳга кирибди. Намозхонлар саф тортибди, сўфи такбирни айтибди, имом меҳробга ўтиб, кулоқ қоқиб, намоз бошлабди.

Намоздан кейин имом домла:

— Ҳа, нима гапинг бор эди? — дебди. Кўчқор кўкнори: — Тақсир «Лайлатулқадр»нинг маъносини менга тушунтириб беринг, — дебди. Имом домла:

— Ҳар йили рамазон кунларининг ярми келганда, кечаси оллоҳи таолонинг амри билан «Лайлатулқадр» ўтади. Шунда кимки ухламасдан кечаси билан худога ибодат қилиб, худога йиғлаб-ёлвориб кутиб ўтирса, «Лайлатулқадр» ўтган чоғида нимани ушласа, ушлаган нарсаси олтин бўлиб, бой-бадавлат бўлиб кетади, — дебди.

Кўчқор кўкнори имом домладан бу гапни эшитиб, тўппа-тўғри уйига жўнабди. Уйига бориб, рамазоннинг келишини кутиб ётаверибди. Рамазон ҳам келибди. Кўкнори ўйлабди: «Ҳар йили рўза тутмайман. Бу йил «Лайлатул-қадр»ни кутмоқчиман. Рўза тутмасам тагин «Лайлатул-қадр» мендан хафа бўлиб, кўринмасдан ўтиб кетмасин!» деб, рўза тутишга қарор бериб, ухлабди. Сахар бўлибди. Карнайлар чалинибди. Баъзи одамлар томларга чиқиб ноғора чала бошлабди. Буларнинг товушидан Кўчқор кўкнори ҳам уйғониб, сахарликни қилиб, кўкнорини ичиб, яна ухлабди. Ёзнинг иссиқ узун куни экан. Тушга борганда кўкнорининг хумориси тутибди. Кеч пешинга борганда хумори кучайибди. Одамлар оғзига кўкнори томизиб аранг ўзига келтиришибди.

Эртаси яна рўза тутибди. Пешинга борганда чидамай, бир пиёла кўкнорини ичиб олибди. Рўзани тутиб-тутмай, ҳар куни «Лайлатулқадр», қачон келасан деб, рамазоннинг ўн беш кунини ҳам ўтқазибди. Одамлар: «бугун Лайлатулқадр ўтади», дейишибди. Кўчқор кўкнори кеч бўлишини сабрсизлик билан кутар экан. Шомга азон айтилиб, ҳамма ифторга ўтирибди. Ифтордан сўнг одамлар мачитга келиб таробих намози ўқишибди. Таробихдан кейин, одамлар мачитнинг саҳнига чиқиб, қўлларига бири тош, бири ғишт, бири гувалак-кесак тутишиб «Лайлатулқадр»нинг ўтишини кутиб туришибди. Кўчқор кўкнорининг юраги така-пука: «Мен рўзасини чала тутдим, «Лайлатул-қадр» мендан аразлаб, бошқа жойдан ўтиб кетиб қолмасинда!» деб, кўрқиб турибди. Яна: «Мачитнинг томига чиқайин, мабодо «Лайлатулқадр» узоқдан ўтиб қолса, кўзим тушса бас!» деб, мачитнинг томига чиқиб, у ёқ-бу ёққа бўй чўзиб қарай бошлабди. Бир вақт қибладан ярқираб бир нарса кўринибди. Пастдаги одамлар:

— Ана, «Лайлатулқадр»нинг нури кўринди. Ҳозир келади, — деб питирлашиб, нечтаси такбир айтиб, нечтаси салавот ўқиб, «э худо, «Лайлатулқадр»дан бизни бенасиб қилма!» деб, бақириб-чақириб йиғлашиб туришибди.

Бир замон бояги кўринган нур, бамисоли офтобдек ярқираб, ҳамма жойни ёритиб, мачитга яқин келиб қолибди. Одамларнинг шовқин-сурони яна кўтарилибди. Кўчқор кўкнори эсанкираб, довдираб, мачитнинг тоmidан хужранинг томига, ундан кўшни ҳовлига тушиб кетибди-ю, кўшниси қовлаб қўйган катта бир тўнғакни кучоқлаб олибди. Шунда «Лайлатулқадр» ҳам шовиллаганча ўтиб кетибди.

Кўчқор кўкнори кучоқлаган катта тўнғак қип-қизил олтин бўлиб қолибди.

Эрта билан Кўчқор кўкнори олтинни олиб кетайин деса, ҳовлининг эгаси бу меники бўлади, деб жанжал қилибди. Кўчқор кўкнори:

— Э, оғайни, бу олтин иккаламизнинг етти пуштимизга етади. Мен билан жанжаллашгунча, бозорга югуриб бориб, битта заргарни бошлаб кел! Бу тиллани эритсин, сенга ҳам бўлади, менга ҳам, — дебди.

Ҳовлининг эгаси бориб, заргарни бошлаб келибди. Заргар тиллани эритиб, икковига бўлиб берибди.

Шаҳарда битта синган бой бор эди. Шу бойнинг данғиллама ички-ташқили, орқаси боғли ҳовлиси ҳам бор экан. У ҳовлисини сотмоқчи бўлиб, харидор ахтариб юрган экан. Кўчқор кўкнори шу ҳовлини сотиб олибди. Шаҳардан дўконлар сотиб олиб, бир томонда шойи, атласфурушликни, бир томонда қассоб, баққолликни юргизиб қўйибди. Бой-бадавлат бўлиб: «Кимсан, «Лайлатулқадр»га учраган Кўчқорбой» деган ном чиқарибди. Кўчқор кўкнори бир жойдан ўттиз таноб ер сотиб олиб, ўн танобига кўкнори эктирибди. Йигирма танобини узумзор, ўрикзор, анжирзор, анорзор... боғ қилдирибди. Кўкнорини, меваларни қуритиб олиб, майиз, туршакни еб, кўкнорини ичиб, кайфини суриб ётаверибди.

Бир кун Кўчқор кўкнори ўйлабди: «Пайғамбаримиз тўрттагача хотин олса бўлади, деган эканлар. Отам олиб берган битта хотин билан юраманми? Бирорта бойнинг қизини олайин», деб аҳд қилибди. Шаҳарда Холикберди бойвачча деган жуда катта бой бор экан. Кўчқор кўкнори шунга совчи юбориб, қалинига пулу молни катта бериб, Гуласалхонни унаштирибди.

Тўй бошланибди. Ҳар томондан меҳмонлар келишибди. Карнай-сурнай, кураш, ўйин-кулги бир қанча кун қизгин давом этибди. Охирги куни қизни куёвга никоҳ қилишибди. Келин келадиган уй жуда ҳам безатилган экан. Бир замон ёр-ёр айтиб, келинни олиб келишибди. Куёв бориб, келинни аравадан кўтариб олибди. Янгалар салом айтиб, келинни уйига олиб кириб, чимилдиққа ўтқазибди. Олдига дастурхонни ёзиб, нози неъматларни қўйиб, куёвни бошлаб келиб, келиннинг ёнига, ипак гилам, қават-қават атлас кўрпанинг устига ўтқазибди. Куёв келиннинг жамолини кўриб, бамисоли симобдай эриб, келиннинг кўнглини хушлаш, билагидан ушлаш умидида, ширин-ширин гапларни топиб айтиб, елкасига ўнг кўлини ташлаб, чап кўли билан қизнинг билагини ушлаб, сал эзган эканки, Гуласалхон ноз қилиб, нарироққа қочиб ўтирибди. Куёв тўра лип этиб унинг ёнига борибди. Келин яна нарига қочибди. Шу кайфиятда куёвни бирпас қийнабди. Шунда куёв тўра:

*Қошингиз билан кўзингиз шўх,  
Илоҳим ўлмагайсиз.  
Беҳишда икки гул бор,  
Бири сиз бўлмагайсиз, —*

дебди. Шунда Гуласалхон ҳам ғамза билан жавоб қилибди:

*Гулзор ичига чиқсам,  
Қизлар пардоз қилади.  
Ҳандалакдай бўйимга,  
Ҳамма ҳавас қилади.*

Шунда куёв тўра мундай қарасаки, Гуласалхоннинг ўрим-ўрим сочлари орқаси билан битта бўлиб ётибди. Шунда Гуласалхонга қараб:

*Боққа кириб, гул узай деб,  
Гулнинг новдасин эгиб.  
Бир пари олдимга келди,  
Кокили ерга тегиб.  
Сақлаган отанга раҳмат,  
Ўлмагайсан кўз тегиб, —*

дебди. Бу байтни эшитгач, Гуласалхон дебди:

*Боққа кириб, сайр этиб,  
Танлаб узайлик қўш анор.  
Қўш анорни сизга берай,  
Тоза сақланг мирза ёр.  
Мирза ёрдур ўзингиз,  
Жонимга малҳам сўзингиз,  
Биздан ўтса беодоблик,  
Кечирасиз ўзингиз.*

Куёв тўра билан келин бир-бири билан байт айтишиб турганда, янгалари келиб айтишибди: — Ҳамма кетди, вақт бир маҳал бўлиб қолди. Энди жой солиб берайлик, ётинглар. Кўчқор куёв келинпошшага маҳлиё бўлиб турсинлар. Энди гапни анави икки кўкноридан



эшитинг.

Ўсар кўкнори давлатнинг гапини аждаҳога айтгандан кейин, аждаҳо:

— Давлат шундай дедими? Қани олдин «бисмилло» деб, сени еб кўрайин-чи, тўярмикинман,  
— деб тикланиб, гажжак бўлиб, оғзини очиб, кўзларидан ўтлар сочиб, кўкнорига ўзини ташлабди.

Мадамин кўккори чала совиган отни миниб, бузук кўприкка борганида битта шум одам, ўтган улоқчиларнинг отини хуркитаман деб бошига пўстакни ёпиниб ётган экан, пўстак билан кўтарилиб чиқиб, отни хуркитибди. От чўчиб кетиб ёнига ташлаб қаттиқ ирғибди, устидан Мадамин кўкнори етти газ ерга учиб тушибди.

Шунда Ўсар кўкнори ҳам, Мадамин кўкнори ҳам кўрқиб, икки томонга қулоч ёзиб: «Дод, ўлдим!» деб қичқириб юборибди.

Буларнинг иккаласининг мушти бориб, Кўчқор кўкнорининг жағига тегибди.

Учаласи ҳам кўз очиб қарашса, ҳаммаси кўкнорипинг хаёли экан.

### Домла билан хизматкор

Бир домланинг хизматкори бор экан. Домла хизматкорига:

— Шу хўкиз қўшга ярамай қолди, бозорга олиб бориб сотиб кел, — дебди.

Хизматкор хўкизни етаклаб бозорга бораётганда бир дарахтдаги сассиқпопушак «поп-поп» дебди.

— Ҳа, ука, хўкиз оласанми? — дебди хизматкор. Попушак яна популабди. Хизматкор:

— Икки юз тангами, пулини қачон берасан, эртагами? — дебди-да, хўкизини дарахтга бойлаб кетибди. Домла хизматкордан: «Хўкизнинг пули қани?» деб сўрабди.

— Хўкизни насияга сотдим, пулини эртага олиб келаман, — дебди.

— Кимга сотдинг? — дебди домла.

— Бир маллапўшга сотдим, бошида кулоҳи, бўйнида ридоси бор.

Хизматкор эрта билан туриб ҳалиги дарахт ёнига келиб қараса, хўкиз ҳам йўқ, маллапўш ҳам йўқ, ёлғиз бир кўк қарға дарахт устида ўтирибди. Хизматкор бориб: «Хўкизнинг пули қани?» дебди.

Қарға «ға-ға» дебди.

— Хў, сен хўкизнинг пулини бермай фўрм бўлиб ўтарасанми? Кеча келганимда эгнингда малла тўн, бўйнингда ридо, бошингда кулоҳ бор эди. Бугун эгнингга пўстин, бошингда телпак кийгансан, хўкизнинг пулини бермайсанми? — деб қўлини кўтарган экан, қарға кўрқиб қағилаб учиб кетибди. Хизматкор этагини белбоғига қистириб қарғанинг орқасидан кувиб кетибди. Қарға учиб бориб бир жардаги уясига кириб кетибди. Хизматкор: «Хўкизнинг пулини бер!» деб уясининг оғзига кўлини тикибди. Қарға уясидан чикмабди. Хизматкор пичоғини олиб бир чеккадан уяни ковлай бошлабди, пичоқ бир нарсага тегиб жаранглаб кетибди. Қараса бир хум тилла, «шунда у хўкизнинг пулини ундирдим», деб бир қоп келтириб тиллани тўлдириб олиб кетибди.

### Хафа бўлиш йўқ-а?

Болтабой акаси Тешабойни очликдан ўлдирган золим бойдан ўч олиш учун бойнинг ҳовлисига қараб йўл олибди. Бой бир неча кундан бери хизматкор кидириб, тополмай хафа бўлиб ўтирган экан. Болтабойни кўриши билан севиниб кетибди. У Болтабой хизмат сўраб келган бўлса керак, деб ўйлаб, севинчидан ўзига ўзи сўйлаб, ниҳоят Болтабойга айёр кўзлари

билан қараб, пахмоқ соқолини тараб, тилёғламаликка киришибди:

— Кел, ўғлим, кел, менда нима ишинг бор?

— Бой ота, мен бир хизмат билан ҳузурингизга келган эдим.

— Айт, ўғлим, бажону дил, нима дейсан?

— Мен бир бечора кампирнинг ёлғиз ўғлиман. Отам қашшоқликдан, очликдан қазо қилди.

Отам ўлгандан кейин рўзғор менинг зиммамга тушди. Мен ишламоқчи бўлиб иш қидириб кўп жойга бордим. Иш сўраб ёлвордим, аммо иш тополмадим. Энди нима қилишимни билмай, уйимга қайтиб келаётганимда маҳаллангизнинг имомини учратиб қолдим. Унга ўз дардимни айтган эдим, имом менга: «Маҳалламизда Қурумсоқ деган бой бор. У бева-бечораларнинг бошини силайдиган одам, сендай юпун болаларни кўллаб-кўлтиқлайди. Сен ўша бойникига бор», деб маслаҳат берди. Мен хурсанд бўлганимдан уйимга бормасдан тўғри шу ерга келдим, — дебди. Бой унга:

— Ҳим... жуда соз, ўғлим, майли, сенга ҳам бир «сахийлик» қилай. Кеч кириб қолди, ҳозир уйингга қайтсанг ҳам бўлади. Эртага эрталаб келиб ишга тушасан, — дебди. Болтабой:

— Раҳмат, бой ота, бу яхшилигингизни эсимдан чиқармайман, — дебди-да, кўчага чиқиб, ўз уйига равона бўлибди.

Болтабой эртасига сахарда туриб бойнинг уйига борибди. Бой хизматкорни ишга солибди. Болтабой челақларни сув билан тўлдириб бўлгач, ўтин ёрибди. Ҳовлидаги ишларни тугатгач, унга қирқ кундан бери қотиб ётган, моғорлаган бир кулча берибди. У нонни олиб кўйнига солибди, бойнинг буйруғи билан молхонадан икки хўкизни олиб чиқибди. Бой эшакка миниб:

— Қани юр далага, хўкизларни ҳайда, — дебди.

Болтабой, бойнинг орқасидан хўкизларни ҳайдаб кета берибди. Бой хизматкорнинг ўз оёғи билан келганига ичида суюниб:

— Худо бераман деса ҳеч гап эмас. Мана яна бир жонидан тўйган ўз оёғи билан тузоғимга илинди. У мендан ё ўлиб кутулади, ё қочиб. Мен унинг кўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб, «хафа бўлиш йўқ» деб роса ишлатаман, — деб хаёл суриб келаётган бой бирдан «хафа бўлиш йўқ-а?» деб гапириб юборибди. Уни хизматкор эшитиб қолиб «Лаббай, бой ота, гапирдингизми?» дебди. Бой тулкилигини ишга солиб:

— ...Ҳа, чарчамай келяпсанми, ўғлим? — деб сўрабди,

— Чарчаб мен бекорчиманми, бой ота! Бекорчилар чарчайди-да.

— Ҳа, шундай хафа бўлмайсан-да, а?

— Йўқ, бой ота, хафа бўлиш йўқ.

Бой яна хаёл суриб кета берибди. Бойнинг тилёғламалигини билиб олган Болтабой ҳам: «Ҳа одамхўр, золим бой, бугун эшакни миниб мени орқангдан эргаштириб кетяпсан, шундай кунлар келарки, биз ҳам эшак эмас, дулдул отларни минармиз, ўшанда сен ерни кучоқлаб ётарсан. Мен сендан «хафа бўлиш йўқ-а?» деб туриб акамнинг ўчини олайки, дунёга келганингга пушаймон бўлгин», дебди.

Бойнинг ерига етиб боришибди. Бой хизматкорга:

— Мен ҳозир уйга қайтиб кетаман. Тушга яқин овқатингни олиб келарман. Мабодо ишим чиқиб қолиб келолмасам хафа. бўлмайсан-да, а? — дебди.

— Йўқ, бой ота, хафа бўлиш йўқ.

— Қани, ишга кириш бўлмаса, мен кетдим, ерни чуқурроқ ҳайдагин, — дебди бой.

— Хўп, бой ота, — деб жавоб берибди Болтабой. Бой кетгач, Болтабой белбоғини пешонасига боғлаб, кўкизларни кўшга кўшиб, шайлаб ер ҳайдашга киришибди. Болтабой ерни тушагача ҳайдабди. Бойдан дарак бўлмабди. Кечгача ер ҳайдабди, бойдан дарак бўлмабди. Қорни очган Болтабой кечкурун кўшни чиқариб, икки хўкизни олдига солиб, бойнинг ҳовлисига кириб борибди. Хўкизларни молхонага олиб кириб, олдига ўт солиб, ўзи дам олиш учун ертўлага кирибди. Энди ётган экан, бой Болтабойни чақириб қолибди.

— Келдингми, ўғлим? Боғ орқасида бедапоя бор. Ўша ерга бориб, эшакка уч-тўрт боғ беда ўриб келгин. Хафа бўлмайсан-а? — дебди бой.

— Хафа бўлиш йўқ дегансиз-ку, бой ота, — дебди-да, Болтабой ўроқни олиб бедапояга борибди. Бир кўтарим беда ўриб, қорни очлигига чидай олмай лаби қурушиб, бедани кўтариб уйга қайтиб келибди. Болтабойга бой битта эшагим бор дегани учун, ёлғончи бўлмайин деб бедани эшакларга ўзи солибди. Болтабой ертўлага кирганда орқасидан бир коса хўрда билан иккита нон олиб кириб беришибди. Болтабой овқатлангач, уйқуга кетибди. Тонг ёришгач, Болтабой яна ер ҳайдагани кетибди. Бу кун ҳам бой тушда овқат олиб бормабди. Болтабой пешингача ер ҳайдабди-да, пешинда хўкизларни ҳайдаб бозор томон йўл олибди. Бозор олдидаги чойхонада чой ичиб ўтирган бир кишига хўкизнинг бирини беш тангага сотиб, бир тангасига ош қилиб еб, тўрт тангасини ёнига солибди. Кечқуруч бойнинг ҳовлисига кириб борибди. Бой икки хўкиздан бири йўқлигини кўриб жони чиқаёзибди. Лекин ўзини босиб:

— Ҳорма, ўғлим, хўкизнинг бири кўринмайди-я, қани? — деб сўрабди. Болтабой ҳам ўйлаб турмасдан бор гапни айтибди:

— Бой ота, тушда менга овқат олиб бормаган эдингиз, пешингача ерни ҳайдаб жуда қорним очди. Сўнгра хўкизларни олдимга солиб бозорга келдим. Хўкизнинг бирини беш тангага сотиб, бир тангасига ош олиб едим, тўрт тангаси ҳамёнимда, уни сизга бермайман, хафа бўлмайсиз-а?

— Хафа бўлиш йўқ-ку, ўғлим, — деб жавоб берибди бой нима қилишини билмай. Болтабой «энди қўлга тушдинг, бой» деб ҳар куни ер ҳайдай берибди. Ёнидаги пули тугагач, яна уч-тўрт кундан кейин тушда бой овқат олиб келиб бермабди. Шунда Болтабой хўкизнинг бирини бозорга олиб бориб, сотиб, овқат олиб ебди. Бой эса «хафа бўлиш йўқ» деб боши гангиб нима қилишини билмай қолибди. Энди бу хизматқорни йўқотмасам моли дунёимни совуради, буни қандай қилсам йўқота одаман, деб ҳар куни хаёл сура берибди. Бойнинг укаси узоқ бир қишлоқда яшар экан. Хизматқорни укасиникига юбориб, ўша ерда ўлдиртирмоқчи бўлибди. Бой укасига хат ёзиб, Болтабойни чақирибди.

— Ўғлим, фалон қишлоқда менинг укам бор. Бугун укамникига бориб, мана бу хатни бериб келасан. Хафа бўлмайсан-а? — дебди.

Болтабой:

— Хафа бўлиш йўқ, бой ота! — дебди-да, Болтабой хатки олиб, ҳамёнига солиб, бойнинг укасиникига қараб равона бўлибди.

Болтабой йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир қишлоққа кириб борибди. Йўлда ўтириб дам олибди, хатни очиб ўқимоқчи бўлибди, саводсизлигидан хатни ўқий олмай юраги тўлибди, яна йўлга равона бўлибди. Кета тўриб бир муллаваччани учратиб қолибди. Муллаваччага бир танга бериб, хатни ўқитиб, бойнинг ниятини билибди. Хатни шу ердаёқ йиртиб ташлаб муллаваччага яна бир танга бериб, бошқа хат ёздирибди. Хатда шундай дебди: «Меҳрибон ука, аввал салом, ундан сўнг сенга кичик хизмат. Мен сенинг олдинга ўзимнинг энг яхши хизматқоримни юбораётиман. Агар сен мени десанг шу хатни олиб борган хизматқоримни яхшилаб кутиб ол. Уч кун ичида ўзингнинг энг яхши кўрган қизингни тўй-томоша қилиб, шу хизматқоримга қўшиб қўй. Агар айтганимни қилмасанг, сендай укам йўқ!»

Болтабой хатни ёздириб, муллаваччага раҳмат айтиб, яна йўлга тушибди. Ниҳоят, кечқурун бойнинг укасиникига етиб борибди. Бойни топиб, саломлашиб ўзини таништиргач, хатни берибди. Хатни ўқиган бой ҳушини йўқотаёзибди. Нима ҳам дерди, акасининг гапини қайтариш гуноҳ. Бой Болтабойга билинтирмай ич-ичидан ёнибди. Болтабой унга:

— Бой ота, хафа кўринасиз, нима бўлди? — дебди.

— Йўқ ўғлим, хафа эмасман, — деб жавоб берибди у. Бой Болтабойни шу кеча яхшилаб меҳмон қилибди. Ҳеч қандай илож тополмаган бой, эртасига тўй тараддудига тушибди. Маҳалла оқсоқолини чақириб маслаҳат қилибди, сўнгра тўй қилиб, энг кичик қизини Болтабойга никоҳ қилиб берибди. Болтабой ҳам хотинлик бўлиб қолибди, кайфини суриб юра

берибди. Болтабой бу ерда кайфини суриб юра берсин. Энди Қурумсоқ бойдан эшитинг:

Қурумсоқ бой хизматкордан кутулдим, деб суюниб, йўқотган хўкизларини эслаб куюниб юра берибди.

Кунлардан бир кун укасини соғиниб бир кўриб келай деб, совға-салом олиб, укасиникига жўнабди. Юриб-юриб кечқурун укасининг қишлоғига етиб келибди. Укаси уии хурсандчилик билан кутиб олибди. Қурумсоқ бой уйга кирганда янги тўнларни кийиб хизмат қилиб юрган Болтабойни кўриб, юзида қон қолмабди. Бой сирни бой бермай Болтабой билан кўришиб, сўрашиб ўтирибди. Болтабой дастурхон ёзиб, бойга чой узатибди.

— Ўғлим, тинч зерикмасдан ўйнаб юрибсанми?

— Ҳа, бой ота, укангизнинг қизлари бор экан, менга тўй қилиб бердилар. Қуллуқ сизга, бой ота.

— Нима дединг? — дебди бой шошиб.

— Мен бу ёққа келаётганимда қўлимга бир хат берган эдингиз-а, бой ота?

— Ҳай, нима бўлибди?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ, бой ота. Мен ўша хатни йўлда бир муллаваччага ўқитдим, хатингизда мени ўлдиришга буюрган экансиз. Мен у хатни йиртиб ташлаб, муллаваччага бир танга бериб, сизнинг номингиздан укангизга бошқа хат ёздирдим, укангиз хатни ўқиб қизини менга никоҳ қилиб берди. Мен укангизга куёв бўлиб юрибман. Хафа бўлмайсиз-а, бой ота?

— Қизини олдим дейсанми? — дебди бой титраб-қакшаб.

— Ҳа, бой ота, олдим, хафа бўляпсизми? — дебди Болтабой. Бой ўзини босиб олибди-да.— Хафа бўлиш йуқ, — деб жавоб берибди. Бир оздан сўнг Бой хизматкорга қараб:

— Ўғлим, эртага бир жойга бориб сайр қилиб келамиз, тайёрлан, — дебди.

— Қаерга борамиз, бой ота? — деб сўрабди Болтабой.

— Тантибой, Турғунбой, Каримбой деган ўртоқларим бор. Ўшаларникига бориб бир яйраб келамиз, хафа бўлмайсан-а? — дебди бой. Болтабой:

— Хафа бўлиш йўқ, бой ота, — дебди. Кечқурун Болтабой ўз уйига кириб кетибди.

Ярим кечада Болтабой ховлига чиқиб, Қурумсоқ бой ётган уйнинг деразасидан икки кишининг шивирлаб гаплашаётганини эшитиб қолибди, секин бориб қулоқ солса, Қурумсоқ бой укасига Болтабойни ёмонлаб: «Эртага Болтабойни ўртоқларимникига олиб бориб, ўша ерда ўлдириб келаман», деётганмиш. Буни эшитган Болтабой ҳеч нарсани билмаган киши бўлиб, ўз жойига кириб ётибди. Эрта билан барвақт уйғонган Қурумсоқ бой апил-тапил овқатланибди-да, Болтабой билан йўлга равона бўлибди. Бой эшакка миниб олибди. Болтабой эса пиёда кета берибди. Йўл юришиб, йўл юришса ҳам мўл юришиб, бир жойга келганда бой дам олмоқчи бўлиб эшакдан тушган экан, Болтабой эшакни миниб олиб кета берибди. Бой унинг орқасидан югуриб, чарчаб, оғизлари кўпириб кела берибди. Ниҳоят, бир қишлоққа бориб чойхонанинг олдидан чиқиб қолишибди. Бой Болтабойни эшакка қоровул қилиб, «мен овқат қилиб чиқаман, хафа бўлмайсан-а» деб, чойхонага кириб халфанага кўшилибди. Болтабой ҳам эшакни беш тангага сотибди-да, бир тангасига ош олиб еб, аччиқ чойни ичиб ўтира берибди. Бой қорнини тўйғизиб, кекириб кўчага чиқса, эшак йўқ эмиш. Болтабойдан эшакни сўраган экан, «эшакни сотиб ош олиб едим», дебди.

Иккаласи ҳам пиёда йўлга равона бўлишибди. Кўп йўл юришиб, бир қишлоқнинг четига етиб келишибди. Болтабой қараса, бир эски хароба уй бор эмиш. Болтабой бойнинг қўлоқларини ҳеч ким ечолмайдиған қилиб, чамбарчас қилиб бойлаб ўша харобага қамаб кўйибди.

— Бой ота, сиз мени ўлдирмоқчи бўлиб олиб кетаётган эдингиз, мана энди менга қазиган чуқурингизга ўзингиз тушадиган бўлдингиз, хафа бўлмайсиз-а? — дебди Болтабой.

— Хафа бўлиш йўқ, — деб жавоб берибди бой.— Лекин, бу аҳволда қийналиб ўламан.

— Йўғ-э, бой ота, ўлиб нима қиласиз? Ахир, сиз менн ўлдирмоқчи эдингиз-ку, қорнингиз очса похол еб туринг. Ҳа золим бой, мен сендан акам Тешабой ва очликдан ўлган

ўртоқларимнинг ўчини оламан. Хафа бўлиш йўқ-а? — дебди. Бой:

— Йўқ, ўғлим хафа бўлиш йўқ, — деб нафаси ичига тушиб кетибди.

Болтабой:

— Сенга жазо шу, — деб бойни хароба уйда қолдириб, эшикни маҳкам ёпиб, ўз қишлоғига қараб жўнабди. Шундай қилиб, муроди мақсадига етибди.

## Ношуд бола

Сағир бўлиб момомнинг кўлида қолдим. Момомнинг учта бузоғини боқиб юрдим. Унинг биттасини бўрига олдириб юбордим. Момом урди, қочиб бориб Боймоқли деган қишлоқда бир кампирнинг эчкисини боқдим. Бир кун кампир:

— Эчкилар сут бермай қолди, мен боқайин, сен улоқларни боқиб, сув олиб келиб юргин, — деди.

Бир кун кампир йўғида битта патир қилиб, бетига мой суркаб ейман деб туриб эдим, кампир эчкини хайдаб келиб қолди. Патир билан мойни кўйгани жой тополмай, телпагимнинг ичига солиб бошимга кийдим.

Улоқлар эмиб кўйди, кампир бошимга бир муштлади. Мой телпақнинг тагидан тирқираб чиқиб кетди. Вой миям чиқиб кетди, деб калламни маҳкам ушлаб ётдим. Кампир эчкини ҳам боқди, улоқни ҳам боғлади, сувни ҳам ўзи олиб келди. Мен ҳеч бир иш қилмай ётдим. Бир кун кампир хафа бўлиб:

— Болам, сен эчкини боққин, мен кувни пишиб олай, — деди.

Мен хайр деб эчкини боққани чиқиб кетдим. Далага бориб ухлаб қолибман, бир вақт турсам, ярим кеча бўлибди. Қулоғимга: «болаю-болаю» деган товуш келади. Қарасам эчкилар йўқ. Эчкиларнинг барисини бўри еб кетибди. Оббо, кампир мени ўлдирди деб, қочиб бориб, Жарқўрғонда ётдим. Тонг отгандан сўнг сой бўйига тушиб бордим. Бир одам арпа хирмонида қирқта товукнинг жўжасини боқиб ўтирибди.

— Бобожоним, мен оч қолдим, нонийгиз бўлса беринг, — дедим.

— Хув ўша уй меники, борсанг нон беради, — деди.

— Танимасни сийламас, менга бермайди, ўзингиз бориб менга бир оз нон олиб келиб беринг, мен товукларни боқиб турай, — дедим.

Товукларни боқиб ўтирган эдим, уйку боса берди. Бобойнинг товукларини қуш олиб кетмасин деб, барини бир ипга бир оёғидан боғлаб, учидан ушлаб ётдим. Бир қуш келиб қирқтасини олиб кетибди. Бобом меини уради, деб у ердан ҳам қочиб кетдим. Саъди Вокқос деган қишлоққа бордим. Бир Бегмат овчи деган қушбоз бор экан. Далада унинг хизматини қилиб юрдим. Бир кун уйига жўнар экан, кўлимга бир мири бериб:

— Қушга овқат олиб бер, — деди.

Мен қушга нима овқат олиб бераман, деб сўрамабман. У кетгандан кейин қарасам қушнинг тагида оқ нарса турган экан. Бу қатиқ ичар экан, деб қишлоқма-қишлоқ юриб, бир хурма қатиқ олиб келиб бердим. Қатиқни ичмади. Бу нимага ичмайди, деб калласини хурмага тикдим. Қуш хурмага бошини суқиб индамасдан қолди, мен симириб ётибди десам, ўлиб қолибди. Қушнинг ўлигини олиб, эгаси келгунча қараб турдим. У:

— Қушни нима қилиб ўлдирдинг, — деди.

— Мен қатиқ бердим, симириб ётибди десам, ўлиб қолибди, — дедим.

— Э, чорвадор боласи экансан. Қуш тилини билмас экансан, — деди.

Яна овчининг хизматини қилиб юра бердим.

Кундан-кун ўтди, овчи мени ўзи билан бирга овга олиб чиқди, кўлимга бир қуш, бир халта берди, бир този, бир пўстин берди. Пўстинни кифтимда кўтариб, тозини етаклаб, халтани

қўйнимга солиб, қушни бир қўлимга олиб бир қирга қараб ўрладим.

Овчи менга:

— Тулки чиқса тозини қўйиб юбор, каклик чиқса қушни қўйиб юбор, — деб тайинлади.

Овчи отлик, мен эса яёв тоққа чиқдик. Пўстинни кўтариб чарчадим, тозининг устига ёпдим, пўстин турмади, бир енгини тозининг калласига боғлаб, тозининг белига айлангириб ўраб қўйдим. Қушни кўтариб қўлим толди, халтага солиб кўтариб олдим. Бораётиб эдим, олдимдан тулки чиқиб колди. Пўстинни олгунча бўлмади, този тулкини қувиб кетди. Пўстин парча-парча бўлиб тошларга илиниб қола берди. Шу яқиндан бой каклик учириб: «Қушни қўйиб юбор», деб товуш қилди.

Қушни чиқариб учирсам, қуш бориб тўп этиб йиқилди, учолмади, қаноти қайрилиб қолибди-да, деб олиб кўрсам, қуш димиқиб ўлиб қолибди. Овчи мени ўлдиради деб қочиб кетдим.

Юриб-юриб бир бойниқига бордим, Унинг хизматини қилиб юрдим. Бу бойнинг бир хашири, бир йўрғаси бор экан. Бир кун йўрғаси касал бўлди.

— Ўғлим, мол ҳаром ўлмасин, — деди.

Мен олдимга чироқ ёқиб, пичоқ қўйиб ётдим. Бир вақт туриб қарасам, «патир-патир» бўлиб ётибди. Чироқ ўчиб қолибди. Бориб чироқни ёқмасдан, бошини шартта кесиб юбордим. Чироқни ёқиб қарасам, ҳачирнинг бошини кесиб қўйибману, касал от турибди. Бой мени эртага ўлдирадн, деб бундан ҳам қочиб кетдим.

Тонг отганда Янгиқўрғон бозорига бордим. Кўчада оралаб юрдим. Бир аёл:

— Нима қилиб юрибсан, болам? — деди. Мен:

— Ўғли йўққа ўғил, кизи йўққа қиз бўламан, — дедим.

— Ундай бўлса сен менга ўғил бўлгин, — деб қўлидаги боласини қолдириб, — бозордан савдо-сотиғимни қилиб келиб боламни ва сени олиб кетаман, — деди.

Онаси кетгандан кейин болага узум-пузум олиб бериб ўтирдим, Онасининг дарағи бўлмади. Қидириб-қидириб, бояғи аёлни топиб олдим.

— Юр, болангни олгин, — дедим. Аёл:

— Менинг болам эмас, сени танитайман, болани ҳам танитайман, — деди.

Болани кўтариб икковимиз ушлашиб, қозининг олдига бордик. Қозига:

— Мана бу аёл боласини мендан олмаяпти, — дедим.

Қози аёлга: «Болани ол», деди. Аёл: «Менинг болам эмас», деди.

Қози: «Болани ўртага ўтқазиб қўйинглар, қақиринглар, бола кимга борса ўшаники», деди.

Онаси: «Оҳ бераман», деса, бола бормади. Мен: «Кел укажон узум берай», десам бола менга қараб келди. Қози болани сен ол», деб менга ҳукм қилди. Болани кўтариб кетаётсам, кампир ёнимга келиб: «Болам, қўй, хафа бўлма, иккимиз она-бола бўлиб қўя қолайлик, деб уйига олиб борди. Мен униқида юрдим. Орадан бир неча вақт ўтгандан кейин момонни ҳам топиб олиб, бирга яшадим.

## Араб лаққи

Қадим замонларда Бухоронинг бир подшоҳи бўлиб, унинг молу дунёси кўп экан. Фарзандлари ҳам анча экан. Подшо кайфу сафони, ўйин-кулгини яхши кўрар, унинг саройида сонсиз ҳофизлар, чолғувчилар, қизиқчилар ҳам бор экан. У, бирор жойга боргудай бўлиб қолса, аҳли санъатни ҳам ўзи билан олиб юрар экан. Санъаткорлар ичида кекса бир чол ҳам бор экан. Бу чолни кишилар Араб лаққи деб аташар экан. Араб лаққи ҳам бошқа санъаткорлар қаторида бирга юрар ва подшо сўраган вақтда, бир-икки калима кулгили латифа айтиб, ўтирган кишиларни қулдириб қўяр экан, холос. Сўрамаса, эшик ёнидан нари кетолмай, подшо сўзини

кутиб ўтирар экан. Араб лаққининг кийишга кийими, ейишга овқати ҳам бўлмагани учун у борган жойлардаги «азиз» меҳмонлар олдидан ортган ошни нон орасига кўйиб, уйда кутиб ўтирган кампирга келтирар экан. Чол билан кампир ниҳоятда камбағал ва қашшоқ ҳолда яшар эканлар. Уларни кишилар на тўйга, на томошага ва на маъракага айтар эканлар. Бунинг устига парвардигор бирор фарзандни ҳам раво кўрмабди. Чол билан кампир уйда ўтирганларида узокдан-узок ҳасратлашиб дардлашар эканлар.

Араб лаққи кунларнинг бирида подшо ва унинг мулозимлари билан жуда узок юрибди, чарчаганидан бутун коинотга лаънатлар ўқибди. Унинг ҳаётдан норозилиги тўғрисидаги хабар подшога бориб етибди. Маишат кайфини суриб ўтирган подшо, чолни олдига чақиртириб арзини сўрамоқчи бўлганида, чол унга қулоғини тутибди. Атрофда ўтирган ўнлаб кишилар чол билан подшо ўртасида бўлиб ўтган гапни эшитмай ҳайратда қолибдилар.

Орадан кўп ўтмай чол билан кампирнинг турмушлари яхшиланибди. Кампирни ён қўшниларидан ташқари, Бухоронинг кўзга кўринган бойлари, амалдорлари тўйларига айта бошлабдилар. Ҳайитларда аллақандай номаълум кишилар чол уйига қимматбаҳо совғалар келтира бошлабдилар. Қисқа вақт ичида Араб лаққининг омбори ғалла билан тўлибди, молхонасига сигир, қўш хўкиз, отлар боғланибди. Чол билан кампирнинг кийими ҳам шойи бўлибди, шундай қилиб чол билан кампир жуда бойиб кетибдилар. Кунларнинг бирида бунинг хабари подшога етибди. Подшо чолни олдига яна чақиртириб, унинг бойиб кетиш сабабини сўрабди. Араб лаққи шунда подшога қараб:

— Ҳазрат олийлари, мен бунинг сабабларини олдин ҳеч билмаган эдим, кейин-кейин тушуна бошладим. Ўзингизга маълумки, менинг раҳматли отам сизнинг раҳматли отангиз даврида хизматкор эди, мен бўлсам ёшлигимда ҳофизлик қилар эдим, ёшим улғайгач, кишиларингиз: «Товушинг бузилибди, қарибсан», деган гаплар билан ҳофизликдан четлаштирибдилар, охири куним ўтмагач, тўпчибошига арз қилдим, сўнгра у мени яна давлатингиз соясида ҳикоя айтиб юришга ижозат олиб берди. Ана шундан буён йигирма йил ўтди. Бир марта араб ҳикоясини айтганимда: «Араб ҳикояларини бузиб айтадиган лақма», дейишди. Ундан кейин номим Араб лаққи бўлди. Бир куни чарчаб, ҳолдан кетиб, ўзи яратиб ғамхўрлик қилмаган коинотга лаънатлар айтганимни эшитиб, сабабини сўрамоқчи бўлганингизда сизга қулоғимни тутдим. Сиз қулоғимга шивирлаб, қарғишим сабабини сўрадингиз, атрофдаги ўтирган кишилар бундан хавфсирадилар. Ана шу кундан бошлаб қонунсиз иш қилувчи қозингиз, ҳокимингиздан тортиб, оддий солиқчингизгача менга совға бера бошладилар. Улар икковимизни сирдош деб ўйладилар ва ўзларининг гуноҳларини беркитиш учун мени рози қилиб турдилар. Бўлган иш шу. Ким билади, менга ўхшаганлар жуда кўп. Ҳар бир камбағал мен каби уларни қақшатса-ю, сўнг сирларини очиб уни фош қилиб ташласа, кўп яхши кунлар бўлар эди, — деган экан.

## Икки аҳмоқ

Бир отлиқ киши мачитнинг олдидан ўтиб кетаётиб, ўтирган икки кишига салом берибди. Иккаласи бирдан алик олибди. Отлиқ кетгандан кейин иккала ўтирган талашибди.

Бири: «Нега сен алик олдинг? У саломни менга берди-ку», деганда иккинчиси туриб: «Йўқ, у саломни менга берди», дебди.

Шу ерда иккаласи отлиқдан сўрамоқчи бўлиб, унинг орқасидан югуришибди.

— Сиз, саломни кимга бердингиз? — деб сўрашибди ундан. Шунда салом берган киши ичида: «Ҳа, булар жуда ҳам аҳмоқ экан», деб:

— Қайси биринг аҳмоқ бўлсанг, ўшанингга бердим, — дебди.

Шунда бири туриб:

— Мен аҳмоқ, — деганда иккинчиси туриб: — Мен сендан ҳам аҳмоқ, — дебди.

Отлик:

— Қани бўлмаса сен қанақа аҳмоқсану, сен қанақа аҳмоқсан? — деб сўрабди.

Бири:

— Бир вақт мен мактабда домла эдим. Бир кун болаларим сув турган хумга қараб аксини кўриб: «Ҳе... тақсир, хумнинг ичига болалар тушиб, харом қилибди», деганда, «қайси бири хумнинг ичидан чиқса ура беринглар», деб хумнииг ичига бошимни суқиб қарасам, ҳеч нарса йўқ. Ўзим бошимни кўтарганда, бирдан болалар мени уриб кетишди. Шунда: «Мен домлаларинг бўламан», демаган аҳмоқман, —дебди.

Иккинчиси:

— Мен бир вақт касал бўлганимда ҳақим «қирқ кунгача гўшт, тухум емасдан парҳез қилгин», деб тайинлаган эди. Бир кам қирқ кунга қадар сабр қилиб, қирқинчи куни уйдагилар тухумли овқат қилган экан, ҳа, энди бир кунга ҳеч нарса бўлмас деб, бир тухумни арчиб, энди оғзимга солган эдим, ҳалиги ҳақим келиб қолди. Мен тухумни лунжимга олиб туриб қолдим. Табиб мандан: «Нега бетинг шишиб кетди», деб сўради. Мен табибнинг парҳезидан кўриб, «тишимнинг оғриғига бетим шишиб кетди», дедим. Ҳақим: «Бай-бай, ёмон бўлибди-ку», деб ёнидан ништарини олиб, бетимни кесиб, оқни оқ, саригини сариқ қилгунча, «тухум» демаган аҳмоқман, — дебди.

Ундан кейин отлик: «Тоза аҳмоқларга йўлиққан эканман. Икковинг ҳам чинакам аҳмоқ экансан», деб кета берибди.

### Соқи мумсик билан Боқи мумсик

Бир замонда Соқи мумсик билан Боқи мумсик деган икки киши яшаган экан. Улар ўтакетган мумсик эканлар. Бир-бирларига сувни ҳам раво кўрмас эканлар.

Бир куни Соқи мумсик Боқи мумсикни кига меҳмон бўлиб борибди. Борса, Боқи мумсикнинг хотини нон ёпаётган экан. У Соқи мумсикни кўрибди-ю, ўтни ўчириб, хамирни ўраб қўйиб, ҳеч нима билмагандек бемалол ўтираверибди. Боқи мумсик ҳам Соқи мумсикни кўриб энсаси қотибди, келдингми ҳам демабди. Меҳмон ҳам ўтираверибди. Меҳмоннинг олдига ҳеч нарса қўйишмабди. Охири кеч бўлиб, ётмоқчи бўлишибди. Кампир Соқи мумсик билан Боқи мумсикка айвонга жой қилиб берибди. Ётиш олдига Боқи мумсик хотянига: «Ҳали сен меҳмон ухлаганида мени уйғотиб, қорнимни тўйғазиб қўйгин», дебди. Бу гапни Соқи мумсик эшитиб қолибди. Улар ётишибди. Соқи мумсик ухламабди. Боқи мумсик ухлаб қолибди. Боқи мумсикнинг хотини кечаси келиб эрини аста чақирибди. Лекин, у турмабди. Шунда Соқи мумсик овозини ўзгартириб:

— Мана ҳозир, — дебди-ю, овқатни тушира бошлабди. Кампир эса, уни Боқи мумсик деб ҳадеб овқатни бераверибди. Соқи мумсик қорни тўйғач, ортган овқатни белбоғига туғиб олибди.

Кейин.

— Бўлди, тўйдим, — деб жойига келиб ётибди-да, эрталаб барвақт туриб жўнаб қолибди. Эрталаб Боқи мумсик ўрнидан туриб хотинига:

— Кечаси нега менга овқат бермадинг, оч қолиб ўлаёздим-ку, — деб дағдаға қилган экан, хотини:

— Қандай одамсиз, овқат бердим-ку, ҳар сафаргидан кўп овқат едингиз-ку, — деб жавоб берибди. Шундан сўнг Боқи мумсик овқатнинг ҳаммасини Соқи мумсик еб кетганини билибди.

Шундай қилиб, Соқи мумсик Боқи мумсикни қўлга тушириб кетган экан.



## Етти аҳмоқ

Бир куни етти аҳмоқ бозорга ўйнагани чиқишибди. Юриб-юриб қорнилари очибди. Улар пул йиғишиб еттита хурмача қатиқ ва еттита нон олишибди. Энди олган нарсаларини ейиш учун жой излашиб, бир чеккага ўтишибди. Улар атрофга қарасалар, қўлларини ювиш учун сув кўринмабди. Шунда уларнинг энг каттаси бошқаларига сув келтиришни буюрибди. Улар бир-бирларига сансалорлик қилиб, ҳеч қайсиси унамабди.

Шунда аҳмоқлар бир-бирига шарт қўйишибди: «Агарда ким гапирса, ўша қўлга сув олиб келиб куйсин», дейишибди. Шундай қилиб, аҳмоқлар индамасдан ўтираверишибди.

Шу пайт, бир гадоё келиб тиланибди. Унга ҳеч ким жавоб бермабди. У нонии олиб еб, қатикни ичиб, идишнинг юқини аҳмоқлар бетига суркаб кетибди.

Бир оздан кейин бир ит келиб, қолган нон ушоқларини еса ҳам улар индамай ўтираверишибди. Ит нон ушоқларини, идиш юқларини ялабди. Охири итнинг қорни тўймай қолиб, бир чеккадан аҳмоқларнинг бетига гадоё суркаб кетган қатикларни ялай бошлабди. Ит олтита аҳмоқнинг бетини ялаб еттинчисини ялаётганда, итнинг тили оғзига кириб кетибди. Шунда ҳалиги аҳмоқ: «Кет!» деб юборибди. Шунда ҳалиги олтита аҳмоқ бирданига: «Тур қўлга сув келтир!» деб қичқирибди. Қарашсаки, олдиларида на нон бор ва на қатик.

## Лопчи

Тошкентда бир лопчи бор экан. У ўзини бирдан-бир лопчи деб билар экан. У бир куни Қўқонда ҳам бир катта лопчи борлигини эшитибди. Уни мот қилиб келиш учун Қўқонга жўнабди. Қўқонга боргач, лопчининг уйини қидириб топибди. Эшикни тақиллатибди. Лопчи уйида йўқ экан. Ичкаридан бир қиз чиқиб:

— Дадам уйда йўқ, нима ишингиз бор эди? — деб сўрабди.

— Ҳа, мен Тошкентдан отангизни зиёрат қилиш учун келдим. Отангизга совға қилиб бир гулдор гилам ҳам олиб келган эди. Шу гиламнинг бир чети вокзалда, бир чети шу ергача етади. Шуни қабул қилиб олинг, — дебди. Қиз:

— Ҳа, жуда яхши, майли, келтира қолинг. Бизнинг ҳам бир гиламимиз бор эди. Яқинда чўғ тушиб куйиб қолди. Шунга ямоқ бўлар, — дебди.

Буни эшитган тошкентлик лопчи:

— Ҳали қизи шундай лопчи бўлса, отасини кўриб нима ҳам қилдим, — деб ўз шаҳрига қайтиб кетган экан.

## Эр-хотин ва ўғрилар

Бир куни кечаси эр-хотин чой ичиб ўтиришган экан, ўғрилар томда дупурлаб юриб қолишибди. Буни сезган уй эгаси, хотинига:

— Чойни шопир, Шомуродга бер, тўрдаги тўрттовига бер, адандаги олтисига бер, ўзинг ичиб менга бер, ухлаб ётганлар балони ичсин! — дебди.

Буни эшитиб ўғрилар: «Одам кўп экан», деб уйга тушолмай қайтиб кетдилар.

## Тан-сиҳатлик — туман бойлик

Ўтган замонда бир қашшоқ донишманд чолнинг олдига келиб:

— Ота, ейишга ноним, кийишга кийимим йўқ, жуда қийналдим, нима қилишимни билмай қолдим. Энди қаерга бориб дод десам экан? — дебди. Чол:

— Сен камбағалмисан? — деса, у:

— Ҳа, бола-чақаларим ва ўзим очман, кийим-кечагимиз йўқ, — деб ниҳоятда зорланибди.

Чол:

— Хўп, бўлмаса менга ўнг қўлингни сот, неча пул берай? — деса, ҳалиги йигит:

— Йўқ, ўнг қўлим ўзимга керак, сотмайман, — дебди, Шунда чол:

— Бўлмаса ўнг кўзиингни сот, — дебди. Йигит:

— Нега мен ўнг кўзимни сотар эканман, у менга доимо керак, — дебди.

Чол шу тарзда йигитнинг тана аъзоларини бирма-бир сотгин, деб айтиб чиқибди. Йигит «йўқ» жавобини қайтаравергач, чол йигитга:

— Ҳа, бутун мучаларинг соғ бўлса, турмушдан зорланиб нима қиласан. Кишининг тан-жони соғлиги — туман бойлиги-ку. «Соғ танда, соғ ақл», деб бекорга айтмаганлар. Соғ бўлсанг қандай иш бажарсанг, қўлингдан келади. Кунинг ўтади, — деб жавоб қайтарган экан.

### Ота васияти

Бор экан-да, йўқ экан, қадим замонда бир камбағал деҳқон ўтган экан. Унинг ҳовлисида бир туп токи бор экан, шу тоқдан олган ҳосилни сотиб қишин-ёзин тирикчилик қилар экан. Бир кун деҳқон бетоб бўлиб ётиб қолибди. Шунда у ёлғиз ўғлини ёнига чақириб бундай дебди:

— Ўғлим, менинг куним битганга ўхшайди. Сенга айтадиган бир гапим бор. Шуни қулоғинга исирға қилиб тақиб ол. Гапим шуки, тоқларимизнинг орасига икки хум тилла кўмилган. Шу тиллани йилда икки маротаба — баҳор ҳам кузда ковлаб олиб, тирикчилигинга ишлат. Зора шу билан бойиб кетсанг.

Отаси шу гапларни айтибди-да, оламдан ўтибди. Бу пайт қиш экан, бола баҳорни орзиқиб кутибди. Оламни гуллолага ўраб баҳор ҳам келибди. Йигит кетмонни қўлига олиб, тоқларнинг тагини белбоғ бўйи қилиб ковлаб чиқибди. Бироқ олтин топилмабди. Шу орада тоқлар куртак чиқариб япроқ ёза бошлабди. Йигит тилла қидиришни вақтинча тўхтатиб, тоқ билан овора бўлиб қолибди. Шу йили тоқ чунонам ҳосил берибдики, йигит уни пуллаб тамом қила олмабди. Келаси йил кўкламда ҳам йигит олтин қидириб боғнинг тит-питини чиқариб юборибди. Яна олтин топилмабди.

Бироқ бу йил тоқ ўтган йилдагидан ҳам кўп ҳосил берибди. Йигит уни пуллаб жуда ҳам бойиб кетибди. Лекин ҳамон йигитнинг хаёли отаси айтган олтинда экан. У шу тўғрида хаёл суриб ўтирган экан, отасининг қадрдон ошнаси келиб қолибди. Йигит унга воқеани айтган экан, чол хохолаб кулибди-да, кейин:

— Болам, отанг айтган олтинларни олибсан-ку, — дебди.

— Отахон, боғдан бир мисқол ҳам олтин топганим йўқ, — дебди йигит.

— Нега ёлғон гапирасан? Бўлмаса, бу бойликларни қаердан орттирдинг? — дебди чол.

— Меҳнат қилиб топдим.

— Сен меҳнатни мўл ҳосил олиш учун эмас, олтинни топиш учун қилдинг. Отанг раҳматли кўп ақлли одам эди. У сенга меҳнатдан унадиган олтинларни айтган, — дебди чол.

### Отангга қилсанг, болангдан қайтади

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир чол билан кампир бор экан. Уларнинг ёлғизгина ўғли бор

экан. Улар ўғлини орзу-ҳавас билан уйлантиришибди. Ўғил ҳам фарзанд кўрибди. Улар иноқ яшай бошлабдилар. Набира олти ёшга кирибди. Чол билан кампир эса, жуда қариб, қўллари қалтирайдиган бўлиб қолибди. Улар овқат есалар косаларини, чой ичсалар пиёлаларини қўлларидан тушириб синдирадиган ҳолга етиб, уйдаги коса-пиёлаларни синдираверибдилар.

Бир куни келин эрига қараб:

— Мен ота-онангиз билан яшамайман, улар менинг бутун идиш-товоқларимни синдириб ташлаяпти, — дебди.

Унинг гапига эри хайрон бўлиб, хотинига: — Отам ҳам, онам ҳам жуда қариб қолган, улар ишга ярамайдилар, биздан бошқа ҳеч кимлари йўқ. Мен уларни қандай қилиб ажратиб қўяман, — дебди.

— Бўлмаса, ота-онангизга ёғочдан идиш-товоқ ясаб беринг, уларни алоҳида уйга ўтирғизиб қўйинг, — дебди хотини.

Ўғил бунга рози бўлибди. Ота-онасини бошқа уйга кўчирибди, болта, теша ва ёғоч олиб келиб, уларга идиш-товоқ яшашга киришибди. Шу пайтда олти яшар ўғилчалари келиб:

— Дада, нима қиляпсиз? — деб сўрабди.

— Бувинг билан буванг қариб қолишди, улар чинни идиш-товоқларни синдиришяпти. Уларга ёғочдан идиш-товоқ ясаб бермоқчиман, — дебди дадаси.

Орадан бир неча кун ўтибди. Чол билан кампир кўз ёши қилиб, тақдирларига тан бериб яшай бошлабдилар. Ўғли билан келинига бир оғиз ҳам сўз демасдан, «кексайсанг шу экан-да», — деб умр кечира берибдилар. Кунлар кетма-кет ўтаверибди. Бир куни келини билан ўғли ўз уйларида роса қаҳ-қаҳлашиб ўтирсалар, ўғилчалари болта, теша ва ёғочни хонага олиб кириб тақ-туқлата бошлабди. Дадаси билан ойиси унга қараб:

— Нима қилаётибсан? — деб сўрашса, ўғилчаси:

— Сизлар қарияпсизлар, энди сизларга ҳам ёғочдан идиш-товоқ қилиб бериб, бошқа уйга ўтказиб қўйишим керак, — дебди.

Эри ялт этиб хотинига, хотини тилини тишлаб эрига қараб, нима деярларини билмай қолибдилар. Бир вақт ўғилчалари қараса, дадаси ҳам, ойиси ҳам ерга қараб ўтирганмишу, икковларининг кўзидан ёш оқаётган эмиш. Шунда хотини эрига маъюсгина боқиб:

— Мени кечиринг, бирга кириб ота-онамизнинг кўнглини олайлик, бундан кейин бирга яшайлик, — дебди.

Эри ҳам худди шуни кутиб турган экан, хотини билан бирга чол-кампирнинг олдига кириб, узр сўрабдилар ва қилган ишларига тавба қилиб, кампир билан чолни ўзларининг ёнларига олиб келиб, ёғоч идиш-товоқларини отиб ташлаб, чинни идишларда овқат бериб, яхши хизматини қилиб, иноқ яшай бошлабдилар. Чол билан кампир ҳам яна ўғли, келини ва невараси билан хушвақт яшаб, муроду мақсадларига етибди. Отанга қилганингни ўғлингдан, онангга қилганингни қизингдан кўрасан дегани шу экан.

### Ҳозиржавоб вазир

Бир подшо бор экан. Унинг вазирини ҳамма доно вазир деб ҳурмат қилар экан.

Бир куни подшо вазирининг донолигини синамоқчи бўлиб:

— Бир емакка нима яхши? — деб савол берибди.

Вазир ҳам оғзидан чиқиши билан ёқасига ёпиштиргандек:

— Тухум! — деб жавоб берибди.

Подшо жилмайибди. Орадан бир йил ўтганидан сўнг яна сўрабди:

— Нима билан?

Вазир бу саволни кутиб тургандек:

— Туз билан, — деб жавоб берибди.

Шундан кейин подшо вазирининг донолигини яхши англаб таҳсинлар ўқибди.

### Тил тигдан ўткир

Ўтмиш замонда бир мамлакатнинг подшоси қаттиқ касал бўлиб қолибди. Машҳур табиблар ҳам кўриб уни тузата олмабдилар. Ниҳоят, бир донишманд чол подшо қошига келиб:

— Шер сутини ичсангиз тузаласиз, — дебди.

Подшо жар чақиртирибди. Ҳеч бир жойдан бирор кимса: «Шер сутини мен олиб келаман», демабди. Орадан бир неча кун ўтгач, подшо саройига бир йигит келиб:

— Подшога шер сутини мен келтираман. — дейди. Подшо:

— Шер сутини келтирсанг, бош-оёқ сарпо ва тиллалар бераман, — дебди.

Йигит подшодан тўрт кўзи сўрабди. Амалдорлар йигитга тўрт кўзини тутқазишибди. Йигит тўрт кўзи билан шаҳардан чиқиб кетибди. Чўл юриб, сувсиз аро йўл юриб, бир ўрмонзорга етибди. Ўрмоннинг ёнида бир дашт бор экан. Йигит кўзиларини бир жойга қўйиб, секин ҳалиги даштга назар ташласа, узоқда бир она шер болаларини эмизиб иссиқда ясланиб ётган экан. Йигит икки қўлтиғида иккитадан тўртга кўзини кўтариб ўрмон оралаб шерга яқинлашибди. Йигит аввал бир кўзини шер томон юборибди. Шер болалари кўзини тутиб олиб бирпасда еб битирибдилар. Йигит шу тарзда иккинчи, учинчи кўзини шер томон юборибди. Шер болалари уларни ҳам саранжомлаб қўйишибди.

Ниҳоят, йигит тўртинчи кўзини кўтариб тўғри она шер олдига борибди. Она шер йигитга ташланмабди, балки кўзиларни юбораётган ўша йигит эканлигини англаб жим ётибди. Йигит келиб бемалол шернинг сутини соғиб олибди ва изига қайтибди. Йигит йўлда қайтиб кетаётганида унинг қўл, оёқ ва кўз, тили ўзаро жанжаллашибди.

Кулоқ: «Мен жарчидан эшитдим, шунинг учун йигит бу вазифани бажарди», — деса, кўз: «Аввал мен кўрдим, менсиз йигит бу жойларга кела олмас эди», — дебди. Оёқлари: «Бизлар юриб-юриб шу жойларга олиб келдик, бизларсиз йигит бир қадам ҳам илгари силжимас эди», деса, кўллар: «Биз авайлаб шер сутини соғдик, йигит мурод-мақсадига етади», — дебди. Индамай турган тил: «Эй оғайнилар, ҳаммамиз бир жон, бир танмиз, лекин дунёда мендан ўткир нарса йўқ. Чунки тил тигдан ўткир, хонаси келса, тигни ҳам қайтаради», — дебди. Ҳамма аъзолар ўзаро жанжаллашиб, таллашиб, подшо саройига етиб келганини билмай қолишибди.

Йигит подшо саройига кириб, қўлидаги кўзачани маҳкам ушлагани ҳолда, подшо олдига яқинлашганини сезмай қолибди. Подшо атрофида амалдорлар, табиблар турган экан. Подшо йигитдан:

— Қандай сут олиб келдинг? — деб сўраган экан, йигит шошиб қолиб:

— Эчки сути, — деб юборибди. Подшо:

— Жаллод! — дебди.

Жаллодлар келиб йигитнинг қўл-оёғини боғламоқчи бўлганларида, подшонинг доно вазир:

— Тўхтанг, тақсир, бу саҳройи йигит, аркони давлатни кўрмаган, шошиб тили тутилиб қолди. Яна бир сўранг. Қўлидаги кўзачада нима олиб келганини айтиб берсин, — дебди. Подшо яна сўрабди. Шунда йигит, эс-хушини йиғиштириб олиб:

— Тақсир, мен сизга шер сутини келтирдим. Ана олинг, — дебди.

Вазирлар йигитнинг қўлидан идишни олиб, табиблар текшириб қарашса, ҳақиқатан йигит шер сутини келтирган экан. Подшо шер сутини ичиб соғайибди. Йигитнинг тили сўзга кириб, бошқа аъзоларига қараб:

— Эй оғайнилар, кўрдингизми? Йигит шошиб қолиб, тили ғулдираб, янглишиб: «Эчки сути», деганида бекорга ўлиб кетар эди. Эс-хушини йиғиштириб, ўйлаб тўғриси айтгани учун

ўлимдан қолди. Тил тиғдан ўткир деб, бекорга айтмаганлар, — дебди.

### Яхшиси ҳам, ёмони ҳам тил

Кунлардан бир куни подшо вазирга:

— Менга дунёда энг яхши гўштдан кабоб қилиб келтиринг, — дебди.

Вазир боши қотиб уйига келибди, «энг яхши гўшт қайси молнинг гўшти экан?»—деб роса ўйлабди. У хуноб бўлиб ўтирган экан, қизи:

— Отажон, нимадан хафасиз, ёки подшодан ёмонроқ гап эшитдингизми? — деб сўрабди.

— Қизим, подшо менга, энг яхши гўштдан кабоб буюрдилар, ниманинг гўшти яхши ва ширин эканлигини билмай бошим қотиб турибди, — дебди вазир.

— Шунга ҳам ота гўри қозихонами? Битта қўйни сўйдилинг-да, тилини кабоб қилиб олиб боринг, гуноҳкор қилса мен кафил, — дебди қизи.

Вазир қизининг гапи билаи бир қўйни сўйдириб унинг тилини кабоб қилиб, подшонинг олдига киритган экан, подшо вазирга қараб:

— Энди энг ёмон гўштдан кабоб қилиб келтиринг, — дебди.

Вазир яна қизининг олдига келиб:

— Қизим, яхшисини қилдик, қутулдик, ёмони қайси гўшт? — дебди. Қизи:

— Яна бир қўйни сўйдилинг-да, тилини кабоб қилиб олиб боринг, — дебди.

Вазир яна шундай қилиб подшонинг олдига киритган экан, подшо айтибди:

— Қилган ишингиз жойида, бу сизнинг яхши билимдон эканлигингиздан далолат беради, — деса, вазир:

— Таксир, гуноҳимдан ўтсангиз тўғриси айтмай, — дебди ва подшога бу ишни кимнинг ақли билан қилганини айтибди. Шунда подшо вазирнинг қизини чақириб:

— Қизим, нима учун тилни ҳам ёмон, ҳам яхши гўшларга санадингиз? — дебди. Шунда қиз:

— Подшоҳим, кишининг бошига яхшилиқ ҳам, ёмонлик ҳам тилдан келади. Элда бир мақол бор: «Тиш тилнинг қалъаси, тил бошнинг балоси». Бу гапни эшитиб подшо вазирнинг қизига ажойиб бир боғ инъом этган экан.

### Ибн Сино ва тарбия

Йигит билан қиз турмуш қуришибди. Орадан тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соату тўққиз дақиқа ўтгач, фарзанд кўришибди.

— Боламизни қандай тарбия, қиламиз? — дебди она.

— Уни шундай тарбия қилайликки, катта бўлганда эл-юртга фойдаси тегадиган бўлсин, — дебди ота. Хотини:

— Тўғри айтасиз, мен ҳам шуни ўйлаб турган эдим. Яхшиси, устоз Ибн Синодан сўраб кўрайлик-чи, у киши нима деркин, — дебди.

Бу гап эрига ҳам маъқул тушибди. Эр-хотин болани кўтариб, Ибн Синоникига келишибди. У бир кичик тор кулбада яшар, шундай бўлса-да, донғи оламга кетган экан.

Ибн Сино уларни яхши кутиб олибди, нима иш билан келганликларини сўрабди.

— Боламизнинг тарбияси ҳақида бизга маслаҳат берсангиз. Токи катта бўлгач, эл-юртга фойдаси тегадиган киши бўлса? — дебди эри.

— Қачон туғилди? — деб сўрабди Ибн Сино.

— Эрта билан туғилди, — деб эрининг ўрнига хотини жавоб берибди.

— Эй болаларим, — дебди Ибн Сино, — бола эрта тонгда туғилган экан, ҳозир чошгоҳ бўлди, кечикибсизлар. Бола туғилиши билан унинг тарбияси ҳақида қайғуриш керак эди.

### Навоий билан чўпон

Навоийнинг ёшлигида отаси ўлиб кетган экан. Отаси ўлгандан сўнг ўз шаҳрида туролмай, Самарқандга бориб, мадрасада ўқибди.

Кўп қийинчиликлар билан ўқишни тамомлаб яна ўз шаҳрига қайтибди. От-уловсиз пиёда юриб, бир неча кун деганда бир тоққа келибди. Бу жойда бир мўйсафид чўпон билан учрашибди.

Навоий чўпонни дарров танибди. Чўпон ўзини кўтариб катта қилган, отасининг қўйбоқари экан. Чол ҳам Навоийни таниб: «Тушимми, ўнгимми?» деб кўришибди. Дарров белбоғидан иккита нон чиқариб, Навоийни сут билан меҳмон қилибди.

Навоий чўпондан:

— Бу қўйлар кимники? — деб сўрабди. Чол:

— Болам, бу қўйларнинг ҳаммаси сизники, сиз у ёқдалигишизда отангиздан қолган моллар ҳар кимнинг қўлида қолиб эди. Отангиз ҳаёт вақтида 200 қўйни сизга атаб менга топширган эди. Бу қўйлар болалаб ҳозир 700 дан ошди. Отангизнинг васиятини ўз ўрнига қўйганим учун курсандман, бу қўйларни энди сизга топшираман, — дебди.

Навоий бир кеча чўпоннинг уйида меҳмон бўлибди. Эртаси қўйлардан икки юзини ажратиб чолга берибди: — Ота, сиз ҳам бола-чақали одамсиз, мана бу қўйларни хизмат ҳақингиз учун олинг!

Чўпон Навоийдан жуда хурсанд бўлибди. Шундан сўнг, Навоий қолган беш юз қўйни ҳайдаб бозорга олиб кетибди. Бу қўйлар жуда семиз бўлгани учун атрофини харидорлар ўраб олибдилар. Одамлар Навоийдан: — Қўйингиз неча пул? — деб сўраганларида, Навоий: — Мен қўйимни насияга сотаман. Шу шарт биланки, пулини подшо ўлган куни берасизлар. Шу шартимга кўнган киши биттадан етаклаб олиб кетаверсин! — дебди.

Бозордаги одамлар дарров талашиб, қўйларни биттадан етаклаб олиб кетибдилар. Шу куни подшонинг амалдорлари подшога бу хабарни етказибдилар.

— Эй, подшоҳи олам, нима дейсиз, бугун бозорга бир қаландарсифат йигит келиб беш юз қўйни халққа насияга тарқатиб юборди. Пулини подшо ўлган куни берасизлар, деб сизга ўлим тилади, — дебдилар. Шунда подшо ғазабланиб:

— Боринглар, ўша қаландарни менинг хузуримга ҳозир қилинглар, — деб буюрибди. Амалдорлар дарров бозорга бориб Навоийнинг қўлини орқасига боғлаб, подшонинг қошига олиб келибдилар, подшо қараса, ёшлигида бирга ўқиган дўсти Навоий экан. Подшо Навоийга:

— Нима учун шунча қўйни халққа бериб юбордингиз, менинг ўлимимга шунақа розимисиз? — дебди. Шунда Навоий:

— Эй подшоҳим, мен чакки иш қилганим йўқ. Сизнинг подшо бўлганингизни эшитиб, қўйларни талатиб юбордим. Шундай ҳам бериб юборишим мумкин эди. Бироқ баъзи бир одамлар текин молдан ҳазар қилишади. Шунинг учун қўйнинг пулини подшо ўлган куни берасизлар деб айтдим. Энди қўйларни олиб кетган одамлар: «Ишқилиб подшоҳимиз ўлмасин. Подшо ўлса Навоий пулини кистайди», деб сизни дуо қилиб юришади, — дебди.

Навоийнинг бу донолигига подшонинг завқи келиб уни ўзига вазир этиб олибди.

### Навоий ва Ҳусайн

Алишер Навоий Хусайн Бойқаро саройида бош мунший экан. Подшо ҳамма вақт Навоийнинг деганларига қулоқ солар экан. Кунлардан бир куни Хусайн Бойқаро эрталаб саройга кириб кетаётиб, Навоийга қарабди-да, кўрсатгич бармоғи билан бошини кўрсатибди. Навоий ҳам шу бармоғи билан тилини кўрсатибди. Хусайн Бойқаро бошини чайқабди-да, саройга кирмай қайтиб кетибди.

Бу воқеани кузатиб турган Навоийнинг шогирдлари имо-ишоранинг сабабини сўрабдилар. Навоий:

— Ўзларинг ўйлаб топинглар, — деб айтмабди. Шогирдлар ўйлаб-ўйлаб ҳеч топишолмабди. Улардан бири Навоийни сўзлатиш мақсадида сиёҳдонни ағдариб юборибди.

Шунда Навоий:

— Абдуллатиф, нега бунча хаёл паришон бўлмасангиз. Сиёҳдон ағдарилди-ку, — дебди.

— Кечиринг устоз, — дебди шогирди.— Ҳалиги муаммонинг сабабини ўйлаб, хаёлим қочибди.

Навоий айтишга мажбур бўлибди:

—Хусайн Бойқаро: «Бошга балони нима келтиради?» — деб сўради, мен «тил» деб жавоб бердим.

Шогирдлар Навоийнинг зийраклигига яна бир марта қойил қолибдилар.

### Навоий билан мардикор

Бир ўспирин йигит мардикорчилик қилиб кун кечирар экан. У, юрган йўлида одамлар ўртасида бўлган жанжалларни бостириб, бировнинг араваси лойга тикилиб қолса, биргалашиб чиқаришиб, халққа ёрдами тегиб юрар экан. Бу йигитдаги хислатни кўрган Алишер, уни ҳурматлаб, қачон кўрса ундан олдин салом бериб ўтар экан. Йигит Алишернинг бу ҳурматига ажабланиб: «Мен эрта-ю кеч одамларнинг жанжалларини бостириб, лойга ботган араваларини чиқаришиб юрсам, умримда намоз ўқимасам, рўза тутмасам ҳам, Алишер мени бунчалик ҳурмат қилади. Бу юришимдан фойда йўқ. Бола-чақам бўлмаса, менга дунёнинг нима кераги бор» деб, пирга қўл берибди. Художў киши бўлиб, бир масжиднинг жиловхонасида эрта-ю кеч ҳеч ким билан иши бўлмай, тоат-ибодат қилиб ўтирадиган бўлибди.

Бир кун йигит жиловхонада тасбех ўгириб ўтирган экан, Алишер бир йигит билан гаплашиб, жиловхона олдидан ўтиб қолибди. Йигит кўнглида: «Алишер жуда кароматли одам экан, менинг намозхон бўлиб, тоат-ибодат қилишимни аввалдан билиб, мени ҳурмат қилар экан», деб, ўрнидан туриб, таъзим билан салом берибди. Алишер саломига алик олиш у ёқда турсин, афтига ҳам қарамай, ўтиб кетибди. Йигит: «Алишер ёнидаги йигитнинг гапига берилиб мени пайқамай қолган бўлсалар керак» деб, ўзига тасалли берибди. Орадан уч-тўрт кун ўтар-ўтмас, Алишер яна ўша йигит билан гаплашиб келаверибди. Йигит ўрнидан туриб салом берибди. Алишер яна индамай ўтиб кетаверибди. Йигит ҳайрон бўлиб, Алишердан:

— Тақсир, бир умр пешонам саждага тегмай, бақириб-чақириб юрганимда салом бериб ўтар эдингиз, энди мен эрта-ю кеч тоат-ибодат қилиб ўтириб, сизга салом берсам, алик олмайсиз. Бунинг сабаби нима? — деб сўрабди. Шунда Алишер:

— Сен, ўша бақириб-чақириб юрганимда халққа фойданг тегиб юрар эдинг, энди бўлса эрталабки нонуштанг билан кечкурунги овқатингни ғамида эртадан кечгача халққа кўз тикиб ўтирасан. Саломингга алик олмаслигимнинг сабаби шу! — дебди.

Навоийнинг бу сўзлари йигитга қаттиқ таъсир этиб, у яна ўзининг аввалги ишини давом этдирадиган бўлибди.

## Дунёда нима лаззатли?

Хусайн мирзонинг қирқ вазири бор экан. Қирқинчиси Алишер Навоий экан. Бир кам қирқ вазир Навоийни Хусайн мирзога ёмонлай берибди. Хусайн мирзо Алишерни вазирликдан бўшатибди.

Бир куни Хусайн мирзо бир кам қирқ вазирдан:

— Дунёда нима лаззатли? — деб сўрабди. Вазирлар билган ва бошларига келган ҳамма сирларни айтибдилар.

Хусайн мирзо:

— Йўқ, тополмадингиз! Эрталабгача топиб бермасангиз ҳаммангиз жонингиздан умидингизни узинг! — дебди.

Вазирлар ўзаро маслаҳат қилишибди.

— Буни Алишер билади, — дебди вазирлардан бири. Уни Навоийга юборибдилар. Вазир Навоийнинг олдига келиб:

— Хусайн мирзо бизга: «Дунёда нима лаззатли, шуни топинглар!» деб буюрди, биз топа олмадик. Айтиб бермасангиз бўлмайди, — дебди.

— Қайси овқатни оч қолиб есангиз, ўша лаззатли денг, — дебди Навоий.

Вазирлардан Хусайни мирзо сўраганида улар шундай дебдилар.

Хусайн мирзо айтибди:

— Буни сиз топмагансиз, тўғриси айтинг, ким айтиб берди?

Вазирлар:

— Таксир, ўзимиз топдик, — дебдилар.

Хусайн мирзо ҳаммаларини бир уйга қамаб:

— Кимки тўғриси айтмаса, шу уйдан бирма-бир чақириб, бошини олавераман! — дебди.

Шунда вазирлар туриб:

— Биз Алишердан сўрадик, — дебдилар. Хусайн мирзо айтибди:

— Ўзингиз уни менга ёмонлаб ҳайдатиб юбориб, яна нега ундан маслаҳат сўрайсизлар? Демак, усиз сизларнинг миянгиш ишламас экан-да! — дебди ва Навоийни чақиртириб, яна вазирликка тайинлабди.

## Навоий кимни ёмон кўрган?

Кунлардан бир кун, Султон Хусайн, вазирларининг ёлғон сўзларига ишониб, Навоийни зиндонга буюрибди. Кўп вақт ўтмай, Навоийнинг гуноҳсизлиги маълум бўлибди. Султон Хусайн Навоийни зиндондан чиқаришларини буюрибди. Навоий чиқишга унамабди. Подшонинг қамаш ва чиқариш ҳақида берган фармонига ажабланганини билдирибди.

Навоийни зиндондан чиқариш учун уринибдилар, фойда бермабди. Энг кейин Навоийга яқин кишиларидан бирининг маслаҳати билан унинг ёнига бир аҳмоқни зиндон қилибдилар. Навоий у аҳмоқдан безор бўлиб, зиндондан чиқишга розилик берибди.

## Шоир севгиси

Навоий йигитлик чоғларида бир қизни яхши кўрар экан. Қизга хат ва шеърлар ёзиб, у билан алоқа қилиб юрар экан. Бир куни Хусайн Бойқаро бу сирдан хабардор бўлибди.

У «Навоий ўзининг бу сирдан мени ҳам огоҳлантирар, шу тўғрида мен билан маслаҳатлашар», деб ўйлаб юрар экан. Навоий бу ҳақда Хусайн Бойқарога ҳеч нарса демабди.



Бир куни Хусайн Бойқаро Навоийни ўзига ялтирмоқ мақсадида одам юбориб, қизни ўз қошига чақирибди. Подшонинг мақсади қизни олиш эмас, балки шу муносабат билан Навоийни ўзига ялтириш экан. Хусайн Бойқаро қизни кўрса, жуда гўзал, одобли, ақлли қиз экан. Шундан сўнг подшо ўзининг аввалги ниятидан қайтиб, қизга уйланмоқчи бўлибди. Қиз унамабди. Подшо шариат пешволарини чақириб, қизни ўзига никоҳлаб олибди. Қиз подшо билан яқинлашмабди. Шунда подшо қизга қараб:

— Биламан, сен Навоийни яхши кўрасан. Уни ҳурмат қилаётибсан. Ўрталарингда бўлган сирларни менга айт! — деб дўқ урибди.

Қиз подшонинг қаҳридан кўрқиб, Навоийга бўлган муҳаббатини яширибди. Қиз: «Ўз муҳаббатим тўғрисида сўзласам, подшо Навоийни ўлдиради», деб унга ҳеч нарса айтмабди, йиғлабди. Хусайн Бойқаро чиқиб кетгач, қиз хаёлга чўмибди, менинг Хусайн Бойқаро даргоҳидан кутулишим жуда қийин. Шу ғам-ғусса билан Алишер фироғида ўлсам, у кейин албатта унутар ва яна бир кимсага кўнглини берар, деб Навоийга шеър ёзиб юборибди:

*Ҳажр доғи фироқи хаста кўнглим куйдирур,  
Чарх ортиқ зулми бирлан гул ниҳолим сўлдирур.  
Юз алам бирлан бало гирдобиди ранжурмен.  
Воқиф, ўл, ёрим мени бу ғусса-ю ғам ўлдирур.  
Ҳасратим шулким, сенга айтсам фижоним боиси,  
Мен ўларман, чархи меҳринг энди кимни куйдирур.*

Бу сатрларни ўқигач, Навоий, дарров қўлига қоғоз ва қалам олиб тубандаги мисраларни ёзибди:

*Кўнглим ўртансин агар ғайрига парво айласа,  
Ҳар кўнгил ҳам ким сенинг шавқингни пайдо айласа.  
Ўзгалар ҳуснин тамошо айласа чиқсин кўзим,  
Ўзга бир кўз ҳам сени ҳуснинг тамошо айласа,  
Ҳар кишини васлин таманно айласам новмид ўлай  
Ҳар киши ҳамки сенинг васлинг таманно айласа.*

Бироқ қиз, ғамлар, ички кечинмалар натижасида оғир касал бўлиб қолибди. Хусайн Бойқаро саройдаги табибларга қандай бўлмасин қизни бу оғир касалликдан қутқариш чорасини топишни буюрибди, қизга ҳеч қандай дори-дармон кор қилмабди. Қиз оғир касалликдан сўнг вафот этибди.

### **Навоий билан ямоқчининг ўғли**

Ўтган замонда бир ямоқчи бўлган экан. Унинг ёлғиз ўғли бўлиб мактабга қатнар экан.

Бир кун мактабга кетаётиб, йигит катта бир болохонада ўтирган чиройли қизни кўрибди-да, унга ошиқи беқарор бўлиб қолибди. Орадан бир неча кун ўтгач, қиз кўринмай қолибди. Йигит севганини бир кўришга зор бўлиб, кўп азобланибди. Бир кун кечқурун мактабдан қайтиб келаётганида беихтиёр бойнинг дарвозасидан кириб, ташқари ҳовлидан ўтиб, тўғри ичкари ҳовлига қараб юрибди ва бирдан қизни кўриб юраги ўйнаб кетибди. Эс-хушини йиғиб: — Мен қаерга кириб қолдим, — деб орқасига қайтибди. Шу пайт ташқаридан бойнинг товуши эшитилиб қолибди. Йигит нима қилишини билмай ўзини бойнинг меҳмонхонасига урибди. Бойнинг меҳмонхонага бурилганини сезган йигит тезлик билан меҳмонхонадаги гиламни

йиғиштира бошлабди. Бой ҳовлиқиб жаҳл билан йигитга:

— Сен кимсан, нима қияпсан? — дебди.

Йигит:

— Мен ўғриман, гилам ўғирлаш учун келган эдим, — дебди.

Бой ғазабланиб йигитнинг икки қўлини боғлаб қозихонага олиб борибди. Шу пайт қозининг ёнида Алишер Навоий суҳбатлашиб ўтирган экан.

Бой қозига аввал салом бериб, кейин:

— Таксир, сизнинг олдингизга ўғри тутиб келдим. Меҳмонхонага кирсам, бу йигит гиламни йиғиштириб олиб чиқиб кетаётган экан. Ушлаб олиб ҳузурингизга келтирдим. Энди буни жазоласангиз, — дебди. Қози йигитдан:

— Эй йигит, нимага ўғирлик қилдинг, айт! — дебди. Йигит: — Мен гилам ўғирлаш учун кириб, гиламни кўтариб кетай деб турганимда, бой бува келиб қолдилар. Қўлга тушдим, — дебди. Қози йигитнинг қўлини кесишга буюрибди. Навоий сўроқ-жавобни эшитиб, разм солиб турган экан, тикилиб қараса, йигит таниш кўринибди. Маҳалласидаги Нормат ямоқчининг ўғли. Бунинг қўлидан ўғирлик келмайди. Навоий ўйлаб, йигитнинг бу ишида сабаб бўлса керак, дебди-да, қозига:

— Таксир, ижозат берсангиз, йигитдан бир оғиз гап сўрасам. Сизлар чиқиб турсангизлар. Сўраб аниқласам, — дебди.

Қози билан бой ташқарига чиқиб кетгач, Навоий йигитга қараб:

— Ўғлим, сени яхши таийман, отанг ямоқчи, сенинг кўлингдан ўғирлик келмайди. Тўғрисини айт, нима бўлди, балки сенга ёрдам қиларман, — дебди.

Йигит аввал уялиб, айтмабди. Навоий қистай бергач, айтишга мажбур бўлибди.

— Эй, ота, мен бойнинг қизига ошиқман. Бундан бой ҳам, қизи ҳам хабарсиз. Бир неча кундан бери қизни кўра олмай қийналдим. Бугун бехосдан бойнинг уйига кириб қолибман. Қизни кўргач, ўзимга келиб, ичкари ҳовлидан қайтиб чиқиб кетаётганимда, бойнинг товушини эшитиб қолдим. Ўзимни меҳмонхонага уриб, гиламни йиғиштира бошладим. Ўзимни ўғри деб танитдим. Таксир, менинг бундан бошқа иложим йўқ эди. Аслида ўзингиз билган камбағал Нормат ямоқчининг ўғлиман. Бой минг сўраганимиз билан қизини менга бермайди. Нима қилай ахир, ота! — деб йиғлабди.

Шунда Навоий:

— Бўлди, ўғлим, йиғлама, отанг ўрнига ота бўлиб бойнинг қизини олиб берганим бўлсин! — дебди ва қози билан бойни чақирибди. — Таксирлар, у йигитни ва унинг отасини мен яхши биламан. Бу йигитнинг қўлидан ўғрилик келмайди. Бу йигит сизнинг қизингизга ошиқ бўлиб қолган экан, бой. Энди сиз ҳозир уйингизга бориб тўй ҳаракатини қила беринг. Мен ўз номимдан қизингизга совчилар юбораман. Бу жума ўтиб, келаси жума тўй бўлади. Бу бола менинг фарзандим. Сиз билан биз куда бўлдик, бой бобо, — дебди.

Бой ҳам, қози ҳам хайрон бўлиб, турган ўрнида қотиб қолибди.

Шундай қилиб, Навоий ямоқчининг ўғлига бойнинг қизини олиб берибди. Ямоқчининг ўғли бойнинг қизига уйланиб муроди мақсадига етибди.

## СУСАМБИЛ

### Ур, тўқмоқ

Бир бор экан, бир йўқ экан, бир кампир билан бир чол бор экан. Улар овчилик билан кун ўтказар эканлар. Бир кун чол тузоқ пойлаб ўтирган экан, тузоққа катта бир лайлак тушибди. Югуриб бориб лайлакни тузоқдан чиқарибди, лайлак одамдек сўзламоққа бошлабди:

— Чол, мен лайлакларнинг бошлиғиман, мени кўйиб юбор, нима тиласанг шуни бераман. Менинг маконим шу қаршидаги тоғнинг орқасида. «Лайлаквойнинг уйи қаерда», десанг, ҳамма айтиб беради, — дебди.

Чол лайлакни кўйиб юборибди. Эртасига эрталаб туриб, Лайлаквойнинг совғасини олиб келиш учун йўлга тушибди. Юриб, юриб бир жойга бориб етибди. Кўй боқиб юрган чўпонлардан:

— Бу кўйлар кимнинг кўйи? — деб сўрабди.

— Бу кўйлар Лайлаквойнинг кўйи, — деб чўпон чолни йўлга солиб юборибди. Бир жойга бориб йилқи ҳайдаб юрган йилқичидан:

— Бу йилқилар кимники? — деб сўрабди чол. Йилқичи:

— Лайлаквойники, — дебди.

— Лайлаквой менга совға ваъда қилиб эди, нима сўрай? — деган экан, йилқичи бундай дебди:

— Лайлаквойнинг бир хумчаси бор, «қайна, хумча» деса, тилла қайнаб чиқади, шу хумчани сўра, — дебди.

Чол оз юриб, кўп юриб, кўп юрса ҳам чўл юриб, етти кеча-ю, етти кундуз деганда Лайлаквойнинг уйига бориб етибди. Эшикдан кириб:

— Ассалому алайкум, — дебди. Лайлаквой:

— Ҳап саломинг бўлмаса, таъзирингни берардим. Сен совға учун келган бўлсанг керак, қани, нима сўрайсан? — дебди.

— Мен сиздан: «Қайна, хумча»ни сўрайман, — дебди чол. Лайлаквой ўйлаб қолибди:

— Чол, сенга бир тилла товоқ берай, — деса ҳам чол кўнмабди. Ахир «Қайна, хумча»ни беришга рози бўлибди. Чол «Қайна, хумча»ни олиб жўнабди. Йўл юриб, чўл юриб, бир жойга етибди. Дам олиш учун ўтирибди. Қишлоқнинг болаларига қараб: «Ўғилларим, мана бу хумчага қараб турунглар. Мен бир оз мизғиб олай, фақат «қайна, хумчам», деманглар», деб тайинлабди.

Болалар: «Қайна, хумчам», деб бақиринган экан, хумдан тилла қайнаб чиқибди, шошиб-пишиб, болалар тиллаларни йиғиб олишибди-да, хумни уйларига олиб кириб бекитиб кўйибдилар. «Қайна хумча»нинг ўрнига бошқа бир хумчани олиб келиб ўтирибдилар. Чол уйқудан туриб хумчани олиб жўнабди. Етти кеча-етти кундуз йўл юриб, уйига етиб келибди. У:

— Қани, кампир, дастурхонни ёз, ҳозир тиллага бой бўламиз, — дебди.

Кампир дастурхонни ёзибди, дастурхоннинг ўртасига хумчани кўйиб, чол бор кучи билан: «Қайна, хумчам», деб бақирибди. Хумчада тилла қайнаб чиқмабди, чол яна бақирибди, тилла қайнамабди. Чолнинг жаҳли чиқиб: «Ҳа, падарингга лаънат, Лайлаквой, алдаб бошқа хумча берибди. Эртага бориб бошқа совға сўрайман», деб кўйибди.

Эртаси сахарлаб чол йўлга чиқибди. Йилқичининг олдида бориб:

— Лайлаквой мени алдади, энди нима совға сўрай? — дебди.

Йилқичи ўйлаб туриб:

— «Очил, дастурхон»ни сўранг, дастурхонни ёзиб, «Очил, дастурхон», десангиз ҳар хил таомлар тайёр бўлади, — дебди.

Чол Лайлаквойнинг эшигидан кириб:

— Ассалому алайкум, — дебди.

Лайлаквой:

— Ҳап саломинг бўлмаса, таъзирингни берардим. Ўтган гал сенга «Қайна, хумча»ни бериб эдим, кўнглинг тўлмадими? — дебди. Чол ҳамма воқеани айтиб:

— Мени алдадинг, «Қайна, хумча»нинг ўрнига бошқа хумча берибсан, энди сендан «Очил, дастурхон»ни сўрагани келдим, — дебди.

Лайлаквой ўйлаб қолибди. «Очил, дастурхон»ни чолга совға қилибди.

Чол йўлга тушибди. Оз юриб, кўп юриб, ўтган гал дам олган қишлоққа бориб етиб, ўзи таниш бўлган болаларни кўрибди.

— Ўғилларим, мана шу дастурхонни олиб ўтиринглар. Мен бир оз мизғиб олай, фақат «очил, дастурхон», деманглар, — деб уларга тайинлабди. У кетгандан сўнг болалар: «Очил, дастурхон», деб бақирган эканлар, етти хил таом тайёр бўлибди. Болалар таомларни ўраб, дастурхонни уйларига олиб кириб, ўрнига бошқа дастурхон олиб чиқиб ўтирибдилар. Чол қайтиб келиб дастурхонни олибди, йўлга тушибди. Уйига келиб:

— Кампир, нима таом десанг, ҳозир тайёр бўлади, — деб дастурхонни ёзибди. «Очил, дастурхон», деган экан, ҳеч қандай таом чиқмабди. Чолнинг жони чиқиб:— Лайлаквой мени иккинчи марта алдади, эртага бориб бошқа бир совға сўрай, — дебди.

Эртаси сахарлаб чол йўлга чиқибди. Йилқичининг олдига бориб:

— Энди Лайлаквойдан нима сўрай? — дебди.

— Энди Лайлаквойдан «Ур, тўқмоқ»ни сўранг, душманингиз кўпга ўхшайди, агар «Ур, тўқмоқ», десангиз олдингизда ким бўлса, уриб ташлайди, — дебди йилқичи.

Чол йўлга тушибди, эшикдан:

— Ассалому алайкум, — деб кирибди. Лайлаквой:

— Ҳап саломинг бўлмаса, таъзирингни берардим. Яна пима учун келдинг? «Қайна, хумча»ни олдинг, «Очил, дастурхон»ни олдинг, яна нима керак? — дебди.

— Мени бу гал ҳам алдадинг, Лайлаквой. «Очил, дастурхон» ўрнига бошқа бир дастурхон берибсан. Энди сендан бир нарса сўрайман, менга «Ур, тўқмоқ»ни бер, — дебди. Лайлаквой чолга «Ур, тўқмоқ»ни ҳадя қилибди.

Чол «Ур, тўқмоқ»ни олиб йўлга тушибди. Оз юриб, кўп юриб аввалги ўзи билган қишлоққа бориб етибди. Таниш болаларни чақирибди:

— Ўғилларим, мана бу тўқмоқни ушлаб туринглар, мен бир оз мизғиб олай, фақат «Ур, тўқмоқ», деб гапирманглар, — дебди.

У кетгандан сўнг болалар қизиқиб: «Ур тўқмоқ», деб бақирган экан, тўқмоқ ҳаммасини ура бошлабди. Болаларнинг бақиргани учун чол югуриб келибди. Болалар бўлса, йиғлашиб:

— Жон ота, тўқмоқни тўхтатинг, биз сизнинг хумчангизни, дастурхонингизни олиб, ўрнига бошқа хумча, бошқа дастурхон кўйган эдик, тавба қилдик, ота, тўқмоқни тўхтатинг, — дейишибди.

Чол: «Тур, тўқмоқ» деб бақирган экан, тўқмоқ уришдан тўхтабди. Болалар югуриб бориб уйларида «Қайна, хумча» билан «Очил, дастурхон»ни чиқариб берибдилар, чол йўлга тушибди. Оз юриб, кўп юриб, кўп юрса ҳам мўл юриб, кўл демай, чўл демай етти кеча-етти кундузда уйига бориб етибди.

«Қайна, хумча» деган экан, хумчадан тилла қайнаб чиқибди. «Очил, дастурхон», деган экан, ҳар хил таомлар муҳайё бўлибди. Умирларида кўрмаган таомларни еб, чол билан кампир хурсанд бўлибдилар.

Тиллаларга чол яхши уй солдирибди ва хонни уйига меҳмондорчиликка чақирган экан, хон: «Мен хон бўлсаму, ўша камбағал, қашшоқ чолнинг уйига меҳмондорчиликка бораманми», деб бормабди.

Чолнинг жаҳли чиқиб хонни урушга чақирибди. Эртасига хон етти минг аскарни тайёрлаб, чолнинг уйи олдига тизиб:

— Қани, чол, жонинг бўлса урушга чиқ! — дебди. Чол эшиқдан чиқиб тўқмоққа қараб:  
— Ур, тўқмоқ! — деб бақирган экан, тўқмоқ ҳамма аскарларни биттадан уриб ётқизиб қўйибди, охирида тўқмоқ хонни ура бошлабди.

Хон:

— Чол, тўқмоғингни тўхтат, сен енгдинг, мени ўлимдан олиб қол, юртга сен ҳоким бўла қол,  
— дебди.

Чол тўқмоқни тўхтатибди. Ўзи юртга ҳоким бўлибди. Муроди мақсадига етибди.

## Жовур чол

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, бурунги замонда чол-кампир бор экан. Дунёда фарзанд юзини кўрмай, жуда ҳам камбағал яшаган эканлар. Чол ўтин сотиб, пулига чорак ғалла олиб кун ўтказар экан. Даладан ўтин таший-таший орқаси жовур<sup>12</sup> бўлиб кетибди. Шунинг учун кампири уни Жовур чол деб чақирар экан. Кунлардан бир куни Жовур чол даладан саккиз кучоқ ўтин териб, яхшилаб бўғиб боғлаб бозорга кўтариб келаётса, бир тулки инидан бошини чиқариб:

— Жовур чол, Жовур чол, мен сенинг ўғлинг бўламан, — дебди.

Жовур чол:

— Эй худоё тавба, тулки ҳам гапирар экан-да, — деб пича кўркибди.

Тулки:

— Чол ота, кўркманг, мен сизга фарзанд бўлмоқчиман, — дебди.

Жовур чол кўниб:

— Майли бўлмасам, юр уйга, — дебди. Тулки Жовур чолнинг олдида чопиб келиб:

— Ота-ота, ўтинингизни мен кўтарай, — дебди. Чол ҳайрон бўлиб:

«Бунча ўтинни тулки ҳолати билан қандай кўтарар экан», деб ўйлаб, ўтинни ерга қўйибди. Қараса, тулки шунча ўтинни чумчуқни кўтаргандай қилиб кўтариб кетибди, уйига келгандан кейин чол-кампир тулкини жуда яхши кўриб қолишибди. Шу кундан бошлаб тулки Жовур чол отасига ҳар куни ўтин ташиб бериб, бир ғарам қилиб қўйибди. Бир куни оқшомда тулки Жовур чолнинг қўйнидан чиқиб кетаётса, чол унга:

— Тулқича-ю, тулқича, тунда қайга борасан? — дебди.

Тулки дебди:

*Момам уйига бораман.*

Ч о л:

*Моманг сенга не берар?*

Т у л к и:

*Эчки соғиб, сут берар.*

Ч о л:

*Эчкисининг сути йўқ,*

*Кадисининг теги йўқ.*

Т у л к и:

---

<sup>12</sup> Жовур — яғир

*Мени, ота, алдаманг,  
Боргандан сўнг биламан.  
Сут бўлмаса майлига,  
Момамни кўриб келаман, —*

деб тулки жўнаб кетибди. Томма-том чиқиб, ҳамманинг мўрисидан қараб кета берибди Ахири, подшонинг томига етиб, мўрисидан қараса, уй ичини ёруғ қилиб подшонинг қизи ухлаб ётганмиш. Тулки қизни кўриб ошиқ бўлиб қолибди. Яна томма-том сакраб Жовур чол қошига келибди. Жовур чол тулкининг орқасини силаб эркалатиб:

*Кечга қолдинг, тулкичам,  
Кеч келдим эчкичам? —*  
дебди.

*Т у л к и:  
Бориб эдим қидириб:  
Келдим момамни кўриб,  
Момам бўлибди жинни,  
Қилиб берди гилминди, —*  
дебди.

*Чол:  
Не келмадинг шунгача?  
Моманг бўлма женгача?  
Ё бўлдим уйинчи,  
Гилминдидан кейинча?*

*Т у л к и:  
Момам айтди, бор деди,  
Чўпчак териб кел, деди.  
Ўрдан тердим ўн қучоқ.  
Қирдан тердим қирқ қучоқ.  
Сойдан-чи, саккиз қучоқ.  
Шуйтиб келдим кечга чоқ, —*  
дебди.

Тонг отибди. Тулки Жовур чолга:  
— Ота-ота, менга хотин олиб беринг, — дебди.

Жовур чол:  
— Ўғлим, кимнинг қизини олиб берай? — дебди.

Тулки:  
— Подшо бобомнинг қизини олиб беринг, — дебди.

Жовур чол:  
— Ўғлим, подшо бобонг қизини сенга берармикан, — дебди.

Тулки:  
— Берса ҳам, бермаса ҳам: «Бир тулки ўғлим бор, шунга қизингизни беринг», деб бир сўранг, — дебди.

Жовур чол тулкини жуда яхши кўрар экан. Сўзи ерда қолмасин деб подшоникига бориб:

— Подшо бобо, менинг тулки ўғлимга қизингизни беринг.— дебди.

Подшонинг аччиғи келиб:

— Мен сендай қашшоқ билан куда бўлмайман, ўғлинг тагин тулки бўлса, — деб дарров жаллодларга буюриб, чолни ўлдиртириб юборибди.

Тулки бир кун подшонинг олдига келиб:

— Отам қани? — дебди. Подшо:

— Отангни ўлдириб юбордим, — дебди. Тулки бир жойга бориб:

— Жовур чол, Жовур чол! — деб кичқираверибди. Жовур чолнинг суяклари у ёқдан, бу ёқдан шалдираб йиғилиб келиб тирилибди:

— Ҳа, ўғлим, балли, мени тирилтирдинг, — дебди Жовур чол.

Тулки яна Жовур чолни подшо олдига юборибди. Бу сафар ҳам подшо Жовур чолни: «Сендай Жовур чолга қизимни берар эмишманми, ўғлинг тагин тулки бўлса», деб ўлдиртириб юборибди. Тулки яна бир жойга бориб чақириб Жовур чолни тирилтирибди. Уч мартаба тирилтиргандан кейин, подшо тулкининг бундай кароматларини кўриб қизини тулкига берибди.

Тулки қиз ёнига киргандан кейин пўстинини ечиб қозикқа осиб қўйибди, ўзи чиройли бир йигит бўлибди. Подшонинг қизи йигитни севиб қолибди. Тулки бўлиб юрганини ёқтирмай, бир куни тулки ухлаб ётганида пўстинини ўтга ташлаб куйдирибди. Тулки уйғониб пўстинини сўрабди. Хотини: «Сизнинг тулки бўлиб юрганингизни ёқтирмадим. Чиройли хуснингизга пўстин ярашмайди. Шунинг учун ўтга солиб куйдирдим», дебди.

Тулки:

— Бўлмаса сен менга йўқ, мен сенга йўқ, — деб чиқиб кетибди.

Хотини орқасидан:

— Мен сизни изласам қаердан топаман? — дебди.

Тулки:

— Мени излаб сарсон бўлма, агар жуда топмоқчи бўлсанг темир чорик кийиб, темир ҳасса таяниб излайсан. Ҳассанг игнадай, чориғинг қоғоздай бўлиб қолса, шундагина топасан, — деб жўнаб кетибди. Тулкининг хотини ҳам подшоликни тарк қилиб темир чорик кийиб, қўлига темир ҳасса ушлаб, бошига қаландар кулоҳ кийиб, дарвишликни ихтиёр қилиб, тулкини қидириб кетибди. Тулкини излай-излай темир чорик қоғоздай бўлибди, темир ҳасса игнадай ингичка бўлиб кетибди. Бу орада бир қанча йиллар ўтибди. Бир тоғдан бораётса, тулки кўп жўралари билан ов овлаб юрган экан, хотинини кўриб, таниб отидан тушибди. Хотини билан кўришиб, сўрашиб, хотинини ўз шаҳрига олиб борибди. Аслида тулки бир катта подшонинг ўғли экан. У ўз севгани билан қовушгач, мурод-мақсадига етибди.

## Бўри билан мерган

Бор экан, йўқ экан, оч экан, тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қақимчи экан, чумчук чақимчи экан, ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан, товук тоқ этди, билмадим қаққа кетди.

Бир мерган бор экан. У мерган овга чиқибди. Бўри учраб кувиб кетибди. Бир жойда чол хирмон совураётган экан. Бўри югуриб келиб, чолга:

— Ота, бир мерган кувиб келаётибди, мени бекитиб қўйинг, — дебди. Чол «хўп» деб, бўрини қопга солиб, устига похол ёпиб бекитиб қўйибди. Мерган чолнинг олдига келиб:

— Ҳой чол, шу ердан бўри ўтдимми? — дебди. Чол:

— Мен ўзим бўридан кўрқаман, ҳеч нарса кўргаим йўқ, — дебди.

Мерган чолнинг гапига ишониб, кетиб қолибди. Бўри похол тагидан:

— Мени кувиб келаётган мерган кетдимми? — дебди. Чол:

- Ҳа, кетди, — дебди.  
— Кетган бўлса мени кўйиб юборинг, — дебди бўри. Чол:  
— Хўп, — деб бўрининг устидаги похолни олиб ташлабди. Бўри похол тагидан чиқиб:  
— Чол-чол, сени ейман, — дебди. Чол кўрққанидан шошиб:  
— Мени егунча, молхонада қўш қўчқорим бор, уни егин, — дебди.  
Бўри севиниб молхонага борибди.

*Бўри борди қўчқор қошига,  
Сузиб солди бўри бошига.  
Яна келди чолнинг қошига.*

- Жон бобо, жоним бобо, сени ейман, —дебди ул. Чол:  
— Мени егунча, отхонада қўш отим бор, уни егин, — дебди.

*Бўри борди отнинг қошига.  
Тетиб солди унинг бошига.  
Яна келди чолнинг қошига.*

- Жон бобо, жоним бобо, сени ейман, —деб такрорлабди бўри. Чол яна:  
— Мени егунча, отхонада қўш эшагим бор, уни егин, — дебди.

*Борди эшак қошига,  
У харб солди бошига.  
Келди чолнинг қошига.*

— Жон бобо, жоним бобо, сени ейман, — деб турганида, икковининг олдида тулки келиб қолибди, чол бечора йиғлаб:

— Мерган бўрини кувиб келаётган эди, бўри мендан ўзини яшириб қўйишни сўради. Мен уни қопга тикиб, похол ёпиб, бекитиб қўйдим. Мерган келиб: «Чол-чол, бўри кўрдингми?» деб сўради. Мен бўридан кўрқаман, ўтгани йўқ дедим. Мерган ишониб, кетди. Похолни олиб бўрини қопдан чиқариб қўйсам «сени ейман», деб мени мушкул ҳолда қолдирди, — деган экан, тулки:

— Эй, бўри ўртоқ, чол сени шундай ўлимдан қутқарса-ю, сен шундай қари чолни ейсанми?  
— деб дашном берибди. «Юр бўлмасам», деб бўри тулки билан биргаликда чолнинг олдидан «хайр, ота», деб жўнаб кетибди. Чол ҳам ўлимдан қутулганига хурсанд бўлиб қолибди. Бўри билан тулки бошларига тушган саргузаштларини айтишиб кетаверибдилар. Бир шудгорга келсалар, бир парча қуйруқ ётган экан. Оч қолган бўри шошилиб тулкига:

— Мен шу думбани ейман, — дебди. Тулки:

— Ема! — дебди. Бўри:

— Нега ема дейсан? — деб ғазабланибди. Тулки:

— «Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур», уни емагин, — дебди. Бўри:

— Мен ҳам бир гап айтай, сен ҳам тушунгин. Бир одам бозорга боргандир, гўшт-ёғ олгандир, отини миниб лўкиллашиб чопгандир, бир парча ёғи шу ерда тушиб қолгандир, ейман, — дебди. Тулки: «ема!» деб кўп ялинса ҳам бўри кўнмабди. Тулки аччиқланиб кетаверибди. Тулки кетгандан кейин бўри ёғни ейман, деб мерган қўйган қопқонга тушиб қелибди. Мерган бир катта толнинг тагида пойлаб ўтирган экан. Бўрининг қопқонга илинганини кўриб, вақти чоғ бўлиб, келиб бўрини ура бошлабди. Калтакнинг зарбига бўри чидай олмай, сакраб қопқондан чиқиб, жон ҳолатда бир дарёга борибди. Ундан сузиб ўтиб, дарё бўйида у ёкка-бу ёкка қараб



ўтлаб юрган қўзини кўрибди, ҳаллослаб қўзининг олдига борибди ва қўзига:

— Сени ейман, — дебди. Қўзи:

— Мени ейишга ейсан, мени туз коига олиб бориб тузлаб егин. Ана маза-ю, мана маза, — дебди. Бўри: «Хўп, сенинг ҳам гапингга кирай», деб конга олиб борибди. Қўзи:

— Сен шу ердан жилмай тур, мен дарров туз олиб чиқай, ундан кейин туз билан ейсан, — деб конга кириб, йўлни чаппа солиб қочиб кетибди. Бўри ҳали чиқар, ҳали чиқар, деб бир қанча вақт кутибди, қўзининг ҳеч дараги бўлмабди. «Қўзи мени алдаб кетган экан», деб уми-дини узиб, жўнабди. Бир жойга борса, бир от ўтлаб юрибди. Отнинг олдига бориб:

— От, от! Сени ейман, — дебди. От:

— Мени есанг ерсан, менинг тақамга ёзилган васият бор, шуни ўқиб бер, мен эштай, — дебди. Бўри тақадаги хатни ўқийман деб бориши билан от бир тепибди, бўрининг оғзи қонаб, думалаб кетибди. Ўрнидан туриб бир жойга бориб, у ёққа-бу ёққа қараб, нима қилишини билмай турган экан, бир семиз эшакнинг ўтлаб юрганини кўриб қолибди. Эшакнинг олдига бориб.

— Эшак, сени ейман, — дебди. Эшак айтибди:

— Хўп, мени ейишга ейсан. Ота-бувамдан қолган йўрға юришим бор, шуни қилиб берай, армонда кетмайин, — дебди. Бўри: «Хўп, бўлмаса», деб эшакнинг устига минибди. Эшак бўрини у ёққа лўкиллабди-бу ёққа лўкиллабди олиб келиб, устидан ирғитиб қочибди. Бўри йиқилганича қолибди. Қорни оч, бедармон бўлиб ётганида бир чолнинг ўтин териб юрганини кўрибди. Жойидан туриб, чолга томон жўнабди. Чол узокдан бўри келаётганини фаҳмлаб шошиб-пишиб ўтинини арғамчисига боғлабди. Бир дарахт илдизини қовлаб олгандан қолган чуқур бор экан. Чол дарров шу чуқурнинг ичига тушиб, ўтинини чуқурнинг оғзига қозон қопқоғидек ёпиб, бекитиб ётаверибди. Бўри ўтин ёнига келиб қараб туриб, чолни топа олмай, ўтиннинг тепасига чиқиб ўтириб:

*Кўрдинги қўзи,*

*Термилади икки қўзи.*

*Сенга ким қўйибди.*

*Қўзини тузлаб ейишни, ув-ув.*

*Кўрдинги ўтлаб юрибди от,*

*Ота-бобосидан қолган хат.*

*Сенга ким қўйибди*

*Унинг васиқасини ўқишни, ув-ув.*

*Кўрдинги эшак,*

*Ёнига солдинг тўшак.*

*Сенга ким қўйибди*

*Йўрғасини кўриб боқишни, ув-ув, —*

деб йиғлаб-йиғлаб ўтин устидан тушиб сахрога қараб кета берибди. Юриб-юриб очлигидан ўлиб қолибди. Чол бечора чуқур ичидан чиқиб ўтинини кўтариб, у ёқ-бу ёққа қараб, шошиб болалари ёнига қайтиб келибди. Бўлган воқеани болаларига айтиб берибди. Болалари: «Дадам бечора бир ўлимдан қолибди-да», деб оталарини далага чиқармай қўйибдилар.

### Ўтинчи йигит билан шер

Бир йигит далага ўтин тергани чиқибди. Бир дарахт ёнига келиб шу дарахтни йиқитмоқчи бўлибди. Бир шер келиб қолиб:

— Э одамзод, нимага келдинг, бу ерда нима иш қиласан? — дебди.

У йигит:

— Мана шу теракни кулатаман, — дебди.

Шер:

— Мен шундай кучим билан бу теракни кулата олмайман-ку, сен қандай қилиб кулатасан? — дебди.

Йигит:

— Эй, жўра, мен жуда зўрман, — дебди.

Шер:

— Сен зўр бўлсанг, кел икковимиз курашиб кучимизни синаймиз, — дебди.

Йигит:

— Майли, курашамиз, — дебди. Иккови курашмоқчи бўлиб турганда йигит:

— Кучимнинг ярми уйда қолибди, бориб олиб келай, — дебди.

Шер:

— Ҳа, бориб кел, бўлмаса йиқилсанг кучим уйда қолган эди, деб тан бермай юрарсан, — дебди. Йигит кучини олиб келмоқчи бўлиб кетиб, бир жойда кўринмай бекиниб туриб, яна қайтиб келибди.

Шер:

— Олиб келдингми? — дебди.

— Олиб келдим, — дебди йигит.

— Ундай бўлса қани курашайлик, — дебди шер. Яна иккови курашмоқчи бўлиб турганда йигит:

— Эй, шер жўра, кучимнинг тагин пичаси уйда қолибди. Олиб келай, — деб кетиб, йўлдан қайтиб келиб:

— Сен қочиб кетма, — дебди.

Шер:

— Йўқ, мен қочмайман, шернинг гапи бир, — дебди.

Йигит:

— Йўқ, сенга кўнглим ишонмайди. Сени боғлаб кетаман, — дебди.

Шер:

— Боғлай қол, — деб ўзини боғлатибди. Йигит шерни маҳкам боғлабди. Толдан яхши бир таёқ қилиб олиб келиб гурсиллатиб шерни ура бошлабди.

Шернинг: «Жон одамзод, мени урманг, энди одамзодга йўликмайман», деб ялинганига ҳам қарамай, ура берибди. Шу пайт бир йўлбарс келиб қолибди. Йигит йўлбарсдан кўрқиб терак бошига чиқиб кетибди. Йўлбарс шернинг боғланиб ётганини кўриб:

— Эй, шер, шунча кучинг билан нимага ўзингни одамзодга урдирасан? — дебди.

Шер:

— Эсинг бўлса одамзодга йўлиқма. Қоч бу ердан. Сени ҳам ушлаб, боғлаб уради, — дебди.

Йўлбарс шердан бу гапни эшитиши билан орқасига қарамай қочиб кетибди. Йигит терак устидан тушиб, шерни бўшатиб юборибди. Теракни кулатиб, арралаб уйига олиб бориб, мурод-мақсадига етибди.

### Ҳандалак полвон

Бир подшонинг хушрўй қизи бор экан. Бир куни бу қизга айикполвон хуштор бўлиб қолибди. Қизни қўлга туширишга анча ҳаракат қилибди-ю, тушира олмабди. Кунлардан бир кун айикполвон тулки билан жўра бўлиб қолибди. Тулкига ўз сирини айтибди:

— Э жўра, мен подшонинг қизига ошиқман. Унинг васлига етолмай юрибман. Сен тулкисан, тез чопасан. Сени қувлаган одам бир кўради-ю, иккинчи кўрмайди. Мен зўр айикполвонман. Гап зўрликда эмас, айёрликда, сен буни биласан. Шунинг учун сенга тулки деб ном берилган. Сен шу қизни олиш йўлини биласан, шуни менга олиб келиб берсанг-чи.

— Ҳа, тўғри айтасан. Мен тулкиман, хийлаий найрангни кўп биламан. Ўзим сариқ тулки бўлсам ҳам юз хил рангга кириб, юз хил товланаман. Подшонинг қизини ўзим олиб келиб бераман, — дебди тулки.

Подшонинг қизи ҳар куни канизаклари билан боғда сайр қилар экан. Тулки юнглариани ҳар хил рангда товлантириб, қизлар орасига бориб ўйин қила бошлабди. Канизаклар тулкини ушламоқчи бўлсалар, тулки ўзини ушлатмай қоча берибди. Кейин подшонинг қизи: «Мана менинг ушлашимни кўринглар», деб тулкини қувлаб кетибди. Тулки ҳар хил ўйин қилиб қоронғи ўрмонга кетаверибди. Киз ҳам тулкининг орқасидан чопиб кетаверибди. Шундай қилиб, айикполвон ётган жойига олиб борибди. Айик қизни ушлаб олибди-да, орқасига ўнгариб тоғ томонга қочибди. Подшо одамлари билан айикни қувлабди. Айик бир ғорга кириб кетибди. Кеч кирибди. Подшо одамлари шу ғорнинг ёнида ётиб қолишибди. Эрта билан қарасалар отлари, милтиқ-аслаҳалари йўқ. Подшо бу ишга хайрон бўлиб, қизини топа олмай, одамлари билан қайтиб кетибди. Айик қизга уйланиб яшай бошлабди.

Ой ўтибди, кун ўтибди, кунлардан бир куни подшонинг қизи бир ўғил туғибди. Отини Лўнда полвон кўйибди. Бола етти ёшга кириб, ҳар нарсани биладиган бўлибди. Онасига қараса одамга ўхшайди, отасига қараса, қоп-қора юнгли, ҳеч одамга ўхшамайди. Лўнда полвон онасидан:

— Эй она, нимага сизнинг баданингиз тоза, отамникига ўхшамайди. Отам бўлса қора, баданларида юнг, — дебди. Онаси:

— Э ўғлим, мен бир подшонинг қизи эдим. Отанг айикполвон менга ошиқ бўлиб қолган экан, олиб қочиб келиб, мана шу ғорга қамади. Бирга яшадик. Ўзи кетган чоғида катта тош билан ғорнинг оғзини беркитиб кетади, — дебди. Лўнда полвон:

— Она, мен сизни отангизнинг олдига олиб борсам нима дейсиз? — дебди. Онаси:

— Яхши бўларди, уддасидан чиқсанг олиб бор. Лекин мана шу ғорнинг оғзидаги тошни отанг аранг кўтариб кўяди. Сен ёш боласан. Бу тошни қандай қилиб кўтарасан. Ғордан қандай қилиб чиқамиз? — дебди.

Лўнда полвон:

— Эй она, бу тошни отам кўтарган бўлса, мен ҳам отамнинг ўғли, мен ҳам кўтараман, — деб тошнинг ёнига борибди-да, бир итариб юмалатиб юборибди. Она-бола оҳиста ғордан чиқиб юз қадам юрган экан, айик кўриб қолибди. Хотинига:

— Эй, тўхта-тўхта! — деб бақирибди. Хотини айикнинг товушидан кўрқиб, нима қилишини билмай қолибди. Ўғли бўлса писанд қилмай кетаверибди. Бир қанча вақт юргандан кейин қайрилиб қараса, онаси юз қадам орқада айикнинг товушидан кўрқиб йиқилиб қолибди. Лўнда полвон чопиб онаси қошига келиб:

— Ҳа, она, чарчаб қолдингизми, ё ухлаб қолдингизми, нимага ётиб қолдингиз? — дебди.

— Эй болам, чарчаганим йўқ, отангнинг ириллаб, чақирган товушидан кўрққанамдан ётиб қолибман, — дебди онаси. Лўнда полвон қараса, отаси айикполвон яқинлашиб келаётганмиш. У ўғлига: «Қаерга боряпсан!» деб бақирибди.

Лўнда полвон:

— Бобом олдида бораман, онамни ҳам олиб кетаётибман, — дебди. Айик ўғлидан кўрқиб индамай қолибди. Лўнда полвон отаси айикни бир катта чинор тагига бошлаб борибди-да, шу ердан қимирлама, деб онасини ўзи билан бирга олиб кетаверибди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, шаҳарга яқинлашганларида бир қанча савдогарлар учрабди. Улар бола билан онасини кўриб:

— Ҳов бола, қаерга кетаётибсизлар, кимнинг боласисан? — дебди. Шунда онаси туриб:

— Бу менинг ўғлим. Мен шу шаҳар подшосининг қизиман. Мени айиқ ўғирлаб кетган эди. Отамнинг олдига эсон-омон қутулиб келаётибмиз, — дебди.

Савдогарлар бу гапни эшитиб, тезда подшога хабар беришибди. Подшо қизини кутиб олиш учун кўп одамларни чақирибди. Подшо, қизини ҳам неварасини кўриб, хурсанд бўлибди.

Лўнда полвон кўчага чиқиб, болалар билан ўйнай бошлабди. Болалар билан соққа ўйнаб, бир қанчаларининг кўзларини кўр қилиб, уриб юраверибди. Катта бўлган сари подшо берган озиқ-овқатга қаноат қилмай, нонвойхоналарга кириб, нонларни еб кўядиган бўлибди. Нонвойлар подшонинг неварасидан норози бўлиб, унга арз қилишибди. Подшо неварасини зоғлар еб кетар, деб ўйлаб тоққа ўтин теришга юборибди. Лўнда полвон тоққа бориб, айиқларни чақириб ўтин тердирибди-да, ўтинларни айиқларга ортиб қайтиб келибди Шаҳар айиқ билан тўлиб кетибди. Лўнда полвон ўтинларни тушириб, айиқларга жавоб бериб юбориб, подшо олдига борибди. Подшо неварасининг қилган ишларини кўриб, кейинчалик ўзини ҳам хароб қилиб қўйишидан кўрқиб, шаҳардан ҳайдаб чиқарибди. Йўл юриб кетаётса, рўпарасида икки билагига тегирмон тошини кийган бир киши катта тоғни миниб ғизиллаб келаверибди. Лўнда полвон унга:

— Жўра, қаерга шошиб кетаётибсан? — дебди. Ҳалиги одам:

— Эй жўра, хў ана шу шаҳар подшоҳининг Лўнда деган невараси бор эмиш, ўша билан курашиш учун бир тоғни миниб, икки қўлимга икки тегирмон тошни олиб машқ қилиб келаётибман, — дебди.

Лўнда полвон:

— Мен ўша Лўнда полвон билан кураш қилар эдим, менинг отим Ҳандалак полвон. Дам у йиқитар эди, дам мен йиқитар эдим. Қани, икковимиз бир курашиб кўрайлик-чи. Агар мени йиқитсанг, Лўнда полвонни ҳам йиқитасан, — дебди ва иккови курашиб кетишибди. Ҳандалак полвон тоғ минган одамни чунон кўтариб урибдики, бир қарич ерга кириб кетибди. Тоғ минган одам Ҳандалак полвонга қараб:

— Мен сенга дўст бўламан, қаерга борсанг бирга бораман, ҳамроҳ бўламан, — дебди.

Иккови дўст бўлиб йўлга тушиб кетаверишибди. Бир қанча йўл юргандан кейин қарашса, бир одам икки қўлига икки тоғни кўтариб келаётган экан. Ҳандалак полвон унга қараб:

— Эй жўра, қаерга кетаётибсан? — дебди. У одам:

— Фалон мамлакат подшосининг Лўнда полвон деган невараси бор эмиш, ўша билан курашиш учун бу тоғларни кўтариб машқ қилиб кетаётибман, — дебди. Ҳандалак полвон:

— Мен Лўнда полвон билан жўра эдим. Икковимиз кураш тушиб дам у йиқитар эди, дам мен йиқитар эдим. Бўлмаса, кел, икковимиз бир курашайлик. Агар мени йиқитсанг, уни ҳам йиқитасан, — дебди ва иккови курашиб кетишибди. Ҳандалак полвон тоғ кўтариб келган одамни бир кўтариб урибди. У ҳам булар билан жўра бўлибди. Учови йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир катта дарё бўйига келиб қарасалар, унда бир одам икки қўли билан икки оёғини дарё ичига тикиб ўтириб: «Хўпла оғзим, хўпла», деб дарё сувининг ҳаммасини шимириб, яна чиқариб машқ қилиб ўтирганмиш. Ҳандалак полвон у одамга қараб.

— Ҳа, йигит, нима қилиб ўтирибсан? — дебди. Ҳалиги одам:

— Бу менинг касбим. Фалон подшонинг невараси Лўнда полвон билан курашиш учун машқ қилаётибман, — дебди. Ҳандалак полвон:

— Мен ҳам Лўнда полвон билан курашар эдим. Дам у мени йиқитар эди, дам мен уни йиқитар эдим. Кел курашайлик. Мени йиқитсанг, Лўнда полвонни ҳам йиқитасан, — дебди ва иккови курашибди. Ҳандалак полвон у одамни ҳам йиқитибди. Энди тўртови дўст бўлиб кетаверишибди. Йўлда бир қутича топиб олишибди. Ҳандалак полвон қутичани олиб қараса, ичида мусичаларнинг подшоси қамалиб ётганмиш. Ҳандалак полвон: «Бу ҳам керак бўлар», деб чўнтагига солиб кетаверибди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир шаҳарга етиб боришибди.

Бу шаҳар подшосининг Мастурахон деган қизи бор экан. Мастурахон: «Кимда-ким бешта шартимни бажарса ўшанга тегаман», деган экан. Кўп шаҳзодалар келиб, шартини бажара олмай, ўлиб кетишган экан. Ҳандалак полвон бу гапни эшитиб, подшо олдига бориб:

— Қизингизнинг шартини айтинг, мен бажараман, — дебди.

Подшо:

— Биринчи шарт — атрофини қирқ кунда айланиб чиқиш мумкин бўлган ҳовузга овқат тўлдирилган бўлади. Кимки шу овқатни бир кунда еб тамомласа; иккинчи шарт — оловда чўғ қилиб қиздирилган уйда бир кеча ётиб ўлмай чиқса; учинчи шарт — ерни шудгор қилиб қирқ қоп буғдой, қирқ қоп тарикни аралаштириб сепиб, ўшани бир дона қолдирмай бир кунда буғдойини буғдойга, тарикни тарикқа ажратиб, қирқ қопга тўлдирса; тўртинчи шарт — катта темир кундани чўп табар билан ёрса; бешинчи шарт — фалон дарёдан Мастуранинг одамидан илгари сув олиб келса, қизим ўшанга тегаси, — дебди. Ҳандалак полвон бу шартларни бажаришга рози бўлибди. Биринчи шартни икки кўлида тегирмон тоши кўтариб юрган жўраси бажарадиган бўлибди. У ҳовуз ичидаги овқатни ярим кунда еб қўйибди. Иккинчи шартини хўпла оғзим дейдиган жўраси бажармоқчи бўлибди, дарёнинг сувини ичиб келибди-да, қиздирилган темир уйга кириб пуркаган экан, уй муздек совиб қолибди. Саҳаргача жим ётиб, тонг отгач, эшикни тепиб: «Эшикни очинг, совуқ қотдим», деб бақирибди. Учинчи шартини бажариш вақти келибди. Ҳандалак полвон чўптагидаги қутичани очиб, мусичаларнинг подшосига қараб:

— Эй, мусичаларнинг подшоси, шу шудгордаги тарик билан буғдойни ажратиб териб қирқта қопга тўлдир, — дебди. Мусичалар подшоси оёқларини чўзиб-чўзиб муртини у ёнига-бу ёнига артиб, бир имо қилиш билан шудгорни мусича босиб кетибди. Ҳаммаси бир кунга қолмай тарик билан буғдойни ажратиб териб қопга тўлдириб қўйибди.

Мастурахон уч шартни бажарилганига ҳайрон бўлибди. Эртаси Ҳандалак полвонни чақириб:

— Эй йигит, хизматинг кўп бўлди. Лекин кейингиларини бажаролмай армон билан ўлиб кетма. Темир кундани ёриш анча оғир. Мен сенга ёрдам берай. Мана бу соч толасини чўп табарга қўйиб: «Ё Мастурахон!..» деб бир урсанг, темир кунда тўртга бўлиниб кетаси, — деб Ҳандалак полвонга берибди. Эртаси тонг отибди. Майдонга халқ йигилибди, кундани ўртага қўйишибди. Ҳандалак полвон ўртага чиқиб, темир кунданинг у ёқ-бу ёғини кўрган киши бўлиб билдирмасдан Мастурахоннинг сочини тўрт бўлиб чўп табарга қўшиб урмоқчи бўлиб турганда одамлар: «Чўп табар билан темир кунда ёриладими?» деб қулишибди. Шу пайт Ҳандалак полвон: «Ё Мастурахон!» деб бир урган экан, темир кунда тўрт бўлак бўлиб кетибди. Бешинчи шартни икки кўлига икки тоғни кўтарган жўраси бажарадиган бўлибди. У Мастурахоннинг сувчиси билан қирқ кунлик ердан сув олиб келишга жўнабди. Икки мартаба баравар бериб олиб келишибди. Ахири учинчи мартаба тоғ кўтарган йигит илгари олиб келибди. Шу билан Мастурахоннинг шартларини Ҳандалак полвон бажарибди. Подшо қирқ кеча-ю қирқ кундуз тўй қилиб, Мастурахонни Ҳандалак полвонга берибди. Лекин Мастурахоннинг отаси қизини бошқа подшонинг ўғлига бермоқчи экан. Бир неча кун ўтгандан кейин ҳалиги подшо аскар юбориб, уруш бошлабди. Ҳандалак полвон тегирмон тош кўтарган, тоғ кўтарган ва дарё сувини симирадига жўралари билан урушга кириб, подшо аскарларига қирғин солибди. Подшо куёвининг ботирлигини кўриб ҳайрон қолибди. Ҳандалак полвон Мастурахонни олиб ўз шаҳрига қайтибди. Бу вақт отаси ўлиб, мамлакатга онаси подшо бўлган экан. Онаси ўғлига яна тўй-томоша қилиб бериб, мурод-мақсадига етибди.

### Тулки билан товус

Эртагиё эртаги, эчкиларнинг бўртаги, қирғовул қизил экан, қуйруғи узун экан, кўк музга

минган экан, мурути синган экан, ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан, ола қарға азончи, қора қарға қозончи, чумчуқ чақимчи экан, тўрғай тўқимчи экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, эртагимнинг эри бор, етти кунлик ери бор, етти кунлик ерида думи калта бўри бор.

Кунларнинг бирида тулки кетаётган экан, бир товус думини сетора-сетора қилиб келаверибди. Шунда тулки айтибдики:

— Эй товус, ажаб-ажаб ўйинларинг бор экан, бир яхшилаб ўйнаб бергин.

Товус думини сетора-сетора қилиб ўйинга туша берибди. Тулкининг қорни оч экан, ўйнаб турган пайтида уни ушлаб олибди. Бир вақт товус қараса, тулкининг авзойи бузук, уни емоқчи бўлиб турибди. Товус:

— Эй тулки, нима қиляпсан? — дебди. Тулки айтибди:

— Менинг қорним оч, энди сени егим келиб қолди.

Товус:

— Хўп майли, мени егин, лекин кўз олдимда, бир фотиҳа ўқиб есанг, ҳеч армоним қолмас эди, — дебди.

Шунда тулки пичир-пичир қилиб қўлини кўтарибди:

— Омин, оллоҳу акбар, — деган экан, товус тулкининг олдидан «вар» этиб учиб кетибди. Тулки қўлини кўтарганича товусга қараб туриб шундай деб фотиҳасини давом эттираверибди:

— Овқат емасдан олдин фотиҳа ўқиган аҳмоқ экан, овқатни еб бўлиб, ундан кейин фотиҳа ўқиш керак экан, омин оллоҳу акбар, — деб фотиҳасини тамом қилибди.

## Чивинбой

Чивинбой учиб бориб, янтоқ устига кўнибди. Янтоқнинг тикани унинг тумшуғига кирибди. Чивиннинг қаҳри келиб, эчки акасининг олдига борибди:

— Эчки ака, эчки ака, шу янтоқни есангиз-чи, — дебди.

Эчки:

— Қоч, ўшанга мени рўпара қилма! Кўм-кўк ўт, барра майса турганда, энди сенинг гапингга кириб, янтоқни ейманми? — дебди.

Чивин:

— Хап сеними, шошмай тур, тўғри бўри акамга бориб, сени унга едирмасам хўп юрган эканман, — дебди. Чивин бўри олдига борибди:

— Бўри ака, бўри ака, ана шу эчкини есангиз-чи! — дебди.

Бўри:

— Кўп мени лақиллатма, қўй гўшти турганда шайтон эчкининг гўштини ейманми? — дебди.

Чивин:

— Хап саними, мерган акамга айтиб сени ўлдиртирмасам, тоза чивин бўлиб юрган эканман, — дебди-да, тўғри учиб мерганнинг олдига борибди.

— Мерган ака, мерган ака, — дебди Чивинбой, — шу бўрини отиб ташласангиз-чи, — эчкини е, десам, емайман, деди.

Мерган:

— Менинг бўридан бошқа отадиган овим кўп. Сенинг гапингга кириб, бўрини отиб юраманми? — дебди.

Чивинбой:

— Хап саними, қараб тур, сичқон акамга айтиб сенинг дори соладиган халтангни тешдирмасам юрган эканман, — деб сичқоннинг олдига учиб борибди.

— Сичқон ака, ана шу мерганнинг дори халтасини тешинг, у кўп жониворга зарар етказди, — дебди.

Сичқон айтибди:

— Буғдой билан арпа турганида менга энди мерганнинг халтасини тешиш қолдими?

Чивинбой:

— Хап саними, шошмай тур, мушук акамга айтиб, сени едирмасам, тоза юрган эканман, — дебди-да, тўғри мушукнинг олдига учиб борибди:

— Мушук ака, мушук ака, ана шу сичқонни есангиз. Мерганнинг дори халтасини теш десам, йўқ, дейди, — дебди.

Мушук айтибди:

— Э, қўйсанг-чи, менинг ейдиган нарсаларим кўп: қўйнинг гўшт-ёғи турганда, сичқонни пойлаб юрармидим!

— Хап саними, сени кучук акамга айтиб, бир талатмасам, юрган эканман, шопшай тур! — дебди Чивинбой.

Чивинбой:

— Кучук ака, кучук ака, ана шу мушукни бир ўхшатиб тала! Сичқонни е, десам емайди, — дебди.

— Сенинг гапингга кириб, бекордан-бекорга мушукни талайманми? — дебди кучук.

Чивин:

— Хап саними, болаларга айтиб, бир урдирмасам, қонга булатиб ясатмасам, юрган эканман, — деб учиб кетибди. Чивин йўлда бир тўда болаларга йўлиқибди.

Чивин болаларга қараб:

— Ҳай болалар, шу кучукни бир боплаб уринглар, мушукни тала, десам, таламайди, — дебди.

Болалар:

— Бизнинг бошимизни кўп айланторма, ўзимизнинг ўйинимиз кўп. Энди ўйинни қўйиб, овора бўлиб, кучукни қувлаб юрамизми? — деб жавоб беришибди.

Шуида Чивинбой:

— Хап саними, оналарингга айтиб, бир ўхшатиб савалатмасам, юрган эканман, — дебди.

Чивин чарх йигириб ўтирган момонинг олдига бориб:

— Ҳой онажон, шу болаларингизнинг бир адабини бериб қўйинг, — дебди.

Онаси:

— Менинг ишим бошимдан ошиб ётибди, ҳали пахталарим савақсиз, энди мен ҳамма ишни ташлаб, бирор сабабсиз болаларни қувиб, уриб юрайми? — дебди.

— Хап саними, мен бориб шамол акамга айтиб, сенинг пахталарингни учуриб юбормасам, юрган эканмай, — дебди Чивинбой.

*Шамол, бағри камол,*

*Болаларга қўйингни оч.*

*Ота-онанг ўлибди,*

*Чўлоқ кетмонингни олиб қоч! —*

деганда, бир қаттиқ шамол турибди. Шамол момонинг пахтасини учурибди. Момо қўлига калтак олиб, болаларни қувлабди, болалар кучукни ура кетишибди, кучук мушукни талай кетибди, мушук сичқонни қува кетибди, сичқон халтани теша кетибди, мерган бўрини отибди, бўри эчкини қувлабди, эчки янтоқни еб қўйибди.

Шунда Чивинбойнинг вақти хуш бўлиб, мурод-мақсадига етибди.

## Ўтинчи чол билан тулки

Бир камбағал чол бор экан. Ҳар куни чўллардан ўтин-чўп, янтоқ териб, эшагига ортиб келиб, бозорда сотар экан. Ҳар куни чол чўлга ўтинга чиқиш вақтида хотини иккита чавати<sup>13</sup> қилиб берар экан. Кунларнинг бирида чол чўлга кетаётса, бир тулки йўлини тўсиб, икки чаватисини олиб еб қўйибди. Шу билан тулки ҳар куни чолнинг чаватисини ейдиган бўлибди. Чол кампирга айтмас экан, кампир чолга чавати пишириб бераверар экан. Бир куни чол ўйлаб туриб: «Мен ҳар куни чўлга боришимда шу йўл билан бораман, тулки чаватимни еб қўяди, бугун бўлак йўл билан борай», деб бошқа йўлга тушибди. Йўлда кетаётиб эшак устида ухлаб қолибди. Бир нарсдан чўчиб уйғониб қараса, эшаги бир катта чинор ёнида тўхтаб турибди. Чинор тагида бир супа, супа устида қирқта дев ухлаб ётибди. Чол девларни кўриб жуда кўрқибди. Девлар ҳар ухлаганда қирқ кун ухлар экан. Уларнинг ухлаганига ўттиз тўққиз кун бўлган экан. Бир кунлик уйқуси қолган девлар одамзод хидига уйғониб қолишибди. Девлар қараса рўпарасида бир одам турибди. Девлар бир-бирини туртишиб, бир-бирига шивирлашиб қолишибди. Чол булардан кўрқиб: «Булар мендан гап сўраса нима десам бўлар экан. Агар бирор гап сўраса, мен Азройилман дейман, шу ерда қирқта дев бор экан, худо мени «шуларнинг жонини олиб кел» деб юборди, шунга келдим, деб айтаман», деб ўз гапини ўзи маъқуллаб девлар қошига борибди. Девлар чолга қараб:

— Келинг ота, кимсиз? — дебди. Чол:

— Мен худонинг юборган Азройилиман. Шу жойда қирқта дев бор экан. Шуларнинг жонини оламан, — дебди.

Девлар кўрқиб: «Бу чол Азройил экан, энди нима қиламиз», деб маслаҳат қилишибди. Девлардан бири:

— Эй жўралар, отамиздан қолган бир тилла кели билан келисоп бор. Бу бизнинг жонимиздан азизми, шуни берайлик, — дебди. Бошқа девлар:

— Албатта жонимиздан азиз эмас, лекин келисини берсагу, сопини олиб қолсак, — дейишибди. Бу маслаҳатга ҳаммаси розилик беришибди.

Девлардан бири чолга:

— Бирор нарса бериб, сизни хурсанд қилсак, жонимизни олмайсизми? — дебди. Чол:

— Эй девлар, менга ҳеч нарса керак эмас, Менга фақат девнинг жони керак, — дебди.

Шунда девлар бир-бири билан маслаҳатлашиб, кели билан келисопни ҳам бермоқчи бўлишибди.

— Эй чол, бизнинг отамиздан қолган тилла кели билан келисоп бор, шуни сизга берамиз, бизни ўлдирманг, — дебди.

Чол ўзини тутиб:

— Бўлмаса келтиринглар, эшагимга юклаб беринглар, гуноҳларингдан ўтсам ўтайин, — дебди.

Чол тилла кели билан келисопни эшагига юклаб ўз уйига кетибди. Орадан икки кун ўтгандан кейин девлар «Азройил» чолдан қутулганликлари учун бўри билан тулки дўстларини чақириб, қирқ қулоқли қозонни осиб зиёфат қилишибди. Чолнинг чаватисини еб юрган тулки девларга қараб ҳазиллашиб:

— Эй девлар, отангизнинг ўлганига неча йиллар бўлиб кетган бўлса, нечук бугунга келиб ис чиқаряпсизлар? — дебди. Девлардан бири:

— Ҳай дўстим, оғзингни очма, худонинг юборган Азройилидан қутулганимизга зиёфат қилаётибмиз, — дебди.

Тулкй:

— У қандай одамзод экан? — дебди. Дев:

<sup>13</sup> Чавати — қозонда пиширилган нон



— Соқоллари узун, белида арқони бор, эшак минган бир чол, — дебди. Тулки қарсак уриб кулибди:

— Сенлар ҳам девман деб юрибсанлар. Мен ҳар куни у чолнинг икки дона чаватисини еб юрар эдим. Икки кундан бери бу йўлдан юрмасдан, бошқа йўлдан юриб кетибди. Шунда сизларга тўғри келиб, сизларни алдаб кетибди. Мен сизларни чолнинг уйига олиб бораман, юринглар, — дебди.

Девлар хайрон бўлишибди. Тулки бешта девни ўзи билан бирга олиб, чолнинг уйига жўнабди. Девлар кўрққанларидан бир-бирларини ушлашиб келишибди.

Чол илгари қийналган ўтинчи экан. Тилла кели, кели сопни олиб, озгинадан майдалаб бозорга сотиб, турмуши жуда яхши бўлиб кетибди. Бир куни хотини хамир қилиб ўтириб чолга қараб:

— Ҳай чол, ўтин ташланг, хамир кўпчиб қолди, — дебди.

Чол ўтин ташлаб туриб шундай кўчага қараса, ҳалиги чаватисини еб юрган тулки бешта девнинг думидан ушлаб келаётган эмиш. Чол билан кампир: «Илгари ўлмасак ҳам энди ўламиз», деб кўрқиб кетишибди. Чол ўйлаб туриб: «Шу тулкининг шаънига бир ёмон гап гапирсам, қутулсам ажаб эмас», деб:

— Ҳа, тулки, сен отангдан қолган қарзларинг учун бу бешта девни олиб келяпсанми, менга улар керак эмас, ўзимнинг ҳақимни бер, — дебди. Шунда девлардан бири:

— Ҳа, бизни отангдан қолган қарзинг учун олиб келаётган экансан, — деб тулкининг думидан ушлаб ерга бир урибди. Тулкининг оғзи қийшайиб, тиши иржайиб ўлиб қолибди. Девлар орқасига қарамай, қочиб кетибдилар. Чол томдан тушиб, тулкининг терисини ажратиб олиб келиб, телпак қилиб кийиб олибди, Бешта дев ҳаллослаб бориб шерикларига:

— Тўғри, у чол худонинг юборган жаллоди экан. Тулкининг ундан қарзи бор экан. Бизни шу қарзи учун чолга топширмоқчи бўлган экан, тулкининг думидан тутиб ерга урдик, жойидан кимирламай ўлиб қолди, — дебди.

Девлар чолдан ва тулкидан қутулганликларига зиёфат қилибдилар. Чол ҳам тулки билан девлардан қутулиб яхши турмушга эга бўлибди. Чол ҳозиргача тулки телпагини кийиб юрган эмиш.

## Олтин тарвуз

Бир бор экан, бир йўқ экан, ўтган замонда бир камбағал деҳқон бор экан. Унинг атиги бир танобгина ери бор экан. Деҳқон шу ерда кечаю кундуз тинмай меҳнат қилиб кун кўрар экан. Баҳор келиб қолибди. Деҳқон ер ҳайдай бошлабди. Ерни икки марта ҳайдаб бўлиб, яқинидаги қатта сойнинг бўйида салқинлаб ўтирса, осмонда учиб кетаётган бир лайлак йиқилиб тушибди. Деҳқон қараса, лайлакнинг қаноти синиқ эмиш. Деҳқон ҳалиги лайлакни дарров уйга олиб бориб, синиқ қанотига тахтакач боғлаб бир қанча вақт уни боқибди. Лайлак соғайиб, учиб кетибди.

Бир кун деҳқон чигит экиб юрса, лайлак пастлаб учиб ўтибди. Деҳқон эса чигитни экаверибди. Бироқ лайлак яна пастлаб ўтибди. Шу ўтишда уч дона тарвуз уруғи ташлаб кетибди.

Бир неча кундан кейин чигит билаи баравар тарвуз уруғи ҳам униб чиқибди. Экинни вақтида ўтабди, суғорибди, чопибди. Шундай қилиб, ҳосилни йиғадиган пайт ҳам келибди. Бир куни тарвуздан учтасини узиб, уйига олиб кетибди. Тарвузлар жуда қатта экан. Деҳқон ўзининг яқин қариндошларини ва ошна-оғайнилариини меҳмон қилиб чақирибди. Бир маҳал тарвузга пичоқ урса, пичоқ сира ботмас эмиш. Уни кўйиб иккинчисини сўймоқчи бўлибди, пичоқ ўтмабди, учинчиси ҳам шундай бўлибди. Деҳқон ҳам, меҳмонлар ҳам хайрон бўлишибди. Ерга

бир уриб ёриб қарасалар ичи тўла тилла эмиш. Қолган иккитасини ҳам ёриб кўришибди. Уларнинг ичи ҳам тилла эмиш. Камбағал севиниб кетиб, ҳаммасини меҳмонларга улашибди, улар ҳам хурсанд бўлиб, уй-уйларига тарқабдилар. Уч туп тарвузнинг ҳар бири ўнтадан солган экан. Дехқон қолган тарвузларни ҳам йиғиб олибди. Шундай қилиб камбағал дехқон жуда бойиб кетибди.

Унинг бир бой дехқон кўшниси бор экан. У ҳалиги камбағал дехқондан: «Сен нима қилиб бойидинг?» деб сўрабди.

Дехқон воқеани айтибди: «Кўшни, менинг еримни ўзингиз биласиз. Эрта баҳордан ерни ҳайдашга киришдим. Бир кун чарчаб, сой бўйида салқинлаб ўтирсам, осмонда учиб кетаётган бир лайлак йиқилиб тушди. Қарасам бир қаноти синган экан. Раҳмим келиб, кўтариб уйга олиб келдим. Қанотини тахтакач билан боғлаб, дори-дармон билан парвариш қилдим, боқдим. Лайлак бир неча кундан кейин тамом соғайиб учиб кетди. Кунлардан бир кун ер ҳайдаб бўлиб, чигит экиб юрсам, ҳалиги лайлак тепамдан учиб ўтди. Ишимни қилавердим. Бир оздан кейин лайлак орқасига қайтди. Қайтишда пастлаб учиб ерга уч дона тарвуз уруғи ташлаб ўтди. У уруғлар ердан униб чиқди. Уни ғўзаларим билан баравар парвариш қила бердим. Тарвузларни сўйсам, ичидан тилла чиқди. Шундай қилиб бойиб кетдим», — дебди.

Буни эшитган бой дехқон: «Зора мен ҳам шундай олтинларни қўлга киритсам», деб сойга бориб турибди. Бир вақт бой нарироқда бир лайлакни кўрибди. У секин бориб, пойлаб туриб лайлакнинг оёғига таёқ отибди. Лайлакнинг оёғи синиб, учолмай қолибди. Бой дарров уни тутиб, уйга олиб келибди, оёғига тахтакач боғлаб, парвариш қилибди. Бир неча кундан кейин лайлакнинг оёғи тузалиб учиб кетибди. Бой дехқон ҳар куни далага чиқиб, лайлакни кутаверибди. Кунларнинг бирида унинг тепасидан таниш лайлак ўта туриб икки дона уруғ ташлаб кетибди. Уруғи кўкариб чиқиб тарвуз солибди. Тарвуз пишиши билан бой дехқон ҳамма қариндош-уруғини меҳмонга чақирибди. Тарвузга пичоқ урган замон ичидан катта-катта қовоқ арилар чиқиб, ўтирганларни талай бошлабди. Бой тура солиб уларни ҳайдамоқчи бўлганда, арилар уни боши демай, юзи демай чақиб ташлайверибди. Орадан сал ўтгач, бойнинг калласи, бурни, лаблари шишиб кетибди. Бунинг аламига чидолмай, ўзини катта сувга ташлаб чўкиб кетибди.

Камбағал дехқон ҳалоллик билан муродига етибди, бой дехқон ўз қилмишига яраша жазосини тортибди.

## Овчи, Кўкча ва Доно

### I

Бир замонда бир овчи бор экан. Бир куни у далага чиқибди, ерга тузоқ кўйиб, ўзи бир пана жойда пусиб ўтирибди. Бир гала каптар учиб келиб, чинорга қўнибди, ерга тушиб донламоқчи бўлибди. Каптарлар орасида Кўкча деган кекса бир каптар бор экан. У каптарларга қараб «Пастга тушманглар тузоқ бор, илиниб қоласизлар», дебди.

Каптарлар Кўкчанинг сўзига кулоқ солмай, битта-битта учиб тушиб донлай бошлабдилар. Охири нафслари ғолиблик қилиб тўр остига кирибдилар. Кўкча шерикларидан ажралиб қолишни, ёлғиз яшашни ўзига эп кўрмабди. У ҳам пастга тушиб, тўр остига кирибди. Овчи секин-аста тўрнинг ипини тортибди, ҳамма каптар тўрга илинибди.

Кўкча шерикларига қараб:

— Энди бир сўзим бор, агар хўп десангиз, айтайии. Зора-мора қутулсак, — дебди.

Каптарлар:

— Хўп, айтинг, аввал сизнинг сўзингизга кирмай, шу балога йўлиқдик, энди нима десангиз

шуни қиламиз, — дейишибди.

Кўкча, қараса, овчи қувиб келаётган экан. Каптарлар жуда баланд кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлибдилар.

Кўкча энди тўрдан кутулиш йўлини излаб турган экан, Доно исмли бир сичқон дўсти ёдига тушиб қолибди ва каптарларни шу томонга бошлабди. Каптарлар чўл-биёбонлар устидан ўтиб, тоғлардан ошибдилар, бориб-бориб Дононинг ини оғзига келиб қолибдилар. Кўкча Донони чақирибди. Доно чиқиб қарасаки, дўсти Кўкча эмиш. Доно дўсти Кўкчанинг илтимоси билан аввал Кўкчанинг шерикларини, кейин ўзини тўрдан қутқазибди. Сўнгра ҳол-аҳвол сўрабди. Кўкча бутун воқеани айтиб берибди.

Доно қадрдон дўстларини кутиш учун салқин ва хушхаво ерга жой қилибди, дон-дун, ноз-неъматларни сероб қилибди.

## II

Чинорда ўтириб ҳамма воқеани кўрган бир қарға: «Каптарлар бирор ерга бориб тушса, донига шерик бўларман», деган умид билан улар орқасидан учиб келган экан. Қарға Дононинг каптарларга берган ёрдамини кўриб, хайрон қолибди. Ўзича: «Дўст ёрдам берар экан, мен сичқон билан дўст бўлайин», деб ўйлабди. Сўнгра бориб Донони инидан чақирибди. Доно чиқиб қараса, бир қарға турган эмиш.

Доно эшиқда турган қарғага қараб:

— Хўш, келинг биродар, — дебди. Қарға:

— Мен жониворларнинг ҳеч бирига кўшилмай, ёлғиз ўзим яшаб келаман. Ёр-биродарларим, жонкуярим йўқ; жониворлар ҳамини мендан қочишади. Ёлғизлик жондан ўтди, қийналиб кетдим, ўйлаб-ўйлаб сиз билан дўст бўлишни маъқул кўрдим, орзумни қабул қилсангиз деб, умид билан келдим, — дебди.

Сичқон қарғага жавобан:

— Дуруст, лекин сиз мени қаерда кўрсангиз ейсиз, шунинг учун сўзингизга ишониш қийин, — деган экан, қарға:

— Тўғри айтасиз, дўстим, ростини айтсам, қаерда сичқон кўрсам тутиб ер эдим. Аммо дўстлик яхши экан, энди сизга сира зарар етказмайман, — деб чинакам ваъда берибди.

Доно бўлса, қарғанинг сўзига ишониб, инидан чиқибди, қарға билан қўл олишиб, дўст бўлибди, уни меҳмон қилибди.

Бир кун қарға дўсти Донони боғига таклиф қилибди. Доно борадиган бўлибди. Қарға Донони тумшуғида олиб бормоқчи бўлибди, лекин сичқон қийналмасин, деб уни чангалида авайлаб олиб кетибди. Бу боғ жаҳонда бор ҳамма мева дарахтлари билан безанган ажойиб жой экан. Хилма-хил гуллар хушбўй ҳид сочиб, бўстонни яшнатиб турар, шишадек тиниқ сувлар шилдираб оқиб турар экан. Турли-туман мевалар пишиб, тагига тушиб ётар экан. Қарға Донони яхшилаб зиёфат қилибди. Сичқон кўп хурсанд бўлиб, боғ ичида қарға билан томоша қилиб юрибди. Буни шу боғда юрган бир тошбақа кўриб қолибди. Уларга ҳаваси келибди. Салом бериб, улар олдига борибди. Ҳол-аҳволларини, сичқон билан қарға ўртасидаги иноқлик, меҳрибонлик сабабини сўрабди. Қарға тошбақага каптарлар воқеасини айтиб берибди.

Тошбақанинг ҳаваси яна ортибди. Дўстлик, биргаликнинг баҳоси йўқ, деб улар билан қадрдон дўст бўлишга сўз берибди. Қарға тошбақани ҳам кўп иззат-хурмат билан зиёфат қилибди.

## III

Боғнинг бир томонидаги баланд тепа бағрида бир кийик юрар экан? У қарға, сичқон ва

тошбақанинг тотув бўлиб юришганини кўриб, қарғанинг маконига қараб йўл олибди. Улар яқинига келиб, сўз қотибди Уни ҳаммалари хурсандлик билан кутиб олибдилар. Қарға кийикни дастурхонга таклиф қилибди ва ўзаро гаплашиб ўтиришганда кийик, қарға, сичқон, тошбақанинг бир-бирлари билан ҳамжинс бўлмасалар ҳам нима учун бунчалик иноқликларининг сирини билишга келганини айтибди.

Қарға бўлиб ўтган воқеаларни кийикка бирма-бир ҳикоя қилиб берибди. Сўнгра кийик ҳам улар билан дўстлик ипларини боғламоқчи бўлибди. Дўстлар қабул қилибдилар. Ҳаммалари бошқатдан ўринларидан туриб кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, кийикни юқорига ўтказиб, унга кўп илтифот қилибдилар. Шу пайтда Доно каптарларни хотирлабди. Қарға каптарларга бир хат ёзиб беришни Донодан сўрабди. Доно хурсанд бўлиб хат ёзиб, уни қарғанинг ўнг оёғига боғлабди. Қарғага оқ йўл тилаб, ҳаммалари уни кузатишибди. Қарға каптарларнинг маконига келиб хатни берибди. Каптарлар хатни ўқиб, қарға билан учиб, боққа келиб кўнибдилар. Дўстлар кўришиб, сўрашиб, ширин-ширин суҳбатлашиб ўтирибдилар.

Бир замон кийик, сайр-томошага чиқиб кетибди. Лекин ҳадеганда келавермабди. Дўстлар хавотир олибдилар. Шунда Кўкча қарғага қараб:

— Кийикдан шу чокқача дарак йўқ, ундан хабар олиш керак, — дебди. Қарға кийикни кўп ахтарса ҳам тополмабди. Ахири хафалиқдан нима қиларини билмай, ҳайрон бўлиб келаётганда, бир ерга кўзи тушибди, қараса, бечора кийик золим овчининг қўйиб кетган тузоғига оёғидан илиниб ётган эмиш. Тезда учиб бориб, дўстларини бу воқеадан хабардор қилибди. Улар жуда хафа бўлиб, бир-бирлари билан маслаҳат қилибдилар.

Кўкча бундай деб маслаҳат берибди:

— Қарғавой, сен сичқонни чангалинга олиб бор, сичқон кийикнинг тузоғини қирқсин.

Бу гап ҳаммага ёқиб тушибди. Қарға сичқонни чангалига олиб учиб кетибди, орқасидан Кўкча ҳам учибди. Буларга тошбақа эргашиб қолибди. Кўкча тошбақага ҳарчавд бормагин деса ҳам бўлмабди. Қарға сичқонни кийик илинган жойга обориб қўйибди. Сичқон кийикнинг оёғидаги ту-зоғини қирқа бошлабди. Кўкча ўйлаб туриб:

— Дўстим Доно, кийикнинг оёғидаги тузокнинг ҳаммасини қирқма, уч толасини қолдир. Тагин овчи буни биздан кўриб, зарар етказадиган бўлмасин. Овчи келгач, кийик бир зўр бериб уч толасини узиб кетаверади, — дебди.

Доно Кўкчанинг айтганини қилиб, уч тола ипини қолдирибди. Аввал қарға сичқонни кўтариб учибди. Унинг кетидан каптар учибди. Улар боққа келиб кўнишибди. Қарға сичқонни чангалидан ерга секин қўйибди.

Овчи тузокқа илинган кийикни кўриб, югуриб келган экан, кийик бир интилишдаёқ уч тола ипини узиб қочибди. Овчи ноумид бўлиб, тузокни олиб кетмоқчи бўлган экан, тошбақани кўриб қолиб, уни хуржунга солибди. Кийик аллақачон қарғанинг боғига етиб келган экан. Дўстлари қарасаларки, тошбақа йўқ эмиш. Кўкча:

— Мен унга ҳарчанд бормагин десам, кўнмаган эди. Бор, қарға хабар олиб кел! — дебди.

Қарға кийик илинган жойга бориб, қараса овчи тошбақани хуржунга солиб, оғзини маҳкам бўғиб кетаётган эмиш. Тезда келиб дўстларига айтибди. Кўкча яна маслаҳат берибди. Дўстлар Кўкчанинг маслаҳатини маъқул топиб, шундай қилибдилар: қарға сичқонни кўтариб учиб кетибди. Кийик овчининг олдидан чўлоқланиб ўтаверибди. Овчи кийикни кўриб хурсанд бўлибди ва «Тузокдан қочиш вақтида оёғи синиб чўлоқ бўлиб қолган экан, энди уни ушлаб оламан», деб кийикнинг орқасидан югурибди. Кийик ҳам оқсоқланиб қочаверибди. Ахири овчи жуда чарчабди, елкасидаги хуржунни ташлаб, кийик орқасидан роса югурибди. Қарға сичқонни хуржун яқинига элтиб қўйибди. Сичқон хуржунни тешиб, тошбақани қутқазибди. Тошбақа бир катта тошнинг тагига кириб беркинибди. Қарға сичқонни боққа олиб бориб қўйибди. Сўнгра кийикнинг олдига бориб: «Иш битди, энди қочавер!» дебди. Кийик қочиб кетибди. Овчи кийикнинг гардига ҳам етолмай қолибди. Кийик билан каптар иккиси қарғанинг боғига

боришибди. Дўстлар хурсанд бўлишиб, дўстлик самарасидан баҳраманд бўлиб, боғда тинч умр кечира бошлабдилар.

### Қўй билан бўри

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, ўтган замонда бир она қўй билан бир қари бўри ўтган экан.

Қўйнинг тўртта қўзиси бор экан. Бўри қўзиларнинг барра гўштарини ейиш орзусида доим пайт пойлаб юрар экан, аммо ҳеч иложини қилолмас экан. Охири бўри ўйлаб-ўйлаб аввал қўй билан дўст бўлишга, кейин пайтини топиб, қўзиларни ейишга аҳд қилибди.

Қўйниқига келиб унга шундай дебди:

— Э қўйжон, эски гина-кудуратларни ташлайлик, сен билан бир умрга ошна бўлгани келдим.

Қўй бечора бўрининг гаплари чин бўлса керак, деб ўйлабди-да, у билан ошна тутинибди.

Қўй ҳар куни ўтлагани кета туриб, болаларига эшикни ичидан занжирлаб олишни тайинлар экан. Кечгача ўтлаб, елинини сутга тўлдириб, уйига қайтар, эшикни тақиллата туриб, паст овоз билан:

— Санам гардаш, манам гардаш, бачча хез, — дер экан. Бу: «Мен келдим, эшикни очинглар», дегани экан.

Оналарининг овозини эшитган болалари чопқиллаб келиб эшикни очишар, таналарини унинг танасига суйкаб эркаланишар, кейин тўйиб-тўйиб сутидан мазза қилиб эмар эканлар. Кунлардан бир куни бўри она қўйнинг ўтловдан қайтишини пойлабди. Катта толнинг каллагига чиқиб турган экан, она қўй уйига келиб, эшикни тақилатибди-да, овозини паст қилиб, «санам гардаш, манам гардаш, бачча хез», дебди. Бўри қулоғини динг қилиб турса ҳам она қўй айтган сўзни англаб ололмабди. Иккинчи кун том орқасидаги чангалзорда ётиб пойлабди. Бу сафар ҳам она қўйнинг сўзини англаб ололмабди.

Учинчи кун яқинроқ жойга ўра қовлабди-да, унга тушиб устига шўра ёпиб олибди. Бир вақт она қўй ўтловдан қорнини тўйғазиб елинини сутга тўлдириб, бир боғ бедани орқалаб келиб қолибди. Бўри қулоғини динг қилиб турса, она қўй: «Болаларим, мен келдим. Санам гардаш, манам гардаш, бачча хез», дермиш. Қўзилар эшикни очишибди, она қўй ичкарига кирибди. Кеч бўлиб, тонг отибди. Она қўй ҳар кунгидек болаларига эшикни ичидан занжирлаб олишни тайинлаб, ўтлоққа жўнабди. Бўри кечки пайт келибди-да: «Болаларим, мен келдим. Санам гардаш, манам гардаш, бачча хез», — дебди. Қўзичалар бўрининг дўриллоқ овозидан оналари эмаслигини пайқаб қолиб: «Бор йўқол, сен бизнинг энамиз эмассан, энамизнинг овози дўриллоқ эмас», — дейишибди.

Бўри ишининг ўнг келмаганига ачиниб, орқасига қайтибди. Эртаси куни бўри эрталабдан бошлаб томоқларини ёглаб, овозини худди қўйнинг овози ҳолига келтирибди-да, кечроқ қорнини роса очириб, қўйнинг уйига келибди.

Эшикни тақиллатиб, паст овоз билан: «Болаларим, мен келдим. Санам гардаш, манам гардаш, бачча хез», — дебди.

Бечора қўзилар, энамиз келибди деб, эшикни очишибди. Ўз муродига етган бўри қўзиларни битта қўймай еб, маконига қайтибди. Она қўй ўтлоқдан қорнини тўйғазиб, елинига сутни тўлдириб, бир боғ бедани орқасига ортиб, уйига келсаки, уйининг эшиклари очик-сочик ётган эмиш. Юраги ҳовлиқиб, уйнинг ичкарисига кирса, болалари йўқ эмиш. Бирининг туёғи бир бурчакда, иккинчисининг калласи иккинчи бурчакда думалаб ётган эмиш. Буни кўриб она қўй зор-зор йиғлабди, ўзини қаерга қўйишини билмай:

— Бу, ошна бўлай деб келган ўша бўрининг иши. Хап саними, бошлаб таъзирингни

бермасам тоза юрган эканман, — дебди.

Кейин уйининг ичига чуқур бир ўра ковлаб, устини бўйра билан ёпиб қўйибди. Эртасига ўтловда ўтлаб юриб бўрини кўриб қолиб:

— Ҳа, ошна ҳеч кўринмай кетдинг, бундоқ бир гаплашиб ўтиришга ҳам келмайсан. Эртага кел, мен уйда бўламан. Ўтган-кетганлардан гаплашиб ўтираминиз, — дебди.

Муғомбир бўри қўйнинг бу гапини эшитиб, «хайрият, болаларини еганимни мендан кўрмаган экан, деб кўнглидан ўтказибди.

— Хўп, борсам борай, ошна, мен ҳам сени, айниқса кўзичокларимни жуда соғинган эдим, — дебди.

«Ҳа, муғамбир, бора бер, соғинганлигингни бир кўрсатиб қўяй», дебди ичида қўй.

Эртасига ковлаган ўрасига роса ўрик ўтиндан ёқиб чўғ қилибди-да, боягидай қилиб бўйрани ёпиб қўйибди. Бир пайт эшикни тақиллатиб бўри келиб қолибди, она қўй уни иззат-икром билан кутиб олиб, ўранинг устига ташлаб қўйилган бўйрага таклиф қилибди. Бўри бўйранинг устига чиқиши билан, ўранинг ичига тушиб кетибди. Бир нафасда ҳамма ёғи куйиб, жизғинаги чиқибди, нуқул: «Тавба қилдим, бир кўзингни беш кўзи қилиб бераман, жон ошна, чиқариб ол», — деб дод дермиш. Бўри роса ялиниб-ёлворибди. Қўй бўлса: «Шириндан шакар болаларимдан айирдинг, энди қилмишингга яраша жазангни торт», — деб тура берибди.

Бўри ҳадеб, «Ошна кутқар», деб дод дея бергандан кейин, раҳмдил қўйнинг раҳми келиб, уни ўрадан тортиб олибди.

Бўри ўрадан чиққандан кейин шўр ерларга думалай-думалай бир неча дақиқадан кейин ўлибди. Бечора қўй, бераҳм бўрининг ўлгани билан ҳам барибир болаларининг дардида ёнган дардига малҳам тополмабди, оғзида ўт, кўзида ёш билан зўр-базўр ҳаёт кечира бошлабди.

### Чу-чу мекунам

Бир бор экан, бир йўқ экан, ўтган замонларнинг бирида бир чумчуқ бўлган экан. Кўрмаган жойи, юрмаган ери йўқ экан. Кунлардан бир куни овқат излаб юриб, даладан бир кўсак топиб олибди. Чумчуқ ўзида йўқ хурсанд бўлиб, кўсакни тишлаганича кўсак чувиб ўтирган бир кампирнинг олдига борибди. Кўсакни кампирнинг олдига ташлаб:

*Чуви-чуви мекунам,  
Чувимасанг на мекунам.  
Ўзингни ҳайрон қиламан,  
Юртингни вайрон қиламан,*

— дебди.

Кампир кўсакни чувиб берибди. Чумчуқ пахтани титлаб учиб, бир кампирнинг олдига борибди, у кампирга қараб шундай дебди:

*Чиқар-чиқар мекунам,  
Чиқармасанг на мекунам.  
Ўзингни ҳайрон қиламан,  
Юртингни вайрон қиламан.*

Кампир пахтанинг чигитини чиқариб берибди. Чумчуқ пахтани олиб учиб кета берибди, кета берибди. Бир жойга борса бир кампир чарх йигириб ўтирган эмиш. Унга қараб:

*Йигир-йигир мекунам  
Йигирмасанг на мекунам.  
Ўзингни ҳайрон қиламан,  
Юртингни вайрон қиламан, —*

дебди.

Кампир пахтани йигириб, ип қилиб берибди. Чумчуқ ипни тишлаганича шошиб бир бўзчининг олдига борибди. Унга қараб:

*Тўқи-тўқи мекунам,  
Тўқимасанг на мекунам.  
Ўзингни ҳайрон қиламан,  
Юртингни вайрон қиламан,*

— дебди.

Дўкондор бўзчи ипни йигириб бўз қилиб берибди. Чумчуқ бўзни тишлаганича тўғри машиначига келиб, бундай дебди:

*Тик-тик мекунам,  
Тикмасанг на мекунам.  
Ўзингни ҳайрон қиламан,  
Юртингни вайрон қиламан.*

Машиначи бўзни ўлчаб, бичиб, лозим тикиб берибди. Шунда чумчуқвой лозимни кийиб, подшонинг ўрдасига борибди. Подшо жуда золим, қонхўр экан. Эл-юртнинг аҳволидан ҳеч хабар олмас экан. Чумчуқ подшонинг тахти рўпарасидаги дарахтга қўниб, ҳадеб чирқ-чирқлай берибди. Подшо кулоқ солса:

*Шоҳнинг лозими йўқ,  
Менинг лозимим бор.  
Шоҳнинг лозими йўқ,  
Менинг лозимим бор, —*

деётган эмиш.

Подшо, дарғазаб бўлиб, чумчуқни ҳайдаб юборибди. Чумчуқ эртасига яна келиб, подшо тахтининг рўпарасидаги дарахтга қўниб олиб, ҳадеб:

*Шоҳнинг лозими йўқ,  
Менинг лозимим бор.  
Шоҳнинг лозими йўқ,  
Менинг лозимим бор,*

— деяверибди.

Подшо ғазабга келиб кесак отиб чумчуқни ҳайдаб юборибди. Чумчуқ учинчи куни ҳам келиб, подшони масҳаралабди. Шунда подшо сават қўйдириб, чумчуқни ушлаб олиб, бошини кесдириб юборибди. Боши кесилган чумчуқвой ётган ерида ҳам:

*Шоҳнинг лозими йўқ,*

*Менинг лозимим бор.  
Шоҳнинг лозими йўқ,  
Менинг лозимим бор, —*

деётган эмиш.

Подшо дарғазаб бўлиб, чумчукни қовуриб ебди. «Энди қутулдим, деб турса бир вақт подшонинг ичидан «чирқ-чирқ»:

*Шоҳнинг лозими йўқ,  
Менинг лозимим бор.  
Шоҳнинг лозими йўқ,  
Менинг лозимим бор, —*

деган овоз чиқармиш. Шунда шоҳ янада ғазабга келибди, навкарларидан бирини чақириб:

— Мен ана у ерга бориб ётиб оғзимни очиб тураман. Вазир қорнимни босади. Шунда чумчук оғзимдан чиқиши билан қўлингдаги қиличинг билан «ширт» этиб уни чопиб ташлайсан! — деб тайинлабди.

Кейин подшо кўрпачага чалқанча ётиб, оғзини очибди. Вазир унинг қорнини босибди. Навкар қиличини кўтариб турибди. Бир пайт подшонинг оғзидан чумчук «пирр» этиб учиб чиқиб, ҳар гал кўнган дарахтга кўнибди. Навкар қиличини қулочлаб туриб зарб билан урган экан, чумчукқа тегмай «ширт» этиб подшонинг калласини узиб кетибди. Навкар кўрққанидан хангу манг бўлиб, қотиб қолибди. Подшо ўша заҳотиёқ ғинг демасдан жон берибди.

Чумчук дарахтда туриб, подшонинг ўлганини кўриб, димоғи чоғ, вақти хуш бўлиб:

*Шоҳнинг калласи чопилди,  
Менинг бахтим очилди.  
Шоҳнинг калласи чопилди,  
Менинг бахтим очилди, —*

деб учиб кетибди.

Шундай қилиб, халқ золим подшодан қутулиб, доно вазирни подшо кўтарибди. Чумчукни чопаман деб подшони чопиб қўйган навкарни вазир қилишибди. Чумчук чирқиллаганича дарахтдан-дарахтга кўниб, муроду мақсадига етибди.

## Бургутлар

Бир тоғ этагидаги ғорда бир шаҳзода, бир айиқ, бир тулки ва бир бургут яшар эканлар. Бургут бутун дунёдаги бургутларнинг подшоҳи экан. Айиқ ҳам бутун дунёдаги айиқларнинг подшоҳи экан. Тулки ҳам дунёдаги барча тулкиларнинг подшоҳи экан. Кунлардан бир куни тулки ва бургут бир шаҳарга келибдилар. У шаҳар подшоҳининг бир гўзал қизи бор экан. Тулки айланиб юриб, шу қизни кўриб қолибди ва ғорга келиб шаҳзодага қизни жуда яхшилаб таърифлаб берибди. Шаҳзода шоҳнинг қизига ғойибона ошиқ бўлибди. Қизнинг васлига етолмай, кўп вақт хафа бўлиб юрибди. Шу вақтда бургут, айиқ ва тулкилар ундан нима учун хафа эканлигини сўрабдилар. Шаҳзода: «Менга ўша шоҳнинг қизини олиб берсаларингиз шунда менинг вақтим чоғ бўлади», дебди. Бургут ўрnidан туриб: «Э шаҳзодам, асло ташвиш қилманг, бу ишни тулки билан иккимиз бажарамиз», дебди.

Шаҳзода жуда хурсанд бўлибди. Тулки ва бургут шаҳарга келибдилар. Тулки шоҳнинг



саройига кириб, қизнинг олдида думини қилпиллатиб юрибди. Бургут эса, қизнинг равоғи устида пойлаб турибди. Шоҳнинг қизи тулкини кўриб қувлабди, тулки секин-секин қизни алдаб кўчага олиб чиқибди. Шунда бургут осмондан келиб қизни кўтариб учибди ва шаҳзоданинг олдига олиб келибди. Тулки ҳам секин кириб келибди. Охири қизни йигитга никоҳ қилибдилар. Шаҳзода ва қиз бахтли ҳаёт кечира бошлабдилар. Улар ҳар куни қизни ғорга қўйиб, айиқни унга пойлоқчи қилиб, ўзлари ўрмонга ов қилгани кетишар экан. Орадан оз вақт ўтгач, қизнинг отаси шаҳарга жар чақиртирибди. Бироқ, у қизидан дарак топа олмабди. Шунда бир жодугар кампир шоҳнинг олдига келиб: «Шоҳим, қизингизни мен топиб бераман, севинчисига нима берасиз?» дебди. Шоҳ: «Нима мақсадинг бўлса, шунга етказаман», дебди. Кампир шоҳдан бир учар от олиб, йўлга равона бўлибди. Кампир бориб-бориб, ҳалиги қиз турадиган ғорнинг рўпарасидаги ўрмонга етибди. Жодугар отини ўрмонга яшириб, ўзи бир мусофир одам бўлиб, қизнинг олдига келибди. Шу вақтда шаҳзода, бургут ва тулкилар келиб қолибдилар. Кампир уларга хийла қилиб: «Мен мусофирман, пулим, молим йўқ, мени сизлар шу ерда олиб қолинглар, мен сизларнинг овқатларингизни пишириб бериб юрай», деб йиғлабди. Шаҳзоданинг кампирга раҳми келиб, ғорга олиб кириб кетибди. Ғорда ҳар куни кампир билан қиз қолиб, улар эса овга борибдилар. Кунлардан бир куни кампир, қизни ўрмонга томоша қилиш учун олиб чиқибди. Сунгра жодугар қизга учар отни кўрсатиб: «Қани, шу отга бир миниб кўрайлик-чи», деб қизни миндирибди ва ўзи ҳам миниб, қизни отаси — шоҳ олдига олиб келибди. Қиз шаҳзодадан айрилганига жуда хафа бўлиб юрибди. Кечкурун шаҳзода, айиқ, тулки ва бургутлар овдан қайтишиб қарасаларки, қиз ва кампир йўқ. Шаҳзода яна хафа бўлиб турса бургут ва тулкилар аввалгидек қилиб, яна қизни олиб келибдилар. Булар яна фаровон турмуш ксчира бошлабдилар.

Шоҳ кўрсаки, қизи яна йўқ. У дарҳол бутун аскарларини тўплабди. Жодугар кампир йўл кўрсатибди, сўнгра шоҳ барча аскарлари билан ғор олдига келибди ва: «Ҳой, шаҳзода! Нима учун сен менинг қизимни олиб қочдинг, кел, уруш қиламиз, қани, аскарларингни чақир!» деб даҳшат солибди. Шаҳзода бошини қуйи солиб тураркан, айиқ бир увиллабди, бутун дунёдаги айиқлар тўпланишиб, бир томонга саф тортиб турибдилар. Тулки ҳам бир увиллаган экан, ҳамма тулкилар келиб бир томонда турибдилар. Бургут эса, бир қичқирган экан, бутун дунёдаги бургутлар тоғлардан тошларни кўтариб келиб тепада турибдилар. Шу вақт шоҳ вазирига айиқ ва тулкиларни кўрсатиб: «Аскари оз экан урушни бошлаймиз», дебди. Вазир доно экан, юқорига қараб, бургутларни кўриб, юраги ёрилгудай бўлибди. Вазир шоҳга қараб:

— Шоҳим, тепангизга қаранг! Уни кўряпсизми? Уруш қилмаймиз, шаҳзода билан яраш қиламиз, — дебди. Шоҳ бу ҳолни кўриб, дарров шаҳзода билан ярашибди ва у шаҳзодани ўз юртига куёв қилиб олиб кетибди. Сўнгра ҳаммалари мурод мақсадларига етибдилар.

### Қўнғиз бикач

Бир бор экан, бир йўқ экан, қадимги замонда бир Қўнғиз бикач бор экан. У ёлғиз яшар экан. Кунлардан бир кун Қўнғиз бикач эрга тегмоқчи бўлиб, йўлга чиқибди. Неча ой, неча кун йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб бир саҳрода кетаётганда, бир мол боқиб юрган подачига дуч келибди.

Подачи:

— Ҳа. Қўнғиз бикачойим, қаёққа?

— Эрга теккани кетяпман.

— Эрга тегсангиз, менга тега қолинг.

— Хўп, сенга тегаман. Аччиғинг келса нима билан урасан?

— Қўлимдаги мол ҳайдайдиган таёғим билан ураман. Бу гапни эшитган бикач кеккайиб:

— Сари кавиш, санама жувон. Гул-гул кўйлак, гулама жувонман. Сенга тегиб, калтак егунча итга тегай, — деб йўлида кетаверибди.

Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир манзилга етганда, бир кўй боқиб юрган чўпон билан учрашибди. Чўпон:

— Ҳа, Қўнғиз бикачойим, қаёққа?

— Эрга теккани кетяпман.

— Эрга тегсанг, менга тега қол.

— Хўп, сенга тегай. Аччиғинг келса, нима билан урасан?

— Кўй хайдайдиган калтагим билан ураман.

— Сари кавиш, санама жувон. Гул-гул кўйлак гулама жувонман. Сенга теккунча, итга тегай, — деб йўлида кетаверибди.

Йўлда кетаётиб Сичқонбой билан учрашибди. Сичқонбой:

— Ҳа, Қўнғиз бикачойим қаёққа?

— Эрга теккани.

— Эрга тегсанг, менга тега қол.

— Аччиғинг келса, нима билан урасан?

— Нимага сени урарканман. Думим билан силаб, токчага чиқариб кўйиб, сени боқаман, — дебди Сичқонбой.

Шундай қилиб Қўнғиз бикач Сичқонбойга тегибди.

Сичқонбой уни токчага чиқариб кўйиб ош, гўшт, нон, сув олиб келиб боқаверибди.

Кунлардан бир кун Қўнғиз бикач эшикка сувга чиқиб, кўприк тагида лойга ботиб қолибди.

Кўприкдан ўтаётган кишиларнинг оти ундан ҳуркиб ўтолмабди. Шунда у отлиқларга қараб:

*Дупур-дупур отлиқлар-а,*

*От бошини тортинглар-а,*

*Қўнғиз бикач ўлди, деб-а,*

*Сичқонбойга айтинглари-а, —*

дебди.

Отлиқлардан бир раҳмдили Сичқонбойга айтибди.

Сичқонбой чиқиб уни қутқазиб олибди. Шундан сўнг сувга яқинроқ деб Қўнғиз бикач билан Сичқонбой кўприк тагида яшайверибдилар.

## Оч бўри

Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан, бир оч бўри бўлган экан. Кунлардан бир куни у дон еб юрган бир хўрозни кўриб қолибди. Бўри хўрозни ушлаш пайига тушибди. Хўроз қанотини ёзиб қақ-қақ, дейман деб турган экан, бўри лип этиб келиб хўрознинг қанотидан тишлаб олибди. Хўроз кўрса, бўри уни маҳкам ушлаб турган эмиш. Шунда хўроз сўрабди:

— Э бўри, мени нима қилмоқчисан?

— Мен сени ейман, — дебди бўри.

— Мени шундайлигимча есанг ҳеч маза қилмайсан, ейдиган бўлсанг кашнич, пиёз билан егинки, дунёда бир маза қилгин, — дебди хўроз.

Бўри:

— Кашнич, пиёзни қаердан топаман? — дебди.

Хўроз:

— Кашнич, пиёзни шу яқин орадаги кишлоқдан топасан, сен бориб келавер, мен сени шу

ерда пойлаб тураман, — дебди. Бўри кашнич, пиёз излаб қетиши биланоқ хўроз париллаб учиб кетибди.

Бўри кашнич пиёзни қийнаиб-қийнаиб, зўрға топиб келибди. Қараса, хўроз йўқ эмиш. У ёққа югурибди, бу ёққа югурибди, ниҳоят хўрозни тополмай, ночор йўлга тушибди.

Бўри бир ердан ўтиб кетаётган экан, бир қўзи ўтлаб турганини кўрибди, секин келиб қўзини ушлаб олибди.

Қўзи:

— Э бўри, мени нима қилмоқчисан? — дебди. Бўри:

— Мен сени емоқчимаң, — деб жавоб берибди.

— Менинг куруқ гўштимни еганинг билан ҳеч маза қилмайсан, яхшиси бориб коннинг тузидан олиб кел, шундан кейин гўштимни маза қилиб еб, армондан чиқасан, — дебди қўзи.

Бўри қўзини шу ерда қолдириб, кондан туз олиб келгани жўнаб кетибди. Шу пайтдан фойдаланиб қўзи қочиб қолибди. Бўри сарсон-саргардон бўлиб кондан туз олиб келса, қўзи қочиб кетган эмиш. Қўзини тоза излабди, ахири тополмай яна йўлга тушибди. Бўри кенг чўлда югуриб кетаётган экан, унга бир от рўпара келиб қолибди. Бўри тез-тез юриб, отнинг олдига ўтиб олибди. От бўрига яқин бориб, уни искаган экан, бўри чакқонлик билан отнинг тумшугига ёпишиб олибди. От хўп уннаб кўрибди, лекин у ўз тумшугини оч бўридан ажратиш ололмабди. Кейин от бир ҳийла қилмоқчи бўлибди.

— Эй бўри, нима қилмоқчисан? — дебди.

— Мен сени емоқчимаң, — дебди бўри.

— Ундай бўлса, — дебди от, — аввал менинг орқамга ўт, отам ўлмасдан аввал туёғимга бир насиҳатнома ёзиб қолдирган эди. шу насиҳатнома сенга тегишли, сен шуни ўқиб олиб, сўнгра мени ея бер, — дебди. Бўри отнинг тумшугини бўшатиб, унинг орқасига ўтибди, отнинг туёғидаги хатни ўқийман деб термилиб, маҳлиё бўлиб турган вақтида от оёғини кўтариб, бўрининг оғзига бир тепибди.

— Эй саводсиз, хатни ўқиёлмасанг нимага орқамга ўтдинг? — дебди от.

Ҳақиқатан ҳам бўри саводсиз экан. Отнинг қаттиқ тепкисидан бўрининг оғзида битта ҳам тиши қолмай синиб ичига кетиб қолибди. Бўрининг тумшуклари мажақланиб эсини йўқотиб гангиб қолибди, бир вақт ҳушига келибди. Бўри ақлини ростлаб ўзига-ўзи таъзир бериб дебди:

— Кўрдингки хўроз, сенга ким қўйибди кашничу пиёз, кўрдингки қўзини, сенга ким қўйибди коннинг тузини, кўрдингки от, еб ёнида ёт, хат билмасанг кетига ўтиб мирза бўлишинг уят, — деб алжираб-алжираб ўлиб қолибди. Хўроз, қўзи ва от душмандан қутулиб қолишибди.

### Эчки, қўй ва бўрилар

Бир бор экан бир йўқ экан, қадим замонда бир одамнинг бир эчкиси билан бир қўйи бўлар экан. У қўй билан эчкини роса боқиб семиртирган экан. Бир куни эчки эгасининг «Эчкини сўйиб еймиз», деган сўзини эшитиб, тезда қўйининг ёнига етиб борибди-да:

— Эй дўстим, хўжайин сени сўйиб емоқчи. Буни ўз қулоғим билан эшитиб сени хабардор қилгани келдим, —дебди.

Бу гапни эшитиб қўйнинг қўзи кинидан чиқиб кетай дебди. У эчкига:

— Эчки дўстим, ундай бўлса юр иккимиз бирга қочайлик. Нега десанг, мен қочсам навбат сенга келади, — дебди.

Эчки дарров рози бўлибди. Улар чўл-биёбонга қараб йўл олибдилар. Улар юриб-юриб бир бўрининг калласи ёнига келиб қолибдилар. Эчки кўрсаки бир бўрининг калласи узилиб ётганмиш, шунда у қўйга каллани кўрсатиб:

— Қўйжон, мана бу сенинг ашаддий душманингнинг калласи. Буни халтанга солиб ол,

керак бўлиб қолар, — дебди.

Қўй кўрқиб калланинг ёнига боришдан бош тортибди, лекин ўзининг кўрққанини эчкига билдирмасликка уриниб:

— Эчкижон, кел, иккимиз халтага соламиз. Нега десанг, менинг бир ўзим ҳам халтани очиб ҳам халтага солишим қийин, сен халтани оч, мен каллани халтага солайин, сен ҳам соқолли ботирсан, кел дўстим, иккимиз бу ишни бажарайлик, — дебди.

Эчки рози бўлибди ва улар иккаласи каллани апил-тапил халтага солибдилар-да, орқаларига қарамасдан кета берибдилар. Улар йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришиб, бир ўтлоққа етиб олибдилар. Эндигина эркин нафас олиб, ўт еб, қоринни тўйғазамиз деганларида бир неча бўриларнинг бирлашиб палов пиширишиб ўтирганларига кўзлари тушиб қолибди.

— Нима қиламиз? — дебди қўй эчкига қараб.

— Ҳозир, — дебди эчки ва бўриларнинг олдига бориб: — Ассалому алайкум, кечларингиз хайрли бўлсин! — дебди.

Бўрилар бир-бирларига қарашиб, кулишиб, ўзларича: «Худо бизга гўшт етказди», дебдилар.

Шунда бири ўрнидан туриб эчкига яқинлашган экан, фурсатни қўлдан бермасдан:

— Сизларга гўшт керакми? Эҳҳе, қанча керак десан-гизлар бизларда топилади, — дебди-да, қўйга қараб:

— Бориб халтадаги гўштнинг яхшисидан бир калла олиб кел, — дебди.

Қўй таъзим қилиб чиқиб кетибди-да, бориб ҳалиги каллани олиб келиб, эчкига узатибди;

— Нимага яхшисини олиб келмадинг? — дебди эчки қўйга сиёсат билан. Қўй бўлса:

— Тўққиз калладан энг яхшиси шу экан, агар бундан яхшиси керак бўлса мана буларниқидан бирини дарров узиб олинг, — дебди.

Буни эшитган бўрилар ўтирган жойларидан дарҳол тура солиб қоча бошлабдилар. Эчки бўлса ёнида турган бўрини бор кучи билан бошлаб сузиб юборган экан, бўри узаласига йиқилибди-да, жон талвасасида қочиб қутулибди. Қўй билан эчки пишаётган паловни ебдилар-да, ётиб ором олибдилар.

## Қумурсқа

Ўтган замонда бир киши сафарга чиққан экан. Бир сойдан ўтишга тўғри келибди. Қиш вақти экан. Сув музлаган экан. Эшакнинг кейинги оёғи музга тойиб, йиқилиб бели синибди... У киши хафа бўлиб, музга қараб шундай дебди:

— Эй муз ака, сен ўзинг кимдан зўрсан?

Муз:

— Мен зўр бўлсам, қуёш мени эрита олармиди? — дебди.

Шунда у киши кунга қараб:

— Эй қуёш, сен кимдан зўр? — дебди.

Қуёш:

— Мен зўр бўлсам, булутлар менинг юзимни тўса олармиди? — дебди.

Шунда у булутга қараб:

— Эй булут ака, сен кимдан зўр? — дебди.

Булут:

— Мен зўр бўлсам, ёмғирлар мени тешиб-тешиб ўтармиди? — дебди.

Шунда у ёмғирга қараб:

— Ёмғир ака, сен кимдан зўр? — дебди.

Ёмғир:

— Мен зўр бўлсам, ерга сингиб кетармидим, — дебди.

У ерга қараб:

— Ер ака, сен кимдан зўр? — дебди.

Ер:

— Мен зўр бўлсам, ўтлар тешиб чиқармиди, — дебди.

Шунда ўтга қараб:

— Ўт ака, сен кимдан зўр? — дебди.

Ўт:

— Мен зўр бўлсам, моллар юлиб-юлиб ютармиди? — дебди.

Молга қараб:

— Мол ака, сен кимдан зўр? — дебди.

Мол:

— Мен зўр бўлсам, бўрилар ермиди? — дебди.

Сўнгра бўридан:

— Бўри ака, сен кимдан зўр? — деб сўрабди.

Бўри:

— Мен зўр бўлсам, мерганлар отармиди? — дебди.

— Мерган ака, сен кимдан зўрсан? — дебди...

Мерган:

— Мен зўр бўлсам, ўқ соладиган халтамни сичқон ва каламушлар қирқиб ташлармиди? — дебди. Шунда у киши сичқонга қараб:

— Сичқон ака, сиз кимдан зўрсиз? — дебди.

Сичқон:

— Мен зўр бўлсам, кумурскалар қулоғимдан чимчиб-чимчиб чақиб олармиди? — дебди.

— Кумурсқа ака, сен кимдан зўр? — дебди.

Кумурсқа:

— Мен зўр, мен зўр, мен зўр, — дебди. — Отангнинг олти юз ботмон буғдойини олти тоғдан ошириб еганман, поччангнинг юз ботмон буғдойини етти тоғдан ошириб еганман. Мен зўр, мен зўр, мен зўр, — дебди.

— Қорнинг нима учун катта? — деб сўрабди у киши: — Жигарим зўр, — дебди кумурсқа.

— Белинг нима учун ингичка? — деб сўраганида.

— Меҳнатим зўр! — деб жавоб берибди кумурсқа.

— Калланг нима учун катта? — дебди у киши.

— Давлатим зўр! Меҳнатим зўр, давлатим зўр, мен зўр, мен зўр! — дебди кумурсқа.

## Тулки билан бўри

Қадим замонда бир чол билан кампир бор экан. Уларнинг бир ола сигири бор экан. Кунлардан бир куни чол:

— Эй кампир ола қопнинг ундан, ола сигирнинг мойидан бир кўмач қил, — дебди.

Шунда кампир ола қопнинг ундан, ола сигирнинг мойидан бир катта кўмач қилибди. Кўмачни олиб келиб чол-кампир иккови ўртага қўйибдилар. Шунда кампир:

— Қани, чол, синдилинг, — дебди. Чол:

— Кампир, сиз синдилинг, — дебди. Кампир яна чолга:

— Эй чол, сиз синдилинг, — дебди.

Шунда чол «бисмилло» деб синдирмоқчи бўлган экан, кўмач қочиб қолибди. Кўмач гилдираб қоча берибди, чол-кампир унинг орқасидан кува берибди. Қўрғонни уч айланишибди. Кўмач дарвозадан чиқиб, кўчага қочибди. Кўчага чиққанда, чол-кампир етолмай қолибди.

Кўмач қочиб бир йилқичининг уйига борибди ва уни чақирибди:

— Хў, йилқичи, мен ола қопнинг унидан, ола сигирнинг мойиданман. Мени е, мени е, мени емасанг, ота-онангнинг этини е, — дебди.

Шунда йилқичи кўмачни ушлаб емоқчи бўлибди. Кўмач қочибди. Йилқичи бир отини миниб, бир отини етаклаб, кўмачни қувиб қолибди.

Кўмач қочиб бир подачининг олдига борибди. Кўмач подачини чақириб:

— Хў, подачи, мен ола қопнинг унидан, ола сигирнинг мойиданман, мени е, мени емасанг ота-онангнинг этини е, — дебди.

Шунда подачи, кўмачни емоқчи бўлиб, унга томон юрибди. Кўмач қочибди. Подачи бир хўкизни миниб, бир хўкизни етаклаб, кўмачни қувиб қолибди, лекин у ҳам кўмачга етолмабди.

Кўмач кетаётган экан, йўлда бир тулки уя қовлаб турган экан. Кўмач тулкини чақирибди:

— Хў тулки, ола қопнинг унидан, ола сигирнинг мойиданман, мени е, мени емасанг ота-онангнинг этини е, — дебди.

Кўмач шу ерда туриб икки марта чақирса ҳам тулки ҳеч қарамабди, эшитмагандек бўлиб тура берибди. Шунда кўмач тулкига яқинроқ келиб:

— Хў тулки, мен ола қопнинг унидан, ола сигирнинг мойиданман, мени е, мени емасанг ота-онангнинг этини е, — деб бақирибди.

Бир вақт тулки кўмачга қараб секин қулоғини қоқибди. Тулки айтибди:

— Менинг қулоғим қар, ҳеч нимани эшитмайди. Қулоғимни тутиб турай, сен гапир, шунда эштаман.

Кўмач тулкининг ёнига келибди. Тулки унга қулоғини тутиб турибди, кўмач унинг қулоғи тагига келиб туриб:

— Эй тулки, мени е, мени е, мени емасанг, ота-онангнинг этини е, — дебди. Тулки лип этиб кўмачни ушлаб олибди.

Тулки кўмачнинг бир чеккасидан тешиб, мағзини еб олибди, кейин тешиқни маҳкам қилиб беркитиб қўйибди. Тулки кўмачни кўтариб бир қўйчивоннинг олдига олиб борибди:

— Эй қўйчивон, мен сенга бир совға олиб келдим, — дебди. Қўйчивон:

— Нима берайин? — дебди. Тулки:

— Бир яхши қўзи бериб ола қол.

Қўйчивоннинг қорни оч экан, битта қўзи бериб, ҳалиги кўмачни олибди. Тулки:

— Эй қўйчивон, мен қўзини етаклаб ўша қирдан ошиб кетганимдан кейин, кўмачни синдиргин, — деб тайинлабди.

Тулки қўзини етаклаб қирдан ошиб кетибди. Қўйчивон кўмачни синдирибди, қараса, унинг мағзини тулки еб қўйган экан. Қўйчивон жуда хафа бўлибди.

Тулки қўзини етаклаб кетаётган экан, бирдан унинг олдидан ўртоғи бўри чиқиб қолибди. Бўри қўзини кўриб хурсанд бўлибди:

— Эй тулки ўртоқ, қўзини неча пулга олдинг? — деб сўрабди.

— Қўзини фалон пулга олдим, — дебди-ю, ўтиб кета берибди.

Тулки қўзини уйга олиб бориб боғлаб, ўзи қирга ўт ўриб келишга кетибди. Тулки қирдан бир тутам шuvoғ ўт олиб келиб, уйда турган қўзини чақирибди:

*Уйдан-уйга югурдим,*

*Уй шuvoғин сугурдим,*

*Қирдан-қирга югурдим,*

*Қир шuvoғин сугурдим.*

*Жониворим, қўзичоқ*

*Эшиқни оч, эшиқ оч.*

Кўзи:

— Ма-а-а, — деб югуриб келиб эшикни очибди. Тулки олиб келган шuvoғ ўтти кўзининг олдига кўйибди. Кўзи шuvoғни еб ётибди.

Кунлардан бир куни бўри тулки ўртоғини пойлаб қолибди. Бўрининг мақсади тулки ўртоғининг кўзисини ейиш экан. Бўри пойлаб ўтирган экан, тулки қирга чиқиб кетибди. Бўри тулкининг ўйига келиб, мўридан тушибди. Уйга кириб олгач, кўзини бурда-бурда қилиб ебди, кўзининг калласини ўрта устуннинг тагига кўйибди. Тўртта оёғини уйнинг тўрт бурчагига кўйибди. Кейин бўри яна мўридан чиқиб жўнаб кетибди.

Бир вақт тулки қирдан бйр боғ шuvoғни кўтариб, елиб-югуриб, қизариб-бўртиб, секин-секин йўталиб, зшик ёнига келибди, кўзичокни чакирибди:

*Уйдан-уйга югурдим,*

*Уй шuvoғин суғурдим.*

*Қирдан-қирга югурдим,*

*Қир шuvoғин суғурдим.*

Кўзи эшикни очмабди ҳам, товуш чиқармабди ҳам. Тулки уч марта чакирса ҳам кўзичокнинг «ба-а» деган овози келмабди. Шунда тулки шошилиб эшикни бузиб уйга кирибди.

Уйга кирса, кўзининг калласи ўрта устуннинг тагида ётганмиш. Тўртта оёғи уйнинг тўрт бурчагида ётганмиш. Тулкининг кайфи учиб кетибди.

— Эй бадбахт бўри, йўлда етаклаб келаётганимда кўзини кўрган эдинг, «кўзини қанчага олдинг?» деб сўраган эдинг, сен сўраганиндаёқ, кўзини еб кўйишинг кўнглимга келган эди, — деб тулки кўп ачинибди.

Тулки бўрини бир боплаин деб ўйлабди, уйнинг тўрига ўра ковлабди. Ўранинг ичига тош кўмирнинг чўғидан ташлаб кўйибди, оғзига бир кичкина ёғоч кўйиб, унинг устидан бўйра ёпибди. Бўранинг устидан бир кўрпача солибди. Шу куни кўзининг калла-почасини қозонга солиб, кайнатиб кўйибди. Кейин бўри ўртоғининг олдига келибди:

— Эй бўрибой, мен бугун сизни зиёфат қилмоқчи эдим, бизниқига боринг, — дебди. Бўри айтибди:

— Эй ўртоқ, бугун менинг тобим йўқ, касал бўлиб қолдим, бошим оғриб, зўрға ётибман.

Тулки:

— Эй ўртоқ, туринг, кечаги кўзини сўйган эдим, бугун унинг калла-почасини пиширяпман, бориб иссиқ-иссиқ шўрва ичсангиз тузалиб кетасиз, — дебди.

Шундай қилиб тулки бўрини кўярда-кўймай, сургаб уйига олиб борибди. Уйга киргач, тулки бўрини тўрға таклиф қилибди. Бўри бориб кўрпачанинг чеккасига ўтирибди.

Тулки:

— Эй ўртоқ, чеккага ўтириб қолдингиз, тортинмай бахузур ёзилиб ўтиринг, — дебди.

Бўри туриб кўрпачанинг ўртасига ўтирайин деган экан, тулки бўранинг чеккасидан тишлаб туриб бир силкибди, шунда ўранинг оғзига кўйилган кичкина ёғоч тушиб кетибди. Бўри ҳам шу онда ўрага тушиб кетибди. Тулки кўчага қочиб чиқиб кетибди.

Бўри ўранинг ичида шошиб қолибди, ирғиб чиқаман деб сакраганида, чалқанчасига чўғ устига ағанаб тушибди. Бўрининг баданидаги ҳамма жунлари куйиб, қип-қизил гўшти чиқиб кетибди. Бўри ахири сакраб-сакраб куйган ҳолда ўрадан чиқибди. Чикса тулки қочиб кетган экан. Бўри бир қирнинг остига келиб, бурнидан суви оқиб, ўлай-ўлай деб ётибди.

Кейин тулки бошқа тусга кириб, бўрининг олдига келибди. Ундан ҳол-аҳвол сўрабди.

Бўри:

— Менинг бир тулки ўртоғим бор эди. Унинг бир кўзиси бор эди. Шу кўзисини еб кўйган эдим. Тулки мени алдаб ўрага ташлади ва ўзи қочиб кетди. Энди азоб еб шу ерда ётибман, —

дебди.

Тулки унга ачинган бўлиб:

— Бай-бай, яхши иш қилмабди-ку, наҳотки шундай азоб берса, — дебди. Бир оздан кейин тулки яна:

— Мен табибман, бундай яраларнинг кўпини тузаганман, дориси мана шу чангал тиканларнинг орасида югура бериш, чангалзордаги тиканлар мана бу баданингиздаги зардобларни оқиза беради. Сиз уч кунда тузалиб кетасиз, — дебди-ю, кета берибди. Шунда бўри ўрнидан туриб, табиб айтганини қилиб, чангалзорнинг ичига кириб югура берибди. Бўрининг баданлари тешилиб, гўштлари юлиниб, аввалгидан ҳам кўп азобланибди, ўладиган бўлиб ётиб қолибди. Тулки бошқача турланиб, ўзини танимайдиган қилиб, бўрининг олдига келибди, ундан ҳол-аҳвол сўрабди. Бўри:

— Кеча бир тулки келиб, чангалзорда югурсанг, тузаласан, деган эди, мен елиб-югурган эдим, охири ўладиган бўлдим, — дебди. Тулки:

— Улар тоғ тулкиси, биз қир тулкиси, улар даволашни билмайди. Мен биламан, — дебди. Кейин бўрининг томирини ушлаб туриб:

— Сиз, кулга ағанай беринг, тузалиб кетасиз, — дебди-ю, яна ўз йўлига кетаверибди. Бўри ётиб, кулга ағанай берибди, баданидаги яраларга кул кириб, жуда азоб тортибди, баданининг ачишганига чидаёлмай додлаб ётибди.

Эртасига бўри яракинг аламига чидолмай додлаб ётган экан, тулки яна бошқача тусга кириб олдига келибди:

— Эй бўрибой, нима бўлди сизга? — деб сўрабди. Шунда бўри айтибди:

— Менинг бир ўртоғим бор эди, унинг бир кўзиси бор эди. У кўзини еб кўйган эдим. Ўртоғим мени зиёфат қиламан, деб уйга бошлаб борди, мени алдаб ўранинг тепасига ўтқазиб, чуқурга тушириб юборди, ўзи қочиб кетди. Ўрада чўғ бор экан, баданим куйиб қолди. Мен чидолмай йиғлаб ётсам, бир тулки келди. Бу тулки: «Мен табибман, сен чангалзорга кириб югура берсанг, тузалиб кетасан», деди. Чангалзорга кириб югурдим, тиканлар куйган баданимни шилиб юборди, ўладиган бўлдим. Оғриққа чидаёлмай ётган вдим, яна бир тулки келди. У: «Сени чангалга югуртирган тоғ тулкиси экан, мен қир тулкисиман», деб кулга ағанашга буюрди. Мен кулга ағананган эдим, кул баданимнинг яраларига тегиб жуда ачиштирди. Оғриқнинг аламига чидолмай ундан баттар ўладиган бўлдим, — дебди.

Шунда тулки айтибди:

— Ҳе, илгариги табиб тоғ тулкиси, кейинги табиб қир тулкиси, мен уй тулкиси бўламан. Бунақа жароҳатни мен биламан, — дебди-да, бўрининг томирини ушлаб кўриб:

— Сен дарёнинг музини ўйиб, тагидан косада сув олиб тонг отгунча бошингдан куя берсанг тузаласан, — дебди. Бир оз туркб у ҳам ўз йўлига жўнаб кетибди.

Бўри дарёнинг музини тешиб, музнинг устига ўтириб, олиб, косада сув олиб бошидан куя берибди.

Бир оздан сўнг бўрининг бадани музлаб қолибди. Бўри бунга чидаёлмай, қочмоқчи бўлиб, турайин деса, думи ҳам, ўтирган ўрни ҳам музга ёпишиб қолибди. Ахири бўри муздан қутулолмай тиржайиб ўлиб қолибди. Тулки ўртоғидан хабар олгани келибди:

— Ўла, сен нафсингни тиймадинг, мен ёмонлигимни кўймадим. Сен нафсингни тийганингда эди, мен ёмонлигимни кўяр эдим. Бундай хор бўлиб ўлмас эдинг, — дебди тулки.

### Кампир билан шақол

Бир кампир: «Шақолнинг дастидан дод!» дебди:



*Шақоллар келади ҳар ёқдан хезлаб,  
Товуғимнинг ётган жойини излаб.  
Патини юлади, гўштини тузлаб,  
Бу шақоллар мени ҳароб айлади.  
Кечалар қаерда юради улыб.  
Товуқларнинг ётган жойини билиб,  
Олиб қочар даштга томогин бўғиб,  
Бу шақоллар мени хароб айлади.  
Қандай бўлса товуғимни билмаса,  
Ўзим кампир, кўзим кўрмай қолмаса,  
Келганини кучуклар ҳам билмаса,  
Бу шақоллар мени хароб айлади.  
Товуғимга хўп пана ер этмасам,  
«Шақол келди», — деб мерганга айтмасам,  
Бу сабилнинг келганини билмасам,  
Бу шақоллар мени хароб айлади.*

Шақол томнинг орқасига келиб, кампирнинг дод деганини эшитиб турган экан. Шақол ҳам кампирга жавоб берибди:

*Э момо, кампир, пирағар  
Таққа жойингда турабор.  
Ғайратим сендан зўрабор —  
Хўрозингни мен едим,  
Макиёнинг тагин нечта бор?  
Ўзлари қари шақол-а,  
Излари лойга ботар-а,  
Чақириб кел мерганингни  
Чангалзорнинг ичида-я  
Шақоллар улыб ётар-а.*

Кампир айтибди:

*Мерганим ботир, шокамон,  
Ботирларга бир айтаман,  
Йигилиб бориб устингга  
Ўзим ҳам мингинг отаман.*

— *Қурма, кампир, машмашангни,  
Еймиз очган бор жўжангни.  
Сен бўласан бизга боқим,  
Бизга берасан болангни.  
Шунда ишингни тиндирай,  
Емасам бўғиб ўлдирай.  
Туққан тухуминг синдириб,  
Ичинг аламга тўлдирай.*

Кампир айтади: — *Мен турай,*

*Мерганларга хабар берай,  
Устларингга ёвлаб бориб  
Биттангни қўймай ўлдирай.*

*Берди хабар мерганларга  
Жонидан кўп тўйганларга.  
Босиб юрди чангалзорга,  
«Келдик, чиқ!»— деди майдонга!  
Кўринг энди мард кампирни  
Мерганлари гирдин олди,  
Шақол, бўриларни қирди  
Элни баридан қутқарди.*

## Тулкибой

Бир куни тулкибой чангалзорда овқат кидириб юриб, бир ангишвона топиб олибди. Тулкибой юриб-юриб бир кампирнинг уйига келиб қолибди.

Кампирни кўриб:

— Она, сенга шу ангишвонани эртагача қолдириб кетаман, эрталаб келиб оламан, — деб чиқиб кетибди. Ўзи эшикнинг тирқишидан кампирнинг ангишвонани қаерга қўйганини кўриб олибди. Тулкибой кампир ухлагандан кейин секин уйга кириб ангишвонани қўйган жойидан олиб чиқиб кетибди. Эртаси кампир шошиб-пишиб қатлама пишириб турганда, Тулкибой кириб келибди.

— Она, кечаги омонат қолдириб кетган ангишвонани беринг, — дебди.

Кампир югуриб уйга кириб, ангишвонани қўйган жойидан топа олмабди.

— Тулкибой, ангишвонанг қўйган жойимда йўқ, йўқолиб қолибди, — дебди.

Тулкибой:

— Топиб берасиз, топиб бермаганингизга қўймайман, — дебди.

Кампир:

— Йўқолган нарсани қаердан топиб бераман, ўрнига қирқ қатлама бераман, — дебди.

Тулкибой «хўп» деб, қирқта қатламани олиб ташқарига чиққанидан кейин:

«Бир ангишвона, бир ангишвонага қирқ қатлама» деб жўнабди. Йўлда кетаётса, бир оқ эчки боқиб юрган кампирни кўрибди. Тулкибой кампирга:

— Она, шу қирқта қатламани эртагача омонат олиб қўйинг. Эрталаб келиб оламан, — дебди.

Кампир қирқта қатламани уйига олиб кириб кўрпанинг қатига бекитиб қўйибди Тулкибой яна эшик тирқишидан мўралаб туриб қатлама қўйилган жойни кўриб олибди. Кампир кечаси ухлаганда келиб, секин кампирнинг уйига кириб қирқта қатламани битта ҳам қолдирмай еб кетибди.

Эртаси эрталаб келиб:

— Она, кечаги омонат қолдириб кетган қирқ қатламани олиб беринг, — дебди.

Кампир уйига кириб кўрпасининг қатини қараса, битта ҳам қатлама қолмабди. Кампир:

— Тулкибой, қўйган жойимдан қатламаларинг йўқолиб қолибди, — дебди.

Тулкибой:

— Топиб берасиз, топиб бермаганингизга қўймайман, — дебди. Кампир тулкибойдан кўрқиб:

— Бисотимда бир донагина оқ эчким бор, қирқ қатламанг ўрнига шуни берайин, — дебди.

Тулкибой оқ эчкини етаклаб, хурсанд бўлиб:

«Бир ангишвона, бир ангишвонага қирқ қатлама, қирқ қатламага оқ эчки» деб жўнабди.

Тулкибой оқ эчкини етаклаб кетаётса, бир нор туя боқиб юрган чолни кўрибди. Тулкибой чолга яқин келиб:

— Ота, эртагача мана шу эчкини сизга омонат қолдириб кетаман, эртага келиб оламан, — дебди.

Чол «хўп» деб эчкини ҳовлисига олиб кириб боғлаб қўйибди. Кечаси чол ухлаганида тулкибой келиб, оқ эчкини еб, терисини қолдириб кетибди. Эртаси тулкибой чолнинг олдига келиб:

— Ота, кеча қолдириб кетган омонат оқ эчкини беринг, — дебди. Чол тулкига:

— Кечаси эчкини бўри еб, терисини қолдириб кетибди, — дебди.

Тулкибой:

— Эчкини топиб берасиз, топиб бермаганингизга қўймайман, — дебди.

Чол:

— Бисотимда биргина нор туям бор, оқ эчкининг ўрнига бераман, — дебди.

Тулкибой нор туяни етаклаб: «Бир ангишвона, бир ангишвонага қирқ қатлама, қирқ қатламага оқ эчки, оқ эчкига нор туя» деб, хурсанд бўлиб жўнабди.

Тулкибой нор туяни етаклаб юриб, қизи билан ип йигириб ўтирган кампирга учрабди. Тулкибой:

— Она, мана шу нор туяни эртагача сизга омонат қолдириб кетаман, эрта билан келиб оламан, — дебди.

Кампир нор туяни ҳовлисига олиб кириб боғлаб қўйибди. Кечаси кампир ухлаганда, тулкибой нор туяни ҳовлидан олиб чиқиб, бир чанганзорга олиб бориб қўйибди, эртаси кампирнинг олдига келиб:

— Она, кечаги қўйиб кетган омонат нор туяни беринг, — дебди. Кампир қараса, нор туя боғланган жойида йўқ, ахтариб топа олмабди.

Тулкибой:

— Топиб берасиз, топиб бермаганингизга қўймайман, — дебди.

Кампир тулкидан кўрқиб:

— Нор туянг ўрнига беришга ҳеч қандай молим йўқ. Биргина ойдин қизим бор, она-бола ип йигириб кун кечирамиз, — дебди.

Тулкибой:

— Нор туям ўрнига шу ойдин қизингизни беринг. Бермасангиз, она-бола икковингизни ҳам еб кетаман, — дебди.

Кампир ночор, ноилож, ёлғизгина ойдин қизини тулкибойга берибди.

Тулкибой ойдин қизни олиб хурсанд бўлиб кампирга қараб: «Бир ангишвона, бир ангишвонага қирқ қатлама, қирқ қатламага оқ эчки, оқ эчкига нор туя, нор туяга ойдин қиз» деб, ойдин қизни қопга солиб, қопнинг оғзини бўғиб, орқасига кўтариб жўнабди. Бир тўқайдан ўтиб кетаётса, узоқдан итини етаклаб келаётган бир овчи кўринибди. Тулкибой орқасидаги қопни ерга қўйиб, ўзи бекинибди. Овчи келиб қопни очиб қараса, ичида бир қиз ўтирган экан. Овчи қопдан қизни чиқариб олиб, қиз ўрнига итини қопга солиб оғзини бўғиб бойлаб қўйибди. Овчи кетгандан кейин тулкибой келиб «овчидан қутилиб қолдим» деб суюниб, қопни орқалаб жўнабди. Йўлда кетаётса, қопнинг ичидан овоз чиқибди. Тулкибой: «Йиғлама ойдин қиз, йиғлама, ҳозир уйга етамиз» деб, қадамни илдам ташлаб уйга етиб келибди. Қопнинг ичидан яна овоз келибди. Тулкибой: «Ойдин қиз, қопнинг ичида зерикканга ўхшайсан. «Бир ангишвона, бир ангишвонага қирқ қатлама, қирқ қатламага оқ эчки, оқ эчкига нор туя, нор туяга ойдин қиз чиқ!» деб қопнинг оғзини очибди. Қопнинг ичидан қулоқларини шалпайтириб овчининг ити чиқибди. Ойдин қиз чиқишини кутган тулкибой овчи итнинг ҳайбатини кўриб қочиб кетибди. Ит тулкининг кетидан қувлаб кетибди. Тулки ўзини бир шудгор томонга

олибди. Тулки югуриб кетаётиб куён тутиш учун қўйилган қопқонга тушиб қолибди. Қопқоннинг эгаси келиб тулкининг терисини шилиб олибди.

### Бузоқ, эчки ва қўзи

Бор эканда йўқ экан, бир дангаса бор экан, ҳеч ишга тоби йўқ экан. У ҳатто шу даража дангаса эканки, кунга чиқиб ўтиришни ҳам хушламас экан.

Унинг биргина хотинидан бошқа ҳеч кими йўқ экан. Баҳор келиб, ўтлар кўкариб, ёзнинг иссиқ кунлари келмасдан бойлар ўз моллари билан яйловга кўчиб кетар эканлар. Ҳеч қандай моли бўлмаса ҳам дангаса хотини билан уларга эргашиб кўчиб кета берар экан.

Бир қанча вақт ўтгач, дангасанинг хотини ҳар кимнинг ишини қилиб, бир оз пул топибди.

Кунлардан бир кун дангасанинг хотини топган пулини бериб, айтибди:

— Биз ҳам мол қилиб, яйловга кўчиб борайлик, бозордан бир мол сотиб олинг.

Дангаса бозорга тушиб катта ҳайвонлардан сотиб олишга пули озлик қилибди, юриб-юриб охири бир қўтир улоқни сотиб олибди.

Яна бир ҳафта ўтгандан кейин дангасанинг хотини унинг қўлига: «мол олинг», деб яна бир оз пул берибди.

Дангаса бозорга бориб бир қўтир қўзи сотиб олибди.

Яна бир ҳафта ўтгандан кейин дангасанинг хотини унинг қўлига яна пул бериб:

— Бозордан бир мол сотиб олинг, — дебди. Дангаса бозорга бориб, бир қўтир бузоқ сотиб олибди.

Шу орада баҳор кирибди. Бойлар мол-ҳоллари билан яйловга кўча бошлабдилар.

Дангаса олиб келган молларига қарамай, хотини билан бойларга кўшилиб кўчиб кета берибди. Хотини ҳам «молимиз бойларнинг моллари ичида юргандир», деб хотиржам бўлиб кета берибди. Дангасанинг қиши билан яшаган жойида ҳам ўтлар чиқиб, орадан кўп вақт ўтмай унинг қаровсиз қолган моллари семириб кетибди. Энди бузоқ буқа, улоқ серка, қўзи кўчқор бўлибди. Учаласи кунда бирга ўтлаб келиб уйда ёта берибди.

Кунлардан бир куни уйга бўри кириб қолибди.

Уларни кўриб ўзига уч кунлик овқат деб мўлжаллаб хурсанд бўлиб, ашула айтибди:

*Дингирдик-дингирдик*

*Бузоқча ҳам бир кунлик*

*Дингирдик-дингирдик*

*Улоқча ҳам бир кунлик.*

*Дингирдик-дингирдик*

*Қўзичоқ ҳам бир кунлик.*

Шунда ақлли бузоқ ўйлаб туриб, бўрига бир сиёсат қилиб кўрмоқчи бўлибди: Бузоқ туриб:

— Эчки, сен эшикни тўс, қўй, сен тешикни тўс, — деб буйруқ берибди.

Бузоқ тилини чиқариб бўкира бергандан кейин, бўри кўрқиб кетибди, нима қилишини билмай, уйдан югуриб чиқиб қочиб кетибди.

Бўри шошилиб қочиб кетаётганида саккизта бўри бир ерда тўпланиб турган экан. Улардан бири:

— Эй, оғайни, нимага қочиб кетаётибсан? — деб сўрабди.

Бўри:

— Мана бу ерда бузоқ-буқа, серка-така, қўзи-кўчқор учови мени ўртага олиб қолган эдилар, аранг уларнинг олдидан қочиб кетаётибман, чаққонлик ва абжирлик қилиб қочиб қолдим,

бўлмаса, ўлар эдим, — дебди.

Бўрилар айтибди:

— Шошма, бизни уларнинг олдига бошлаб бор, уларни бир ейлик.

Дангасанинг моллари ҳам бўриларнинг тўдаланиб келишини билиб, ўзларини панага олибдилар. Ҳовлида бир туп ўрик бор экан. У ўрикнинг айрисига эчки билан кўзи бузоқни бир амаллаб кўтариб чиқазиб қўйибдилар. Унинг кеткдан шу ўриikka кўзи кейин эчки чиқиб яширинибди.

Бирдан ҳовлига тўккиз бўри кириб келибди. Бўрилар уйни, молхонани қараб, қидириб-қидириб бузоқ, эчки, қўшни тополмай, бошлаб келган бўрини «бизни алдадинг», деб қойибдилар. Қочиб борган бўри:

— Худди мана шу ерда кўрган эдим, — деб уларни ишонтирибди.

Тўккиз бўри ўрик остига тўпланиб фол очибдилар. Шу пайт ўрик устидаги бузоқ шохга ўрнашиб туролмай секин-секин оға бошлабди.

Шунда бузоқ аста-секин:

— Эй, оғиб кетяпман, оғиб кетяпман, — дебди. Эчки:

— Тилингни тишла, тилингни тишла! — дебди. Ахири бузоқ ўрнашиб туролмай гумбиллаб фол очаётган бўрилар устига ағанаб тушибди. Эчки бўлса, ўрик устидан туриб:

— Фол очганини ушла, фол очганини ушла! — деб бақирибди.

Тўккиз бўри кўрқиб, тўккиз ёққа қочибди. Бўрилар қочиб, бориб-бориб бир ерга тўпланибдилар. Эсон-омон кутулганлари учун шодланиб бир-бирига:

— Фолчисини ушла, деб бақиради, улар бизнинг фолчимизни ушлаб олгандан сўнг авлод-аждодимизни қўймай қуритар эди. Яхшики вақтида қочиб қолдик, энди бошқаларга ҳам айтайлик, бу ерларга ҳеч келмасинлар, — дейишиб жўнаб қолишибди.

Дангасанинг моллари бўрилардан соғ-саломат қутулиб, семириб, хурсанд бўлиб юрибдилар.

Кунлардан бир куни дангасанинг хотини:

— Эй, бизнинг молларимиз бор эди, улар қаёқда қолди? — деб сўрабди.

Кейин эр-хотин молларини қидириб йўлга тушибдилар. Дангасага ҳам ғайрат кирибди.

Улар ўз ҳовлиларига келиб кўрсалар, моллари ўтлаб юрган экан. Шу билан эр-хотин ҳам молга эга бўлиб мурод-мақсадига етган экан.

## Ботир эчки

Ўтган замонда бир фақир эр-хотин бўлар экан. Уларнинг бисотида фақатгина битта эчкиси бор экан. Эчкисига ҳар куни бир сиқим қуруқ хашакни бериб, елинларига муштлаб кунига бир коса сут соғиб олишар экан. Уларнинг кунлик овқати шу бир коса сут билан ўтар экан. Лекин бечора эчкига ҳар ҳафтада бир кун дам беришар экан. Эчки шу дам оладиган куни бўшалиб бориб, эркин тирикчилик қилар экан.

Эчки эрта баҳорда, қишлоққа яқин бир ўрмонзорда ўтлаб юраркан, ногаҳон унга бир совлуқ қўй келиб салом берибди. Эчки бундай қараса, шу шўринг қурғур совлуқ бечоранинг ҳоли хароб, бағри кабоб кўринибди. Ориқ, териси бориб суягига ёпишиб, ҳар қовурғаси «мана мен», деб саналиб турибди. Эчки совлуқнинг саломига алик олиб, унга айтибди:

— Кўзинг ўзини ерга солиб, юзингга боққани уялиб, пўстингда унда-муда бир тук, у ҳам бўлса, ўзингга оғир юк, — дебди. Эчкидан бу гапни эшитиб, совлуқ изза бўлиб, унинг юзига қараб:

— Ўртоқ эчки, сен олдин ўзингга боқ, сўнгра ўзгага боқ. «Ўзингни бил, ўзгани қўй», деган гапни эшитганинг йўқми, иштони йўқ, тиззаси йиртиққа кулмай қўя қолсин. Бу айтган байтинг ўзингга мос келади, — дебди.

Шундан кейин булар бир-бирлари билан таниш-билиш бўлиб, гаплашиб кетибдилар. Ҳар иккаласи ўзларининг бошларидан ўтганларини айтишибдилар. Эчки:

— Менинг хўжайиним бор. Хўжайинимнинг мендан бошқа ҳеч нарса йўқ, ейдиган овқати ҳам йўқ, фақат эр-хотин менга зўрға бир тутам куруқ хашак топиб бериб, елинимга муштлаб уриб, болам учун тайёрлаган бир коса сутимни соғиб олиб, овқат қилишади. Ҳафтасига зўрға бир кун эркинликка чиқаради. Фақат жума куни эркин юриб ўйнайман, юрагимнинг чигилини анча ёзиб кетаман, — дебди.

Эчкидан кейин совлуқ кўй ҳам бошидан ўтганларини гапирибди. Унинг турмуши ҳам эчкининг турмушига ўхшаш экан. Уни ҳам фақат жума куни бошвоғини олиб, дам бериб кўйиб юборар эканлар. Шунда булар хўжайинларининг жабр-зулмларидан қутулиш йўлини ахтарибдилар. Ахири булар бир жойга қочиб кетишга маслаҳат қилишибди.

— Энди қаерга қочамиз? — дебди совлуқ.

Эчки бутун атрофга қараб олиб:

— Менинг отам: «Ху, ўша кўринган тоғ жуда ҳам ўтлоқ жой, сувлари яхши, ҳавоси ундан ҳам яхши, болам, бир илож қилиб ўша жойга етиб борсак, умрбод роҳатда ўтардик, бу ерда кўрган азобларимиз ҳам эсимиздан чиқиб кетарди», дегувчи эди. Лекин отам раҳматли у ерга етолмай, бизни ҳам етказолмай, оламдан ўтиб кетди. Отам менга: «Агар менинг болам бўлсанг, ўша жойларга барсанг, кенг яйловларда мен учун ҳам у ёқ-бу ёққа югуриб, менинг арвоҳимни шод қилиб кўясан», деб васият қилиб кетган эди. Энди шу жойга борсак, кўп яхши бўлади, — дебди.

Бу гап совлуққа кўп маъқул келибди. Иккаласи хайё-ху, деб ўша кўринган тоққа қараб жўнашибди.

Булар йўлда кетаётганда, узоқдан бир нарсага кўзлари тушибди. «Бу қандай нарса экан», деб туришганда, у нарса бир хўкиз бўб чиқибди. Хўкизнинг тинкаси қуриган, секин-секин қадам босиб кетаётган экан. Эчки билан совлуқ бу ёқдан етиб бориб қарашса, бир қўнғир хўкиз шохи худди бир қулоч келади. Жуда ҳам ориқлаб кетган. Кўзлари шокосадай, шафақ босган, бўйни қинғир толдай ерга эгилган, чўққиси қирдай ирғиб чиққан, гапиришга ҳам мадори қолмабди. Эчки салом берган экан, бечора хўкиз бошини бир ликанглатиб, аранг алик олибди. Гапиргани мажоли ҳам қолмабди. Хўкиз булардан «ҳа болалар, йўл бўлсин?» деб сўрабди. Эчки:

— Улуғимиз сиздан бўлсин? — дебди.

— Ҳе болалар, ҳафта ишладик, эртага шанба бўлса, букун бир ҳордиқ чиқариб, сал тикланиб олай деб келяпман, — дебди. Ундан кейин эчки билан совлуқ ҳам бошларидан ўтказганларини айтиб, ахирида хўжайинлари билан хайр-маъзурни насия қилиб, тоққа қараб кетаётганликларини айтишибди. Шунда хўкиз туриб айтибди:

— Дунёнинг ғам-ғашидан жуда чиқдим. Саҳардан то намозшомгача ишлайсан, анча-анча ерни ҳайдайсан, кеч кириб жуда дармонингдан кетганингда қўшдан чиқаради, ўлганинг устига кўмган дегандай, кетишда куруқ кетмасин бир арава чўп-чўмакни ҳам юклаб кетишади. Уйга борсанг тузук-куруқ овқат йўқ. Энди баданда жир тугади. Қувват кетди. Бу жабр-зулмлардан қанақа қилсам қутулар эканман, деб кўп вақтлардан бери ўйланардим. Яхши бўпти. Сизлар шу маслаҳатни топибсизлар. Энди мен ҳам сизлар билан кетаман, — дебди. Улар: «хўп, бўпти», — дейишибди.

Шундай қилиб, булар учаласи тоққа қараб жўнашибди.

Булар йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, мўл юрса ҳам кўл юриб, ахири бир кун тоққа етишибди. Тоққа боришса, бу тоғ эчки айтгандай, жуда ҳам обод экан. Истаган овқат топиларкан. Ҳавоси жуда баланд, сувлари тиниқ. Булар бориши билан яхшилаб қоринни тўқлаб, адирликдаги катта чинорнинг тагида макон қуриб ёта беришибди. Шу куни кечаси оёқларини узатиб ухлашибди. Саҳарга борганда эчки уйқусида босинқирабди. Унинг тушига хўжайинлари кириб: «Сен қаёққа йўқолдинг, сендан неча кунлик сутни соғиб оламан», деб уни тушовлаб,

соға бошлабдилар. Бир коса сут чикқандан кейин, сут чикмай қолибди. Шунда хўжайини: «Сен қолган сутларни нима қилдинг», деб қўлига катта сўйилни олиб ҳадеб ургани турибди. Шунда эчки овозининг борича «дод» деб қичқирибди. Бунинг овозини совлуқ билан хўкиз эшитиб, бунга нима бўлди, деб уйғотишибди. Эчки уйғониб дарров ичига тупуриб:

— Худога шукур-эй, тушим экан! Тушимда ҳадеб хўжайиним уряпти, — дебди.

Хўкиз айтибди.

— Бу тушинг бўлмай, нима бўлади, энди хўжайининг ҳам йўқ. Хўжайиннинг катта сўйили ҳам ўзи билан бирга қолди, — дебди. Шундай қилиб булар бу ерда жуда яйраб қолишибди. Кундагидай сахар уйғотиш, бўйнига аркон солиш йўқ. Овқат сероб, тергайдиган одам йўқ. Булар тез кунда жуда ҳам тозариб, семириб кетишибди. Хўкиз жуда ҳам семирибди. Унинг савлатини кўрганда ҳар қандай ёввойи ҳайвонлар ҳам қочадиган бўлибди.

Бир куни хўкиз шерикларига айтибди:

— Мен ҳар куни ичкарида ётиб, иссиқлаб қолаётиман, бу кун чинорнинг тагида ётаман, — дебди.

Шу куни эчки билан совлуқ ичкарида ётишибди. Хўкиз ташқарида ётибди.

Шу куни қаттиқ совуқ бўлиб хўкиз ётган ерида шамдай қотиб қолибди. Эрта билан ўртоқлари чиқиб, хўкизни чақирса ҳеч товуш бермабди. Нима бўлди экан, деб бориб қарашса, совуқдан шодиянқоқи бўлиб, музлаб қолибди. «Энди нима қиламиз» дейишибди. Ахири буни ўтга қизитмасак бўлмайди деб, эчки дарров чинорнинг устига чиқиб у ёқ-бу ёққа қарабди. Қараса яқин бир пастликдаги ўнгурдан тутун чиқиб турибди. Чинордан дарров тушибди, тушиб совлуқ иккаласи хўкизни аранг суяшиб тутун чикқан тарафга бошлашибди. Йўлда кетаётса, бир жойда бир йўлбарс, бир бўри, яна бир тулкининг териси ётибди. Эчки териларни олиб хўкизнинг устига ёпибди. Яна жўнашибди. Булар тутун чикқан ерга бориб қарашса, бу жой бутун ваҳший ҳайвонлар ўтирадиган жой экан. Булар шу ерда тўпланиб олиб, гап ейишар экан. Совлуқ билан хўкиз кўрқиб орқаларига қайтмоқчи бўлибдилар. Эчки уларни тўхтатиб хўкизнинг устидаги бояги йўлдан топган териларини олиб, унгурнинг оғзига ташлаб, ичкарига салом бериб кирибди. Хўкиз билан совлуқ ҳам кирибди. Киришса ичкарида бўри, арслон, тулки, қоплон ва шердан тортиб ҳамма ваҳший ҳайвонлар бор. Йўлбарс подшоҳ ҳам тахтда ўтирибди. Шу куни тулки гап берадиган экан. Тулкини ўртага олиб жуда ҳам сиқиб: «Нимага бу кун овқат топиб келмадинг?» деб туришган экан. Тулки: «Ҳамма жойни қидириб келдим, сира ҳам овқат учрамади, худо ўзи етказмаса, бандаси нима қилади», деб турган экан. Шунда бирдан булар киришиб қолишибди. Буларни кириши билан тулки жуда хурсанд бўлиб кетиб, бир байтни айтибди.

Тулкининг байтини эшитиб, эчки ҳам чўнқайиб, подшоҳга қараб байт айтибди.

*Наманган шаҳрида қассоб эдим, дўстлар,*

*Олтмиш йўлбарс, олтмиш бўри, олтмиш тулки*

*Сўйишга қўл қўйган пудратчи эдим.*

*Худойимдан ўргилай энди келдим конига.*

*Ишонмасанг чиқиб қара, энди бўлди биттадан, —*

дебди.

Шундан кейин, ундаги ваҳший ҳайвонлар бирин-кетин чиқиб қараб бояги териларни кўриб ичкарига қайтиб кирмасдан, шундан нари кетаверибдилар. Ахири йўлбарс подшоҳ ўзи якка қолиб, кўрққанидан у ҳам чиқиб кетаётган экан, хўкиз югуриб йўлбарснинг қорнидан сузиб бориб, жарга тақаб туриб қолибди. Буни кўриб эчки билан совлуқ ҳам ҳуришга кирибди. Улар ҳам бориб тисарилиб туриб, олдинга қараб югуриб, йўлбарсни суза бошлабди. Йўлбарс қараса, булар ўлдириб қўяди. Ахири ялингани турибди. Йўлбарс айтибди:

— Жон акалар, энди бундан буёқ сизга ҳеч даъвогарлик қилмайман, сизлар турган жойга бирорта ҳайвоннинг қадамини бостирмайман. Мени қўйиб юборинглар, — дебди.

Улар йўлбарс подшоҳдан ваъдани олиб, уриб-суриб ҳайдабдилар. Ваҳший ҳайвонлар кетгандан кейин булар бу жойдаги ўлжаларни олиб, ҳўкизга юклашиб жойларига қараб кетибдилар.

Бояги ваҳший ҳайвонлар улардан қочиб бориб, бир ерга тўпланишибди. Улар: «Шу учта гўштдан қочдикми?» деб, қочганларига пушаймон қилиб, яна уларни қувиб бормоқчи бўлиб жўнабдилар. Эчки уларнинг келаётганини билибди. Эчки дарров қўй билан ҳўкизнинг олдига келиб, уларни чинорга юборибди. Ўзи бир баландликка чиқиб турибди. Эчки қўй билан ҳўкизга агар ҳалиги ваҳший ҳайвонлар бизни излаб тополмай, шу ерда ўтириб қолишса, қаттиқ овоз қилиб чинордан ўзларингни ташланглар, деб гап ўргатган экан. Бояги ваҳший ҳайвонлар излаб келиб қолибди. Улар чинорнинг тагига келганда тулкига ялинибдилар:

— Ана биз уларни тополмадик. Сен ромчи эдинг, бир ром қараб қўйгин, улар қайда экан? — дейишибди.

Тулки ҳам чўнкайиб ўтириб ром қараб кетибди. Тулки ром қараб, ҳамма ҳайвонлар унинг оғзига тикилиб ўтирган экан, бирдан юқоридан аллақандай бир овоз чиқиб, бир нарсалар тушиб келиб қолибди. Улар бояги ҳўкиз билан қўй экан. Шу ҳолда бирдан нариги ёқдан:

— Ромчисини ушла, ромчисини ушла, — деб овоз келиб қолибди.

Бу аҳволдан қўрқиб ваҳший ҳайвонлар орқа-олдига қарамасдан қочиб кетишибди. Бундан кейин улар бу жойларга бутунлай келмайдиган бўлиб кетибдилар. Шу билан ҳўкиз, эчки, қўйлар бу жойда умрбод яшаб қолишибди.

## Бўри билан тулки

Бўри билан тулки иккови дўст тутинган экан. Бир куни тулки бўрининг олдига келибди, бўри жуда очиқиб турган экан, тулкига қараб:

— Э, дўстим тулки, яхши келдинг, қани юр, мени бирор жойга олиб бор ва қорнимни тўйғазиб, хурсанд қилиб келгин, — дебди.

Тулки «хўп» дебди-ю, олдинга тушиб, кетидан бўрини эргаштириб кетаверибди. Бориб-бориб, улар бир ерда тўйга кетаётган етти-саккизта хотинга йўлиқибдилар. Ҳаммасининг қўлида тугилган дастурхон бор экан. Шунда тулки бир юмалаб бедана бўлибди ва ҳалиги хотинларнинг олдига тушиб йўрғалай бошлабди.

Уни бир хотин қўриб:

— Ие, анови беданани қаранглар, уни мен боламга тутиб бераман, —дебди-да, қўлидаги дастурхошга ерга қўйиб, беданани кува кетибди, улар орқасидан яна бири қувлабди.

Шундай қилиб, хотинларнинг ҳаммаси қувиб кетаверибди. Тулки бўлса, уларнинг олдига тушиб йўрғалайверибди. Хотинлар етай-етай деганда, «пирр» учиб, яна бир томонга тушар эмиш. Шундай қилиб тулки буларни алдаб эргаштириб кетаверибди.

Бўри бўлса, тугунлар ичидаги овқатларни маза қилиб еб, қорнини тўйдириб жўнабди. Хотинлар беданага етолмай чарчаб, йўлдан қайтиб келишса, тугунлар куп-куруқ эмиш. «Вой шўримиз қурди, «Ойимбуви овга чикди, кетидан ғовға чикди» дегандай, бу нимаси экан!» деб дод деганларича қолаверишибди.

Тулки айланиб борса, бўри бир жойда дам олиб ётган эмиш.

Тулки бўрига қараб:

— Ҳа, ўртоқ, — дебди.

Бўри унга:

— Ҳа, қорним жуда ҳам тўйиб кетди, дам олиб ётибман, — дебди.



Эртаси куни тулкига бўри шундай дебди:

— Ўртоқ, кеча мени жуда хурсанд қилиб юбординг, энди бугун сал хафа қилиб қўйгин.

Бунга жавобан тулки:

— Хўп бўлади, қани юр бўлмаса, — деб бўрини бир бокқа бошлаб борибди.

Боғнинг девори тагида бир омбор бор экан, шу омбордан икковлари сиқилиб зўрға ичкари киришибди. Қарашса, ҳамма ёқ узумга тўлиб-тошган, ҳеч ким йўқ эмиш. Вақтни ғанимат билиб, иккиси узумхўрликка зўр берибди. Бир вақт тулки қорнини обдан тўйдириб, икки дона ғужумни иккала бурнига тикиб, бўрининг олдига борибди:

— Э дўстим, мана мен жудаям тўйдим, азбаройи тўйганимдан узум бурунларимдан чиқиб кетди. Бўл, яхшилаб еб, обдан тўйиб ол, — дебди.

Бўри шошиб-пишиб еяверибди. Ахири қорни шишиб кетибди, лекин бурнидан чиқмабди.

— Қани, бурнимдан чиқмади-ку? — дебди у. Тулки бўрининг тумшуғини кўтариб қараб:

— Ху ана, кўриниб қолибди, яна бир оз есанг чиқади, — дебди.

Бўри яна еяверибди, қорни роса кўпчиб, ахири ўзини тутиб туrolмай ётиб қолибди. Тулкига ана шугина керак экан. У, югура бориб, деворга чиқибди-да:

— Узумга ўғри кетде-е-е, узумга ўғри кетде-е-е! — деб қичкирибди.

Унинг товушини боғбон эшитиб, сўйил кўтариб келиб қолибди. Бўри лапанглаб бориб, бояги омборга суқилган экан, сиғмабди. Деворга тирмашса, чиқолмабди. Боғбон уни ўласи қилиб савалабди, бўрининг еган узумлари оғиз-бурнидан чиқиб, ахирида калтак зарбидан сулайиб қолибди. Боғбон бўрини ўлдига чиқариб, ташлаб кетибди. Бир вақт бўри хушига келибди. Қараса, омбор оғзида ётган эмиш. Ёнида ҳеч ким йўқ эмиш, тура солиб девордан ошиб, бир чеккада инграб ётаверибди.

Бир вақт тулки келибди, бўрини кўриб, ундан:

— Ҳа, дўстим, нима бўлди? — деб сўраган экан, бўри базўргина инграб:

— Ҳа, дўстим бўлмай ўл. Бир оз хафа қилиб қўйгин десам шунча хафа қиласанми? — дебди, Тулки:

— Биродар, боғ эгасининг сени бунчалик уришини қайдан билай? — дебди.

Бўри юролмасдан шу ерда қолибди. Тулки кетибди.

Эртаси куни тулки ўйнаб юрган экан, бир жойда катта тош ётган эмиш, унинг ёнида бир қўйнинг карт думбаси ҳам бор эмиш. Унга қараб тулки: «Бунда бир сир бўлса керак. Олдин уни ўзим емайину, бўрини рўпара қилайин», дебди. Кейин бўрининг олдига бориб:

— Ўтоқ, қорнинг қалай? — деб сўраган экан, бўри:

— Қорним оч, — дебди. Тулки:

— Бўлмаса мен бир қўй сўйиб, гўштини едим, ёғи қолди. Бориб сен шуни есанг-чи, — деганда, бўри:

— Бу гапинг жуда маъқул, чунки кечаги калтакдан ичак-бағрим узилиб, ҳалигача ҳеч нарса еганим йўқ эди, — дебди.

Булар иккиси бир томонга қараб жўнашибди. Бир жойга борганда, тулки узоқдан туриб ёғни кўрсатибди. Бўри:

— Юр, бирга борамиз, — дебди. Тулки:

— Қўй, мени овора қилиб юрасанми, ўзинг бориб еб кела қол, — деб бормабди.

Бўри бориб қараса, қўйнинг карт думбаси ётган эмиш. Шошилиб бориб тишлаб тортган экан, «парт» этиб, тумшуғидан қопқонга илинибди. Шунда тулки югура келиб, ҳадеб ёғни еяверибди. Узоқдан буни кўриб турган овчи то югуриб келгунча тулки қочиб кетибди. Овчи келиб қараса, қопқонга илинган бўри экан.

— Ие, мен тулки десам, сен экансан-да, — деб бўрини обдан калтаклаб, кейин бўшатиб юборибди.

Бўри бундан қутулиб қорни оч кетаётган экан, йўлда бир қўзини учратибди, унга қараб:

— Ҳой кўзи, сени ейман! — дебди. Кўзи кўрқа-писа:

— Э тақсир, олдин сиз Карим бобонинг тузидан олиб келинг, чунки гўштим жуда бемаза, — дебди.

Шунда бўри: «Хўп бўлади» деб туз ахтариб кетибди, унгача кўзи қочиб қолибди. Бўри келиб қараса, кўзи йўқ эмиш. Ҳайрон бўлиб бораётса, бир жойда бир хўроз турган экан. Бўри бориб:

— Ҳой хўроз, сени ейман! — дебди. Хўроз унга:

— Бўлмаса, олдин бир зира-пиёз қилайлик, мени ундан кейин енг. Бунинг учун сиз аввал пичоқ топиб келинг, мен зира билан пиёз келтирайин, — дебди.

Бўри пичоқ қидириб кетибди, хўроз пайтдан фойдаланиб, бир томонга қочиб қутулибди. Бўри пичоқни олиб келсаки, хўроз йўқ эмиш. Ноилож яна кетаверибди. Юриб-юриб бир жойга борса, бир хачир турган эмиш. Унга қараб:

— Ҳой хачир, сени ейман! — дебди. Хачир:

— Агар мени емоқчи бўлсангиз, аввал юз марта минасиз кейин есангиз майли, отам шундай деб васият қилган эди, — дебди.

Бўри хачирнинг шартини ўрнига қўйиш учун тўрт марта минибди, бешинчи минишида хачир бўрини кўш оёқлаб тепибди. Бўри чалқанчасига йиқилибди. Хачир қочганича кетаверибди. Бўри ўридан туриб, бир жойга борибди, қараса, от ўтлаб юрган эмиш. Бўри отга қараб:

— Ҳой от, сени ейман! — дебди. От бўрига:

— Бўлмаса, менинг кейинги ўнг оёғим туёғига отам ёзиб кетган икки энлик хатни ўқиб кейин егин, — дебди.

Бўри, отнинг орқасига ўтибди, от туёғини кўтариб турибди. Бир вақт бўри яқинига келганида, от уни бир тепган экан, бўрининг тишлари мажақ-мажақ бўлиб, ўзи анча нариги бориб тушибди. От қочиб кетибди.

Шу онда тулки етиб келибди. Қараса, бўрининг оғзи-бурни қип-қизил қонга беланган эмиш. Шунда тулки ундан:

— Ҳа, дўстим, сенга нима бўлди яна? — деб сўрабди.

— Ҳа, нимасини сўрайсан, ишлар шундай-шундай бўлди, — деб бўри ҳамма воқеани айтиб борибди. Шунда тулки дебди:

*«Кўрдинки — кўзи, еб қўйгин,  
термилиб қолсин икки кўзи.*

*Сенга ким қўйибди.*

*Карим бобонинг тузи?*

*Кўрдингки — хўроз, уриб бўйнини ёз,  
сенга ким қўйибди зира билан пиёз?*

*Кўрдингки — хачир, уриб бўйнини гажи,  
сенга ким қўйибди мин хачир.*

*Кўрдингки — от, еб устида ёт,*

*сенга ким қўйибди мирза буваликни?»*

Бўри тулкидан таъзир еб, индамай туриб кетаверибди, нариёққа борган экан, иккита овчи буни кўриб қолиб, кува кетибди. Бўри қочиб бораётганда йўлда бир одам кўш хайдаб юрган экан. Бўри бориб кўшчига ялинибди:

— Жон амаки, мени шу овчилардан сақлаб қолинг. Кўшчи: «Хўи бўлади», деб бўрини катта қанорга солиб қўйибди. Бир вақт овчилар етиб келиб кўшчидан: «Бўри ўтдимми?» деб сўрабдилар. «Ҳа, ўтиб кетди» дебди кўшчи. Овчилар кетгандан кейин бўри қанордан чиқиб, кўшчига:

— Ҳой кўшчи, сени ейман! — дебди. Кўшчи:

— Э, бу қандай гап ахир, мен сени ўлимдан қутқариб олсаму, мени ейсанми? — деса, бўри:

— Яхшиликка ёмонлик, — дер эмиш.

Шунда кўшчи ялинибди, бўри сира ҳам унамабди. Булар бундай можаро қилиб турган экан, тулки етиб келиб, кўшчидан:

— Ҳа, нима гап? — деб сўрабди.

Кўшчи бўлган воқеани тулкига бирма-бир айтиб берибди.

Тулки бўрига қараб:

— Мен сенинг шу қанорга сиғишингга ишонмайман: ўзинг сиғсанг ҳам думинг сиғмайди, — дебди. Бўри унга:

— Йўқ, сиғдим, — дебди. Тулки:

— Бўлмаса қани, кириб кўр-чи, — деган экан, бўри:

— Мана бўлмаса, — деб қанорга кирибди. Тулки кўшчига имлаб, қанор оғзини боғлашга буюрибди. Кўшчи қанор оғзини маҳкам боғлабди. Шундан сўнг кўшчи тулки иккиси биттадан иккита сўйил олиб, бўрини ура-ура ўлдиришибди.

### Илоннинг иши заҳар солмоқ

Бир чўпон даладан қайтаётганда, катта ариқнинг нариги ёғидаги тўқайга ўт кетганини кўрибди. Бир вақт сув бўйига келиб қараса, қашиш ичида бир катта илон вишиллаб куйиб кетаётган эмиш. Чўпоннинг раҳми келибди, кўлидаги узун таёқнинг учига халтани бойлаб илон томонга узатибди. Илон жон ҳолатда ўзини халтага урибди, чўпон халтани тортиб олиб, оғзини очибди, илонни ерга туширибди. Шу пайт чўпоннинг оёғига чирмашиб олибди. Чўпон ҳайрон бўлиб:

— Нима қилмоқчисан? — деб сўрабди илон.

— Мен сени чақаман, — дебди. Чўпон:

— Мен яхшилиқ қилиб сени ўлимдан қутқардим-ку, сенга яхшилиқ қилган одамни чақасанми?—дебди. Шунда илон:

— Мен билмайман, менинг вазифам чақиш, заҳар солиш, менда бундан бошқа ҳунар йўқ, — дебди. Чўпон:

— Тўхта, бўлмаса, бирорта одамдан «яхшиликка яхшилиқми ёки ёмонликми?» деб сўрайман, у нима деса, ўшанга қараб иш тутамиз, — дебди.

Чўпон йўлда давом этибди. Илон эса чўпоннинг оёғига чирмашиб кетаверибди. йўлда ўтлаб юрган бир ориқ сугир дуч келибди. Шунда чўпон:

— Эй сугир, яхшиликка яхшилиқми ёки ёмонликми? — деб сўрабди. Сугир жавоб берибди:

— Албатта яхшиликка ёмонлик. Мен ёшлигимда ҳар куни уч маҳал сут берардим. Хўжайиним яхши кўрар эди. Энди мен қаридим, сут бермай кўйдим, ориқладим. Эртага мени қассобга сотиш учун бозорга олиб борадилар, — дебди. Шунда илон:

— Ана, менинг айтганим тўғри чиқдими?! Энди сени чақаман, — дебди. Чўпон:

— Яна бир сўраймиз, кейин чақсаиғ ҳам майли! — дебди. Улар йўлда бир олма дарахтига дуч келишибди. Олма дарахтининг шохлари синган, таги тўла тош, кесак экан. Чўпон олма дарахтидан сўрабди:

— Эй дарахт, яхшиликка яхшилиқми, ёки ёмонликми? Дарахт:

— Эй, дўстлар, албатта яхшиликка ёмонлик. Масалан, мени олинг, ёшлигимда кўп мева берар эдим, ўтган-кетган одам тош отиб, болалар устимга чиқиб шохларимни синдириб шу аҳволга солишди. Энди мени кесиб ўтин қилишмоқчи. Бу яхшиликка яхшилиқми? — дебди. Илон:

— Ана, эшитдингми, энди чақаман, — дебди. Чўпон:

— Йўқ, яна бирор кишидан сўрайлик, — дебди. Йўлда кетишаётса, бир тулки учрабди.

— Ҳой тулки, тўхта, бизлар сендан бир савол сўрамоқчимиз? — дебди чўпон.

Тулки тўхтаб қараса, бир катта илон одамнинг оёғига чирмашиб «чақаман» деб ёпишиб турган эмиш. Тулки:

— Нима гап? — деб гоҳ илонга, гоҳ чўпонга қарабди. Чўпон сўз бошлабди:

— Эй тулқивой, мен мана бу илонни ўлимдан кутқариб қолган эдим. Энди у эса, мени чакмоқчи, шу ҳам инсофми? — дебди. Тулки:

— Қандай қилиб уни ўлимдан қутқардинг? — деб сўрабди.

— Тўқайга ўт тушган эди. Ўт ичида илонни кўриб раҳмим келди, бир ёғочнинг учига мана бу халтани боғлаб илон томон узатдим, у халтага кирди, тортиб олдим, — деб жавоб берибди. Шунда тулки қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборибди, чўпонга:

— Шу кичкина халтага катта илоннинг сикқанига мен ҳайрон бўлиб кулиб юбордим, — дебди. Илон «ҳа, мен сиг дим», — дебди. Тулки:

— Бўлмаса, яна халтага тушиб кўр-чи, сиғармикансан ёки йўқми? — дебди. Илон мақтаниб:

— Мана кўр, мен сиғаман, — деб чўпоннинг халтасига кирибди. Тулки чўпонга кўзини қисиб:

— Халтанинг оғзини маҳкам боғла, кўтариб айлайтириб ерга ур! — дебди.

Чўпон тулкининг айтганини қилиб, илондан қутулибди. Яна ўз ишига равона бўлибди.

### Лайлак билан тулки

Лайлак билан тулки дўст бўлган экан. Қимматчилик вақти келиб, иккиси бола-чақаси билан оч қолибди. Бир кун лайлак тулкига:

— Тулкибой, сен уйга қараб ўтир. Мен учиб бориб ўзимизга ва болаларимизга овқат топиб келай, — дебди.

Тулки рози бўлиб, уйда болаларга қараб қолибди. Лайлак овга кетибди.

Тулки уйда ўзининг ва лайлакнинг болаларига қараб ўтираверибди, орадан беш кун ўтибди, етти кун ўтибди, лайлакдан дарак бўлмабди. Тулкининг қорни ниҳоятда очиб, ҳолидан кетай деб қолибди, очдан ўлар ҳолга келибди. Тулки у ёқ-бу ёққа қараб, ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, лайлакнинг битта боласини таппа босиб еб қўйибди. Болани еб бўлгандан кейин қараса, лайлак икки тошбақа, бешта қурбақа, икки илонни кўтариб олиб, овдан келяпти. Тулки айтибди:

— Эй аттанг-а, бир кун қарасам бўлар экан, дўстим анча озиқ олиб келар экан, нима деб жавоб бераман, —деб йиғлай бошлабди.

Лайлак уйга келса тулки дўсти йиғлаб ўтирган эмиш. Лайлак:

— Эй тулки дўстим, нега йиғлайсан? — деб сўрабди. Тулки йиғи аралаш:

— Ҳай, ҳай лайлак дўстим, бўйни узунжоннинг бири касал бўлиб ўлиб қолди, шунга йиғлаяпман, — деб суяқларини кўрсатибди.

Лайлак хафа бўлибди. Йиғлабди ва боласини олиб, бошқа ёққа учиб кетибди.

### Сусамбил

Бор экан-у йўқ экан, оч экан-у тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан, ўрдак сурнайчи экан, ғоз карнайчи экан.

Ўтган замонда бир бой бор экан. Унинг эшаги ва бир хўкизи бор экан. Унинг ери кўп экан,

қарол-қўшчиларига экин эктириб кун ўтказар экан. Хўжайиннинг ўғиллари кўпинча эшакни миниб юрар эканлар. Хўжайин эшакка яраша эгар-тўқим қилдириб берган экан. Тўқими гажимли, жуда ҳам келишган экан. Шундай қилиб, бу эшакни хўжайин ҳам, хўжайиннинг болалари ҳам яхши кўриб, сув ўрнига шарбат, ўт ўрнига қора майиз бериб боқишаркан. Хайр, эшак сув ўрнига шарбат, ўт ўрнига қора майиз еб маза қилаверсин, энди гапни хўкиздан эшитинг.

Хўжайин хўкизни эртадан кечгача қўшга қўшар экан. Хўкиз кечкурун қорни очиб, чарчаб қайтиб келса, унинг олдига бир боғ қуруқ пояни ташлаб қўяр экан. Хўкиз бечора ҳар куни бир боғ қуруқ пояга йўлиқиб, қорни очиб, қони қочиб, ранги тўзиб, кўп абгор бўлибди. Бир кун ишдан келиб, пояни егиси келмай атрофга қараса, бояги эшак сув ўрнига шарбат, ўт ўрнига қора майиз еб, маза қилиб ётибди. Шунда хўкиз унинг овқатидан егиси келиб, эшакдан:

— Ҳой ўртоқ, мен кўп оч қолдим, раҳминг келмайдими? Кел, менга ҳам овқатингдан бер, — дебди.

Шунда эшакнинг раҳми келиб, овқатидан берибди. Эшакнинг олдида ҳар доим овқат ортиб ётар экан. Хўжайин эрта билан чиқиб ко рсаки, эшакнинг олдида овқати қолмабди. «Э, эшагимнинг иштаҳаси энди очилибди», — деб кўп-кўп овқат соладиган бўлибди.

Бир куни хўжайин чиқиб қараса, эшакнинг овқатини ҳадеб хўкиз келиб еяётган эмиш.

— Ие, ҳали сенинг қорнинг тўйиб, димоғинг кўтарилиб қолибди-ку, — деб эртаси куни хўкизни эшакнинг ўрнига қўйиб, эшакни обориб хўкизнинг ўрнига қўшга қўшибди.

Эшак шўрлик умрида қўшга қўшилмаган экан, омочни тортишга кўп қийналибди. Охири тақдирга тан бериб, қўшда юришга ҳам кўникиб қолибди. Кечгача қўшда юриб чарчаб, қорни очиб уйга борса, аввалги овқатлар йўқ, шарбат ўрнига бир пақир сув, майиз ўрнига бир боғ поя. Эшак бечора ночор ейишга тушибди.

Хайр, шундай қилиб, хўжайин эшакни кузгача тоза ҳам қўшга қўшибди. Куз бўлганда эса унга юк ортиб, узоқ-узоқ ерларга борадиган бўлибди.

Бир куни хўжайин эшакни миниб бозорга борибди. Бозордан бир қоп туз сотиб олибди. Тузни эшакка ортиб, устига ўзи миниб, йўлда кетаётса, бирдан ҳаво айниб, ёмғир ёға бошлабди. Ҳаш-паш дегунча дарров йўллар лой бўлиб кетибди. Эшак бечора устида туз, унинг устига хўжайин минган, боз устига юклар ёмғирда вазминлашган, ёмғирдан жунлари ивиб, йўлда аранг юриб келар экан. Ноинсоф хўжайин лоақал эшакнинг оёғидаги тақасини ҳам янгилашиб қўймаган экан. Тақаси сийқаланиб қолгани учун эшак лойда тойилиб, туртиниб борар экан. Устидаги оғир юки босиб, дармони куриб, бунинг устига хўжайин:

— Тез-тез юрмайсанми? — деб қўлидаги халачўпи билан бўйнига ниқтабди, «хих-хих» деб, икки оёғи билан қорнига тепибди. Эшак шу азоб билан бораётиб йўлда бир бузуқ кўприкка келиб қолибди. Бечора эшак тойилиб-тойилиб кўприкнинг устига чиққанида оёғи тойиб, кўприкнинг тешигига кириб қолибди, устидан хўжайин чалқанчасига ағанаб кетибди. Шунда хўжайиннинг қаҳри келиб, чаёндай захри келиб, кўп-трикнинг тагидан бир сўйилни тортиб олиб, ўлганнинг устига тепган дегандай: «Мени ағанатадиган сенмисан», — деб бечора эшакни тоза урибди. Эшакнинг оёғини қисган, ўзини юк босган, бунинг устига калтакнинг аччиғи. Эшак бўйнини ерга солиб, бошини лойга қўйиб, кўзидан ёшини оқизиб ётиб қолибди. Шунда уч-тўрт йўловчи етиб келибди.

Эшакнинг ахволини кўриб, йўловчиларнинг раҳми келибди. Битта йўловчи:

— Ҳой, ноинсоф. Эшакнинг ахволига қарасанг-чи, уни уриб нима қиласан? Устидаги юкини ол, бўлмаса ўлиб қолади, — дебди.

Кейин йўловчилар келиб, бири юкнинг устидаги арғамчини қирқибди, бири тузни ағанатибди, бири эшакнинг белидан кўтариб, яна бири думидан ушлаб, кўприкдан чиқариб олибди. Шундан кейин хўжайин тузни ортиб яна йўлга тушибди. Эшак бечора шунча азоб билан қорни очиб уйга зўрға етиб борибди. Боргандан кейин уйдагилар: «Хўжайин ёмғирда

ивиб келибдилар, кўп азобланибдилар», — деб уни қўллаб-қувватлаб, иссиқ уйга олиб кириб кетишибди. Эшакни эса очик ҳавога боғлаб қўйишибди. Хўжайин ўчоққа қўлларини тоблаб, исиниб, ёғли паловни еб маза қилибди. Эшакка бўлса, «бояги-бояги, бойхўжайининг таёғи» дегандай бир боғ қуруқ пояни ташлашибди.

Эшакнинг жуда хўрлиги келиб, шу аҳволда юраверишга рози бўлгиси келмабди. «Энди нима қилсам бўлар экан? — деб ўйлабди. — Мен шу хўжайиннинг қўлида тоқай эзиламан, ахир, хўжайинниқидан чиқиб кетсам, очдан ўламанми? Кел-е, шу ердан бошимни олиб кетайин!» — дебди.

«Энди қаёққа борсам экан?» — деб ўйлабди.

Эшак ёшлигида онасидан: «Сусамбил деган мамлакат бор экан, у жойда ўтнинг бўлиғи, сувнинг тиниғи мўл экан. Унда биров билан бировнинг иши ҳам йўқ, азоб-уқубат ҳам йўқ, овқат мўл, қорнинг доим тўйиб юради», — деган гапни эшитган экан. Онаси бечора кўп орзу қилса ҳам, Сусамбилга боролмай ўлиб кетган экан. Эшак ўйлаб-ўйлаб шу Сусамбилни топмоқчи бўлибди. Ўрнидан туриб, чираниб тортиб, бошвоғини узиб, осмонга қараб бир ханграб олибди. Кейин хўжайиннинг ташқи ҳовлиси билан хайрлашиб, ёйга тушибди.

Бир одамнинг бир кам қирқта товуги, битта хўрози бор экан. Макиёнлар ҳар куни бир кам қирқта тухум қилиб берар эканлар. Бироқ эгаси жуда хасис одам экан. Товуқларга лоақал уч кунда бир марта ҳам дон сочиб қўймас экан. Товуқлар ҳовлида хашакларни ва гўнглари титиб, шундан овқат топиб, қорин тўйғазар эканлар.

Бир куни товуқлар қўшнисининг ҳовлисида донлаб юрганда унинг хотини уй обрезада оқшоқ ювиб, қозонга солибди. Обрезнинг четида тўрт-бешта оқшоқ тўкилиб қолибди. Буни хўроз кўрган экан, секин кириб, ҳалиги донларни ея бошлабди. Шунда қўшнисининг хотини кўриб, «кишт-кишт, қирилгурлар, кишт», деб оташкуракни отиб юборибди. Оташкурак хўрозга тегиб, уни бир неча маротаба юмалатиб юборибди. Оташкуракнинг зарбидан хўроз кўп алам тортиб, бир чеккага бориб йиғлабди. Хўрлиги келиб: «Хўжайин ҳар куни бир кам қирқта тухум олса, лоақал, битта тухумнинг пулига дон олиб сочмаса; унинг эшиги ёнига борсак, ўзи ҳам, хотини ҳам «кишт-кишт» деб ҳайдаса, боз устига қўшниларида ҳам калтак есанг! Менга нима азоб! Кел, шу ерда юргандан кўра далаларга чиқиб кетиб, ўша ерда ўзимча тирикчилик қилсам, нима бўлади?» — дебди. Ўрнидан турибди ва «ку-ку-ку» деб қичкирибди. Кейин «пир» этиб деворга қўнибди, ундан учиб кўчага тушибди-ю, далага қараб кетаверибди.

Хўроз дала йўлида бораётган экан, уч кўчанинг бошига бориб қолибди. Уч кўчанинг биридан бояги эшак, иккинчисидан хўроз чиқиб келибди. Хўроз эшакка қараб:

— Ассалому алайкум, эшаквой! — дебди. Эшак:

— Ваалайкум ассалом, хўрозвой, — дебди. Хўроз:

— Сизга йўл бўлсин? — деб эшакдан сўрабди. Эшак:

— Сусамбилга, — дебди. Хўроз:

— Сусамбил қандай жой? — дебди. Эшак:

— Сусамбил — ўтнинг бўлиғи, сувнинг тиниғи, унда азоб-уқубат йўқ, маза қилиб юрасан, — дебди.

Хўроз:

— Мен ҳам борсам бўладими? — деб сўрабди. Эшак:

— Хайр, битта эдим, сен билан иккита бўламыз, юравер! — дебди. Иккови бошидан ўтганларини бир-бирига гапириб кетаверибди.

Энди бояги хўкизга келайлик. Хўжайини уни хўкизлар билан уриштириб юрар экан. Хўкиз жуда уришқоқ бўлиб, ҳамма жойда донғи кетган экан. Бир куни хўкиз уриштириш бўлиб қолибди. Шунда бу хўкиз етти-саккиз хўкизни қочирибди. Энди битта жуда уришқоқ хўкиз қолибди. Хўжайин хўкизини бу хўкиз билан эртасига уриштирмоқчи бўлибди. Тонгда хўжайин:

— Энди хўкизни уриштиришга бораман. Шохини ёғ лаб қўйай! — деб молхонага чиқса,

хўкизнинг икки кўзи юмук, ҳадеб ухляпти. Тушида катта бир йиғин эмиш. Хўкизни хўжайини йиғинга олиб кирса, ҳалиги хўкиз буни йиғиндан қувиб чиқариш учун ҳамла қилиб, югуриб қолибди. Шунда бунинг аччиғи чиқиб, келаётган хўкизга хужум қилиб уни бир сузибди. Шунда хўкиз шохини ёғлаётган хўжайинни сузиб юборибди. Хўжайиннинг ёғ косаси бир тарафга, ўзи иккинчи тарафга учиб тушибди.

Хўжайин ҳушидан кетибди, ҳушига келгандан сўнг:

— Ҳали мени сузадиган сенмисан?! — деб хўкизни чунон урибдики, қавариб чиқмаган жойи қолмабди. Шунда хўкиз ётиб йиғлабди, хўрлиги келибди: «Мен хўжайинга шунча ишларни қилиб, қанча хўкизлар билан уришиб, уларни енгиб, пул ютиб берсам, у эса шугина ҳазилимни кўтармай мени ўларча урса, бу менга қандай хўрлик?!» — дебди ва: «Кел-е, мен токай хўрлик тортаман, шу хўжайинниқидан кетсам, нима бўлар эди, кетаман!» — деб ўрнидан турибди, бир чираниб бошвоқни узиб, йўлга тушибди, юриб-юриб бир жойга борса, бояги эшак кўринибди. Шунда хўкиз эшакни чақириб, орқасидан югурибди. Орқасига қараса, узоқдан бир хўкиз уни тўхтовсиз чақириб келяпти.

Эшак тўхтаб турибди, хўкиз етиб келибди. Қараса, ўзининг шериги экан. Эшак:

— Ҳа, хўкизвой, нима қилиб юрибсан? — дебди. Хўкиз айтибди:

— Сендан кейин хўжайин мени ҳам тоза азоблади. Мен ҳам «бор-е» деб келавердим. Сен қаёққа кетяпсан?

Эшак:

— Мен Сусамбилга кетяпман, — дебди. Хўкиз:

— Сусамбил қандай жой? — дебди. Эшак айтибди:

— Сусамбил ўтнинг бўлиғи, сувнинг тиниғи, унда азоб-укубат йўқ, маза қилиб юрасан!

Хўкиз:

— Бўлмаса мен ҳам борсам бўладими? — дебди. Эшак:

— Келганинг яхши бўлибди. Иккита эдик, учта бўлдик. Юравер! — дебди.

Хўкиз, эшак, хўроз учови бошидан ўтганларини бир-бирига гапиришиб, ҳасратлашиб кетаверишибди. Неча кун йўл юриб, чўл-у биёбонга етишибди.

Чўлда ҳеч ким йўқ экан. Бир жойда иккита каламуш турар экан. Чўлда озиқ-овқат камлигидан, озгина овқат топиш учун кўп жойларга бориб, кўп ерларни қазир эканлар. Шунда қорин тўяр-тўймас озгина овқат топишар экан. Бора-бора чўлда овқат топилмай қолибди. Бир куни иккала каламуш ейдиган овқати йўқ, қорни очиқиб, энди нима қиламиз деб, уясининг оғзига чиқиб шумшайиб ўтиришганда, узоқдан ҳалиги эшак, хўкиз ва хўрозлар кўринишибди.

Бир айтибди:

— Шу кўринганлар йўловчи бўлади. Юр, улардан овқат олайлик. Зора раҳми келиб, бирор нарса ташлаб кетишса, — дебди.

Иккаласи йўлнинг устига чиқиб турибди. Кўринган ҳайвонлар ҳам етиб келишибди. Шунда каламуш улардан овқат тилабди. Эшак туриб:

— Эй биродарлар, биз ҳам сизларга ўхшаш оч қолганларданмиз. Агар овқат керак бўлса, биз билан бирга юраверинглар, — дебди.

Каламуш эшакдан:

— Қаерга кетяпсизлар? — деб сўрабди. Эшак:

— Биз Сусамбилга кетяпмиз, — дебди.

— Сусамбил қандай жой? — деб сўрабди каламуш.

— Сусамбилни асло сўрама! Сусамбил ўтнинг бўлиғи, сувнинг тиниғи, унда азоб-укубат йўқ, маза қилиб юрасан! — дебди эшак.

— Бўлмаса биз ҳам борайлик, — дейишибди каламушлар.

— Учта эдик, бешта бўлдик, юраверинглар, — дебди эшак. Мана энди булар бешови бошларидан ўтган саргузаштларини бир-бирига гапиришиб, Сусамбилга кетаверибдилар.

Ўша чўлда бир гала ари бор экан. Улар ҳам овқат йўқлигидан оч қолиб, нима қиларини билмай, осмонда гўнғиллаб учиб кетаётган эканлар, бирдан ҳалиги Сусамбилга кетаётган беш жониворга йўлиқибдилар.

Арилар буларни кўриб: «Уҳ, мана овқатнинг конидан чикдик, керагини олиб қол!» — деб чаққани киришибди.

Шунда эшак айтибдики:

— Эй укалар, сизлар ҳам бизга ўхшаб оч қолиб қийналганга ўхшайсизлар. Бизнинг танамизда шира қолгани йўқ. Сўрганларинг билан ҳеч нарса чикмайди. Ширамизни хўжайинларимиз сўриб олган. Агар овқат керак бўлса, биз билан юраверинглар! — дебди.

Шунда арилар буларнинг аҳволини кўриб, булар ҳам бизга ўхшаган оч қолганлардан экан, деб қаёққа кетишаётганини сўрабди.

— Биз Сусамбилга кетяпмиз, — дейишибди.

— Сусамбил қандай жой? — деб сўрабди арилар.

— Сусамбил ўтнинг бўлиғи, сувнинг тиниғи, унда азоб-уқубат йўқ, маза қилиб юрасиз, — дейишибди.

— Бўлмаса биз ҳам борайлик, — дебди арилар.

— Майли, бешта эдик, кўп бўлдик, — дебдилар.

Шунда булар ҳаммаси: «Сусамбил, қайдасан?» деб бошидан ўтганларини гаплашиб, ҳасратлашиб кетаверибдилар. Йўлда кетаётди: «Қачон Сусамбилга етамиз?» деб, юраклари жигиллаб, гоҳо-гоҳо эшакдан: «Яна бир гапириб беринг. Сусамбил қандай жой ўзи?!» деб сўрашар экан. Эшак ҳам Сусамбилни мақтаб, уларнинг кўнглини кўтарар экан.

Булар:

— Сусамбилга борсак ундай қиламиз, бундай қиламиз! — деб ўзларича ширин-ширин хаёллар суриб боришар экан.

Булар йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Охири димоғларига Сусамбилнинг хушбўй шабадаси урилибди. Сусамбилга ҳам етиб келишибди.

Сусамбил жуда ҳам кенг, бепоён бир жой экан. Ҳавоси жуда тоза, нариги ёқда улкан тоғ бўлиб, унинг шабадаси доим ғириллаб келиб турар экан. Ерда кўм-кўк майсалар, бедалар яшнаб ётибди. Бир ёқда буғдой, арпалар; бир ёқда қовун-тарвузлар, бир тараф кета-кетгунча боғ: унда узум, анжир, ўрик, шафтоли ва турли-туман мевалар фарқ пишган. Ариқларда оппоқ сутдай сувлар шарқирайди. Борганларнинг бағрига шамол тегибди.

Шунда бу бечоралар жуда ҳам хурсанд бўлиб кетишибди. Хурсандликдан баъзилари йиғлаб олишибди. Улар кўп оч қолишган экан. Ҳар қайсиси истаган овқатини еб, қорнини тўйғазиб, вақтларини хушлашиб, сўнгра салқин бир жойга келиб дам олишибди. Йўл азоби — гўр азоби, дегандай, кўп чарчаб қолишган экан, шу салқин жойда ётиб узоққина ухлашибди.

Уйқудан туриб қўл-бетларини ювиб, яна хоҳлаган овқатларини ебдилар. Шу билан булар Сусамбилга келиб кўп роҳатланиб қолишибди.

Сусамбилнинг бир томони баланд тоғ бўлиб, унда кийик дейсизми, ишқилиб кўп жониворлар яшар экан. Тоғнинг бир жойида эса бир тўда бўри турар экан. Бир куни бўриларнинг подшоси уларни тўплаб, базм қилиб, ичкилик ичиб, кабоб қилиб еб ўтирган экан. Шунда бўриларнинг подшоси узоқдан ҳалиги эшак билан хўкизни кўриб қолибди:

— Уҳ, бизга барра кабоб топилди, ҳув ана, ўтлаб юрибди. Уч-тўртта бўлиб бориб шуларни оҳб келинглар, кабоб қилиб еймиз, — дебди.

Бўриларнинг ичида битта ҳовлиқмаси бор экан, у туриб айтибди:

— Шугина нарсага уч-тўрт кишининг нима кераги бор? Битта ўзим бориб олиб келаман! — дебди.

Бўриларнинг ичида яна битта ҳовлиқмаси бор экан. Ҳалиги бўрининг гапини эшитиб, шартта ўрнидан туриб:



— Ҳов, нима деяпсан ўзинг? Мен турганда сен қаёққа борасан? Ўтир жойингда! Мен ўзим бориб олиб келаман! — дебди.

Бунга у бўрининг аччиғи келибди:

— Мени писанд қилмаяпсан, сендан нима камлигим бор?! — деб бир-икки даф қилибди. Шу ерда иккови олишиб кетибди.

Шунда бўриларнинг подшоси туриб:

— Ҳой муттаҳамлар, уришманглар! Бор, икковинг бориб олиб кел! — дебди. Шу билан иккови чопқиллашиб кетишибди. Булар кетаётганларида бизнинг сусамбилликларимиз ўтлаб юришган экан. Бир вақт хўкиз ердаги кўкатни еб, оғзини тўлдириб, бошини кўтариб, ўтни чайнаб, тоғ томонга қараб, узокдан чопиб келаётган иккита бўрига кўзи тушибди. Шунда хўкизнинг юраги шувуллаб кетибди. У қўрқиб оғзидаги ўтини ерга ташлаб, шерикларини чақирибди. Шериклари ҳам бўриларни кўришибди. «Энди нима қиламиз? Қочамизми, турамызми?» деб маслаҳатлашибдилар.

Эшак:

— Қочсак, қувиб етиб олади, яхшиси қочмаймиз, — дебди. Хўкиз айтибди:

— Башарти олдимизга келса, нима қиламиз? Шунда хўроз:

— Мен дарахтнинг тепасига учиб чиқиб кетаман, — дебди.

Каламушлар:

— Биз ерни кавлаб, кириб кетамиз, — дебдилар. Эшак:

— Ҳанграб туравераман, — дебди. Арилар:

— Биз рўпара келганини чақиб, ҳамма ёғини шишириб ташлаймиз! — дебдилар. Хўкизга ариларнинг гапи жуда ҳам ёқиб тушибди:

— Бўлмаса сизлар жон борича чақинглар. Қолганларини менга қўйиб беринглар! — дебди.

Булар маслаҳатни бир қилиб тураверишибди.

Бир зумда бўрилар етиб келибдилар. Бўрининг ҳалиги ҳовлиқмаси шеригига:

— Хув анавини сен кўтар! Мана буни мен кўтараман, — деб хўкизга қараб югурибди.

Шунда хўкиз орқасига қайтиб туриб, бўрига қараб югуриб бориб бир сузганда, бўри «дод» деб етти думалаб тушибди. Буни кўриб шериги югуриб келган экан, хўкиз уни ҳам қаттиқ сузиб ташлабди. Каламушлар кўрққанларидан ерни кавлаб кириб кетишга уринибди. Ер тошлок, қаттиқ экан, улар кавлаб киролмабдилар, бир зумда аллақанча жойни ўйиб юборибдилар.

Хўроз бўлса дарахтга чиқиб олиб, ҳадеб «ку-ку-ку» деб кичқираверибди.

Арилар ҳар иккала бўрига ёпишиб чақаверишибди-чақаверишибди, бир зумда дўмбира қилиб шишириб ташлашибди. Бўрилар шунда ҳам қочмай, жонҳолатда келиб, хўкизга ёпишибдилар. Хўкиз уларни сузавериб, аъзойи баданини яра қилиб ташлабди. Эшак бўлса нарироқда бор овози билан ҳанграб, нари бориб-бери келиб тураверибди.

Бир вақт бўрилар олишиб-олишиб чарчашибди. Қараса, хўкиз билан арилар ўлдириб қўядиган. Шунда дастлаб ҳалиги ҳовлиқма бўри қочишга тушибди, орқасидан буниси эргашибди. Булар шу қочганича подшонинг олдига етиб боришибди. Бу бўриларнинг ҳамма ёғи ёрилган, қонлари оққан, ари чакқан юзлари шишиб, кўзлари кўринмайдиган бир аҳволда экан. Подшо ва шериклари буларнинг аҳволини кўриб, ранги ўчиб, қони қочиб, ияклари қалтираб, кўзлари ялтираб қолибди.

Подшо:

— Сизларга нима бўлди? — деб сўрабди.

— Эй таксир, булар барра кабоб эмас, бошга келган бало экан! — дейишибди.

— Ҳа, нима бўлди? — деса, бўрининг бири:

— Булар бизнинг жонимизга қасд қилиб келган экан. Буларнинг ичида мункар-накири, унинг бир жуфт гўркови ҳам бор экан. Мункарнакир гурзиси билан бир урганда, агар шер бўлса ҳам, неча думалаб кетади, — дебди.

Бўрининг яна бири:

— Эй маҳмадона! Сен тек тур! Ўзим гапираман. Буларнинг ичида азроил ҳам бор экан. Жонни олиш учун найзасини суқса, аъзойи баданинг ачишиб, шишиб кетар экан, — дебди.

Энди буниси:

— Ҳе, сен билмайсан! Булар гўркови билан келган экан. Ҳали биз ўлмай туриб, ҳар биримизга еттитадан гўр казиб қўйишибди, — дебди.

Униси айтибди:

— Сен кўрмабсан! Булар сўфиси билан келган экан. Ҳали биз ўлмай туриб, дарахтнинг тепасига чиқиб, ҳадеб одамларни жанозага чақиряпти.

Униси:

— Лекин буларнинг ичида бир катгаси бор экан. Униси эшони бўлса керак. Бизга яқинлашмади, лекин нарироқда туриб иш ўргатиб, буларга бақириб турди. Агар униси ҳам келганда, биз мутлақо ўлар эдик, — дебди.

Бўрилар буларнинг афт-ангорини кўриб, гапларини эшитиб, кўрқиб васвасага тушибдилар. Подшо:

— Энди нима қиламиз? — дебди. Ҳалигилар:

— Эй тақсир, агар балога дучор бўлайлик, кунимиз битибди, ўлайлик десангиз, тураверамиз. Бўлмаса қочамиз. Булар бизнинг орқамиздан қувса, ҳали замон етиб келади, — дебди.

Буни эшитиб бўриларнинг подшоси яна кўрқибди.

— Бўлмаса туринглар, жўнаймиз, — дебди.

Шунда ҳамма бўрилар, бу жойга келмай, ҳар ёқда тирқираб юрганларини ҳам топиб келиб, Сусамбил тоғини ташлаб қочиб, етти тоғнинг нариги ёғига ўтиб кетишибди.

Сусамбилликлар энди тамом эркинликка чиқиб, оғзи ошга тегиб, сал кунда семириб кетибдилар. Улар гоҳо хўжайинлариникида кўрган кунлари эса тушса, ўкиниб, бу ердаги роҳатларни кўриб севиниб, Сусамбилнинг овини овлаб, довини довлаб, маза қилиб юришаверибди. Шу билан мурод-мақсадларига етишибди.

### Эчкининг ўч олиши

Бир бор экан, бир йўқ экан, баланд тоғ бағридаги серўт, кўм-кўк водийда бир эчки ўз болалари билан яшар экан. Биринчи боласи Булбули, иккинчиси Гулсари, учинчиси Саргули, тўртинчиси Хамиртуруш, бешинчиси Мирзахўриш, олтинчиси Лолақизғалдоқ деб аталар экан.

Эчки болаларини жуда ҳам севар, улар учун ҳатто ўз жонини ҳам аямас экан. У ҳар куни тоғ бағридаги ўтлоққа ўтлагани чиқиб кетар экан. Болаларига эса, эшикни ичкаридан тамбалаб олишни, уйдан ҳеч ёққа чиқмасликни тайинлар экан. Шундан кейин кўм-кўк ўтлоқдаги барра ўтлардан тўкиб-тўйиб ер, баланд тоғ бағридан шарқиллаб оқиб тушаётган шишадек тиниқ булоқ сувларидан қониб-қониб ичар экан. Унинг бутун фикри-зикри болаларини боқиш экан. Болалари учун тоғдаги қалин, барра ўтлардан йиғиб қопга солиб, уларни кўтариб уйга қайтар экан, у эшикни оҳиста тақиллатиб, мулойим озоз билан болаларини чақириб шундай дер экан:

*Булбулижон болам,  
Саргулижон болам,  
Гулсаригон болам,  
Хамиртуруш болам,  
Мирзахўриш болам,  
Лолақизғалдоқ болам,  
Оч эшикни, жон болам,*

*Қопим тўла ўт келтирдим,  
Елиним тўла сут келтирдим,  
Оч эшикни, жон болам!*

Шунда эчкичалар қувонишиб, эшикни очар эканлар. Она эчки келтирган майса ўти ва ширин сути билан болаларини хўп тўйғизар экан. Сўнгра уларни ялаб-юлқаб, эркалаб ухлатар экан. Эртасига эчки яна болаларини эмизиб, уларнинг олдига барра ўтларни ташлаб, ўтлоққа жўнар экан.

Улар шундай роҳатда яшаб юрганларида бошларига бир иш тушибди. Шу яқиндаги ғорда бир бўри пайдо бўлиб қолибди. Бу оч бўри кексалигидан ўз тўдасидан ажралиб, шу ерда қолган экан. Унинг нияти шу орадаги кучсиз хайвонларни тутиб еб, кун кўриш экан.

Она эчки ўтлоқда ўтлаб юрган вақтида бўри ҳам уйқусидан уйғониб ғордан чиқибди ва роҳат қилиб керишибди. Унинг қорни ўлгидек оч экан. У тумшуғини юқори кўтариб ҳавони искабди ва увлаб юборибди:

— Ауууввв! Эчки иси келяпти. Шу яқин ўртада эчкилар борга ўхшайди, қорним ҳам очган эди, чўкки соқол бефаҳмларни маза қилиб ейдиган бўлдим, — деб ўйлабди бўри. У шундай дебди-ю, думини қисиб ғордан водийга қараб секин йўл олибди. Ўтлаб юрган она эчки ўзига қараб келаётган бўрини кўриб, елкасидаги ўтни бир чеккага қўйибди, найзага ўхшаш шохли калласини бўри томонга қаратиб олибди. Айёр бўри эчкини чалғитиб, унинг ён томонидан яқинлашмоқчи экан, она эчки ўзини ўнглаб, бўрини шундай сузибдики, ўткир найзадек шохининг учлари бўрининг қорнини ёриб юборишга оз қолибди. Бўри думини қисиб ундан четланибди, унга қараб:

— Шошмай тур, лаънати, сен билан бошқача гаплашаман, — дебди.

Эчки уйига қайтибди. Бўри ҳам унинг орқасидан қорама-қора бора берибди. Эчки ўз уйига яқинлашганда, бўри шу уй яқинидаги ўпқонга тушиб олиб эчкини кузатиб турибди. Эчки эса, майин овоз билан болаларини эркалаб чақириб эшикни очишларини сўрабди. Болалари эшикни очишиб, она эчки ичкарига кирибди.

— Болаларим, — дебди эчки, — энди эҳтиёт бўлинглар, ўтлоғимизда бир ёвуз бўри пайдо бўлибди. У менга ҳужум қилди, мен зўрға қутулиб қолдим. Мен йўқ пайтда эшикка чиқманглар, тагин бўри келиб сизларни еб кетмасин.

— Хўп, онажон, эҳтиёт бўламиз, — дебди эчкичалар. Ўпқондан ўтирган бўри эчки уйга кириши билан у ердан чиқиб, «хай-хай» дебди лабларини ялаб, «мен онасини емоқчи эдим, бу ёқда семиз-семиз болалари бор экан. Онасининг гўштига тишим ҳам ўтмас эди, болаларининг гўшти мендай кекса бўри учун яхши, эртагаёқ онаси кетган маҳалда келганим бўлсин» деб ўйлабди ва ғорга қайтибди. Эртаси она эчки ўтлагани кетганида бўри эчкининг уйига келиб, худди она эчкидек эшикни тикиллатибди ва қўпол хирилдоқ овоз билан ашула бошлабди:

*Булбули болам,  
Лолақизгалдоқ болам,  
Орқам тўла ўт обкелдим  
Эмчагим тўла сут обкелдим,  
Эшикни оч, болаларим!*

Эчки болалари: «Бу хирилдоқ товуш билан ашула айтаётган ким?»—деб сўрабдилар.

— Мен ойиларинг бўламан, — дебди бўри.

Эчкилар бу чақирган ўз оналари эмаслигини сезиб қолишибди.

— Йўқ, сен бизнинг онамиз эмассан, онамизнинг овози сеникига ўхшаш хирилдоқ эмас, онамиз оппоқ, қошларида ўсма, кўзларида сурмалари бор, — дебди, эчки болаларидан бири.

Шунда бўри ҳеч нарса қилолмай тарвузи қўлтиғидан тушиб, қайтиб кетибди. У шу кетганча тўғри тоғ бағридаги катта арча тагига бориб ўтириб, эчки болаларини қандай қилиб қўлга тушириш ҳақида ўйлай бошлабди. Ўйлаб-ўйлаб охири бир йўл топибди. У тиниқ булоқ сувига тушиб, танаси қуримасдан туриб, тоғлар орасидаги оҳакли жойга борибди ва кукундек бўлиб ётган оҳакнинг устига ағанаб олибди. Шунда унинг жунлари худди она эчкиникига ўхшаб оппоқ бўлиб қолибди. Бўри қошига ўсма, кўзига сурма қўйиб олибди-да, яна эчкининг уйига келибди. Эшик тирқишидан қараса, уйда эчки болалари ўйнаб юрган эканлар. Шу вақт эшик олдига келибди-да, эшикни оҳиста тикиллатиб, овозини она эчкиникига ўхшатиб ашула бошлабди:

*Булбулижон болам,  
Саргулижон болам,  
Гулсарижон болам,  
Хамиртуруш болам,  
Мирзахўриш болам,  
Лолақизгалдоқ болам  
Оч эшикни, жон болам!  
Қопим тўла ўт келтирдим,  
Елиним тўла сут келтирдим,  
Оч эшикни, жон болам!*

Эчки болалари ўз оналарининг товушига ўхшаган бу товушни эшитиб, севиниб эшик олдига келибдилар. Гулсарижон эшик занжирини эндигина туширган экан ҳамки, сабри чидамаган бўри бор кучи билан ичкарига интилибди. «Қочинлар, бўри экан», деб қичкирибди Саргулижон ва ўзи ўша заҳоти эшик орқасига бекинибди. Қолганлари эса дуч келган жойга: бири ўчоқнинг ичига, бири сандиқнинг ичига, бири уйнинг тоқчасига бекинишибди...

Бўри тандир ичига эшик орқасига ва тахмонга бекиниб олган эчкилардан бошқа учта эчки боласини еб, чиқиб кетибди.

Бир оздан сўнг она эчки ўтлоқдан қайтиб келибди. У эшикнинг очик қолганини, уйдаги ҳамма нарсанинг ағдар-тўнтар бўлганини кўриб, югуриб уйга кирса, ҳеч ким кўринмабди. У титроқ товуш билан болаларини чақирибди. Ҳеч ким жавоб бермабди. Иккинчи қайта чақирганда тахмонга, тандир ичига ва эшик орқасига яширинган уч боласи олдада пайдо бўлибди. Улар оналарига йиғлаб-сиқтаб бўлган воқеани айтиб берибдилар.

Она эчки қаттиқ қайғурибди. У бўридан қандай қилиб ўч олиш йўлини излай бошлабди. Ўйлаб-ўйлаб ахири бир йўл топибди.

Эчкининг ҳовлисида эски ўраси бор экан; эчки бу ўрага олов ёқибди, олов лахча чўғ бўлгач, ўранинг устига бир эски бўйрани ташлаб, унинг устига шолча ёзибди. Шолча устига кўрпачаларни солиб, дастурхон ясабди. Ўзи эса ўша заҳоти қозон-товоққа уннаб, ошнинг ҳаракатига тушибди, ошга гуруч солиб дамлабди. Болаларини уйда қолдириб, ўзи бўрини излаб кетибди. Қидириб-қидириб уни топибди. Бўри ғор олдадаги супачада дам олиб ётган экан. Эчки унга таъзим қилиб, салом берибди ва қўлини кўксига қўйиб:

— Бўри ака, — дебди, — кеча мен йўғимда болаларим дан учтасини қандайдир номаълум махлуқ еб кетибди. Мен шунга худойи қилдим, агар жанобингизнинг кўнгиллари тиласа, бизнинг уйимизга қадам ранжида қилсалар.

Қорни ўлгудек тўқ бўлишига қарамай, бўри дарров кўна қолибди. Улар эчкининг уйига келибдилар. Нози-неъмат билан тўла дастурхонни кўрган бўри, ўра устига солинган қалин кўрпача устига энди ўтирмоқчи бўлган экан, бўйра ўпирилиб, бўри ўра ичига ағанаб тушибди. Лахча чўғ устига тушган бўри бирдан додлаб юборибди.

— Вой-дод, — дебди бўри ўра ичида ўзини ҳар томонга уриб, — вой-дод, куйиб кетяпман, кутқаринглар! Лаънати эчки мени тортиб ол.

Шунда эчки кулиб:

— Ҳечкиси йўқ, тақсир, — дебди, — менда куйганнинг дориси бор. Шунда бўри ўра ичида додлаб туриб:

— Куйганга нима дори? — дебди.

— Гаримдори дори, — деб жавоб берибди эчки.

— Ташла гаримдорингни!

Эчки ўрага бир шода гаримдори ташлабди. Бўри уни куйган жойларига ишқаган экан, бир алами ўн бўлиб яна бакирибди:

— Куйганга нима дори? — деб сўрабди.

— Туз дори, — деб жавоб берибди эчки. — Ташла тузингни! — дебди бўри. Эчки бир хумча туз ташлабди.

Бўри тузни баданига суртиб яна додлабди.

— Куйганга нима дори?

— Чақиртиканак дори, — дебди эчки.

У бир қучоқ чақиртиканак ташлабди. Бўри унга ағанабди, унинг азоби юз баробар кўпайибди. У қаттиқ-қаттиқ қичқириб, охири азоб билан жон берибди. Эчки омон қилган болалари билан тинч яшабди.

### Ҳийлагар бедана

Бор эканда йўқ экан, битта зағизғон бўлган экан. У бир туп дўлананинг тепасига ин кўйибди ва бешта бола очибди. Болалари энди учирма қилишга яқинлашган кунларда ундан бир оч тулки хабардор бўлиб қолибди. Тулки зағизғонга дўқ қилиб, болаларини ейиш пайига тушибди. У дўлананинг тагига келиб:

— Эй зағизғон, битта болангни ташласанг ташлагадинг, ташламасанг дўлапангни тагидан ағдараман, қизил қонингни шимираман, этингни еб, суяқларингни кемираман, болаларинг билан битта қўймай ҳаммангни қираман, — деб кўрқита бошлабди.

Бечора зағизғон кўрқиб кетганидан битта боласини йиғлаб-йиғлаб ташлаб юборибди. Тулки уни кўтариб жўнаб кетибди. Эртасига тулки овқат топиб еёлмай. яна дўлананинг тагига келиб, зағизғонга кечагидек дўқ қила бошлабди:

— *Дўланангни тўмираман*<sup>14</sup>.

*Қонларингни шимираман.*

*Суягингни кемираман,*

*Битта қўймай қираман.*

— Яна битта болангни ташла, яхшилиқча ташламасанг, ўзинг биласам, — дебди. Зағизғон бошқа болаларим омон қолар-ку, — деган ният билан жонидан азиз бўлган боласининг иккинчисини қурбон қилибди.

Тулки зағизғоннинг иккинчи боласини кўтариб, жўнаб қолибди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, дегандек тулки тўрт кун деганда зағизғоннинг тўртта боласини еб қўйибди. Бешинчи уни зағизғон биттагина боласи билан қолиб, йиғлаб ўтирган экан, унинг олдига бирдан бир бедана учиб келибди. Йиғлаб ўтирган зағизғонга кўзи тушиб, бедана унинг ҳолини сўрабди.

<sup>14</sup> *Тўмираман* — ағдараман.

Зағизғон ўз аҳволини сўзлаб берибди. Доно бедана зағизғоннинг нодон ва кўрқоқлигига кўп ачинибди. Кейин унга шундай деб ўргатибди.

— Э зағизғон, тулки яна сенинг олдинга келиб:

— Дўланангни тўмираман,

Қонларингни шимираман...—

деб дўк қилса, сен «тўмирсанг тўмиравер, шимирсанг шимиравер», деб тура бер. Қолган болангни ташлама, — дебди.

Бедана кетгандан сўнг, тулки келиб қолибди. Тулки кундаги дўқини қилиб, зағизғонни кўрқитмоқчи бўлган экан, зағизғон:

— Дўлани тўмирсанг тўмиравер, кемирсанг кемиравер, энди сендан кўркмайман, — дебди. Шунда тулки:

— Э зағизғон, бу сўзларни сенга ким ўргатди? — дебди. Зағизғон:

— Бу сўзларни менга бедана ўргатди, — дебди. Тулки:

— Бедана қаёққа кетди? — деб сўрабди.

Зағизғон бедана кетган томонни тулкига кўрсатиб берибди, энди тулки бедананинг орқасидан излаб кетибди. Бедана бир ўтлоққа бориб ухлаб ётган экан. Тулки унинг изидан бориб топиб, усталик билан беданани тутиб олибди. Бедана:

— Э тулки, мени нима қилмоқчисан? — деган экан, тулки:

— Сен зағизғонга гап ўргатганинг учун у боласини ташламади. Энди сени емоқчиман, — дебди. Бедана тулкига айтибди.

— Мени еганинг билан ҳеч бир барака топмайсан, қорнинг ҳам тўймайди, менинг бир бармоқчалик ҳам эгим йўк. Сен мени емасанг, сени яхшилаб тўйдираман.

Тулки:

— Қандай қилиб мени тўйдирасан? — деб сўрабди. Бедана айтибди:

— Катта йўлга чиқиб турамиз, сен бир тўда хашакнинг ичига кириб беркиниб турасан, хотинлар дастурхонларда турли нарсаларни тугиб ўтадилар. Мен уларнинг олдига тушиб, хурпайиб тураман. Хотинлар мени кўриб: «Мана бу беданани кўринглар», дейдилар. Шунда мен учолмай, йўрғалаб қочаман. Хотинлар дастурхонни кўйиб мени ушламоқчи бўладилар. Мен секин-секин йўрғалаб, секин-секин учиб, уларни узоқроқдаги бир тепанинг орқасига олиб кетаман. Сен шу вақт хашак орасидан чиқиб, дастурхонларни очасан, энг яхши нарсаларни олиб қоча берасан.

Бу тадбирни эшитган тулки шодланибди. Тулки билан бедана катта йўлнинг бир четига чиқиб турибдилар. Тулки хашак орасига кириб яширинибди. Шунда узоқдан уч-тўртта хотин катта-катта дастурхонларни кўтариб кела берибди. Бедана хотинларнинг олдига чиқиб хурпайиб тура берибди. Хотинлардан биттаси:

— Э, ана у беданани қаранглар, — дебди.

Бошқа бир хотин:

— Менинг боламнинг беданаси учиб кетган эди. У ҳар куни бедана деб хархаша қилади. Келинлар, ҳаммамиз ўраб тутиб оламиз. Бу бедана учолмайдиганга ўхшайди, — дебди.

Хотинлар тугунларини ерга кўйиб, беданани ушлаш учун қувлабдилар. Бедана аввал йўрғалабди, кейин калта-калта учибди, охири хотинларни қизиқтириб, тепанинг орқасига олиб ўтибди. Хотинлар: «Бу бедананинг қанотлари юлинган бўлса керак, зўрға учяпти», деб ўйлаб турган эканлар, бедана бирдан «пирр» этиб учиб, кўздан ғойиб бўлибди.

Хотинлар дастурхонга бир талай нон ва гўштларни солиб, чимилдиқ уздига<sup>15</sup> кетаётган эканлар. Тулки дастурхонлар холи қолганини кўриб, дарров очибди, нон ва гўштларни еб жуда ҳам тўйиб кетибди. У яна беданани қидириб топибди. Шунда тулки:

<sup>15</sup> Чимилдиқ узди — келин чарлар.

— Э бедана, мени кўп тўйдириб юбординг, овқатни ҳазм қилишим қийин бўлиб қолди. Энди менга бир қизик томошаларни кўрсатиб, айлантириб келгин ва мени кулдиргин, — дебди.

Бедана учиб бориб, бир сигир соғиб ўтирган кампирнинг олдига яқинлашибди. Пирр этиб учиб сигирнинг шоҳига кўниб олибди. Кампир буни кўриб чолни чақирибди.

Чол беданани уриб олмоқчи бўлибди. Мўлжаллаб туриб таёқ отган экан, бедана учиб кетибди, сигирнинг шоҳи синибди, ҳуркиб кетган сигир кампир соғган сутни тўкиб юборибди. Буни кўрган тулки кула бериб, ичаги узилай деб қолибди. Бедана хира тулкидан узоқлашиб, у билан хайрлашмай жўнаб қолибди.

Тулки эртаси эрта билан яна беданани қидириб кетибди. Бедана бир ўтлоқда ўтларнинг уруғларини еб юрган экан, бирдан завқ билан сайраб юборибди. Агар у сайрамаганда, тулки уни кечгача ҳам тополмас экан. Тулки беданани кўриб, буйруқ қилибди:

— Эй, бедана, бугун ҳам мени тўйдириб, хурсанд қиласан, бўлмаса ўзингни еб қўяман, — дебди.

Бедана ичида: «Бу хира тулкидан қутулиш керак, у хатарли душман, чунки ухлаб қолганинда ушлаб олса, еб қўйиш мумкин» деб ўйлабди. Бедана тулкига:

— Хўп, бугун ҳам тўйдираман, лекин бу яқинда тўн ҳам йўқ, кечагидек дастурхон кўтарган хотинлар ҳам йўқ, шунинг учун қишлоққа яқин жойда бир парча гўшт кўрган эдим, шунга бошлаб бораман, — дебди. Тулки рози бўлибди.

Бедана бу гал тулкини чўпонларнинг қопқонига бошлаб борибди. Қопқондаги гўштни кўрган тулки бора солиб ўзини гўштга урибди. Қопқоннинг илғаги чиқиб тулкининг бўйнидан қисиб олибди. Айёр тулки ўз тумшуғидан қопқонга илиниб, кўп азоб чекиб ўлибди.

Бедана ҳам, зағизгон ҳам хира ва айёр душмандан қутулиб қолибди.

Чўпонлар қопқондаги тулкини кўриб, жуда хурсанд бўлибдилар.

## Қарға билан кўзи

Бор экан, йўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, қарға қақимчи экан, чумчук қақимчи экан, ўрдак сурнайчи экан, ғоз карнайчи экан, товуқ тақ этди, билмадим қаққа кетди.

Бир қарға билан кўзи бор экан. Қарға кўзи ёнига бориб:

— Сени ейман, — дебди.

— Мени ейишга ейсану, тумшуғинг ҳаром, дарёга бориб чайқаб келиб, ундан кейин егин, — дебди кўзи.

Қарға тумшуғини чайқагани дарёга борибди. Дарё сувини пастга тортиб олиб:

— Мендан одамлар сув ичади, сенинг тумшуғинг ҳаром, Устабой кулолдан битта кўза олиб келгин, сувни мен берай, сен сувни олиб у ёқда чайқагин, — дебди.

Шунда қарға Устабой кулолнинг олдига бориб:

— Эй Устабой кулол, беринг кўза, олай сув, чайқай тумшуқ, ейман семиз, аъло кўзи, — дебди.

Устабой кулол:

— Тупроғим адо бўлиб қолди. Тупроқ олур деган ердан тупроқ олиб келиб бергин, мен янги кўза килиб бераман, — дебди. Шўрлик қарға тупроқ олурга учиб борибди:

— Беринг тупроқ, қилсин кўза, олай сув, чайқай тумшуқ, ейман семиз, аъло кўзи, — дебди. Тупроқ олур:

— Тоғнинг бошида бир кийик бор. Шу кийикнинг шоҳидан олиб кел. Ўша кийик шоҳи билан қазиб оласан, — дебди.

Қарға бу ердан ҳам учиб тоғ тепасидаги кийик олдига борибди:

— Ҳой кийик ака, беринг шох, қазий тупроқ, қилсин кўза, олай сув, чайқай тумшуқ, ейман

семиз, аъло кўзи, — дебди. Кийик бечора айтибди:

— Раҳмим келиб берай дедиму, шохим қаттиқ ўрнаган, жоним оғрийди. Бир Пўлатвой ака деган кишининг тозиси бор. Шу тозисини сизга берсин. Този келиб мени қувсин, мен қочиб кетиб дарахтларга шохимни уриб тушириб берай, — дебди.

Шундан кейин қарға учиб Пўлатвой аканинг олдига бориб: «Пўлатвой ака», — деб чақирибди.

— Беринг този, қувласин кийик, ташласин шох, қазий тупроқ, қилсин кўза, олай сув, чайқай тумшук, ейман семиз, аъло кўзи, — дебди. Пўлатвой айтибди:

— Тозимнинг қорни оч, бедармон бўлиб ётибди. Тош акамнинг сигири бор, ўша сигирнинг сутидан берсин, олиб келинг ичирамиз, този овқатланиб олиб кийингизни кува берсин, — дебди. Қарға учиб бориб:

— Тошвой ака! — деб чақирибди.

— Лаббай, — дебди Тошвой ака.

— Беринг сут, ичсин този, қувсин кийик, ташласин шох, қазий тупроқ, қилсин кўза, олай сув, чайқай тумшук, ейман семиз, аъло кўзи, — дебди.

Тошвой ака:

— Сигиримнинг қорни оч, далага боргани йўқ. Сен даладан бир кўтарим қуроқ олиб келиб бер, сигир еб сутга кирсин, ундан кейин олиб кетасан, — дебди.

Қарға бир қуроқзор кўлга борибди.

— Беринг қуроқ, есин сигир, берсин сут, ичсин този, қувласин кийик, ташласин шох, қазий тупроқ, қилсин кўза, олай сув, чайқай тумшук, ейман семиз, аъло кўзи, — дебди.

Қуроқ айтибди:

— Юлиб олсанг, қўлингни қийиб кетаман, шаҳарнинг чеккасида ўроқ қиладиган уста Сўкилди деган бор. Битта яхши ўроқ қилиб берсин, мени ўриб олиб кетгин, — дебди. Қарға учиб уста Сўкилдининг олдига борибди:

— Уста, уста, — деб чақирибди. Уста:

— Лаббай, — деб қарганинг олдига чиқибди. Қарға:

— Беринг ўроқ, ўрай қуроқ, есин сигир, берсин сут, ичсин този, қувсин кийик, ташласин шох, қазий тупроқ, қилсин кўза, олай сув, чайқаб тумшук, ейман семиз, аъло кўзи, — дебди.

Уста Сўкилди:

— Кўмирим тамом бўлиб қолган эди. Бир тоғнинг бошида беш-ўн хонадон бор, улар кўмир куйдираётган эмиш, кўмиридан олиб келиб бер, сенга пашшанинг қанотидек олмосдан ўроқ қилиб берай.

Қарға бу ердан ҳам учиб ўшал кўмирчиларнинг олдига бориб:

— Кўмирчи ака, кўмирчи ака, беринг кўмир, қилсин ўроқ, ўрай қуроқ, есин сигир, берсин сут, ичсин този, қувсин кийик, ташласин шох, қазий тупроқ, қилсин кўза, олай сув, чайқай тумшук, ейман семиз, аъло кўзи, — дебди.

Кўмирчилардан бири бир парча кўмирни олдига ирғитиб юборибди. Қарға кўмирни олиб, уста Сўкилдининг олдига келибди:

— Мана кўмирни топиб келдим, — дебди. Уста: «Оббо, важ қилсам ҳам бўлмади-я» деб бир пашшанинг қанотидек олмосдан қилинган ўроқни қарганинг қанотига ўтказиб қўйибди. Қарға бир қанча вақт учгандан кейин ўроқ қанотини шартта қирқиб кетибди, иккинчи қанотига ўтазиб олибди. Яна бир қанча учгандан кейин иккинчи қанотини ҳам шартта қирқиб кетибди. Бечора қарға энди ўроқни бўйнига солибди, уча олмасдан ҳиқиллаб қанча йўл юрибди. Бўйнини ҳам ўроқ шартта кесиб кетибди. Қарға мақсадига етолмай, бир чўлда ўлиб қолибди. Кўзи эса қутулиб қолибди.



## Кийик билан кади

Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан. Бир кийик бор экан. У кийикнинг тоғ камарида уяси бор экан. Уясининг ёнида бир терак бор экан. Бир одам келиб шу теракка кади осиб қўйибди. Кади шамолдан кунин тарақлаб, тунин тарақлаб турар экан. Кади осилган кундан бошлаб кийик уясидан чиқа олмай қолибди. Кийик ҳар куни аста уясининг оғзига келиб қараб, яна кадининг тарақлаганини эшитиб, «Мерган бўлса керак» деб кўрқиб, уйнинг тўрига қочиб кириб кетар экаи. Шундай қилиб кийик ҳафта — ўн кунгача чиқа олмай, очликдан ҳоли кетиб: «Кел-э, очдан ўлгунча мерган отса ҳам ёруғ дунёни кўриб ўлай» деб, аста уясининг оғзидан чиқиб қараса, шамолдан дарахтга урилиб тўқ-тўқ этиб турган кади экан. «Эй, бу кади кўпдан бери ишимни қилди-ку. Буни теракнинг бошидан олиб тушиб билганимни қилай» деб терак бошига чиқиб кадини олиб тушибди. Кадини қуйруғига боғлаб, жони борича чопиб тоғу тошларга уриб тарақлатибди. Охири ўзи чарчаб: «Энди сени бир бўлдиқлатай» деб кадини қуйруғига маҳкам боғлаб, булоқ ёнига келиб секин булоққа солибди. Кадининг ичига сув тўлиб, кийикни сув тагига торта бошлабди. Кийик юқорига тортибди. Кийикнинг қуйруғи шартта узилиб кетибди. Кийик бир чеккага бориб: «Воҳ, менинг қуйруғим узилмаганда, кади мени сувга чўктириб ўлдирган бўлар эди. Энди бир наҳор қилиб олай», деб турганида, ёнига еттита кийик келиб қолибди.

— Ҳа жўра, нимага думинг тўмтоқ бўлди? — дебди. Бу кийик:

— Эй жўралар, бу ўн кун уйимга қамаб қўйди. Очликдан ўлиб қолай дедим. Ахири мен уни алдаб қўлга туширдим. Қуйруғумга боғлаб, тоққа олиб чиқиб тарақлатиб юрдим. Кейин сувга олиб тушиб бўлдиқлатаман деб, қуйруғимга боғлаганимча сувга солган эдим, менга зўрлик қилди. «Жон, кадижон, дўстим десам ҳам қулоқ солмай, қуйруғимни юлиб сув тагига тушиб кетди. Шундай қилиб, тўмтоқ бўлиб қолдим», — дебди. Жўралари:

— Эй жўра, уни бизларга кўрсат, ундан ўчингни олиб берайлик, — деб булоққа қараб кетишибди. Юриб-юриб буларнинг олдидан бир хирмон чиқиб қолибди. Думи тўмтоқ кийик:

— Эй жўралар, менда бир маслаҳат бор, — дебди.

Жўралари:

— Ҳа, нима маслаҳат? — дейишибди. Чўлтоқ кийик:

— Мана шу хирмонни янчиб олиб кетсакчи, — дебди.

Жўралари:

— Эгаси келиб қолса, қандай қиламиз, — дебди. Чўлтоқ кийик:

— Эгасини мен биламан, унинг уйи олис, — дебди. Жўралари:

— Майли бўлмаса, хўбчи<sup>16</sup> ким бўладн? — дебди. Чўлтоқ кийик:

— Хўбчи мен-да, ўланни яхши биламан, — дебди.

Жўралари чўлтоқ кийикнинг маслаҳатига кириб, хирмон ёнига келишибди. Чўлтоқ кийик бир-бировини маташтириб боғламоқчи бўлибди. Жўралари:

— Эй жўра, бўйнимиздан боғламайсанми? — дебди. Чўлтоқ кийик:

— Бўйнингиздан боғласам, мерган келиб қолса, бўшатгунча отиб қўяди. Қуйруқларингдан боғлайман. Мерган келган вақтда ўзи ечилиб кетади, — дебди. Ҳаммасининг қуйруғидан маташтириб боғлаб, буғдой хирмонига солиб, ўлан айтиб ҳайдай берибди. Бир оз ҳайдагандан кейин:

— Вой, одам иси келяпти, — дебди. Яна у ёқ-бу ёққа қараб:— Мерган келиб қолди, — деб туриб қочибди. Буларнинг ҳаммаси «Мерган келиб қолди, — деб бири бу ёққа, бири у ёққа тортиб қочибди. Шундай қилиб, кийикларнинг қуйруғи узилиб, чўлтоқ бўлиб қолган экан. Хўбчи кийик қочганича қочиб кетган экан.

<sup>16</sup> Хўбчи — хирмончи

### Тўпلامдаги эртакларга изоҳлар\*

ЯХШИ НИЯТ - ЯРИМ ДАВЛАТ. Айтувчи: *А. Юнусов*, Тошкент шаҳри, 1965 йил, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *Насрулло Сабуров*.

ДОНО ЙИГИТ ВА УНИНГ ҚАЙЛИҒИ. Айтувчи: *А. Юнусов*, Тошкент шаҳри, 1965 йил, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *Насрулло Сабуров*.

УЧ АВЛИЁ. Айтувчи: *Аҳмад Мирзабеков*, Андижон, 1965 йил, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *Малик Муродов*.

ПОДШОНИНГ МОТ БЎЛИШИ, Андижон Давлат пед-институт материалларидан, нашрга тайёрловчи: *Малик Муродов*.

ЯМОҚЧИНИНГ ҚИЗИ ВА ПОДШОВАЧЧА. Айтувчи: *Ч. Дадажоное*, 1964 йил, нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Насрулло Сабуров*.

ТУЛҒОНОЙ. Айтувчи: *Фозил Йўлдош ўғли*, 1936 йил, инв. № 566. Ёзиб олувчи: *Буюк Карим*, нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

БУЗ БОЛА. Айтувчи: *Собир Ҳошит ўғли*, Термиз, 1926 йил, инв. № 1371. Ёзиб олувчи: *Фулом Зафарий*, нашрга тайёрловчилар *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

ЗУЛМ. Тўпловчи: *М. Маҳсумова*, Андижон, 1957 йил, инв. № 1390, нашрга тайёрловчи: *Х. Расул*.

ТОҲИР ВА ЗУҲРА. Айтувчи: *Зовонбиби Саримсоқова*, Қўқон, 1935 йил, инв. № 421 а, ёзиб олувчи: *Буюк Карим*, нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

ШАҲЗОДА АСАД. Айтувчи: *Ҳамидулла Ҳабибуллаев*, нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

ДЕҲҚОН. Тўпловчи: *Зоҳир Қўчқоров*, Шаҳрисабз, 1956 йил, инв. № 1262, нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

КАНИЗАК БИЛАН ПОДШО. Тўпловчи: *М. И. Афзалов*, инв. № 1385, нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

АҲМОҚ ПОДШОНИНГ ДОНО ХОТИНИ. Айтувчи: *Муҳаррам Сабурова*, Тошкент, 1965 йил, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *Насрулло Сабуров*.

ДОНИШМАНД ЧЎПОН. Айтувчи: *Шариф Мусаев*, Тошкент, 1941 йил, инв. № 195, ёзиб олувчи: *Н. Шарипов*, нашрга тайёрловчи: *Зубайда Ҳусаинова*.

ТУҲМАТГА УЧРАГАН КЕЛИН. Тўпловчи: *Зоҳир Қўчқоров*, Шаҳрисабз, 1957 йил, инв. № 1263, нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

САВДОГАР БИЛАН ПОДАЧИ. Айтувчи: *Рустам Маъмур ўғли*, Самарқанд, Қирқшоди қишлоғи, 1926 йил, инв. № 65, ёзиб олувчи: *Ходи Зарифов*, нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

ҲАСАН ВА ЗУҲРО. Тўпловчи: *М. И. Афзалов*, Тошкент, 1950 йил, инв. № 1370, нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

ОЙЖАМОЛ БИЛАН КАЛ. Андижон пединститутути материалларидан. Нашрга тайёрловчи: *Малик Муродов*.

ДОНО ХОТИН. Айтувчи: *Аминажон Искандарова*, Хоразм область, Ҳазорасп район, Охунбобоев кўча, ёзиб олувчи: *Маликажон Собирова*, нашрга тайёрловчи: *Насрулло Сабуров*.

ТУҲМАТ. Айтувчи: *Нурали Нурмат ўғли*, Тошкент, 1937 йил, инв. № 700, ёзиб олувчи: *А. Шокиров*, нашрга тайёрловчилар» *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

ҲУНАРЛИ ЙИГИТ. Айтувчи: *Тожибой Расулов*, Тошкент, 1945 йил, инв. № 933, ёзиб олувчи: *Ҳожинисо Шокирова*, нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

НАВРУЗ ҚАРОҚЧИ. Айтувчи: *Т. Маҳмудова*, Андижон пединститутути материалларидан.

\* Изоҳларни тузишда ЎзССР ФА, фольклор секторидаги кўлёмалардан фойдаланилди. Бу тўпلامга ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар ҳам илова қилинди.

Нашрга тайёрловчи: *Малик Муродов*,

АНДИЖОНЛИКНИНГ ҲИКОЯСИ. Тўпловчи: *Миркарим Осим*. Тошкент, 1930 йил, инв. № 878, нашрга тайёрловчи: *Зубайда Хусаинова*.

АҲМОҚ ПОДШО. Айтувчи: *Олим Назаров*, Кўкон, 1935 йил, инв. № 347, ёзиб олувчи: *Ҳоди Зарифов*, нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов* ва *Х.Расул*.

МУЛЛА ТАППАК. Тўпловчи: *Р. И. Баришникова*. Андижон, 1957 йил, инв. № 1415, нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*,

КАМБАҒАЛ ҚУРАНДОЗ. Айтувчи: *Эрка қори*. Олтиариқ район, 1935 йил, инв. № 494, ёзиб олувчи: *Шариф Ражабов*, нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

КЕНЖА ЎҒИЛ. Айтувчи: *Тиллабиби Дадабой қизи*, Пискент, 1925 йил, инв. № 57, ёзиб олувчи: *Музайяна Алавия*, нашрга тайёрловчи: *Зубайда Хусаинова*.

ОСМА САВАТ. Айтувчи: *Моҳфира Собирова*, Ҳазорасп район, 1965 йил, ёзиб олувчи: *Муҳаррам Сабурова*, нашрга тайёрловчи: *Насрулло Сабуров*.

ХУЖАМУРОД. Айтувчи: *Ҳайдар Бойчаев*, Янгикўрғон райони, 1965 йил, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *Малик Муродов*.

САВДОГАРНИНГ ТАХМИНИ. Айтувчи: *Ҳайдар Бойчаев*, Янгикўрғон райони, 1965 йил, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *Малик Муродов*.

УЧ КЎКНОРИ. Айтувчи: *Мирзақобил Ғозиев*, Андижон, 1947 йил, инв. № 1076, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *Собиржон Иброҳимов*.

ДОМЛА БИЛАН ХИЗМАТКОР. Айтувчи: *Шоҳимардон*, Шахрисабз райони, 1927 йил, инв. № 427, нашрга тайёрловчи: *Зубайда Хусаинова*.

ХАФА БУЛИШ ЙЎҚ-А. Ёзиб олувчи: *Ф. Партиев*, Андижон, 1957 йил, инв. № 1936, нашрга тайёрловчи: *Х. Расул*.

НОШУД БОЛА. Тўпловчи: *Ф. Абдуллаев*, Тошкент, 1956 йил, инв. № 1372, нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

АРАБ ЛАҚҚИ. Тўпловчи: *М. Аҳмедов*, Тошкент, 1957 йил, нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.

ИККИ АҲМОҚ. Тўпловчи: *Ҳоди Зарифов*, нашрга тайёрловчи: *Зубайда Хусаинова*.

СОҶИ МУМСИК БИЛАН БОҶИ МУМСИК. Андижон, 1957 йил, инв. № 1395, нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.

ЕТТИ АҲМОҚ. Андижон, 1957 йил, инв. № 1394, нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.

ЛОФЧИ. Тўпловчи: *М. Мақсумов*, Наманган, 1935 йил, инв. № 267, нашрга тайёрловчи: *Зубайда Хусаинова*.

ЭР-ХОТИН ВА ЎҒРИЛАР. Айтувчи: *Абдулла Собиров*, Ҳазорасп район, 1965 йил, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *Насрулло Сабуров*.

ТАН СИҲАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК. Айтувчи: *М. Фанисв*, Тошкент, 1957 йил, инв. № 1419, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.

ОТА ВАСИЯТИ. Айтувчи: *Муродилла Зиёдов*, Андижон, 1965 йил, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *Малик Муродов*.

ОТАНГА ҚИЛСАНГ БОЛАНГДАН ҚАЙТАДИ. Айтувчи: *Одилахон Аҳмедова*, Тошкент, область, Чиноз райони, 1965 йил, ёзиб олувчи: *Муҳаррам Сабурова*. Нашрга тайёрловчи: *Насрулло Сабуров*.

ҲОЗИРЖАВОБ ВАЗИР. Атувчи: *Моҳфира Собирова*, Ҳазорасп район, 1965 йил, ёзиб олувчи: *Муҳаррам Сабурова*. Нашрга тайёрловчи: *Насрулло Сабуров*.

ТИЛ ТИҒДАН ЎТКИР. Айтувчи: *Шодмон Батиров*, Сирдарё область, Сирдарё район, Малик совхоз, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *Насрулло Сабуров*.

ЯХШИСИ ҲАМ ТИЛ, ЁМОНИ ҲАМ ТИЛ. Айтувчи: *Гулжон Момо*, Ҳазорасп район, 1961 йил ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *Насрулло Сабуров*.

ИБН СИНО ВА ТАРБИЯ. Айтувчи: *Малик Аминов*, Бухоро область, Гиждувон райони, 1965 йил, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *Малик Муродов*.

НАВОИЙ БИЛАН ЧЎПОН. Тўпловчи: *М. И. Афзалов*.

НАВОИЙ ВА ҲУСАЙН. Тўпловчи: *Малик Муродов*.

НАВОИЙ БИЛАН МАРДИКОР. Айтувчи: *Шерозий Ёқубов*, Хива, 1936 йил, инв- №607, ёзиб олувчи: *Буюк Карим*. Нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.

ДУНЁДА НИМА ЛАЗЗАТЛИ? Тўпловчи: *М. И. Афзалов*.

НАВОИЙ КИМНИ ЁМОН КУРГАН? Тўпловчи: *М. И. Афзалов*.

НАВОИЙ ВА УНИНГ СЕВГАН ҚИЗИ. Тўпловчи: *М. И. Афзалов*.

НАВОИЙ БИЛАН ЯМОҚЧИНИНГ ЎҒЛИ. Инв. № 884. Нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.

УР ТУҚМОҚ! Тўпловчи: *Миркарим Осим*, инв. № 873, нашрга танёрловчи: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

ЖОВУР ЧОЛ. Тўпловчи: *Раҳматулла Юсуф ўғли*, Нурота райони, 1948 йил, инв. № 1090, нашрга тайёрловчи: *Зубайда Ҳусаинова*.

БЎРИ БИЛАН МЕРГАН. Айтувчи: *Султонҳожии Раҳимов*, Наманган, 1935 йил, инв № 628, ёзиб олувчи: *Ҳоди Зарифов*. Нашрга тайёрловчи: *Зубайда Ҳусаинова*.

ЎТИНЧИ ЙИГИТ БИЛАН ШЕР. Айтувчи: *Султонҳожии Раҳимов*, Наманган, 1935 йил, инв. №628, ёзиб олувчи: *Ҳоди Зарифов*, Нашрга тайёрловчи: *Зубайда Ҳусаинова*.

ҲАНДАЛАК ПОЛВОН. Айтувчи: *Дўст Тошев*, Қашқадарё область, Китоб райони, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *Зубайда Ҳусаинова*.

ЎТИНЧИ ЧОЛ БИЛАН ТУЛКИ. Айтувчи: *Аҳмедов*. ёзиб олувчи: *Зайтуна Каримова*. 1950 йил, инв. № 1126. Марғилон. Нашрга тайёрловчи: *Зубайда Ҳусаинова*.

ОЛТИН ТАРВУЗ. Айтувчи: *Вафо Раҳимкул ўғли*, 1940 йил, инв. № 638, ёзиб олувчи: *Қурбон Машарипов*, нашрга тайёрловчи: *М- И: Афзалов, Х. Расул*.

ТУЛКИ БИЛАН ТОВУС. Айтувчи: *Ҳайдар Бойчаева*. Янгикўрғон райони, 1953 йил, инв. № 1174, ёзиб олувчи: *Ф. Абдуллаев*, нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

ОВЧИ, КУКЧА ВА ДОНО. Айтувчи: *Шариф Мусоев*. Тошкент, 1941 йил, инв. № 205, ёзиб олувчи: *Н. Шарипов*, нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

ҚУЙ БИЛАН БУРИ. Айтувчи: *Ҳайдар Бойчаев*, Янгикўрғон райони, 1965 йил, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *Малик Муродов*.

ЧУ-ЧУ, МЕКУНАМ. Андижон пединституту материалларидан, Нашрга тайёрловчи: *Малик Муродов*.

БУРГУТЛАР. Тўпловчи: *Неъматулла Мадаминов*, Андижон, 1957 йил, инв. № 139, нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.

ҚЎНҒИЗ БИКАЧ. Тўпловчи: *Қ. Қодиров*, Андижон, 1957 йил, инв. № 1387, нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.

ОЧ БЎРИ. Айтувчи: *Ҳайдар Бойчаев*, Янгикўрғон райони, 1953 йил, инв. № 174, ёзиб олувчи: *Фатҳулла Абдуллаев*. нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

ЭЧКИ, ҚУЙ ВА БЎРИЛАР. Айтувчи: *Мадраҳим Матниёзов*. Хоразм область, Ҳазорасп район, Охунбобоев кўча, уй 47, Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *Насрулло Сабуров*.

ҚУМУРСҚА. Айтувчи: *Тош шоир Чоршанба ўғли*, 1957 йил, инв. № 1158, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.

ТУЛКИ БИЛАН БЎРИ. Айтувчи: *Ҳайдар Бойчаев*, Янгикўрғон райони, 1953 йил, инв. №1174, ёзиб олувчи: *Фатҳулла Абдуллаев*, нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*,

КАМПИР БИЛАН ШАҚАЛ. Айтувчи: *Абдулла Нурали ўғли*, Китоб район, 1936 йил, инв. № 66 а, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *Ҳоди Зарифов*.

ТУЛКИБОЙ. Тўпловчи: *А. Аҳмедов*. 1949 йил, инв. № 1080, нашрга танёрловчи: *Зубайда Ҳусаинова*.

БУЗОҚ, ЭЧКИ ВА ҚУЗИ. Айтувчи: *Ҳайдар Бойчаев*, Янгиқўрғон райони, 1953 йил, инв. № 1171, ёзиб олувчи: *Фатхулла Абдуллаев*, нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

БОТИР ЭЧКИ. Айтувчи: *Ашур Холдор*, Андижон, 1935 йил, инв. № 636 а, ёзиб олувчи: *С. Иброҳимов*, нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.

БУРИ БИЛАН ТУЛКИ. Айтувчи: *Султонхожи Раҳимов*, Наманган, 1928 йил, инв. № 70, нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.

ИЛОННИНГ ИШИ ЗАҲАР СОЛМОҚ. Айтувчи *М. Фаниев*, Тошкент, 1948 йил, инв. № 1104 а, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.

ЛАЙЛАК БИЛАН ТУЛКИ. Айтувчи: *Тош шоир Чоршанба ўгли*, Шахрисабз, 1957 йил, инв. № 1359, ёзиб олиб, нашрга тайёрловчи: *М. И. Афзалов*.

СУСАМБИЛ. Айтувчи: *Саманбиби*, Андижон, 1938 йил, инв. №810, ёзиб олувчи: *С. Иброҳимов*. Нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

ЭЧКИНИНГ ЎЧ ОЛИШИ. Айтувчи: *Ҳайдар Бойчаев*, Янгиқўрғон райони, 1958 йил, инв. №.1114, ёзиб олувчи: *Фатхулла Абдуллаев*. Нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

ҲИЙЛАГАР БЕДАНА. Айтувчи: *Ҳайдар Бойчаев*, Янгиқўрғон райони, 1953 йил, инв. №1174, ёзиб олувчи: *Фатхулла Абдуллаев*, нашрга тайёрловчилар: *М. И. Афзалов* ва *Х. Расул*.

ҚАРҒА БИЛАН ҚЎЗИ. Айтувчи: *Султонхожи Раҳимов*, Наманган, 1935 йил, инв. № 627, ёзиб олувчи: *Ҳоди Зарифов*. Нашрга тайёрловчи: *Зубайда Ҳусаинова*.

КИЙИК БИЛАН КАДИ. Айтувчи: *Тожибой Қулмат ўгли*, Самарқанд, 1926 йил, инв. № 62, ёзиб олувчи: *Ҳоди Зарифов*, нашрга тайёрловчи: *Зубайда Ҳусаинова*.